# ЁШЛАРДА

## САЛБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ ТАШҚИ ТАЪСИРЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ, ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ



ЁШЛАРГА ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАРКАЗИ

# «ЁШЛАРДА САЛБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ ТАШҚИ ТАЪСИРЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ, ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ»

МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
**МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ**

Тошкент-2022

Ёшларда салбий ўзгаришларни келтириб чиқарувчи ташқи таъсирларнинг ижтимоий, педагогик ва психологик жиҳатлари / Мақолалар тўплами. – Тошкент, 21.10.2022 й. – 328 бет.

Мазкур тўплам "Ёшларда салбий ўзгаришларни келтириб чиқарувчи ташқи таъсирларнинг ижтимоий, педагогик ва психологик жиҳатлари" мавзусига бағишлаб ўтказилган Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари асосида тайёрланган. Ушбу тўпламда психология ва педагогиканинг назарий, методологик ҳамда умумпсихологик масалалари, ижтимоий-маънавий ўзгаришлар, ёшларнинг ижтимоий-психологик муаммолари, унинг сабаб ва ечимлари, ёшларнинг хулқ-атвори ва дунёқарашида кузатилаётган ўзгаришлар, ижтимоий-психологик таъсирлар, ижтимоий-психологик муаммоларнинг ёшлар руҳиятида намоён бўлиш хусусиятларини илмий тадқиқ этиш бўйича олиб борилаётган изланишларнинг долзарб йўналишлари, бу борада йиғилган маълумотлар ва улардан амалиётда фойдаланиш имкониятлари юзасидан амалий билимлар тақдим этилади.

Мақолалар тўплами соҳа мутахассислари, маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга масъул ходимлар, педагоглар, амалиётчи психологлар, психология таълим йўналиши талабалари, тадқиқотчилар, бошқа турдош йўналишлар вакилларига мўлжалланган. Мазкур тўплам жамият илмий-маърифий ҳаётини янада такомиллаштиришга, соҳадаги тадқиқотларни жадаллаштиришга хизмат қилади.

**ТАШКИЛОТЧИ:**
**Ёшларга ижтимоий-психологик хизмат кўрсатиш маркази**

**ТАҲРИР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ:**

**ЗЕБО КАСИМОВА** – ЎзХИА, пед. фанлари номзоди, профессор, кафедра мудири
**МАРҒУБА МИРҚОСИМОВА –** ЎзХИА, педагогика фанлари доктори, профессор
**АБДИМУМИН РАСУЛОВ** – ЎзМУ, психология фанлари доктори, профессор
**БАҲРОМ ФАРФИЕВ** – ЎзХИА, социология фанлари доктори, доцент
**ХЎЖАГЕЛДИ АЛИМОВ** – ЎзХИА, психология фанлари номзоди, доцент
**МИРМУҲСИН АКРАМОВ** – ЎзХИА, психология фанлари бўйича PhD, доцент в.б.
**ФЕРУЗА РАСУЛОВА –** ЎзХИА,психология фанлари бўйича PhD, доцент в.б.
**НАРГИЗА ҒАЙИБОВА –** ЎзХИА, психология фанлари бўйича PhD, доцент в.б.
**ДОНО КАЛАНДАРОВА** – ЎзХИА, фалсафа фанлари бўйича PhD
**АЗАМАТ НАЗАРОВ** – ЎзХИА, катта ўқитувчи
**МУШТАРИЙ ИСАЕВА** – ЎзХИА, стажёр ўқитувчи
**САРВАР ҚАХХОРОВ** – ЎзХИА, таянч докторант, психолог
**МАЪРУФ КУБАЕВ** – ЎзХИА, стажёр тадқиқотчи, психолог

«Ёшларда салбий ўзгаришларни келтириб чиқарувчи ташқи таъсирларнинг ижтимоий, педагогик ва психологик жиҳатлари» мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференциясини ўтказиш Ёшларга ижтимоий-психологик хизмат кўрсатиш маркази Илмий-психологик Кенгашининг 2022 йил 14 сентябрдаги 01-04/04 сонли мажлис баёни билан мақулланган.

Тўпламда келтирилган маълумотларнинг холислиги ва ишончлилигига мақола муаллифлари масъулдирлар.

# ЎҚУВЧИЛАРДА ТАШКИЛОТЧИЛИК СИФАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК МЕХАНИЗМИ

*Марғуба Мирқосимова*
*п.ф.д., проф. - Ўзбекистон халқаро ислом академияси*

**Аннотация.** Мақолада шахснинг ташкилотчилик сифатларини шакллантириш натижаси сифатида касбий компетентлигини таъминлаш орқали таълим сифатини оширишда янги ижтимоий эҳтиёж ва замонавий талабларга жавоб берадиган ташкилотчи кадрларни тайёрлаш масаласининг долзарблиги асосланган. Ўқувчиларда ташкилотчилик сифатларини шакллантириш ишларининг самарали олиб борилиш механизмлари: дарсдан ташқари ишлар шунингдек, мактаб бадиий кечалари, турли байрамлар, қувноқлар ва топқирлар мусобақаларининг аҳамияти ёритилган.

**Калит сўзлар**: замонавий таълим, тарбия самарадорлиги, ташкилотчилик сифатлари, замонавий талаблар, ташкилотчи кадр, компитенциявий ёндашув, инновацион механизмлар.

Ҳозирги кунда замонавий таълим дастурлари ва технологияларини таълим-тарбия жараёнига жорий этиш, ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда ўқув машғулотлари самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буюк Британия (University of Cambridge), АҚШ (Harvard University), Германия (University of Haidelberg), Англия (University of Oxford), Жанубий Корея (Аджу университети) университетларида инновацион стратегияларни ўқув машғулотларига қўллаш асосида ўқувчиларда ташкилотчилик сифатларини шакллантириш ишлари самарали олиб борилмоқда.

Ривожланган мамлакатларда шахснинг ташкилотчилик сифатларини шакллантириш натижаси сифатида касбий компетентлигини таъминлаш орқали таълим сифатини оширишда янги ижтимоий эҳтиёж ва замонавий талабларга жавоб берадиган ташкилотчи кадрларни тайёрлаш кўзда тутилади. Шу сабабдан шахсда ташкилотчилик сифатларини таркиб топтириш масаласи илмий муаммо сифатида қатор олимлар томонидан ўрганилган. Бу йўналишдаги ишларда таълим

тизимини модернизациялаш, бугунги кун талабларига мос равишда интеграциялаш, компетенцияларга асосланган таълим дастурларини жорий этиш, ўқувчиларининг ташкилотчилик сифатларини шакллантиришга хизмат қилувчи илғор инновацион механизмларни ишлаб чиқиш долзарб муаммо сифатида эътироф этилмоқда.

Ўқувчиларнинг ташкилотчилик фаолияти ўзига хос аҳамият касб этади. Айниқса, илғорликка, раҳбар ролини бажаришга интилиш ўқувчининг ташаббусида намоён бўлади. Ўз фикрини бошқаларга етказиш ва ўтказиш, шунингдек, ўзига бўйсундириш, илғорликка, сардорликка интилиш ҳолатлари юқори синф ўқувчиларида кузатилади. Дарс жараёнида муаммоли вазиятларнинг яратилиши ўқувчиларнинг топшириқларни бажаришда ўзаро тенг иштирок этиш, фикрлаш жараёнини жадаллаштириш, ўз олдиларига аниқ мақсадлар қўя билиш, мақсадга эришиш йўлларини излаш, ўзаро ранг-баранг фикрларни тинглаш, мушоҳада юритиш, ўз фикрини эркин баён қилиш, ўз-ўзини ва ўзгаларнинг фаолиятларини баҳолай билиш, бир-бирларига кўмаклашишга имкон яратади. Шу билан бир қаторда, муаммоли вазият кўпроқ гуруҳ шароитида амалга оширилиши боис ўз-ўзидан гуруҳ лидерлари, етакчилари ажралиб чиқади ва қайсидир маънода уларда етакчилик ҳамда ташкилотчилик сифатлари кўзга ташланади. (2.: 21.)

Дарсдан (синфдан ташқари ишлар) ташқари иш жараёнларида олинган ахборотлар ҳам идрок этилади, қайта ишланади, тўлдирилади , натижада янги билимлар ҳосил қилинади. Ўқувчилар синфдан ташқари ишларда фаол қатнашиб, жамоа билан муайян муносабатга киришишга, жамоада ишлашга, жамоатчилик фикрига бўйсунишга, жамоа ютуғи учун курашишга ўрганадилар. Ушбу шароитда таълим, меҳнат ва ўйин финишларидаги бошланғич ижтимоий фаолиятни ташкил этишда масъулият ва бурчни англаш ўқувчининг ўзи ва жамоанинг манфаати ўртасидаги қарама-қаршиликларни қанчалик самарали ҳал этилишига қараб белгиланади.Мазкур жараёнда ўқувчи жамоа билан ишлаш маданиятини ўзлаштириб боради.

Ўқувчиларда ташкилотчилик сифатларини шакллантиришга йўналтирилган дарсдан ташқари ишлар шунингдек, мактаб бадиий кечалари, турли байрамлар, қувноқлар ва топқирлар мусобақалари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ушбу жараёнда ўқувчиларнинг жамоа билан муносабатлари қарор топади: жамоада ўзини тутиши, бир-бирига хурмати, руҳий яқинлик, бир-бирини тушуниш, ҳамфикрлик, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам каби аҳлоқий сифатлар шаклланиб боради. Бунда ўқувчиларнинг бир-бирига ёрдам беришлари, фикр алмашишлари, баҳс маданияти, муомала-мулоқат маданияти шаклланиб боради. Мактаб кечалари, ўқувчилар байрамлари, қувноқлар ва топқирлар мусобақалари кўп жиҳатдан педагогик жамоа, турли ташкилотлар, синф фаоллари ёрдамида йўлга қўйилади. Айниқса, синф фаоллари бу борада етакчи роль ўйнайдилар.(1.: 67.)

Таълим тизимида шаклланган тўгараклар эса ўқувчининг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга, уларнинг онгида юксак маънавий-аҳлоқий фазилатларни мужассамлашга йўналтирилган бўлиши керак. Ўқувчилар тўгарак ишларида фаол қатнашиб, фан ва маданиятнинг сўнгги ютуқларидан хабардор бўлишлари, тўгарак йўналиши ва иш режасига кўра алоҳида ўқув предметидан янги маълумотларни, тушунчаларни ўзлаштиришлари кўзда тутилади. Тўгарак аъзоларида мустақиллик, масъулиятли ёндашув, янги тушунчаларни ўзлаштиришга қзиқиш билан интилиш, жамоада ишлаш каби сифатлар шаклланган бўлиши бу жараённинг самарали кечишини таъминлайди.Тўгарак машғулотларида ҳам фаоллар, етакчиликка интилувчилар кўзга ташланади. Бундай ўқувчилар фаолиятини рағбатлантириб бориш орқали барча ўқувчилардан ўқитувчини диккат билан эшитиш, топшириқларни ўз вақтида бажариши, интизомга риоя қилиши қатъий талаб этилиши лозим. (3.: 97.)

Хулоса сифатида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўқувчиларда ташкилотчилик сифатларини шакллантириш жараёни узвийлик, тизимлилик асосида олиб борилиши ҳамда педагогик шарт-шароитлар тўлалигича ҳисобга олиниши лозим. Ижодий топшириқларни бажариш жараёнида инновацион ёндашувлар, ўқитишнинг фаол замонавий усулларидан кенг фойдаланиш ўқувчиларнинг фаоллигини янада оширади. Ўқувчиларда ташкилотчилик

сифатларини шакллантириш жараёнини янада такомиллаштириш, дарсда ўзлаштирилган билимларини амалда мустаҳкамлаш мақсадида турли тадбирлар, хусусан, байрамлар, турли кечалар, беллашувлар ўтказиш кутилган натижани беради. Ўқувчиларда ташкилотчилик сифатларини шакллантириш тизимини ривожлантиришнинг касбий йўналтирилган технологияларини ишлаб чиқиш, миллий кадриятлар тизимига асосланган касбий имижини шакллантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1.Джамилова Н.Н. Педагогические основы формирования организаторских качеств у учащихся педагогических колледжей. Ташкент: Фан, 2007.

2.Х.А.Хужахонов, А.А.Валиева, Р.Х.Валиев. Ўқувчиларнинг қизиқиш ва мойилликлари диагностикаси (методик тавсияномалар)- Т.: РУММ,1993.-28 б.

3.Ўқувчилар руҳиятига психологик-педагогик ёндашиш йўллари (ўқувчилардаги психологик муаммолар ва уларни бартараф этишда мутахассис маслахати) // Услубий қўлланма. - Т.: Республика Ўқувчилар ижтимоий мослашуви маркази, 2008. Б. 152.

## ПРЕИМУЩЕСТВА ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ КОММУНИКАЦИИ И ПЕРЕДАЧИ СООБЩЕНИЯ В УСЛОВИЯХ АУДИТОРНОГО ОБУЧЕНИЯ

*Касимова Зебо Хамидовна – к.п.н., профессор,*
*заведующая кафедрой «Психология религии и педагогика»*
*международной исламской академии Узбекистана*

Известно, что в процессе преподавания большое значение имеет мастерство педагога. Чем лучше преподаватель владеет педагогическими приемами подачи информации, тем лучше и глубже учащиеся усваивают предлагаемый курс. Процесс передачи знаний связан с определенными трудностями как подачи самого материала, так и его усвоения. Известно, что один и тот же курс может быть прочитан преподавателями, владеющими (или не владеющими) соответствующими приёмами и способами передачи знаний. В самом общем виде,

ситуацию аудиторной передачи сообщения можно представить в следующем виде:

преподаватель - сообщение – аудитория - обратная связь.

Уточним некоторые особенности лекционного сообщения, по сравнению с передачей информации по каналам связи массового (технического) типа.

1.В лекционной ситуации речь преподавателя является разновидностью прямой коммуникации, когда между оратором и аудиторией нет пространственных или временных преград, следствием чего является синхронность восприятия речи.

2. В лекционной ситуации характерно наличие «обратной связи», т.е. возможность воспринимать реакцию аудитории непосредственно во время выступления и при необходимости корректировать его.

3. В лекционной ситуации возможно отчётливое проявление личных качеств оратора и их эмоциональное воздействие на аудиторию.

4. Речь преподавателя характеризуется комплексностью в использовании различных знаковых систем:

- лингвистической (язык);

- паралингвистической (интонация);

- кинетической (мимика, жесты).

5. И, наконец, в лекционной ситуации довольно точно известен адресат сообщения, когда преподаватель имеет определенное представление о составе и особенностях аудитории, к которой он обращается. В этом смысле лекционное сообщение занимает промежуточное положение между межличностной коммуникацией, имеющей самый точный адрес, и массовой коммуникацией с весьма неопределенным адресом.

Рассмотрим виды обратной связи. Она может быть:

1. Линейной - преподаватель получает сведения о реализации речи по слуховому каналу в виде реплик слушателей, шума в аудитории и т.д.

2. Нелинейной - преподаватель получает сведения о реализации речи по каналу невербальной коммуникации. Наблюдая за мимикой и жестами молчащей

аудитории, опытный преподаватель безошибочно определяет характер её реакции. Улыбка, кивок головы в знак согласия, выражение интереса в глазах или, наоборот, пожимание плечами, отсутствующий взор и т.д. - всё это решающим образом влияет на поведение оратора и даёт ему возможность ориентации и коррекции.

3. Внутренней - преподаватель анализирует свою собственную роль и корректирует её, сравнивая с внутренним эталоном, в соответствии с собственным стандартом.

4. Внешней - преподаватель сопоставляет задание с поведением аудитории и её реакции на сообщение.

Психологические исследования показывают, что обратная связь, возможность наблюдать аудиторию, а также слышать звуки собственного голоса положительно влияют на весь ход речи. Благодаря обратной связи отношение «преподаватель - аудитория» превращается в процесс взаимостимуляции, сотрудничества, в особый вид коллективного творчества. Наоборот, перерывы в обратной связи вызывают неуверенность в речи и поведении преподавателя, снижают эффективность занятия. Таким образом, наличие обратной связи составляет важное преимущество в системе коммуникации «преподаватель - аудитория», дающее возможность опытному лектору успешно управлять аудиторией.

В процессе самого чтения лекции, точнее, в последовательности предъявления учебного материала, имеется несколько основных особенностей. Так, для лучшей организации внимания возможно использование следующих приёмов: вызывание интереса, связанного с личным мотивами слушателей, постановка практической проблемности лекций, обращение к опыту и знаниям слушателей, учёт специфики аудитории - её возраста, психических особенностей и т.д.

При чтении лекции обязательно следует учитывать так называемый «эффект начала», который заключается в том, что первые 8-15 минут лекции наиболее

важны для организации внимания аудитории. Поэтому необходимо концентрировать мотивационно-проблемные ситуации именно в этот период.

В середине лекции наступает утомление аудитории, что ведёт к затруднению восприятия материала. Поэтому следует правильно уловить начало утомления и попытаться каким-то образом снять эту усталость, отвлечь аудиторию, временно переключить её на другую деятельность («освежить внимание»). Необходимо также учитывать, что в соответствии с «эффектом ряда» материал середины лекции запоминается хуже, чем начало и конец, поэтому его необходимо подкреплять более сильными средствами, как правило, или облегченным способом введения информации, или сильным личным или эмоциональным подкреплением, т.е. давать более яркий, но не столь перегруженный информацией материал, чем в начале и конце. Иногда, если позволяет ситуация, для уменьшения «эффекта ряда» следует просто сделать перерыв, разбив этим предъявляемый ряд информации на два меньших отрезка, что повысит усвоение. Повторение также улучшает запоминание.

Далее, имеется «эффект конца» - каким образом закончить лекцию? Здесь желательно не только закрепление только что прочитанного материала, но и актуализация направленности на будущие знания, или на будущий личный или эмоциональный интерес слушателя.

Рассмотрим самые общие рекомендации для подготовки речевого сообщения.

1. Цель лекции. Она может быть следующей:

- побуждающая;
- информативная;
- развлекательная.

Каждая цель по-своему определяет направленность сообщения, но в системе «преподаватель - аудитория» чаще всего используется информативная речь. Однако, в некоторых случаях не следует избегать элементов агитации (побуждения) и даже элементов юмора и шутки (развлекательный тип),

применяемых в малых дозах в середине лекции для снятия утомления, освежения внимания и уменьшения общей психической нагрузки аудитории.

2. Главная тема. Она наиболее информативно насыщена, должна иметь тщательно разработанный конкретный план.

3. Усиление воздействия. Может быть ссылка на различные отзывы, на мнение авторитетов, выдающихся людей, крупных ученых.

Кроме того, может быть использовано обращение к ассоциациям: а) положительным, к тому, что вызывает приятные ощущения, эстетические переживания; б) отрицательным, например, отказ студента от использования лекционного материала можно ассоциировать с провалом на экзамене.

4. Заключение. Как уже говорилось, на этом этапе лекции должно быть дано обобщение основных идей, поставлена далеко идущая цель, и, по возможности, должна быть сформирована длительная сильная мотивация или положительная установка по отношению к материалу сообщения.

3. Управление аудиторией

Переходим теперь к специфике непосредственной передачи сообщения в речевом аспекте, т.е. к особенностям речевого построения сообщения.

Известно, что задача сосредоточения внимания слушателей решается прежде всего вступительной частью, однако овладеть вниманием мало - необходимо удержать его на протяжении всей лекции.

Устойчивость внимания в большинстве случае является результатом слияния произвольного и непроизвольного внимания аудитории. Одним из важнейших условий такого слияния является педагогическое мастерство преподавателя, а также соответствие содержания выступления интересам и установкам аудитории. Однако устойчивость внимания зависит от ряда следующих факторов:

1. Речь должна быть хорошо организована логически.

2. Речь, в которой содержится нечто новое, любопытное для аудитории, удерживает внимание слушателей сильнее, чем речь, где новизна отсутствует.

3. Лекция, в содержание которой включены конфликтные ситуации, а также в которой подача фактов или идей дана в противопоставлении, в значительной мере поддерживает внимание слушателей.

4. Конкретное в речи привлекает внимание сильнее, чем абстрактное. Поэтому с целью поддержания внимания желательно чередовать абстрактные рассуждения с конкретными фактами, примерами, иллюстрациями.

5. Аудитория, как правило, акцентирует свое внимание на тех моментах лекции, которые «подчеркивает» преподаватель. При этом, конечно, для повторения наиболее важных выводов или мыслей всякий раз следует искать новую, оригинальную форму, избегая однообразия.

5. Во время чтения лекции преподаватель должен постоянно поддерживать зрительный контакт с аудиторией в целях воздействия на неё и получения обратной информации от слушателей. Однако наличие зрительного контакта глаз отнюдь не означает, что преподаватель в данный момент видит всех и каждого. Но впечатление такого контакта с каждым слушателем создается в том случае, если лектор во время лекции будет переводить медленно взор от одной части аудитории к другой, от передних рядов к задним, не оставляя без внимания никого из слушателей. Однако не следует слишком долго задерживать взгляд на одном из слушателей, выбрав его в качестве определенного «барометра». Это может смутить слушателя или, наоборот, будучи польщен столь исключительным вниманием, он может реагировать слишком эмоционально на речь, невольно стараясь «угодить» преподавателю.

О сосредоточенности внимания аудитории свидетельствует тишина в зале, спокойные позы и внимательные взоры слушателей, устремленные на преподавателя. Однако, если слушатели начинают отвлекаться, глаза их теряют выражение интереса, в аудитории поднимается легкий шум, то для восстановления утраченного внимания следует прибегнуть к определенным приемам. Перечислим некоторые из них.

1. Голосовые приемы. Для активизации внимания аудитории достаточно бывает усилить громкость речи или повысить тон голоса. Иногда можно

использовать обратный прием: понижение громкости вплоть до шепота или понижение тона голоса. В некоторых случаях можно использовать изменение темпа речи, особенно её замедление.

2. Жест и движения. Эмоциональный или указующий жест помогает сосредоточить внимание аудитории. Причем движение лектора вперед, по направлению к слушателям, как правило, усиливает внимание, в то время как движение назад дает определенную разрядку.

3. Пауза. Рассчитанная и умело выдержанная пауза в середине лекции часто может оказать «гипнотизирующее» влияние на аудиторию, сосредоточивая её внимание на нужном месте речи. Нередко пауза действует даже сильнее, чем голосовые приемы.

4. Вопросы, которыми прерывается речь, всегда вносят определенную разрядку, обостряют внимание аудитории, заставляют её думать вместе с преподавателем.

5. Неожиданный перерыв мысли. Как правило, внимание аудитории восстанавливается, если преподаватель неожиданно прерывает начатую мысль и, некоторое время поговорив о другом, вновь возвращается к недоговоренному ранее. Кстати, подобный прием можно использовать и для того, чтобы возвратиться к тому месту речи, которое было случайно пропущено преподавателем («Да, чуть было не забыл…»).

6. Наглядные средства. Иллюстрации, диаграммы, графики не только обладают информативной значимостью, но и помогают переключить или восстановить внимание аудитории, так как смена слухового восприятия на зрительное обязательно привлекает непроизвольное внимание.

Таким образом, мы рассмотрели самые общие закономерности передачи сообщений в аудиторной ситуации. Все они должны с необходимостью учитываться преподавателями в их профессиональной деятельности.

**Литература**

1. Горянина В.А. Психология общения. - М.: Академия, 2002.

2. Зарецкая Е.Н. Риторика: Теория и практика речевой коммуникации. - М.: Дело, 1999.

3. Зимняя И.А.. Педагогическая психология. - М.: Логос, 2002.

4. Кан-Калик В.А. Учителю о педагогическом общении. - М., 1987.

5. Кондратьев С.В. Типические особенности педагогического взаимодействия // Вопросы психологии. - 2004. - №4.

6. Котова И.Б., Шиянов Е.Н. Педагогическое взаимодействие. - Ростов-на-Дону, 1997.

7. Леонтьев А.А. Педагогическое общение. - М., 1979.

## НАФС ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

*Алимов Хўжагелди Мустафоевич*
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Дин психологияси ва педагогика” кафедраси доценти, психология фанлари номзоди*

Нафс тасаввуф психологиясининг марказий масалаларидан биридир. Нафсни поклаш руҳий тарбия асосида амалга оширилади. Нафс масаласига сўфийларимиз ва олимларимиз алоҳида эътибор қаратишганлар. Уларга қуйида тўхталиб ўтамиз.

Ж.Нурбахш ўзининг “Психология суфизма” китобида “нафс” ҳақида шундай деб ёзади: “Нафс” сўзи қуйидагиларни билдиради: моҳият, психика, ақл, тирик мавжудот, шахс, индивидуаллик, шахс аниқланганлиги. Араб тилида шахсий олмошлар мавжуд эмас, уларнинг ўрнини айн ва нафс сўзлари эгаллайди”[1]

[1] Джовад Нурбахш . Психология суфизма (Дел ва нафс: сердце и душа). Пер. С англ. Л.М.Тираспольского. – М.1998. – 176 с. -3-бет.

Нажмиддин Кубронинг “Тасаввуфий ҳаёт” китобида “нафс”га шундай таъриф беради: “нафс” – ўзлик, руҳ, зот” . Сўфийлар инсонни тўғри ва эзгу йўллардан оздирувчи, барча тубанликларга “доя”лик қилувчи майлларни нафсга нисбат берадилар. Уларча нафс – золим, шум, гушна, чиркин, калтабин”[2].

Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ўзининг “Тасаввуф ҳақида тасаввур” китобида тариқат йўлига киришнинг босқичлари ҳақида ёза туриб, таъкидлайди: “Дастлабки босқичда янги мурид тавба ва унинг шартларига асосий эътиборини қаратади. Иккинчи босқичда муридга ўз нафсига қарши жиҳод қилишлиги ўргатилади. Бунда унга қарзларни тўлиқ адо этиш, одоблар, нафл ибодатлар, ҳикматли жимлик, мўътдил очлик, тарбиявий узлат ва хайрли бедорлик ўргатилади”[3].

Тасаввуф илмида бу босқич мужоҳада ҳам дейилди ва унинг маъноси қуйидагича: “нафсни вужудий машаққатлар ила қийнаши, ҳаво ва ҳавасга қатъийян қарши курашиш”[4].

Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ўзининг “Руҳий тарбия. Покланиш” китобида “нафс” терминини  “ҳавои нафс” кўринишида келтиради ва унга қуйидагича таъриф беради: “ҳавои нафснинг бўшлиги ва йиқилишини англатади. Бинобарин, “ҳавои нафсига эргашиш” деганда нафсни бўш қиладиган ва уни қулатадиган нарсага эргашиш англашилади”[5].

Маҳмуд Асъад Жўшон ўзининг “Тасаввуф ва нафс тарбияси” китобида “нафс”га шундай таъриф беради: “Нафс инсоннинг моддий ўзлиги, “Мен”лигидир. Тилимизда унинг муқобили мавжуд эмас. Уни фақат таърифлай ва тасвирлай оламиз. Жаноби Аллоҳ (ж.ж.) бизнинг ботинимизга бир идора этувчи, жисмимизни, моддий борлиғимизни, ҳаёт учун зарурий манфаатларимизни қўриқлаш ва қўллаш мақсадида фаолият кўрсатувчи маънавий бир борлиқ

---

[2]Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2004. – 263 б.- 230-бет.

[3] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2004. - 255 б. – 161-бет.

[4] Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2004. – 263 б. – 228-бет.

[5]Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Руҳий тарбия. Покланиш. 1-жуз. - Т.: “Шарқ” Нашриёт-матбаааакциядорлик компанияси, 2007. - 447 б. – 436-бет.

жойлаштирган, ана шу нафсдир”[6]. Эътибор берилса, бу ерда нафснинг иккита сифатига алоҳида тўхталади, яъни нафснинг мавжуд бўлишлиги зарур экан ва унинг истаклари табиий экан, бироқ у доимий таъқиб ва назоратда бўлиши, тарбияланиши ва ёмон иллатлардан покланиши шарт экан.

Жалолиддин Румий нафс ҳақида шундай деб ёзади: “Душманга қарши қўймоқ ва уни даф этмоқ учун атрофингиздаги бир садд (девор) тиклайдилар. Фақат асос шуки, ичкаридагилар душмандир, ташқаридагилар эса ҳеч вақо. Ахир кўрмаяпсизми, минглярча кофир бир кофирнинг асири, у эса ҳаммасининг подшоҳидир. Нафси кофир ҳам душманларнинг асиридир”[7]. Мавлоно вужуд қўрғонининг ичида яшаётган душманлар ҳақида ёзар экан, нафсни кофирлардан бири дейди-ю, нимагадир уни душманларнинг асири деб баҳолайди. Гўё нафсни қутқаришга шама бордек бу ўринда. Демак, нафсни душманлар қўлидан қутқариб, уни “мусулмонлаштириш” мумкин экан. Шу ўринда душманларнинг вужуд қўрғонининг ичидалигини таъкидлаш жоиз. Булар бизнинг ҳирсимиз, дунёга муҳаббатимиз, шаҳватимиз, ғазабимиз, ҳасадимиз, кибримиз ва ҳ.к. Демак, нафсни душманлар қўлидан озод қилишимиз талаб этилади.

Нажмиддин Кубро ўзининг “Кўнглим кўзи билан кўрганларим” номли рисоласида “нафс”га рамзий таъриф беради: “Билингким, Аллоҳ таоло нафсни бор нарсаларнинг энг ёмони қилиб яратди. У эса ҳамиша сен билан бўлиб, сенинг уловингдир. Сен унга муҳтожсан. У уйингдаги матолар устида туриб, уларга кўз тикиб турган ўғрига ўхшайди. У шайтоннинг дўсти, барча ёмонликларнинг турар жойидир. Унинг кўп ёмон сифатлари бор: ёмонликни яхши кўриб, яхшиликни ёмон кўради, шариат ва ақлга қарши туриб, истаклар ва ҳаваслар билан келишади. Сен уни тоат ва ибодатга чақирасан. Лекин у осийликка қараб юради”[8].

Абдулқодир Жийлоний ҳазратлари “нафс” ҳақида шундай деб ёзади: “Нафсингизга қарши жиҳод қилишдан тўхтаманг! Унинг алдовларига алданиб қолманг! Нафс ўзини ухлаганга солиб ётади. Аслида у сизни овлашга шайланиб

---

[6] Жўшон М.А. Тасаввуф ва нафс тарбияси. –Т.: ”Чўлпон”, 1998. - 80 б. – 13-бет.

[7] Фиш Радий. Жалолиддин Румий: тарихий биографик роман. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. - 282 б. – 61-бет.

[8] Нажмиддин Кубро. Кўнглим кўзи билан кўрганларим. /Жузжоний Абдулҳаким Шаърий. Тасаввуф ва

турган бўлади. Юзаки қараганда нафс хотиржам, хокисор, камтар ва ҳар қандай яхшиликка розидек бўлиб кўринади. Аслида у ичида бунинг аксини яшириб турган бўлади”[9].

Биз юқорида нафсга берилган таърифлардан унинг шакл-шамойили тўғрисида маълум тасаввурга эга бўлдик. Бироқ бизнинг вазифамиз нафснинг тасаввуфий ва психологик қирраларини очишдан иборат. Чунки нафс билан инсон ўртасидаги мужодала психология фанининг предметларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бўлса керак, Шарқда психология фани “илм-ан-нафс” деб ҳам аталган. Масалан, Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ўзининг “Имон” номли китобида шундай деб ёзади:”Қуръонда инсонни ўз нафси ҳақида фикр юритишга чақирувчи оятлар бор:

”Ва ўз нафсингизда ҳам аломатлар бор, буларни кўрмайсизми?” (“Зориёт” сураси (51), 21-оят). Ўз нафсига назар солиш орқали психология илмига етиб борилади. Бу илм эса  инсондаги ҳис-туйғулар, сезги-ҳаяжонлар ва бошқа кўпгина ҳолатларни ўрганади”[10].

Демак, ўз нафсига назар солиш деганда ўзини ўзи билиш, ўзини ўзи англаш деган маънони тушуниш мумкин. Нафсни ўрганиш, унинг моҳиятини билиш, унинг ривожланиш қонуниятларини аниқлаш орқали нафсни бошқариш, назоратга олиш деган чегарага етиб борилади. Тасаввуф аҳлини ҳам қизиқтирган нарса нафақат нафснинг моҳиятини англаш, балки уни назоратга олиш, бошқариш, образли қилиб айтганда, бу кучли ва қудратли, табиий кучдан фақат яхши мақсадларда фойдаланиш имкониятлари қизиқтиради.

Аннамарие Шиммел ўзининг “Жонон менинг жонимда” китобида нафс ҳақида ўзига хос таърифни беради: ”Нафс” сўзи араб тилида женский родга мансуб бўлгани учун кўп ҳолларда аёл кишининг тимсоли сифатида ишлатилади. Дин йўлида жидду-жаҳд қилган кўплаб бандаларининг тўғри йўлдан озиб, диний майл-иштиёқларини, хатти-ҳаракатларини ташлаб қўйишларига сабаб бўладиган

---

инсон. – Т.:”Адолат”, 2001. -78-96 бетлар. - 88-бет.

[9] Жийлоний Абдулқодир. Раббонийликни англаш. Иккинчи китоб. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2006. -127 б. – 47-бет.

[10] Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Имон: (Ислом, қуръон, одоб-ахлоқ). – Т.: “Камалак”, 1992. – 160 б. -

нарса ҳам ўша “нафс”нинг, яъни аёлларнинг ишва-карашмалари, нозу-истиғнолари эканлиги сир эмас”[11]. Бу ерда нафснинг манбаи аёл киши эканлиги ва шу нафс тури сабаб инсоният қанчадан қанча гуноҳлар қилишлиги ёзилади.

Нафс ҳақида Хожа Юсуф Хомадоний ўзининг “Одоби тариқат” рисоласида шундай деб ёзади:”То нафс машаққатларга мослашмаса, шайтон ундан йироқлашмайди. Дунё хаёли кўз ўнгидан кетмаса ва шаҳвати ўлмаса, мақсадга (Ҳақ ризосига) эришолмайди. То узоқ муддат очликни ўзига одат ва касб қилиб олмаса, албатта бу асрор ва маънавий ҳоллар қўлга киритилмайди”.[12] Ҳазрат бу ўринда нафсга доимо ёрдам беришга интиладиган дўстлари, яъни шайтон ва дунё масаласига тўхталади. Агар улар бирлашиб инсонга ҳужум қилса, унинг ҳолини пароканда қилиб қўйиши мумкинлигига эътиборни қаратади.

Нафс билан бўладиган муносабатда ниятнинг ўрни ҳақида Баҳоуддин Нақшбанд шундай деб ёзади:”Ҳою-ҳавас ва нафс аҳллари тутган ишлар асосининг барчаси залолат (адашув)дан иборатдир. Ишларда ниятни тўғри қилиш энг муҳим нарсадир. Ният - касб қилиб топадиган нарса эмас, балки у ғайб оламидандир. Ниятнинг ҳақиқати ихтиёр остида эмас. Агар ният йўқ бўлса, умид натижа бермайди”[13].

Шайх Муҳйиддин Ургутий ўзининг “Мактубот” асарида шундай деб ёзади: ”Дин мадори тўрт аслга боғлиқ (таянч): нафс, Ҳақ-Субҳаноҳу, дунё, охират ва бу тўрт аслдан иккитаси жустани, иккитаси жастани (жустани – ахтармоқ, жастани – сакрамоқ, қочмоқ, топмоқ). Кишининг ўз нафсидан қочмоғи, Ҳақ Субҳаноҳуни ахтариб топмоғи шарт, дунёдан қочмоқ – охиратни топмоқдир. Инсон Ҳақ Суҳаноҳу ва таолога етти аъзоси орқали етишади ёки етишмайди. 1. Кўз. 2. Қулоқ, 3. Тил. 4. Қўл. 5. Оёқ. 6. Қорин. 7. Фарж – булар Ҳақ Таолонинг буйруқлари ҳудудида турсин ва чегарадан тажовуз этмасин.

---

136-бет.

[11] Аннамарие Шиммел. Жонон менинг жонимда. – Т.: ”Шарқ” нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 1999. – 173 б. – 54-бет.

[12] Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний. Мақомати Юсуф Хомадоний. –Т.:”Янги аср авлоди”, 2003. -87 бет. -78-бет.

[13] Абул Мухсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон/Таҳрир ҳайъати: А.Рустам ва бошқ. Форсийдан тарж. Сўзбоши ва луғат муаллифи Маҳмудхон Махдум Ҳасанхон Махдум ўғли. – Т.: Ёзувчи, 1993. – 208 б.-97-98-бетлар.

“У кимсаларнинг барчалари учун ваъда қилинган жой шак-шубҳасиз, жаҳаннамдир. Унинг етти дарвозаси бор. Ҳар бир эшик учун улардан тақсимланган бўлаги бордир” деди. (Ҳажр сураси (15), 43-44-оятлар). Бу оятлар шу нарсани исботлайди. Дўзахнинг етти эшиги бор ва ул етти эшик бу етти узвдир. Ҳар қайси аъзоларнинг бири Худонинг фармонига хилоф равишда бирор ишни қилиб қўйса, жаҳаннам эшикларининг бирини (ўзи учун) очган бўлади. Агар у аъзоларнинг бири Худонинг буйруқларига мувофиқ бирор ишни бажарса (ўзи учун) жаннат эшикларининг бирини очган бўлади”[14]. Бу ўринда Шайх Муҳйиддин Ургутий нафс ҳақида, ундан кечиб нимани топмоқ мумкинлиги, инсоннинг еттита аъзосининг нафсга хизмат қилиш ва хизмат қилмаслиги ҳақида ақлий ва нақлий ҳужжатлар билан ёзади. Бу асарларда инсоннинг ўз нафси билан мужодала қилиши бўйича жиддий огоҳ бор.

## ЁШЛАРНИ ДЕВИАНТ ХУЛҚ-АТВОР ТАЪСИРИДАН ҲИМОЯЛАШДА ИСЛОМ ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

*Фарфиев Бахрамджан Атхамджанович*
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси доценти,*
*социология фанлари доктори*

Жамият ҳаётининг ҳар қандай жараёнлари равон, текис ва барқарор тарзда кечиши мураккаб ҳодиса ҳисобланади. Чунки жамият аъзоларининг кундалик ва ижтимоий ҳаётларида турли-туман муаммолар пайдо бўлади. Агарда бу муаммолар конкрет бир ёки бир неча киши фаолиятига салбий таъсир кўрсатса, унда улар жамият ҳаётининг асоси ва унинг барқарор фаолиятига жиддий хавф-хатар кўрсата олмайдилар. Аммо бундай турдаги муаммолар ўз қаърига борган сари кўпроқ кишиларни тортиб борса, унда ижтимоий ҳаётнинг баркрорлиги учун

[14] Ургутий, Шайх Муҳйиддин. Мактубот. – Т.: “Мовароуннахр”, 2006. – 187 б. – 54-55-бетлар.

реал ва қалтисли таҳдидлар вужудга келади. Аксарият ҳолларда бундай турдаги муаммолар жамият аъзоларининг ижтимоий ҳаётда ўрнатилган муайян қонунлар ва тартиб-қоидаларни ўз хулқ-атворлари асосида инкор этишлари ёки уларга билиб-билмасдан риоя қилмасликлари оқибатида вужудга келади. Кишиларнинг бундай турдаги хатти-ҳаракатлари социологик адабиётларда девиант хулқ- атвор[15] деб аталади.

Девиант хулқ-атворни тушунишнинг илк босқичи сифатида меъёр категорияси намоён бўлади. Ижтимоий меъёр – бу конкрет жамиятда маълум бир киши, социал гуруҳ ва ташкилот аъзоси хулқ-атворининг рухсат этилган ва тарихан шаклланган чегарасидир. Ижтимоий меъёрлар ўз татбиқини ҳуқуқий қонунлар, ахлоқ, этикет, қадриятлар ва ҳакозоларда намойиш қилади. Девиантлик эса жамиятда ўрнатилган айнан ушбу меъёрларга мос келмайдиган хулқ-атвордир. Аксарият ҳолларда кишиларнинг нормал ҳолатдан оғишган хатти-ҳаракатлари ижтимоий санкциялар орқали жазоланади.

Ижтимоий ҳаётда девиант хулқ-атворнинг ҳар хил шакллари ва турлари мавжуд. Авваламбор, унинг кенг ва тор маънодаги талқини ҳақида фикр билдириш лозим. Кенг маънода девиантлик ёзилган ва ёзилмаган меъёрларга мос келмайдиган ҳолатни назарда тутса, тор маънода эса у фақат ёзилмаган меъёрларга амал қилмасликни ифодалайди. Илмий адабиётларда ёзилган меъёрлар расмий жиҳатдан ҳар қандай мамлакат Конституцияси, жиноят ҳуқуқи ва бошқа юридик ҳужжатларда қайд қилинган ҳисобланиб, фуқароларни уларга оғишмай амал қилиш имкониятлари давлат институти томонидан жиддий тарзда кафолатланади. Ёзилмаган меъёрлар эса хулқ-атворнинг норасмий меъёрлари ва қоидалари бўлиб, улар асосан қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар, этикет ва ҳоказолар ёрдамида ўз ифодасини топади[16].

Шу нуқтаи назардан қараганда, ижтимоий ҳаётда ўрнатилган расмий меъёрлардан оғиш деликвент (жиноий), норасмийларидан четлашиш эса девиант (оғишма) хулқ-атвор, деб номланади. Масалан, ўғрилик, пораҳўрлик, қотиллик,

---

[15] Кравченко С.А. Социологический энциклопедический русско-английский словарь. -Москва.: «Астрель Аст. Транзиткнига». 2004. -С.93.

[16] Нортов Н.А., Бельский В.Ю. Социология. –Москва.: «Юнити». 2012. -С.352.

ҳужжатларни қалбакилаштириш, кароқчилик, фирибгарлик, бошқа мамлакатлар манфаати учун жосуслик қилиш каби хатти-ҳаракатлар делинквент ҳисобланади ва уларни содир қилган киши жамиятда қабул қилинган ҳуқуқий қонунлар асосида таъқиб қилинади ҳамда уни жазолашга санкция берилади.

Агарда бирор-бир киши ёки кичик социал гуруҳ аъзолари жамоат жойида ўрнатилган ички тартибни бузса, бошқа кишилар асабига тегадиган хатти-ҳаракат содир қилса ва бунинг учун жиноий иш очиш кўзда тутилмаган бўлса-да, унда биз девиант хулқ-атворга дуч келамиз. Бундай ҳуқуқбузарликка нисбатан маъмурий жазо ёки жарима солиш белгиланган. Лекин девиантлик ва делинквентлик ўртасидаги фарқ шартли равишда бўлиб, аксарият ҳолларда девиантлик ўзида делинквентликни ҳам мужассамлаштириши мумкин.

Юқоридаги фикрларга таяниб, девиант хулқ-атворнинг асосий турларини таснифлаш мумкин бўлади ва ҳозирда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш устувор масала ҳисобланади:

1.Жиноятчилик.

2. Алкоголизм.

3. Гиёҳвандлик.

4. Суицид.

5. Проституция (фоҳишабозлик).

6. Гомосексуализм.

Албатта, замонавий жамиятларда девиант хулқ-атворнинг юқорида кўрсатиб ўтилган кўринишларга қарши кураш ўрнатилган ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлар асосида олиб борилмоқда. Бундай шароитларда давлатнинг моддий-техникавий ва тиббий имкониятлари билан биргаликда жамиятнинг ижтимоий-маданий хусусиятлари ҳам муҳим рол ўйнаши табиийдир. Аммо Ғарб жамиятларида мазкур муаммолар ечимига жавоблар аксарият ҳолларда дунёвий ҳаёт меъёрларига таянган ҳолда изланмоқда. Бу мамлакатларда секуляризация жараёнининг бир томонлама талқини туфайли жамият аъзоларининг шахсий ва ижтимоий ҳаётларига христианликнинг ахлоқий қадриятларини таъсир қилиш

кучи кескин даражада тушиб кетган. Шунинг учун бу масалани ҳал қилишда дин омили четга суриб қўйилган.

Юқоридаги манзаранинг акси сифатида мамлакатимиз ижтимоий ҳаёти тажрибаларини кузатиш мумкин. Аждодларимиз асрлар давомида амал қилиб келган миллий-диний ахлоқ меъёрлари бизнинг кунларгача етиб келган бой маданий мероснинг муҳим бир бўлаги сифатида юқорида кўрсатиб ўтилган жиддий ижтимоий муаммоларга қарши курашишнинг асосий омили бўлиб гавдаланади. Қонунбузарликка қарши кураш ҳуқуқни муҳофаза қиладиган ташкилотларнинг устувор фаолияти бўлса-да, қонунбузарлик йўлига кираётган ёшларга маҳалла аҳолиси, меҳнат ва ўқув юрти жамоаси билан биргаликда дин уламолари ҳам тўғри йўлни кўрсатишга ҳаракат қиладилар.

Мамлакатимиз бош Қомусининг 61-моддасида диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилгани белгилаб қўйилган[17], лекин динни жамиятимиз ҳаётидан ажратиб бўлмайди. Шунинг учун дин пешволари ҳам қонунбузарликнинг ҳар хил турларини содир этилишининг олдини олиш учун ўз куч-ғайратлари, билим ва малакаларини сарфлаётганлари табиий ҳамда ижобий ҳолдир. Натижа ҳам шунга мувофиқ бўлиб, бошқа мамлакатларидаги вазият билан солиштирганда юртимизда девиант хулқ-атворнинг юқорида таснифлаб чиқилган турларининг кенгайиш динамикаси борган сари сусайиб бормоқда. Чунки жамиятимиз ҳаётида дин институти ўзининг муҳим аҳамиятини барқарор тарзда сақлаб келмоқда. Биз томондан олиб борилган амалий тадқиқот натижалари юқоридаги фикрларга эмпирик маълумот бўлиб хизмат қилиши мумкин. Тадқиқот 2018 йилнинг май-июнь ойларида мамлакатимизнинг Жиззах, Бухоро, Хоразм, Наманган, Қашқадарё вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри аҳолисининг турли ижтимоий қатламлари орасида, «Ижтимоий тараққиёт ва унинг омиллари» мавзуидаги репрезентатив танлов асосида ўтказилди ва унда 1147 нафар респондент қатнашди. Жумладан, тадқиқотимизда 18-25 ёшдаги 195 нафар эркак ва 186 нафар аёл жинсига мансуб киши иштирок этди. Уларнинг оилавий аҳволи ҳақидаги маълумот қуйидаги диаграммада акс этди.

---

[17] Oʻzbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. -Toshkent.: «Oʻzbekiston». 2014. -Б.21.




**Расм.1. Респондентларнинг оилавий аҳволи.**

Ёшларининг маънавий қиёфаси мамлакат тараққиётига таъсир кўрсатиши азалдан маълум. Уларни турли хилдаги ахлоқсизликдан қайтариш эса давлат олдида турган асосий масалалардан биридир. Айниқса, Ғарб жамиятидан кириб келаётган «Оммавий маданият»нинг салбий таъсирларига қарши курашиш долзарб вазифа ҳисобланади. Ушбу хулоса асосида **«Кишини ахлоқсизликлардан тия оладиган қайси омилни асосий деб кўрсатар эдингиз?»** деган саволни бердик ва олинган жавоблар қуйидагича бўлди.

**Жадвал 1. Кишини ахлоқсизликлардан тия оладиган асосий омил.**

| № | Жавоблар | % да |
|---|---|---|
| 1 | Миллий ахлоқ-одоб ва маънавийликка таянган оилавий тарбия. | 58,4 |
| 2 | Диний тарбия ва унинг асосида гуноҳ ишларни қилишдан қўрқиш. | 28,5 |
| 3 | Маҳалла ва жамоатчилик олдида шармандаликдан қўрқиш. | 9,6 |
| 4 | Жавоб бермаган. | 3,5 |

Мазкур масалада миллий ахлоқ-одоб ва маънавийликка таянган оилавий тарбия етакчилик қилган. Лекин ўзбек оилаларидаги ёшлар тарбияси ҳар доим миллийлик ва динийликни ўзаро уйғунлашган ҳолда олиб борилганлигини эътироф этиш жоиз. Ушбу фикрни тасдиқлаш мақсадида кейинги саволни **«Жиноятчилик, гиёҳвандлик, алькоголизм, фоҳишалик, порахўрлик каби муаммоларни бартараф қилишда ислом ахлоқи муҳимми?»**, деб номладик. Унга олинган натижалар қуйидаги диаграммада ўз аксини топди.




**Расм 2. Жиноятчилик, гиёҳвандлик, алкоголизм, фоҳишабозлик ва пораҳўрлик каби муаммоларни бартараф қилишда ислом ахлоқи ролининг мавжудлиги.**

Олинган натижалар таъкидлаб ўтилган салбий ҳодисаларга қарши курашда ислом ахлоқи респондентлар учун муҳим аҳамият касб этишини яққол кўрсатиб берди. Албатта, бундай мутлақ ижобий фикрнинг сабаби бизни қизиқтирди ва шунга мувофиқ сўровда иштирок этган ёшлардан бунинг асосий сабабини баён қилишларини илтимос қилдик.

**Жадвал 2. Жиноятчилик, гиёҳвандлик, алькоголизм, фоҳишалик, порахўрлик каби муаммоларни бартараф қилишда ислом ахлоқи ролининг асослари.**

| № | Жавоблар | % да |
|---|---|---|
| 1 | Исломда бу иллатларни содир этиш оғир гуноҳ сифатида қатъий тарзда қораланади. | 51,4 |
| 2 | Ислом кишиларни ҳалол ва пок юришга чақиради. | 39,8 |
| 3 | Аждодларимиз диний эътиқод талабларига амал қилгани туфайли бундай иллатлардан йироқ бўлишган. | 8,8 |
| 4 | Жавоб бермаган. | - |

Тадқиқот натижаларида айнан ислом одоби ва ахлоқи кишилардаги ҳудбинлик ҳаракатларини жиловлашда муҳим механизм бўлиб гавдаланиши кузатилди. Шу нуқтаи назардан туриб, ёш респондентларга яна бир муҳим савол – **«Катта даромад келтирадиган ишни бошлаётганингизда, у ислом одобига тўғри келмаслигини билиб қолсангиз, ўша ишни тўхтата оласизми?»** билан мурожаат қилдик. Сўровда иштирок этган кишиларнинг 62,2% «Ҳа, албатта»,

4,4% «Йўқ, моддий ҳаётимни яхшилашда ислом одоби билан ҳисоблашмайман» ва 33,4% «билмадим», деб жавоб берди. Демак, «билмадим» деганларда ўз моддий ҳаётларини яхшилашда ислом одоби билан ҳисоблашмаслик эҳтимоли юқори экан, деб тахмин қилиш мумкин.

Муаммо таҳлилига экспертлар фикрини ҳам илова қилишни лозим ҳисоблаймиз. Улар жамият аъзолари орасида содир этилаётган девиант хулқ-атворга қарши курашишда ислом қадриятлари катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашди. Бунинг учун эса аҳолини бундай қадриятлар билан яқиндан таништириш керак. Айрим фақароларнинг ислом дини қадриятлардан етарли хабардор бўлмагани туфайли жамиятимизда девиант хулқ-атворнинг турли кўринишлари учраяпти. Айниқса, кейинги вақтларда ёшлар орасида суицид муаммоси гоҳ-гоҳ бўлса-да, учраб турибди. Агарда ёшларга ўз жонига қасд қилиш исломда нақадар оғир гуноҳ сифатида қораланишини асосли тарзда тушунтира олсак, аминмизки, бу мудҳиш ҳолатни содир этиш барҳам топади. Зеро, киши у дунёда ҳам ҳаёт борлигига ишонса, унда ўзини бу дунёдаги номаъқул хатти-ҳаракатлардан тийишга ҳаракат қилади.

## ***УМУМТИЗИМЛИ ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР***

- Оилада ёш авлоднинг тарбиясини тўғри йўналишда олиб бориш учун ота-оналар миллий урф-одатларимиз билан биргаликда ислом дини қадриятларининг салоҳиятидан янада фаол фойдаланишлари зарур. Зеро, миллий урф-одатларимиз ва ислом дини қадриятлари ўзаро уйғунлашиб кетганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Шунинг учун сўровда иштирок этган ёшларнинг мутлақ қисми «Дин мен ва оила аъзоларим учун тарбия ва одоб-ахлоқнинг асосидир» деган хулосани дадил илгари суришди;

- тарбия жараёнида ислом қадриятларидан унумли фойдаланиш учун эса авваламбор, ёшларнинг ўзлари ҳам бу қадриятлардан яхши хабардор бўлишлари талаб этилади. Бунинг учун эса улар мамлакатимиз хукуматининг рухсати билан нашр эттирилаётган диний мазмундаги адабиётлар билан мунтазам танишиб борсалар мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳолбуки, тадқиқотимизда иштирок этган кишиларнинг ҳар учтасидан бири бундай адабиётларни ўқиб боришларини, 41%

эса ўқишга қизиқиши борлиги, лекин ҳозирча бунга етарли вақт топа олмаётганликларини маълум қилдилар. Бахтга қарши, ҳар тўрт кишидан бири бундай адабиётларни ўқиб боришга зарурат йўқ, деган фикрни илгари сурдилар;

- тадқиқот давомида кишиларнинг ахлоқсиз ишлардан нима тийишини сўраб мурожаат қилганимизда, сўровда иштирок этган ёшларнинг аксарияти биринчи навбатда миллий ахлоқ-одоб ва маънавийликка таянган оилавий тарбия, иккинчидан эса, диний тарбия ва унинг асосида гуноҳ ишларни қилишдан қўрқиш, деб жавоб қайтарганлари эътиборга сазовордир. Бу ҳолат табиийдир албатта, зеро, азалдан ўзбек оилаларида миллий ва диний тарбия ўзаро уйғунликда олиб борилган ва бу ҳолат аждодларимизнинг юксак маънавий камолатини таъминлаган. Шунинг учун бу соҳадаги ишларни шундай тартибда олиб боришни тавсия қиламиз;

- маълумки, ҳозирда жиноятчилик, гиёҳвандлик, алкоголизм, фоҳишабозлик, пораҳўрлик каби муаммолар мамлакатимиз тараққиётига жиддий хавф-хатар пайдо қилаяпти. Ушбу иллатни бартараф қилишда ёш фуқароларимиздаги диний эътиқоднинг аҳамияти нечоғлигини билиш учун берилган саволимизга респондентларнинг мутлақ қисми ижобий жавоб қайтарди. Шу нуқтаи назардан қараганда, айниқса, ёшларни бундай хавфли иллатлардан сақлашда диний қадриятларимизни тараннум этувчи ҳадислардаги ибратли масалаларни кенг тарғиб этишни лозим, деб ҳисоблаймиз;

- юқорида кўрсатиб ўтилган масалалар ечимига муносиб, серунум механизмни миллий урф-одатларимиз ва ислом дини қадриятларининг ўзаро уйғунлигида ишлаб чиқишимиз мумкин бўлади. Бунинг учун эса мамлакат аҳолиси, айниқса ёшларнинг онгига миллий ва диний қадриятлар муштариклигини мунтазам тарзда сингдириб боришни таъминлаш тақозо этилади.

# ПЕДАГОГИК ИЖОДКОРЛИКНИ ЎҚУВЧИ ШАХСИ РИВОЖИГА ТАЪСИРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*Шоира Акбаровна Дусмухамедова*
*ЎзХИА “Дин психологияси ва педагогика ” кафедраси доценти, психол.ф.н.,*

*Зарнигор Хамроева*
*ЎзХИА магистранти*

Маълумки, республикамизнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий ва бошқа турли соҳаларида жиддий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Келажаги буюк Ватанимизнинг бугунги ва эртанги кунини таъминлайдиган шахсни, мутахассисни жаҳон стандартлари талабига жавоб берадиган, ҳар томонлама ривожланган, ўзига, жамиятга, давлатга, табиатга ва меҳнатга, тўғри муносабатини билдира оладиган, мустақил фаолият юрита оладиган, ижодкор, тадбиркор шахс қилиб шакллантириш кўп жиҳатдан уни ким ва қандай ўқитишига боғлиқ. Шубҳасиз, билимли, маҳоратли ва айниқса ижодкор ўқитувчигина давлат қўяётган ижтимоий буюртмани бажара олади.

Педагогик фаолият илм ва санъатнинг уйғунлиги асосида олиб борилганлиги учун ҳам у ижодий фаолият саналади. Педагогик ижодкорлик турли даражалар билан тавсифланади:

• тайёр тавсиялардан фойдаланиш, уларни ўз шароитига мослаштириш, у асосан “одат бўйича”, “қоида бўйича”,” методика бўйича”, “қўлланма бўйича” ишлаш;

• режалаштиришдан бошлаб ўқитувчига маълум бўлган таълим мазмуни, усуллари, шаклларини моҳирлик билан танлаш ва мос уйғунликда намоён бўлганида фаолиятини оптималлаштириш;

• эвристик, яъни ўқитувчининг ўқувчи билан бўлган жонли мулоқоти имкониятларидан ижодий фойдаланиш даражаси;

• энг юқори даража - тўлиқ мустақиллик, унда шахсий принцип ўрнатилган, бу принцип ўқитувчининг ижодий индивидуаллигига, ўқувчиларнинг ўзларига хос хусусиятларига, гурухнинг ривожланганлик даражасига мос келади.

Ўқитувчи доимо ижодий фаолиятини ўқувчилари билан хамкорликда яратади. Бу эса олимлар В.А Канн –Калик ва Н.Д. Никандровларнинг ўқувчилар билан бўлган хамкорликнинг бир неча вариантларини яратишларига сабаб бўлди:

• ўқитувчи ўзининг ижодий жараёнини ўқувчилари фаолияти билан боғламайди.У ўзидан келиб чиқиб ва ўзи учун яратади; (масалан: синфдаги мебел хамда жиҳозларни ўқитувчининг ташаббуси ва режасига кўра, унинг фикри, шунингдек, тўлиқ раҳбарлигида ўзгартирилиши);

• ўқитувчи ўз ижодий жараёнини ўқувчилар гурухи фаолияти билан боғлайди, уларнинг иштирокида амалга оширади, лекин жараённи ўзи бошқаради; (масалан: синфдаги мебел хамда жиҳозларни ўқитувчининг ўқувчилари билан маслаҳатлашган, уларнинг ҳам фикриларини ҳисобга олган холда ўзгартирилиши) ;

• ўқитувчи ўқувчилар фаолиятидаги индивидуал ўзига хосликларни ҳисобга олади;

• ўқитувчи ўқув- тарбиявий жараённинг умумий концепциясини ўзи мустақил яратади, болаларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олади, уларга индивидуал ёндошишни таъминлайди ва бунда у энг яхши натижага эришади.

"Ижодий ишлайдиган ўқитувчининг ўқувчилари ижодий қобилият ривожланган бўлади " деган фикр мавжуд. Ижодий ишлайдиган ўқитувчи ўзининг шахсий фазилатлари билан ўқувчилардаги ижодий фаолликнинг ривожланишига сабаб бўлади. Ижодкор ўқитувчининг фазилатлари қуйидагилардан иборат: ижодий шахсни шакллантиришга эътиборни жалб қилиш (педагогик фаолиятнинг мазмуни, усуллари, усуллари, шакллари ва воситаларини ижтимоий танлаш); педагогик тактика; эмпатия, эмпатия қобилияти; бадиийлик; ривожланган ҳазил туйғуси; кутилмаган, қизиқарли, парадоксал саволлар бериш қобилияти;ўқувчиларни ҳам шунга ўргатиш, муаммоли вазиятларни яратиш; ўқувчиларни ижодий фикрлашга олиб келувчи жараёнларни ярата олиш; ўқувчилардаги бой тасаввурини рағбатлантириш; ўқитувчининг ижодий қобилиятлари ва имкониятларини ўқувчилар билиши, қадрлаши ва ўрганиши.

Педагогик фаолият- доимий ижод жараёни ҳисобланади. Аммо бошқа соҳалардаги (фан, технология, санъат) ижодкорликдан фарқли ўларок, ўқитувчининг ижоди ижтимоий аҳамиятга эга янги, ўзига хосликни яратишни мақсад қилмайди, чунки унинг маҳсулоти  ривожланган шахс ҳисобланади. Албатта, ижодий ишлайдиган ўқитувчи ва ҳатто унчалик ҳам инновацион бўлмаган ўқитувчи ўзининг шахсий педагогик тизимини яратади, аммо бу ўша шароит учун  энг яхши натижага эришиш воситасидир. Педагогик фаолиятнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унинг мазмуни қайтарилмас, ягона, ўзига хос бўлган инсонни яратиш ташкил этади. Педагогик фаолиятдаги ижодийлик шундан иборатки, муаммони ечишга ностаидарт ёндашув, янги методлар, шакл, усул ва воситаларни ишлаб чиқиш, уларни бир-бирига самарали боғлаш ва янги шароитларда қўллаш, уларни такомиллаштиришдан иборатдир. Ўқитувчи ўз педагогик фаолиятига, ўз билим тажрибаси, маҳорати асосида ижодий ёндашишга ҳаракат қилади албатта, лекин бу ижодий ёндашув ҳар доим ҳам қўйилган талаб даражасида бўлмаслиги, ё у жуда яхши самара бермаслиги, ёки ўқитувчи ўзини тўлиқ намоён эта олмаслиги мумкин.Бунга эса ўқитувчининг қуйидаги хусусиятлари сабаб бўлиши мумкин:

- маълум бир ишни бажариш қўлидан келмаслигига ўзини ишонтириб қўйиш;
- устимдан кулишади деб ўйлаш;
# УМУМТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ АМАЛИЁТЧИ ПСИХОЛОГЛАРИ УЧУН МАКТАБ ИЧКИ НАЗОРАТ РЎЙХАТИДА ТУРУВЧИ ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН ИШЛАШ БЎЙИЧА АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР

*Гулбаҳор Юсупова*
*Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис маркази методисти*

Умумий ўрта таълим муасасаларида фаолияят олиб борувчи психологлар учун ички назорат рўйхатида турувчи ёшлар билан ишлашда қуйидаги 3 йўналишда тавсиялар берилади:

1. Ўқувчи-ёшларни ҳарактер хусусиятларини тўғри ташхислай олиш;
2. Ўқувчиларда муаммоларга нисбатан позитив ёндашишни шакллантириш;
3. Бажарилган ишлар якунида муносиб рағбатлантириш.

***1. Ўқувчи-ёшларни ҳарактер хусусиятларини тўғри ташхислай олиш:***

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази томонидан умумий ўрта таълим муассасаларининг амалиётчи психологлари учун тақдим этилган иш режанинг психологик диагностика қисмида келтирилган ташхис методикалари ўқувчилар руҳиятида бўлаётган ўзгаришларни аниқлаш учун асос бўла олади. Одатда ички назорат рўйхатида турувчи ўқувчилар одатда салбий жиҳатлари билан кўзга ташланишади. Мисол учун: тарбияси оғир, ўз қобиғига ўралган, атрофдагиларга нисбатан шубҳа билан қаровчи, агрессив муносабатда бўладиган, мунтазам равишда тушкун ҳолатда юрадиган ва хоказо. Мактаб психологи авваламбор ана шу салбий жиҳатларнинг иккинчи ижобий томонларини ҳам аниқлаштириши лозим. Буни қуйидаги жадвал кўринишида ифодалашингиз ва ўз тажрибангиздан келиб чиқиб, давом эттиришингиз мумкин:

| № | Салбий ҳарактер хусусияти | Ижобий томони |
|---|---|---|
| 1 | Жаҳлдор, сергап | Ташаббускор, журъатли, бошқарувчи |
| 2 | Ўз қобиғига ўралган, таъсирчан | Яхши тингловчи, ижодкор |

| | | |
|---|---|---|
| 3 | Атрофдагиларга ишонмайди, сир бой бермайди | Ақлли, қаерда, ким билан, қандай муомала қилишни билади |
| 4 | Ўзлаштириши паст, бир ишдан иккинчисига секин ўтади | Ички таҳлил кучли, эҳтиёткор, сабрли |

***2. Ўқувчиларда муаммоларга нисбатан позитив ёндашишни шакллантириш:***

Таълим муассасаси ўқувчилари ўртасидаги зиддиятлар қуйидаги турларга бўлинади:

***Тенгдош тенгдош зиддияти***

Бу ҳолат асосан юқори синф ўқувчилари орасида кузатилиб, уларда рақобат, ўзлигини намоён этишга уриниш сингари жиҳатлар устунлик қилади. Бу жараёнда мактаб психологи зиддиятга киришаётган ўқувчиларга ҳамкорликда вазифа юклаши, мисол учун “ўқувчиларни тўгаракларга жалб этиш” бўйича тарғибот ишларини олиб бориш топшириғини беради ва топшириқ бошқа жуфтликлар ўртасида ҳам ўтказилади. Энг фаол жуфтликларнинг расмлари эса таълим муассасасидаги “фаол ўқувчилар” суръати туширилган доскадан жой олади.

***Бола ўқитувчи***

Одатда ўзлаштириши паст, ҳиссиётга берилувчан ўқувчи ва уларга танбеҳ берувчи ўқитувчи ўртасида юзага келади. Бу жараёнда Мактаб психологи ўқитувчи билан суҳбат олиб бориб, айнан унинг мутахассисилик фани юзасидан синфларда танлов эълон қилади ҳамда зиддиятга киришган ўқувчини ўқитувчи билан биргаликда мусобақага жалб қилади ва фанга оид қўшимча маълумотларни тақдим этади.

***Катта синф кичик синф болалари***

Зиддиятга киришган юқори синф ўқувчиларига ўзи ёқтирган фан юзасидан кичик синф ўқувчилари билан биргаликда “Менинг издошим” шиори остида лойиҳа тақдимотини ўтказиш топшириғини бериш.

***Психолог (устоз)ини яхши кўриб қолиш***

Ўқувчиларга ёш даврлари хусусиятларига оид мавзуда тақдимот ўтказиш, ёшга оид ҳиссий муносабатлар ҳақида тушунча бериш керак бўлади.

***Ота-онаси билан чикиша олмаслиги***

Ушбу ҳолат юзасидан ўқувчининг ота-онаси таълим муассасасига чақирилади ёки хонадонига ташриф буюрилади ҳамда дастлаб уларга фарзандларининг ютуқлари, ижобий жиҳатлари хусусида гапирилади. Сўнгра уларни янада ривожлантириш учун болани тинглай олиш, қизиқишларини рағбатлантириш ва жиҳат таълим муассасасида кўзга ташланса уларни ички назорат рўйхатидан чиқаришга ёрдам бериши мумкинлигини тушунтиради.

Одатда, ички назорат рўйхатида турувчи, тарбияси оғир ўқувчилар маълум муаммолар ва уларга нисбатан нотўғри ёндашувлари сабабли назоратга олинган бўлишади. Бу жараёнда ўқувчиларни муаммоларини бартараф этиш қисқа муддатли жараён бўлмаганлиги сабабли, уларда низоли вазиятларга позитив ёндашишни шакллантиришл зарур. Мисол учун бу жараёнда машҳур иносонларнинг болаликда кўрган қийинчиликлари ва айнан шу қийинчиликлар сабабли бугунги даражага етиб келганликлари ҳақидаги аниқ фактлар, ҳаётий мисол ва ривоятлар ёрдам бериши мумкин. Мисол учун, *Элинор Портернинг “Полиана” номли китобида қуйидаги мазмунда кичик бир ҳикоя келтирилади: ота-онасидан эрта етим қолган қизалоқ ҳаётга ҳамиша позитив муносабат билан қарайди ва бошқаларда ҳам бу жиҳатни шакллантиради. Унинг айтишича унга “муаммоларни яхши тарафани топиш” ўйинини отаси ўргатади ва бу ўйинда асосий рақобатчиси хисобланади. “Кунлардан бир куни, - дейди Поллианна, - Ижтимоий ҳимояга муҳтожларга кўмаклашувчи Жамғармага менга қўғирчоқ юборишларини сўраб хат ёздим. Улар менга адашиб, иккита қўлтиқтаёқ юборишди. Бу вазиятда мен нимага хурсанд бўлишим керак эди? Дадам ўргатганларидек, муаммога яхши кўз билан қарашни бошладим, ва қўлтиқтаёқларга диққат билан тикилганимда иккита оёғим соғломлиги ҳамда уларга муҳтож эмаслигимни англадим. Бу жиҳат менга чинакам қувонч ҳиссини ҳадя этди”.*

**3. *Бажарилган ишлар якунида муносиб рағбатлантириш*.**

Барчага маълумки, рақобат ва рағбат бор жойда ривожланиш яхши натижа кўрсатади. Ўқувчиларда муаммоларга ижобий кўз билан қараш

шакллантирилганидан сўнг таълим муассасаси рахбарияти ва мактаб психологи томонидан бу жараёнларнинг бориши таълим олувчилар айниқса тарбияси оғир ўқувчилар орасида рақобат, мусобақа-танлов кўринишида йўлга қўйилса яхши самара беради. Жараён якунидаги муносиб рағбатлантириш эса уларни аввалгидан ҳам яхши натижа кўрсатиш учун ўз устида ишлашларига мотив бўла олади.

Мисол учун: Ҳар уч ойда "Энг намунали ўқувчи"лар орасида мусобақа уюуштирилади ва баҳолаш жараёнида улар томонидан амалга оширилган ишлар, фанларни ўзлаштириш кўрсаткичлари баҳоланади. Йил якунида сараланган ўқувчилар ўртасида сўнгги танлов ўтказилади ва ғолиблар мактаб маъмурияти томонидан ҳаётга позитив муносабатни уйғотувчи (масалан: Пауло Коело "Алкимёгар", Адам Жексон "Саломатлик ва Бахтли бўлишнинг 10 та сири", Элинор Портернинг "Полиана", Дейл Карнеги "Беташвиш яшаш сири") китоблари ҳамда эсдалик суръатлари туширилган фахрий ёрлиқлар билан тақдирланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ғозиев Эргаш. "Умумий психология" ЎзМУ Ўкув методик Кенгаши нинг 2002 йил. Мажлис билан нашрга тавсия этилган. «Университет» нашриёти, 2002

2. Ғозиев Эргаш. Ўқувчилариинг ўкув фаолиятини бошқариш. Тошкент, 2002.

3. Ғозиев Эргаш. "Ёш психологияси ва педагогик психология нимани ўрганди?". Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги. 2017

4. Гаврилова Елена Дмитриевна, "Дидактические игры как средство развития креативного мышлениия учащихся", ДД, Санкт-Петербург педагогик маҳорат университети

5. Гасимова Вера Александровна, "Когнитывные аспекты креативности" (на иатерале старшеклассников) КД, Перм давлат санъат ва маданият институти

6. Давлетшин М.Г. ва бошқалар «Ёш даврлари ва педагогик психология» Т.: ТДПУ 2004 йил

7. Жабборов Б.Г., Зокирова Н.Д., “Педагогларда креатив тафаккурни ривожлантириш технологиялари”. Наманган, Ўзбекистон

8. Журавлев Валерий Александрович Креативное мышленение краеативный менеждмент и инновационное развитиие общества СТ, “Креативная экономика” нашриёти

9. Усмонова Э.З. Ўқувчиларнинг мустақил тафаккурини қандай шакллантириш мумкин? - «Педагогика ва ёш психология» илмий-оммабоп серия, 2000, №1.

10. Шакирова Г.М. “Обшая психология” Т.: ТГПУ 2000

# РАҲБАР МАҲОРАТИ ВА ҚОБИЛИЯТИНИ ПРОФЕССИОНАЛЛИККА ТАЪСИРИНИ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

*Азамат Назаров,*
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси, “Дин психологияси ва педагогика”кафедраси катта ўқитувичиси,*

*Мухлиса Эргашева,*
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси,*
*Психология (Дин социопсихологияси) йўналиши талабалари*

Ҳар бир профессионал маҳорат - бу касбий билим, кўникма ва қобилиятлар комбинациясидир. Менежер кўникмаларининг асосий таркибий қисми бошқарув услубидир. Ҳар бир менежер аслида менежер сифатида менежмент фаолияти асосларига, асосий ҳаракатларни бажариш техникасига эга бўлиши керак. У бошқарувчи сифатида ташкилотларнинг назарий ва амалий асосларини пухта билиши, асосий бошқарув ҳаракатларини - мақсадларни белгилаш, режалаштириш, ташкиллаштириш, қарорлар қабул қилиш, назорат қилиш, баҳолаш, тартибга солиш ва ҳоказоларни амалга ошириш учун кўникма ва

малакаларга эга бўлиши керак. Маҳоратнинг ушбу компоненти менежернинг бошқа бошқарув соҳаларига тайёргарлиги билан боғлиқ.

*Этикавий (ахлоқий-психологик) тайёргарлик* - раҳбарнинг ички ва ташқи соҳадаги мақсадлар, вазифалар, имкониятлар, воситалар ва усуллар билан боғлиқ этикавий (ахлоқий-психологик) меъёрларни билиши ва уни англаб етишидир. У бозор шароитида менежментнинг ижтимоий таркибий қисми ҳақида фалсафий эмас, балки амалий тушунчани тақдим этиши лозим. Бу ахлоқнинг ажралмаслиги, ҳаракатларининг ижтимоий-ахлоқий жиҳатлар билан ўзаро боғлиқлиги, у билан ҳисоблашиш истагининг мавжудлиги, бошқарув вазифаларини ахлоқий меъёрларга мувофиқ равишда тўғри ҳал қилиш қобилиятини англатади.

Мутахассиснинг этикавий тайёргарлигининг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

а) ахлоқий билимлар ва эътиқодлар;

б) юқори ахлоқий хатти-ҳаракат кўникма, қобилият ва одатлари;

в) маънавий-ахлоқий меъёрлар ва қадриятлар - маъмур томонидан маънавий меъёрларни сўзсиз қабул қилишини ифода этувчи, чуқур шахсий маъно ва туйғу билан ранг-баранг бўлиб, бошқариш ва ҳал қилишда мезонга айланган, зарур, рухсат этилган установка;

г) касбий муҳим ахлоқий ва психологик - менежер ўз ишида барқарор намоён бўладиган шахсий хусусиятлар.

Менежер профессионализмини ташкил қилувчи бошқа компонентларнинг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

- тадбиркорлик маҳорати - иқтисодий ва молиявий муаммоларни ҳал қилиш қобилияти;
- ишлаб чиқаришни бошқариш маҳорати;
- ходимлар билан ишлаш маҳорати;
- коммуникатив компетенция, очиқлик;
- экстремал шароитларда хавфсизликни таъминлаш имкониятига ва бу борадаги ҳаракатларга тайёрлик.

Классик профессионаллик ҳар доим юқори ривожланган қобилиятларга боғлиқ бўлади. Менежер учун интеллектуал қобилият муҳим аҳамиятга эга. Бунда когнитив фазилатларнинг ажралмас тўплами ва унинг юқори чўққиси тафаккур ҳисобланади. Менежер ақлли шахс бўлиши талаб этилади. Унинг ақл-идроки кенглиги (тизимли, панорамик, кенг қамровли, ўта вазиятли) ва ижтимоий ҳамда бозор ҳақиқатини, унинг ичидаги фаолияти, амалийлиги, аналитик ва синтетик характери ("ҳамма нарсани жой-жойига қўйиш" қобилияти) билан фарқ қилиши керак. Тасаввур, равшанлик, мантиқлилик, танқидийлик, башорат, тезлик, ҳаракатчанлик, жасорат (фикрларни тан олиш ва бошқалар учун имконсиз бўлиб кўринадиган нарсани жиддий кўриб чиқиш қобилияти), ноаниқликка қаршилик кўрсата билиш.

Интеллектнинг ижодий намоён бўлиши (ижодий қобилият) менежер томонидан қуйидагича ифодаланади:

a) янгиликни доимий қидириш ҳисси;

b) ўз фаолият соҳаси билан боғлиқ сўнгги илмий ва амалий ишланмаларни кузатиш;

c) ижодий иштиёқ билан бошқаларни руҳлантириш қобилияти;

d) илмий ва технологик тараққиётнинг энг яхши ютуқларидан самарали фойдаланиш қобилияти;

e) тезкорлик, зукколик, ижодкорлик (бу сифатнинг асосий кўрсаткичи, мумкин бўлган ҳамма нарса амалга оширилганда, умидсиз бўлиб туюлган вазиятлардан чиқиш йўлларини топиш қобилиятидир);

f) демократик тафаккур - бўйсунувчиларнинг фикрлари ва хатти-ҳаракатларига тўсқинлик қилмаслик, бошқаларнинг таклифларини тинглашга ва уларни диққат билан кўриб чиқишга тайёрлик. Лекин бошқаларнинг таъсирига ҳаддан ташқари мойиллик шарт эмас ва муҳокама қилинган, қабул қилинган қарорларни бажаришда қатъийлик кўрсатиш;

g) янги маҳсулотлар ва таклифларни малакали баҳолаш, фойдали, бизнесни проекцион, саргузаштлардан ажратиш қобилияти;

h) ишнинг манфаати учун бошқаларнинг таклифларидан, гарчи улар ўзларининг позицияларига зид бўлса ҳам, фойдалана олиш, лекин ундан ўзининг устунлигини намоён қилиш.

Менежер ўзининг ихтиёрий фазилатлари билан боғлиқ бўлган асосий иш қобилиятига: фаоллик, қатъиятлилик, ташаббускорлик, мустақиллик, ташкилотчилик, аниқлик, интизом, мулойимлик, қатъийлик, чидамлилик, жасорат кабиларга эга бўлиши мақсадга мувофиқдир. Жавобгарликни ҳис қилиш, жавобгарлик юкининг оғирлигини ва жавобгарликни ўз зиммасига олиш жуда муҳимдир.

Ишбилармонлик қобилиятининг махсус гуруҳи бу ташкилий қобилиятдир. Л.И.Уманский томонидан ишлаб чиқилган тузилмага қуйидагилар киритилади:

• жамоатчилик шижоати - одамларга ҳиссий-ихтиёрий таъсир этиш, мисол орқали таъсир қилиш, тушунтиришларнинг ишонарлилиги, таклиф кучи, ишонч, ўзига ва бошқаларга нисбатан қатъийлик;

•тадбирларни ташкил этишга мойиллик - ташкилий ишларга ташаббускорларни жалб қилиш, ташкилотчининг вазифалари ва масъулиятини, ташкилий фаолиятда номувофиқлик, ташкилий иш пайтида соғликнинг ҳиссий-ижобий ҳолати;

• психологик танловчанлик - психологик кузатиш, тез, аниқ ва кўпинча онгсиз равишда бошқа одамларнинг психологик хусусиятлари ва шароитларини англаш; бошқа одамлар дуч келадиган нарсаларга ҳамдардлик; одамларнинг психологик аҳамиятли хусусиятларини тавсифлашда юқори сезувчанлик ва хис-туйғулар, уларнинг ҳамда бошқа одамларнинг хулқ-атворини психологик таҳлил қилиш ва психологик изоҳлашга мойиллик;

• амалий психологик онг - одамларнинг шахсий хусусиятларини яхши ҳисобга олган ҳолда вазифалар ва мажбуриятларни моҳирона тақсимлаш; одамларни тушуниш қобилиятини талаб қиладиган вазиятларда тезкор йўналиш; шахсий ёқтириш ва ёқтирмасликларни, вазифаларни бажариш учун гуруҳларни ёллашда одамлар ўртасидаги муносабатларни ҳисобга олиш; одамларни рағбатлантириш қобилияти;

• психологик тактика - одамларга етарлича таъсир кўрсатиш даражасини танлаш; суҳбатдошнинг индивидуал хусусиятларига мос равишда нутқни мослаштириш; алоқа мазмунини индивидуаллаштириш; одамлар билан муносабатларда эҳтиёткорлик, ҳамдардлик; алоқада соддалик ва табиийлик, турли одамларга мурожаат қилишда адолат ва холислик ҳисси.

Менежер учун экстремал қобилият - бозор хусусиятларига кўра кутилмаган, қийин, хавфли вазиятларда ўзини тутиши ва ҳаракатлари талабларига жавоб берадиган индивидуал хусусиятларининг юқори даражаси алоҳида аҳамиятга эга. Улар орасида: экстремал психологик барқарорлик, хавфга қаршилик, ҳаддан ташқари стрессга берилиш, шовқин иммунитети, узоқ муддатли барқарорлик, асабий жараёнларнинг кучи ва бошқалар алоҳида ўрин тутади. Экстремал барқарорлик ва форс-мажор ҳолатларида самарали ҳаракат қилиш қобилияти, шунингдек, махсус экстремал тайёргарликка ҳам боғлиқ: экстремал хабардорлик, экстремал машғулотлар, шахсий хавфсизликни таъминлашга тайёрлик.

Менежердан нафақат потенциал қобилиятларга эга бўлиш, балки мавжуд фазилатларни намоён қилиш ва яхшилаш имкониятига эга бўлиш ҳам талаб этилади. Бунда энг муҳими профессионал ривожланган психологик фазилатларда ифодаланган касбий ривожланган қобилиятлардир. Улардан энг муҳимлари орасида:

• бозор ва иқтисодий фикрлаш;

• бошқарув фикрлаши;

• кузатув;

• хотира;

• алоқа;

• ташкилийлик, аниқлик ва мажбурият;

•хушёрлик, касбий психологик барқарорлик ва ўзини ўзи бошқариш қобилиятлари ва одамлар билан ишлашга тайёрлик.

Одамлар билан ишлаш қобилияти ўзаро тушуниш ва ишонч, садоқат, умумий қарашлар ва ахлоқий қадриятларни баҳам кўришни, бир-бирларини қўллаб-қувватлашни талаб қилади. Бу муносабатлар корхонанинг ичида ҳам, ундан

ташқарида ҳам ташқи шерикларнинг, умумий ва алоҳида шахсларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда қурилган ва улар учун фойдали бўлиши керак.

Менежернинг одамлар билан ишлаши қўшимча равишда унинг касбий (касбий-педагогик ва касбий–психологик) тайёргарлигига боғлиқ. Илмий бошқарув фақат одамлар билан илмий асосланган иш олиб борилганда иш беради, бу эса ушбу икки турдаги тайёрликни шакллантиришни тақозо этади. Биринчидан, психология фанининг тавсияларига асосланган психологик баркамол етакчиликка тайёрлик, иккинчидан, педагогика тавсиялари асосида одамларни ўқитиш ва ривожлантиришга тайёрлик. Иккала фан ҳам менежернинг махсус психологик ва педагогик маҳорат, қобилият, одатлар, ички нуқтаи назар ва технологиялар билан ишлашнинг психологик ва педагогик масалалари бўйича аниқ билимларга эга бўлиши учун хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

9. Назаров А. РАҲБАРНИНГ ШАХСИЙ КОМПЕТЕНТЛИ ОМИЛИНИНГ БОШҚАРУВ ҚАРОРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШГА ТАЪСИРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ТАҲЛИЛИ.

10. Mengboevich U. B., Sottarovich N. A. SOCIAL AND PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF THE LEADER IN THE IMPLEMENTATION OF MANAGEMENT DECISIONS //Science Time. – 2021. – №. 10 (94). – С. 31-35.

11. Umarov B. M., Nazarov A. S. SOCIO-PSYCHOLOGICAL ASPECTS AND MECHANISMS AFFECTING MANAGEMENT DECISION-MAKING IN THE ACTIVITIES OF THE HEAD //Международный научно-практический электронный журнал «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА». Выпуск № 29 (том 1)(октябрь, 2021). Дата выхода в свет: 31.10. 2021. – С. 91.

12. UMAROV B. M., NAZAROV A. S. PSYCHOLOGICAL MODELS OF BEHAVIOR OF MANAGERS IN THE PROCESS OF MAKING MANAGEMENT DECISIONS.

13. Nazarov A. S. DECISION MAKING AS A KEY PART OF MANAGEMENT ACTIVITY //Международный научно-практический электронный журнал «МОЯ

ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА». Выпуск № 33 (том 1)(февраль, 2022). Дата выхода в свет: 28.02. 2022. – С. 77.

14. Nazarov A. S. PSYCHOLOGICAL ASPECTS OF MANAGEMENT DECISION-MAKING IN EMERGENCY SITUATIONS //Международный научно-практический электронный журнал «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА». Выпуск № 34 (том 1)(март, 2022). Дата выхода в свет: 31.03. 2022. – С. 131.

15. Sottarovich N. A., Zilola K. PSYCHOLOGICAL MECHANISMS FOR MAKING MANAGERIAL DECISIONS IN MANAGEMENT ACTIVITIES //Science Time. – 2022. – №. 2 (98). – С. 27-33.

16. Назаров А. С. ОСНОВНЫЕ ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ДЕТЕРМИНАНТЫ, ОБЕСПЕЧИВАЮЩИЕ ПРОЦЕСС ПРИНЯТИЯ РЕШЕНИЙ В УПРАВЛЕНИИ //Международный научно-практический электронный журнал «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА». Выпуск № 36 (том 1)(май, 2022). Дата выхода в свет: 01.06. 2022. – С. 7.

# ЁШЛАР ХУЛҚ-АТВОРИГА САЛБИЙ ТАЪСИР ЭТУВЧИ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР

*Сарибаева Умида Саттаровна*
*Низомий номидаги ТДПУ доценти, психология фанлари номзоди*

Ёшлар хулқ-атворига салбий таъсир этувчи ижтимоий-психологик омилларни ўрганиш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Хулқ-атворни бошқариш, назорат қилиш оила муҳитида андозалар асосида шакллантирилади. Шу ўринда гендер тенгликни сақлаш муаммоси хам ёшларни тарбиясида ўзига хос таъсирга эга.

Инсоннинг ривожланиши концепциясида асосий мақсад-инсонлар учун муносиб турмуш шароитини яратиш ва таъминланиши таъкидланган бўлиб,

жамият тараққиёти иқтисодий салоҳият кўрсаткичларига кўра эмас, балки ҳар бир инсоннинг равнақи ва уйғун ривожланиши йўлида хизмат қилишига кўра баҳоланиши қайд этилган[18]. Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ва иқтисодий ўсишида аҳолининг билимлилик даражаси муҳим аҳамиятга эгалиги қайд этилган.

Инсон ҳуқуқлари Умумдекларациясида (1948) қайд этилганидек, инсон қадр — қиммати "озодлик, адолатлилик ва умумий тинчлик асосидир". Инсон **ривожланишининг барқарорлиги мезонлари бу** катта ёшдаги аҳолининг билим даражаси, **таълим кўрсаткичлари**, **танлов ва имкониятларнинг тенглиги,** жамиятнинг сиёсий ҳаётида иштирок этиш имкониятлари, моддий фаровонлик даражаси, барча одамлар учун тенг имкониятларни мавжудлиги, ижтимоий мавқеи, эътиқоди, жинси ва қайси миллатга мансублигидан қатъи назар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тенглигига асосланиши белгилаб қўйилган.

Бир қатор мутахассислар, инсон ривожланишининг барқарорлигига жорий ва истикбол йўналиш мақсадларининг оқилона бирлашуви натижасидагина келажак ва ҳозирги авлодларга зиён етказмаган ҳолда эришилиши мумкинлиги хақида фикр билдиришган[19].

Олиб борган тадкиқот ишларимизни натижасида одамларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришда эркак ва аёлларнинг ижтимоий фаоллиги ва тенглиги, жамият ва оила ҳаётида ўзларини намоён этишлари учун имкониятларни яратилиши ижтимоий тенгликни кафолатлайдиган ва жамият равнақига фойда келтирадиган энг муҳим омиллардан саналиши аниқланди, аксинча, инсон қадр — қиммати борасида тенглик ва эркинликларнинг йўқлиги, оила ва жамиятни таназзулига, ижтимоий ва сиёсий тартибсизликларга олиб келиши мумкин, деган фаразни илгари сурамиз.

Эркак ва аёлларнинг жамиятдаги тенглик мақомининг сиёсий-хуқуқий, моддий-иқтисодий, маънавий-маданий, рухий-психологик, хиссий-иродавий ва

---

18 БМТТД, Инсон ривожланиши тугрисидаги маъруза, Ташкент, 1996.

19 World Commission on Environment and Development (1987). Our Common future (The Brundtland Report). (Oxford, Oxford University Press).

этнопсихологик асослари мавжуд ва уни илмий-назарий жиҳатдан ўрганишни тақозо этади.

Фикримизча, тенгсизлик натижасида жамиятда ва оилада зўравонликнинг ёйилиши ва ихтилофлар туғилиши учун шарт —шароит яратилади, биз айнан тадқиқот ишимизда мана шу тенгсизликларни ижтимоий-психологик, этнопсихологик хусусиятларини ўрганишни ва бархам бериш чораларини ишлаб чиқишни мақсад қилиб олганмиз.

Бироқ, афсуски, табиатда бўлгани каби, кишилик жамиятида мутлақ тенглик мавжуд эмаслиги, ижтимоий ривожланиш кўплаб омиллар таъсири остида бўлиб, улар объектив тарзда тенгсизликни вужудга келтириши, бу эса ўз навбатида инсониятнинг жамиятда тенгликни таъминлашга бўлган интилиши билан мутлақ тенгликка эришиш имкониятнинг йуқлиги ўртасида зиддиятнинг вужудга келишига сабаб бўлиши бир қатор адабиётларда қайд этилган[20].

Барча замонавий демократик давлатларнинг конституцияларида "барча одамларнинг тенглиги" ҳақида модда мавжуд бўлгани ҳолда амалда тенгликка эришиш йўли мураккаблигича қолмоқда.

Тенгсизлик тизимини таърифлаш учун замонавий социологияда "ижтимоий стратификация" атамисидан фойдаланилади. **Ижтимоий стратификация** (лотинча stratum — қатлам ва facio — қиламан) — "бу жамиятдаги ижтимоий табақаланиш, тенгсизлик белгилари ва мезонлари тизими бўлиб, улар жамиятнинг ижтимоий таркиби асосини ташкил этади, бунда одамлар ҳукумат, мулкчилик ва мавқега нисбатан алоқасига кўра табақаларга бўлинади". Стратификация жараёни жамиятнинг ижтимоий тузилиши шакли ҳамда фуқароларининг тегишли қадриятлари йўналишига бевосита боғлиқ бўлади"[21].

**Эркаклар ва хотин-қизлар ўртасидаги тенгсизлик** радикал феминистик ёндашувга ва жинсига кўра, эркаклар ва хотин — қизларга бўлиниши назарда тутилган[22]. Жамиятда мавжуд бўлган яққол ижтимоий тенгсизлик ва камситишни

[20] Шведова Н.А. Просто о сложном: гендерное просвещение. Пособие. Очерки о политической теории и истории. Документальные материалы. Москва. 2002.

[21] Вебер М. Основные социологические понятия // Вебер М.. Избранные произведения. М.: Прогресс. 1990.

22 Гендер и культура. Учебное пособие для студентов гуманитарных факультетов.

оқловчи қатор салбий қарашлар мавжуд бўлиб, ижтимоий психолог М.Дж.Лернернинг фикрича, "ҳаётнинг ўзи шундай" деган фикр ана шундай қарашлардан биридир. Ушбу концепцияга кўра шундай салбий ёндашувлардан бири вужудга келдики, унга кўра хотин — қизлар "ожиза" деб қаралади ва шунга кўра уларнинг мавқеи пастлиги ва меҳнатига кам ҳақ тўланишини изоҳлашга ҳаракат қилинади.

**Анъанавий эркаклар роллари томонидан эркаклар ривожланишига юкланадиган чекловлар мавжудлиги муаммоси унинг психологик ва этнопсихологик жиҳатларини ўрганишни тақозо этади.**

Тадқиқот ишимизда асосий эътибор эркаклар ва хотин — қизлар ролларини ўрганиш, уларнинг оиладаги ва ижтимоий мақомини даражасига таъсир қилувчи омилларни аниқлашга қаратилган.

Эркакларнинг ижтимоий мақоми маошининг катталиги ва ишдаги муваффақияти билан белгиланса, аёлларнинг оиладаги мақоми уй рўзғор ишларидаги уддабуронлиги, қариндош уруғлар ўртасидаги яхши муносабатларни ўрнатилганлиги, фарзандларнинг яхши тарбия кўрганлиги каби омиллар билан изоҳланади. Кузатишлар натижасида, эркакларнинг барчаси ҳам жамиятда "яққол муваффақият" деб қабул қилинадиган хамда "ҳақиқий эркак" тўғрисидаги тасаввурга мос келадиган хизмат лавозимига эриша олмаслиги, ишдаги муваффақиятсизликлар эркакларнинг ўзига ўзи берадиган баҳосининг пасайишига олиб келиши аниқланди. Ушбу ҳолатлар эркакларни иш ҳақига кўра иш ва лавозим танлашига таъсир кўрсатиши, айниқса, оилада ёлғиз ўзи ишлаб пул топишга мажбур эркаклар кучли руҳий тазйиқни бошидан кечириши кузатилди. Оилада бир неча оила аъзоларининг ягона боқувчиси ҳисобланган эркакка қарамлиги турли стресс ҳолатларини келтириб чиқариши кузатилди.

Эркакларнинг ижтимоий мақоми, муваффақиятили бўлиши уни оиласига катта маош олиб келиши билан боғлиқ қарашлар эркаклар зиммасига юкланган асосий мажбурият - эркаклар томонидан оталик

Душанбе. Информационное агентство «Азия-плюс». 1999.

вазифаларини бажаришига салбий таъсир кўрсатади, уларни болалар тарбиясидан узоқлашувига сабаб бўлади, бу эса айниқса ўзбек оилалари мисолида яққол намоён бўлади.

Жисмонан ўз ҳатти-ҳаракатларини бошқара олмайдиган, назорат қила олмайдиган, ўзи хақида паст фикрда бўлган ва қуйи ижтимоий — иқтисодий мақомга эга бўлган эркаклар оилади нуфузини сунъий оширишга уринишади ўзининг кутилмаларидаги хурматга лойиқ бўлиш мақомига тўғри келмайдиган эркаклар лаёқатсизлик туйғусини бошдан кечириб, унинг ўрнини "юқори даражада эркаклик" билан қоплашга ва бунда хулқ-атворида эмоционал, ақлий ва жисмоний жиҳатдан ҳаддан зиёд катъиятни намойиш этишга интилади.

Эмоционал жиҳатдан эркакларни камроқ ҳаяжонланиши, ҳис — туйғуларини камроқ намойиш этиши керак, деган шаклланган установкалар ва стереотиплар сабабли улар хисларини намоён этишни ўзларига эп кўрмайдиган холат сифатида қарашади. Бу эса эркакларнинг оиладаги, хотини ва болалари билан муносабатларининг қашшоқлаушувига, муносабатларда хиссий-эмоционал танқисликка сабаб бўлади. Шунингдек, бу эркакларда зиддиятли муносабатлар ва рақобатлашув даражасини ортишига, рухий-психологик босимни кучайишига олиб келади.

Шунингдек, эркаклар ақлий қатъиятни, ақлий интеллектини ўринли намойиш этишда билимли ва лаёқатли бўлиб кўринишга интилишади-ю, аммо уларнинг билим даражасидан юқори бўлган муаммолар юзага келганда мушкул аҳволга тушиб қолиши ва натижада ўзларининг билимсизлигига гувоҳ бўлган оилада аёл кишини камситиши, хунук сўзлар билан таҳқирлаши, хизмат доирасида эса, чуқурроқ билимга эга ходимларини сиқувга ола бошлаши аниқланди.

Ақлий, хиссий ва аҳлоқий интеллект даражаси юқори шаклланмаган эркакларда уни ўрнини  жисмоний катъиятини, жисмоний имкониятларини намойиш этиш билан компенсациялаши-тўлдириши кузатилди ва бундай эркаклар чегара билмай қолиши ва ўзини кўрсатиш учун зўравонлик

ишлатиши аниқланди. Уларнинг ўзлигини намойиш этиши кўпинча оилада кечади ва хотини, болалари ва онаси зўравонликка дучор бўлади.

Миллий-этник қадриятлар ва шаклланган қарашларга кўра эркаклар роли андазаларига мос келувчи эркаклар муомала борасида жиддий қийинчиликларга учраши, оилада эр-хотин, фарзандлар ўртасида ўзаро муносабатларида хиссий-эмоционал танқисликни кузатилиши, психологик ноқулайлик ва руҳий азобларни мавжудлиги муаммони этнопсихологик ва психологик жиҳатларини эмперик асосда тадқиқ этиш зарурлигини кўрсатади.

**Фойдаланилган адабиётлар.**

1. БМТТД, Инсон ривожланиши тугрисидаги маъруза, Ташкент, 1996.

2. World Commission on Environment and Development (1987). Our Common future (The Brundtland Report). (Oxford, Oxford University Press).

3. Шведова Н.А. Просто о сложном: гендерное просвещение. Пособие. Очерки о политической теории и истории. Документальные материалы. Москва. 2002.

4. Вебер М. Основные социологические понятия // Вебер М.. Избранные произведения. М.: Прогресс, 1990.

5. Гендер и культура. Учебное пособие для студентов гуманитарных факультетов. Душанбе. Информационное агентство «Азия-плюс». 1999.

# МАГИСТР ТАЛАБАЛАРДА КОМПЕТЕНТЛИКНИ БАҲОЛАШ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

*Ганиева Гулрух Валижон қизи*
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси катта ўқитувчиси*

Ўзбекистон тараққиётининг замонавий шароитида олий таълимнинг асосий вазифаларидан бири битирувчида касбий фаолиятда зарур бўлган ижтимоий-маданий, бошқарув, ижодий, рефлексив, коммуникатив ва ривожлантирувчи шахсий сифатларни хам шакллантиришдир.

Ўзбекистонда магистрларни тайёрлаш 1999 йилдан бошланган. Ўтган давр ичида магистратура мутахассисликлари бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлаш бўйича салмоқли ишлар қилинган. Республика учун зарур бўлган соҳалар бўйича мутахассисликлар очилди, ўқув-методик ва ахборот ресурслари такомиллаштирилди, ўқув жараёнига кредит-модуль тизимлари жорий этилди ва х.қ.

Шу билан бирга Республикамизда олий таълимни ривожлантириш, хусусан, магистрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш зарурлиги қатор ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топган [1]. Биринчидан, “Ҳаракатлар стратегияси”да олий таълимни ривожлантиришга ва сифатни ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган ҳамда ўқитишнинг баҳолаш сифати, олий таълим муассасаларига халқаро стандартларни жорий қилиш асосида сифат ва самарадорликни ошириш бўйича мақсад ва вазифалар белгиланган [2]. Иккинчидан, охирги ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларда таълимни компетентликка йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, педагогик-психологик ва шахсни ҳар томонлама ривожлантиришни шакллантириш учун шароит яратиш, замонавий жамиятдаги ўзгаришларга ҳаётда мослашиш, танловни англаш ва келгусида профессионал ва таълим дастурларини ўзлаштириш, фуқарони тарбиялаш, жамият, давлат, оила олдидаги ўзининг шахсий жавобгарлигини ҳис қиладиган авлодни тарбиялаш каби вазифалар келтирилган. Учинчидан, Болонск жараёнининг асосий тамойиллари билан республикамиз

таълим тизимидаги амалга оширилган ташкилий-бошқарув, норматив-ҳуқуқийислоҳотларни таққослашда ўхшашлик ва ҳаракатларни мослиги кўзга ташланади, жумладан:

а) олий таълимнинг икки поғоналилиги (бакалавриат ва магистратура);

б) олий таълимдан кейинги босқичда фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаларга ўтиши;

в) компетентликка йўналтирилган давлат таълим стандартларининг жорий этилиши;

г) олий таълим ўқув жараёнида рейтинг, кредит ва модул тизимларини жорий этилиши ва бошқ.

Бугунги кунда республиканинг деярли барча олий таълим ташкилотларида магистратура таълими амалга оширилмоқда, аммо айрим дидактик, методологик, методик, технологик каби мавжуд муаммолар бўйича доимий равишда илмий-педагогик тадқиқотларни олиб бориш, кенг жамоатчилик муҳокамаларига олиб чиқиш ва педагогик инновацияларни тезроқ жорий этиш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Педагогика назарияси ва амалиётида “назорат”, “текшириш”, “баҳолаш” ва “баҳо” тушунчаларини таърифлашга ягона ёндашув мавжуд эмас. Улар кўп ҳолларда битта тушунча сифатида қўлланилади ёки бир-бирининг ўрнига ишлатилади. Бу тушунчалар учун умумий “назорат” тушунчаси бўлиб, "таълим олувчининг билим ва кўникмаларини аниқлаш, ўлчаш ва баҳолаш" маъносини англатади. Назорат – таълим олувчининг фаолияти ва унинг эришган натижалари тўғрисида маълумотларни олиш тартиби [3].

Магистр талабалар билимини назорат қилиш таълим сифатини баҳолашнинг асосий жараёнларидан бири ҳисобланади. Назорат баҳолаш жараёни ҳамда натижани аниқлаш кўрсаткичи сифатида назарда тутилади. Таълим натижаларини баҳолаш деганда давлат таълим стандарти (ДТС)да келтирилган талабларга нисбатан магистратура талабасининг эришган натижалари нисбати тушунилади. Олий таълимда балл баҳолаш жараёнининг натижасидир.

Ҳаётдаги деярли ҳар қандай инсоний ҳаракат билим олиш билан боғлиқ десак, муболаға бўлмайди, фақат бу билимларни ўзлаштириш уларнинг амалиётда қўллай олиш билан боғлиқдир.

Бироқ, таълим сифати муаммоси бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилганига қарамасдан, олимлар таълим натижаларини баҳолаш мезонларини ва кўрсаткичларини аниқлаш ва талабаларда компетентликни ривожлантириш бўйича ягона ўлчов бирликлари йўқлигини таъкидлайдилар.

Компетенцияни таркибига маълум бир муаммони ҳал қилиш учун керак бўлган сифатлар киради: билим, кўникма, интеллектуал қобилият, фаолият тажрибаси, касбга йўналтирилган шахсий сифатлар ва уларни қўллаш мотивацияси.

Таълимда компетентлик ёндашувни жорий этилиши таълим сифатини баҳолашда янгича ёндашишни таъкозо этади. Магистр талабаларнинг таълим натижалари сифатини компетенцияга асосланган ёндашув нуқтаи назаридан баҳолаш деганда, биз уларнинг билим, кўникма, касбий тайёргарлиги ва шахсий сифатларини ўлчаш билан боғликлигини назарда тутамиз. Таълим дастурларини ўзлаштириш натижаларига компетенцияга йўналтирилган талаблар қўйилган тақдирда, талабаларнинг билим ва тажрибасини турли вазиятларда қўллашга тайёрлигини баҳолаш мумкин. Бинобарин, таълимда компетенцияга асосланган ёндашув магистр талабаларнинг таълим ютуқлари сифатини баҳолаш муаммосини ҳал қилишга ёрдам беради.

Таълим сифатини назорат қилишни ташкил этиш олий таълим тизимида магистр талабаларнинг малакаларини самарали шакллантиришнинг шартларидан биридир. Шу билан бирга, магистр талабаларнинг компетенция даражасини баҳолаш уларнинг келажакдаги касбий фаолияти соҳасидаги муаммоларни ҳал қилишда уларнинг билим, кўникма ва малакаларини холисона кўрсатиши керак.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2909-сон қарори. 2017 йил 20 апрель.

2. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон Фармони. 2017 йил 7 февраль

3. Зырянова, Н.Д. Оценка качества усвоения знаний и умений по физике учащихся старшей и профильной школы в условиях дифференцирования и индивидуализации обучения: дисс. … канд. пед. наук/ Челябинск, 2006. – 244 с. – С. 46.

# ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ДИНИЙ ЭЪТИҚОД МАСАЛАСИ

*Исаева Муштарий Алишер қизи*
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси*
*Дин психологияси ва педагогика кафедраси ўқитувчиси*

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида дин – эътиқод, ишонч маъносида келиб, Илоҳий кучга, Худога ишонишга асосланган дунёқараш, тасаввур, урф-одат ва маросимлар мажмуини билдиради.[1]

Инсонлар кўп ҳолатда динга маънавий ва психологик, мафкуравий бўшлиқни тўлдириш, ўзини шу йўналишда топиш ва ўзларининг кундалик муаммоларини мустақил равишда ҳал қила олмайдиган пайтларда мурожаат қиладилар. Диндорларнинг ўзлари динга бўлган илк мойилликларини “мўъжиза” билан, кутилмаган идрок ва маърифат билан, Худо билан мулоқот қилиш билан боғлашади.[2]

Агар **эътиқод** – шахс, гуруҳ ва оммани жипслаштирувчи, одамларни ижтимоий ҳаётнинг фаол аъзосига айлантирувчи омил бўлса, **диний эътиқод** илоҳий кучларга ишонувчи кучлар онгида бўлган диний тасаввурлар, образлар мажмуасидир. Диний эътиқод диний онгнинг асосий элементи сифатида диний ақидаларга, йўл-йўриқ ва кўрсатмаларга шак-шубҳасиз ишониш хамда уларга амал қилишдир. Демак, ҳар қандай диний онгнинг негизида диний эътиқод ётади.

Маълумки, **диний онг** – диндор кишилар онги бўлиб, диний ишонч-эътиқод мустаҳкамлигининг муҳим омилидир. Бироқ ҳар қандай эътиқод ҳам диний эътиқод бўлавермаслигини таъкидлаш жоиз. Зеро, диний иймон, эътиқод инсон психологиясида алоҳида барқарор ишончнинг мавжуд бўлишини тақозо этади. Ф.Абдураҳмонов ва З.Абдураҳмоновалар диний онг элементларига: диний психология; диний кечинма; диний ҳиссиёт; муҳаббат, қўрқинч, шодлик ҳамда диний мафкура; догматика; апологетика; диний нормаларларни киритади.[3]

Айтиш жоизки, онг даражасининг юқорилиги эътиқод ўртасидаги ирода ва ишончнинг тафаккур билан боғлиқ эҳтиёжмандлигини белгилайди. Бу эса оила, маҳалла, тарбия масканлари орқали ёшларга сингдирилади ҳамда уларнинг ўзаро уйғунлигини талаб этади. Шунингдек, жамиятимизнинг маънавий негизларини янада ривожлантириш, азалий миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятимизда юксак маънавий муҳитни кенг қарор топтириш, ўзбек миллий менталитетига мутлақо ёт бўлган ва кучайиб бораётган турли хил зарарли таъсирларга қарши туришда оиланинг ўрни ва аҳамиятини оширишни тақозо этади.

Демак, дин ижтимой-сиёсий, маънавий-маданий соҳалар, миллатлараро муносабатлар билан бирга оилада ҳам муҳим роль ўйнайди. Зеро, дин одамлар ҳаёт тарзи, фикр ва хатти-ҳаракатларини санкциялаштиради, уларга олижаноблик бахш этади ёки гуноҳ сифатида қоралайди. Шу тариқа, дин оилага бевосита ўз таъсирини ўтказади.

Умуман олганда, инсон ҳаётининг том ва мукаммал маъноси оилада мужассамланади. Жамиятимизда оила тушунчаси улуғланади ва эр-хотинликнинг муқаддаслиги ҳимоя қилинади. Хусусан, оилани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш, жамиятда энг ибратли оилавий анъаналарни сақлаб қолиш ҳамда тарғибот қилиш масалалари бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекларда оилавий муносабатлар исломий ва миллий қадриятларнинг чуқур тарихий илдизларига бориб тақалади. Ислом динида оилага катта эътибор берилиб, уни қандай ташкил қилиш, оила аъзоларининг ҳуқуқлари, фарзандлар

тарбияси, оилада чиқадиган келишмовчиликларни муолажа қилиш, умуман оилавий ҳаётнинг барча масалаларига жавоб топиш мумкин. Ўз турмуш рафиқаси билан қандай муомала қилиш, ота-оналар ва фарзандлар билан қандай муносабат қилиш, оила аъзоларига нисбатан ҳурмат-эҳтиром зоҳир этиш каби оилавий турмушнинг ва эр-хотин муносабатларининг барча томонлари ислом динининг асосий манбалари ҳисобланган Қуръони карим, ҳадислар ва шаръий қонунларда ёритилган.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда марҳамат қиладики: “Унинг аломатларидан (яна бири) – сизлар (нафсни қондириш жиҳатидан) таскин топишингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратгани ва ўртангизда иноқлик ва меҳрибонлик пайдо қилганидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган кишилар учун аломатлар бордир” (“Рум”сураси, 21-оят). Қуръони каримда оиладаги эр билан хотиннинг ўрни белгилаб берилган бўлиб, эркак кишининг масъулияти алоҳида қайд этилган. Яъни, эрнинг ўз хотини олдида ҳам ижтимоий, ҳам жисмоний, ҳам молиявий бурчи мавжуд. Қуръонда эрга оила бошлиғи сифатида муайян вазифалар юклатилган бўлиб, ислом дини ўз аёлларига нисбатан яхши муносабатда бўлган эркакларни инсонларнинг энг яхшилари қаторига қўшади. Умуман, Қуръондан эр-хотин ёхуд оилавий муносабатларга хос оятларни кўплаб келтириш мумкин.[4]

Ўзбек оилаларида ислом динининг ўрни катта экан, оила мустаҳкамлигини таъминлаш, баркамол инсонларни вояга етказишда нафақат диний қадриятларнинг роли, балки шахс диний йўналганлигининг ҳам аҳамияти каттадир.

Ислом манбаларида бола дунёга келмай турибоқ, унинг келажаги тўғрисида қайғуриш кераклиги ҳақида кўрсатмалар бор. Оиланинг зиммасидаги муқаддас бурчларнинг бири – улкан тарбия ўчоғи эканлиги шунда намоён бўлади. Оила ўз фарзандларини тарбиялаб, уларга умуминсоний қадриятларни сингдириш билан уларга бошланғич ижтимоий йўналиш беради. Ўз фарзандаларини катта оқимга – жамиятга қўшиш билан эса оила жамият йўналиши, иқтисодиёти, маданияти ва маърифатини ҳам белгилашга ўз таъсирини кўрсатади.

Оила деганда кўз ўнгимизда эр-хотин ўртасидаги иттифоқ гавдаланади. Бу иттифоқ эса ўзаро ишонч, ҳурмат, мехр-муҳаббат сингари инсоний ҳислатлар билан боғланган бўлсагина у мустахкам «қўрғонга» айланади. Жамиятимизда оила тушунчаси улуғланади ва эр-хотинликнинг муқаддаслиги ҳимоя қилинади.

Эр-хотинлик фақат қонуний никоҳ туфайлигина тан олинади. Бундан бошқаси ахлоқсизлик саналади. Бу табиий ҳол албатта. Чунки, қонун доирасида тузилган никоҳ орқалигина эр-хотинлар ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятлар пайдо бўлади.

**Дин шахс ва унинг атрофдагиларга бўлган муносабати шаклланишига таъсир этиб, ҳар томонлама мукаммал инсон бўлишида муҳим рол ўйнайди.** Дин одамзотни хеч качон ёмон йўлга бошламайди. Дин бу дунёнинг ўткинчи эканини, охиратни эслатиб туради, одам боласини хушёр бўлишга, ҳаром йўллардан узоқ юришга, яхши бўлишга, яхши из қолдиришга ундаб туради.

Маълумки, муқаддас динимиз исломда, унинг асосий манбалари ҳисобланган "Қуръони Карим" ва Ҳадисларда ҳам оилавий турмушнинг ва эр-хотин муносабатларининг барча томонлари ҳақида қимматли маълумотлар ва шаръий қонунлар ёритилган. Қуръони Каримнинг оятида оиладаги эр билан хотиннинг ўрни белгилаб берилган. Шариат хукмича, эр аввало оиланинг барча молиявий ва маънавий тарафларига жавобгар, уни четдан бўладиган хар кандай хуружлардан ҳимоя қиладиган шахсдир. Мана шуларнинг эвазига ва эркак киши учун фазилат ҳисобланмиш оғир-босиқлик, оила рўзғор тебратишдаги тадбиркорлик каби сифатлар мавжудлиги сабабли у оиланинг бошлиғи саналади. Яхши хотин эса диёнатли, эрнинг уйини обод қиладиган ва унга бир умр садокатли бўлган аёлдир. Қуръони Каримдан эр-хотин ёхуд оилавий муносабатларга хос ибратли мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Демак, оила мустаҳкамлигини таъминлашда, баркамол инсонларни вояга етказишда, аввало, шахснинг диний йўналганлигининг аҳамияти катта. Зеро, шахснинг диний йўналганлиги фарзандларнинг қандай диний билим олишига, диний қадриятларнинг оилада қандай ўрин тутиши ва бажарилишига бевосита

таъсир кўрсатади. Ислом дини ўзбек халқида одат шариат қонунлари билан бир қаторда жамоа ҳаётини тартибга солишида муҳим роль ўйнашини ҳисобга оладиган бўлсак, мазкур омил катта аҳамият касб этади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати / А. Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2013. – Б.621.

2. Мельникова Н.А. Социальная психология: конспект лекций. – М.: 2008. – 160 с.

3. Абдураҳмонов Ф., Абдураҳмонова З. Дин психологияси. – Тошкент: ЎзРФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011. - Б.36.

4. «Қуръони Карим» ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси / Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. – Тошкент: «HILOL NASHR» нашриёт, 2018. – 628 б.

## СУИЦИДАЛ ҲОЛАТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

*Абдуллаева Ранажон Матёқубовна*
*Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Умумий психология кафедраси доценти, психология фанлари номзоди*

Ўсмир шахсининг такомиллашуви ва шаклланишига туртки бўлган омиллардан бири - ўқув фаолияти мотивларидаги сифат ўзгаришидир. Кичик мактаб ёшидаги боладан фарқли, ўсмир энди фақат билимлар тизимига эга бўлиш, ўқитувчининг мақтовини эшитиш ва “5” баҳоларни кўпайтириш учун эмас, балки тенгкурлари орасида маълум *ижобий мавқени эгаллаш*, келажакда яхши одам бўлиш учун ўқиш мотивлари устувор бўлиб боради. Лекин И.В. Дубровинанинг берган маълумотларига кўра, ўқув фаолияти мотивлари орасида умуман билиш,

янги билимларга эга бўлиш мотиви кучсиз бўлгани сабабли, улар мактабга боргиси келмайди, ўқишга оғриниб келиб, салбий эмоциялар ва ҳавотирлик ҳисларини бошдан кечирадилар (ўртача 20% ўқувчилар). Бу катталарнинг ўсмир билан ишлашини қийинлаштиради.

Ўсмирнинг шахс сифатида тараққиётида икки хил ҳолат кузатилади: бир томондан, бошқалар, тенгқурлар билан яқинрок алоқада бўлишга интилиш, гурух нормаларига бўйсуниш, иккинчи томондан, мустақилликнинг ошиши ҳисобига бола ички руҳий оламида айрим қийинчиликлар кузатилади. Ўзгаларни англаш билан ўз- ўзини англаш ўртасида ҳам қарама-қаршиликлар пайдо бўлади. Кўпинча ўсмир ўз имкониятларини юқори баҳолайди, бошқалар эса унинг кучи, иродаси ва салоҳиятига ишончсизлик билан қарайди. Лекин шундай бўлса-да, ўзини нима қилиб бўлса ҳам ҳеч бўлмаганда тенгқурлар жамияти томонидан тан олинишига эришишга интилади ва улар билан мулоқот ҳаётининг маъносига айланиб қолади. Агар мабодо ўсмир шу даврда бирор сабаб билан тенгқурлари жамияти томонидан инкор қилинса, у бунга жуда катта мудхиш воқеадай қарайди, мактабга бормай қўйиши, ҳаттоки, суицидал ҳаракатлар (ўз жонига қасд қилиш) ни ҳам содир этиши мумкин.

Ўсмирлик давридаги қийинчиликларнинг олдини олишнинг энг ишончли ва фойдали йўли - бу унинг бирор нарсага турғун қизиқишига эришиш, фаолият мотивларини мазмунлирок қилишдир. Масалан, шу даврда техникага қизиқиб қолган бола қизиқишини қондириш шарт-шароитининг яратилиши, бекор қолмаслигига эришиш, ҳар бир ҳаракатини рағбатлантириш, унга бир иш қўлидан келадиган одамдай муносабатда бўлиш катта педагогик-психологик аҳамиятга эга. Унинг қизиқишларини била туриб, олдига янгидан янги мақсадлар қўйиш - бола шахсининг ривожига асосдир. Шундагина унинг ўз «Мен»и тўғрисидаги тасаввурлари ижобий, ўз-ўзига баҳоси объектив ва адолатли бўлади, ўзининг нималарга қодирлиги ва ким эканлиги ҳақида яхши фикрлар пайдо бўлади.

Ўсмирлардаги суицидал ҳаракатларни амалга оширилишида оилавий муҳитнинг ўрни жуда каттадир. Суицидентларни тушуниш учун уларнинг оилавий ҳаётларини яхши билиш керак, чунки улардаги эмоционал бузилишлар

оила аъзоларида акс этади. Масалан, бир кишида безовталик аломатлари кузатилар экан, оиланинг бошқа аъзоларида шундай ҳолат йўқ, деб бўлмайди. Суицид ҳаракатларини амалга оширган жуда кўп ўсмирларнинг ота-оналари аввалдан суицид ҳақида ўйлаганликлари аниқланган. Оилада яқин кишининг ўлими, ажралиш ёки ишдан ажралиб қолиш каби тушкун вазиятлар пайдо бўлиши мумкин. Бу нарса оиланинг ҳамма аъзоларида оғир руҳий ўзгаришларни юзага келтиради. Оиладаги бундай ижтимоий бузилишлар учун кимдир жавобгар бўлиши керак. Кўп ҳолларда бундай "айбдорлик" оиланинг энг беозор, ўзини ҳимоя қилолмайдиган ва бошқаларга эътироз билдира олмайдиган аъзосига "насиб қилади". Унинг ёмон ва ҳамма кўнгилсизликлар учун жавобгар эканлиги бир неча марта айтилади. Ҳаттоки, яқин кишисининг ўлимида ҳам айблашлари мумкин. Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, инсон ҳаёт билан ихтиёрий равишда видолашар экан, бу билан ўзи севадиган кишисини ҳимоя қилаётганлигига чин дилдан ишонади. Энг даҳшатлиси шундаки, суицидал оила аъзоси ўзини-ўзи ўлдириши билан оила аъзоларининг муаммолари ҳам ҳал бўлади, деб ўйлайди.

Суицидни муайян бир инсонни ўраган ижтимоий муҳитсиз жиддий ўрганиб бўлмайди. Унга яқин бўлган кишилардаги муҳим эҳтиёж, мақсад ва интилишларга диққатни қаратиш мақсадга мувофиқ. Нафақат муайян бир инсондаги кечинмаларни, балки, у мансуб бўлган оиладаги эмоционал муҳитни билиш керакли ечимни топишга ёрдам беради. Бу борада ўсмир вояга етаётган оиладаги аъзолар боланинг руҳиятидаги ўзгаришларни тушунишга, уни доимий тарзда эътирозларсиз эшитишга ва самимийлик асосида хушмуомалаликда муносабатда бўлишлари лозим. Акс ҳолда ўсмирдаги кучли руҳий зўриқувчанлик ҳар қандай ҳолатлар содир бўлиши эҳтимолини келтириб чиқариши табиий.

Кўплаб суицидал хулқ-атвор эгалари депрессиядан изтироб чекадилар. Депрессия, одатда охиста бошланиб, кўпчилик буни сезмай ҳам қолади.Суицидал белгиларнинг жуда кўплари депрессия ҳолатини белгиловчи жиҳатларга жуда ҳам ўхшаш. Илгарилари қониқиш ва роҳатланиш ҳиссини берган нарсаларнинг энди бундай эҳтиёжларни қондирмай қолиши депрессиянинг асосий белгиси ҳисобланади.Кайфият ёмонлашиб, фаолият ўз маъносини йўқотади. Инсон

руҳияти кучли ҳиссиётлардан маҳрум бўлади. Умидсизлик, гуноҳкорлик, ўзини-ўзи айблаш кечинмалари кучаяди. Жисмоний фаоллик заифлашади ёки аксинча.

Қуйидагилар эмоционал бузилишларнинг белгилари ҳисобланади: 1.Иштаҳанинг йўқолиши ёки ўта очофатлик, уйқусизлик ёки аксинча, уйқусираш; 2.Организмдаги ёқимсиз ўзгаришлардан тез-тез шикоят қилиш (“бошим оғрияпти”, “қорним оғрияпти”, “тез чарчаб қолаяпман”, “тез-тез уйқу босади” ва ҳакозо); 3.Ўзининг ташқи кўринишини ёқтирмаслик; 4.Ўзини ёлғиз, бошқаларга фойдаси тегмайдиган, гуноҳкор ва ғамгин ҳис қилиш; 5.Илгарилари роҳат ва қониқиш ҳиссини бахш этган оила бағрида ҳамда таълим муассасасида, тенгқурлари, яқинлари орасида зерикиш; 6.Мулоқотдан қочиш, дўстлар ва оиласидан ўзини четга олиш, ёлғизланиб қолиш; 7.Диққатни жамлай олмаслик, бажараётган фаолиятининг, ўқиш сифатининг пасайиши; 8.Ўлим ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга берилиш; 9.Келажак режаларининг бўлмаслиги: “Бу нарса нега энди мени безовта қилиши керак?”, “Мен эртага ўлишим мумкинку!”; 10. Арзимаган сабаблар таъсирида бирданига қаҳр-ғазаб ҳиссининг пайдо бўлиши кабилар.

Ўз-ўзини ўлдиришнинг олдини олиш учун қуйидаги чора-тадбирлар тавсия этилади: 1.*Суицидни очувчи калитни танланг.* 2.*Суицидентга шахс сифатида қаранг.* 3. *Кишилар орасида илиқ муносабатлар ҳосил қилишга интилинг.* 4. *Суҳбатдошингизга нисбатан яхши тингловчи бўлинг.* 5. *Суицидент билан ҳеч қачон баҳслашманг.* 6. *Саволлар беринг.* 7. *Ўз фикр-мулоҳазаларингизга таяниб суицидиентни асоссиз равишда хотиржам қилишга ҳаракат қилманг.* 8. *Муаммога ижодий ёндашинг.* 9. *Суицидентда умидворлик туйғусини уйғотинг.* 10. *Суицид эҳтимоллиги даражасини баҳоланг.* 11. *Суицидентни ёлғиз қолдирманг.* 12. *Ёрдам сўраб мутахассисларга мурожаат қилинг.* 13. *Суицидентга нисбатан атрофдагилар томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ва қўллаб-қувватлаш бир маромда сақланиши, ушлаб турилиши лозим.*

Юқоридагилардан хулоса қилиб ота-оналар, педагоглар ва тенгқурлар ўсмир руҳиятини, унинг индивидуаллигини чуқурроқ тарзда ўрганиши ҳамда унда ижобий эмоциялар шаклланишига ёрдам беришлари лозим. Соғлом психологик

муҳит юзага келиши учун эса омма ичида психологик саводхонликни ошириш жуда муҳимдир. Энг катта муаммолардан бири болаларнинг суицид ҳақида ҳеч нарсани билмасликлари билан боғлиқ. Чунки биз катталар уни сир сақлашга одатланганмиз. Уларга бундай маълумотларни оддий қилиб тушунтириб бериш мақсадга мувофиқ. Болаларга ўзингиздаги қайғуни етказишга ҳаракат қилинг. Болалардаги суицид учун айбдорлик туйғусига эътиборни қаратиб, бунда уларнинг ҳеч қандай айблари йўқлигини таъкидланг. Уларга оила қайғусига шерик бўлишга имкон беринг. Агар, сўз билан тушунтира олмасангиз уларни силаб-сийпанг. Бу усул болаларга бўлган меҳрингизни ифодалашнинг энг яхши воситаси ҳисобланади.Тавсия қилардикки, оилаларда, барча таълим муассаларида, меҳнат жамоаларида ҳамда маҳаллаларда мутахассислар иштирокида “Суицидал ҳолатларни келтириб чиқарувчи сабаблар ва уларни олдини олиш чора-тадбирлари” каби мавзуларда  мунтазам равишда маърузалар олиб борилиши лозим. Инсонларда суицидал саводхонлик ошсагина, уни амалга оширувчилар сони камаяди ва олдини олишга имконият вужудга келади, бу эса келажагимиз учун муҳимдир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Насриддинов Ч. Суицид: муаммо ва ечимлар. Ўқув-услубий қўлланма. Т.: “Шарқ”, 2005. 48 б.

2. Ҳайдаров Ф., Жўраев Н.С. Стресс ёки руҳий мувозанатни сақлаш осонми? Ўқув методик қўлланма. Т.:ТДПУ.2003.

# ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ЁШЛАРНИ БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИГА ТАЙЁРЛАШ ОМИЛЛАРИ

*Тешаев Собит Содиқ ўғли*
*Низомий номидаги ТДПУ “Умумий психология” кафедраси стажёр-ўқитувчиси*

Ҳалқнинг, давлатнинг тақдири ва тараққиёти ҳамма замонларда ҳам етакчи раҳбарлар ва уларнинг фаолияти билан узвий боғланиб келган. Чунки, раҳбар шахсининг ақли, заковати, билим ва тажрибаси, одамларни уюштириб, уларни аниқ мақсад сари етаклай олиш қобилияти ҳалқнинг тинчлиги ва осойишталиги, эркин ва фаровон ҳаётини таъминлашда ҳамиша муҳим аҳамият касб этади. Юртбошимиз таъкидлаганидек: “Раҳбарнинг фазилати, аввало унинг одамларга муносабатида, одамларни рози қилиш, уларга ғамҳўрлик, меҳрибонлик кўрсата олиш, эътибор бериш қобилиятларида намоён бўлади. Раҳбар киши элнинг дарду ташвиши билан, шу ташвишларни мумкин қадар осон қилиш ва енгиллатишни ўйлаб яшаши, одамларни ҳимоя қилишга тайёр туриши, бир сўз билан айтганда, ҳалқнинг дардини ўз дарди деб билиши керак”. “Раҳбар учун зарур бўлган яна бир муҳим фазилат шундан иборатки, у ҳалқ билан тил топиша олиши лозим. Раҳбар энг мураккаб, энг қийин вазиятларда ҳам одамларни кўндириши, уларни баъзи бир ножўя йўллардан, ҳаракатлардан қайтариши ва ўз атрофида соғлом иқлим барпо этиши даркор”, “Раҳбар эзгу мақсад ва муддаоларга, олижаноб режаларга эришиши учун одамларни ўз ортидан эргаштира билиши керак... Раҳбарнинг атрофидаги муҳит, маънавий иқлим одамларни ўзига жалб эта олиши керак”.

Бошқарув тизимининг асосий, ҳал қилувчи жойларида замонавий фикр юритадиган, ўз ҳалқи, Ватани манфаатларига ғоят садоқатли, юқори малакали кадрлар тайёрлаш лозим. Ижтимоий ва иқтисодий жараёнларда рўй бераётган камчиликларнинг сабаби биринчи навбатда раҳбар кадрлар масаласига боғлиқлигини ҳам кўрсатади. Шунинг учун демократик жамиятда раҳбарлик қила оладиган ходимларни тайёрлаш, уларда миллий жипслик ғоясини ифода этувчи

дунёқарашни шакллантириш ҳозирги даврнинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бошқарувда раҳбар шахсининг индивидуал-психологик хусусиятлари муҳим омил бўлиб, бу хусусиятлар орасида қобилият ва истеъдод алоҳида ўринда туради. Раҳбарнинг қобилияти ва истеъдоди икки туркумдан иборат: умумий ва махсус. Раҳбарликни самарали таъминлашда қобилият ва истеъдоднинг умумий аҳамиятли таркиблари муҳим аҳамиятга эга. Бу таркибга қуйидагиларни киритиш мумкин: унинг қобилияти ва истеъдоди; мотивацияси; тажрибаси; юқори мансабдагилар билан муносабати; гуруҳ билан муносабати; раҳбарлик самарадорлиги. Раҳбарнинг қобилияти ва истеъдодидаги махсус жиҳатларга эса унинг махсус қобилияти; махсус билимлари; омилкорлиги; ахборотлардан хабардорлиги кабилар киради. Бу келтирилган умумий ва махсус қобилият, истеъдод жиҳатлари билан бирга раҳбарнинг шахсий фазилатлари ҳам муҳим аҳамият касб этади: таъсир ўтказа олиш; ўзига ишонч; ижодкорлик; вазминлик; стрессга бардошлилик; мақсадга эришишдаги собитқадамлик; тадбиркорлик; мустақиллик; мулоқотда очиқлик; масъулиятни ҳис этиш ва бошқалар.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, раҳбар шахсига нисбатан қўйиладиган талаблар хилма-хилдир, улар нафақат психологик, балки кўпроқ даражада иқтисодий прагматик характерга эгадир. Раҳбар шахсига қўйиладиган талаблар мажмуаси қуйидагичадир: қарашларнинг кенг қамровли бўлиши ёки глобал ёндашувни амалга ошира олиш; мақсадни аниқ кўра олиш; кўламни аниқ тасаввур эта олиш; ўзгалар фикрини тинглашга тайёр туриш ёки “яхши тингловчи бўлиш”; журъатли, қатъиятли ва мардлиги; холислик, беғаразлик, тўғрилик каби сифатларнинг эгаси бўлишлик; тиришқоқлик билан ишлаши ва узлуксиз ўқиши; ўз ихтиёридаги имкониятларни тўлиқ ишга солиш орқали барқарорлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини ярата олиш; шахсий таровати ва соғлом бўлиши.

Мазкур келтирилган талабларга тўлиқ жавоб бера олган шахсгина раҳбарлик фаолиятини юқори даражада олиб бориши мумкин бўлади.

Асосан менежмент психологияси орқали ёшларга бошқарувчи - менежерларга самарали фаолиятни таъминловчи барча психологик омилларни, жумладан, жамоаларда индивидуал ҳамда группавий қарорлар қабул қилиш хусусиятларини, лидерлик масалалари, меҳнат мотивлари, нормалари ва қадриятлари масалалари билан бир қаторда ижтимоий психологияга тааллуқли бўлган жамоалардаги ахлоқий - психологик муҳит, мулоқот масалаларини, меҳнат психологиясига тегишли ҳисобланган меҳнат фаолиятини таҳлил этиш, меҳнатнинг унумдорлигини таъминловчи функционал ҳолатлар, иш жойига қўйиладиган психологик талаблар, меҳнатнинг ишончли ва нуқсонларсиз бўлишини таъминловчи инсонга боғлиқ омиллар мажмуини ҳам ўргатиб бориш мақсадга мувофиқдир.

В.М.Каримова, Ф.А.Акрамовалар фикрича, бошқарувчи шахсида шахсий сифатлари мажмуи ушбу фазилатлардан иборатдир: Биринчидан, у олдиндан рўй берадиган ҳодисалар ва уларнинг ҳар бир ходим учун таъсири, оқибатларини ҳис эта олиши ва тасаввур қила олиши керак. Иккинчидан, у турли топшириқларни ўз вақтида, ўз эгасига топшира олиши, ходимлар ўртасида топшириқларни тақсимлашга уста бўлиши, одамлардаги масъулият ҳиссини билган холда ҳамда қобилиятларини ҳисобга олиб, вазифаларни бўлиб бериши ва бажарилиш суръатларини назорат қила олиши керак; Учинчидан, унинг стратегияни, яъни яхши ва истиқболли келажакни таҳлил қилиш қобилияти бўлиши, бунда ҳам тафаккурнинг интиутив жиҳатларидан омилкорона фойдалана олиши, маълумот тақчил бўлган шароитда ҳам тез ва аниқ фикрлар қабул қилиш имкониятига эга бўлиши лозим; Тўртинчидан, таваккал қила олиш, яъни иккиланиш ва таваккалчилик юқори баҳоланган шароитда ҳам зарур имкониятларни топа билиш ва бу йўлда чўчимаслик, қатьий бошлаган йўлдан орқага қайтмаслик. Бешинчидан, лидер бўлиш, яъни ўз хатти-ҳаракатларида ўзгалар билан ҳамкорликда ишлай олиш, улар кўнглига яқин бўлган, руҳий ҳолатлари ва руҳий кечинмаларини тўғри тушуниш, “эмпатия” - ҳамдардлик, ўзгалар дарди учун қайғуриш ҳиссигина

мавжудлиги, мулоқот маҳоратини намоён эта олиш каби қатор ижобий сифатлар туфайли обрў - эътибор қозониш; Олтинчидан, турли хил нохуш, оғир ва ташвишли ҳодисалар ва ишларга чидамли бўлиш, яъни стрессларга чидамли, бардошли бўлиш, ҳар қандай эмоционал танглик ҳолатларида ҳам ўзини тута олиш, ходимларга ҳар қандай шароитда ҳам алам ва ташвишни кўрсатмаслик, мажлислар, йиғинлар ва тортишув, баҳсларда ўзини билиш ҳам менежернинг жамоадаги мавқеини мустаққамлайди; Еттинчидан, авторитет - обрўнинг соҳиби бўлиш – ўз касбига, ўзи кунда амалга ошираётган ишга нисбатан масъулияти, ўз сўзларининг устидан чиқиши, иродалилиги, мавқеи сари интилувчанлиги каби қатор хислатлар обрў қозона олиш кабилар кирадики, улар шахснинг одамлар орасида машхур бўлиши ва тан олинишининг асосидир. Зеро, обрўга эга - авторитет соҳиби - бу шундай шахски, у бошқаларга атайлаб тазъйиқ ёки таъсир кўрсатмайди, унинг ҳар бир сўзи, ҳаракатлари ва борлиғи одамларга ҳам ҳиссий, ҳам иродавий таъсир кўрсатаверади; Саккизинчидан, юмор ҳисси бошлиқ учун жамоадаги маьнавий-психологик иқлимга ижобий таъсир кўрсатишда ёрдам беради, одамлар ўртасидаги, ўзаро муносабатларни яхшилаш, мувофиқлаштиришда ёрдам беради. Тўққизинчидан, ҳалоллик, фозиллик, ўз қадр - қимматини хеч қачон ерга урилмаслиги ва ҳақорат қилинмаслигини учун намунали ишлар қилишга интилиш.

Мазкур сифатлар бошқарувчи шахсига алоқадор бўлиб, улар жамоа ва гуруҳлар доирасида ривожланиб боради. Шундай экан таълим муассасаларида босқичма-босқич ҳолатда бошқарувчанлик сифатларини шакллантиришга ҳаракат қилиш лозим, шундагина бугунги ёшлар эртанги жамиятнинг бошқарувчилари сифатида ўзларида масъуллик ҳиссини тарбиялашлари мақсадга мувофиқдир. Умуман талаба-ёшларнинг келгусида бошқарув фаолиятини амалга оширишларида салбий иллатлар кузатилмаслиги учун ҳозирданоқ бошқарувчи шахснинг касбий ва шахсий сифатларини мужассам бўлишлигига тайёрлаб бориш мақсадга мувофиқдир.

**Фойдаланилган адабиётлар руйҳати**

1. Боймуродов Н. Раҳбар психологияси. Олий таълим, халқ таълими

соғлиқни сақлаш, ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаларининг маъмурий ходимлари учун қўлланма.- Т.: “Янги аср авлоди”, 2007.

2. Каримова В.М. Ижтимоий психология. –Т.: 2011.230 б.

3. Махмудов И., Шомуротова Н.Н. Бошқарув психологияси. –Т.: ТДИУ, 2016. 160 б

# BARKAMOL SHAXS TARBIYASIGA YANGICHA YONDASHUV

*Djurayeva Muhayyo Turayevna*
*MTTDMQTMOI katta o’qituvchisi*

Respublikamiz xukumati oliy va xalk ta’limi sohasida o‘rtaga qo‘yayotgan vazifalarni bajarish ko‘p jihatdan pedagogga bog‘liq. Yangi iqtisodiy sharoitda ta’lim-tarbiyadan ko‘zda tutilayotgan maksadlarga yetishish, talaba-yoshlarning xilma-xil faoliyatlarini uyushtirish, ularni bilimli, odobli, e’tiqodli, mehnatsevar, barkamol inson qilib o‘stirish pedagog zimmasiga yuklatilgan. Xalqimizning kelajagi, Mustaqil O‘zbekistonning istiqloli ko‘p jihatdan pedagogga, uning saviyasiga, tayyorgarligi, fidoiyligiga, yosh avlodni o‘qitish va tarbiyalashiga bo‘lgan munosabatiga bog‘likdir. Uzluksiz ta’lim tizimi amalga oshirilmokda. Shu munosabat bilan pedagoglar mahoratini oshirish, tashkil etish, qayta tayyorlash ishi davlat va jamiyatchining dikkat markaziga kuyilgan. Pedagoglarni falsafiy jihatdan keng fikrlovchi, yuksak mahoratli, keng mulohazali, teran tafakkurli bo‘lishlariga e’tibor qaratilmokda.

Ijtimoiy yo‘naltirilgan bozor iqtisodiyotiga jadal sur’atlar bilan kirib borish jarayoni O‘zbekiston Respublikasi aholisi uchun ta’lim darajasini oshiruvchi omilladan biri bo‘lib hisoblanadi. Bu birinchi navbatda bozor munosabatlarining rivojlanishiga bog‘liq bo‘lib, u jarayon bilim darajasiga, iqtisodiyot va ekologiya (atrof-muhit), kompyuter texnikasi va ilmbarbosh texnologiyalar ustuvor bo‘lgan va xalq xo‘jaligining

rivojlangan tarmoqlariga, ta’lim tizimining takomillashuvi va kadrlar tayyorlashga bog‘liq bo‘ladi.

Yangi kadrlar tayyorlash muammosining samarali yechimi birinchi navbatda hozirgi kun talablariga javob bera oladigan psixologiya, pedagogika, iqtisodiyot, ekologik madaniyat, huquqshunoslik va shunga o‘xshash boshqa fanlarning bilim asoslarini chuqur biladigan professional malakaga ega bo‘lgan har tomonlama chuqur bilimga ega bo‘lgan o‘qituvchi kadrlar tayyorlanishi bilan bog‘liqdir. Kadrlar tayyorlash sohasidagi hozirga qadar amalga oshirilayotgan o‘zgarishlar faqat mavjud ta’lim tizimini isloh qilishga qaratilgan edi. U shaxs, jamiyat, davlatning ehtiyojlari bilan kasbiy tayyorgarlikning amaldagi tizimi o‘rtasidagi tafovutlarni bartaraf etishni ta’minlamas edi.

Xalqaro tajribani, mavjud kadrlar tayyorlash tizimining ahvoli va muammolarini tahlil qilish asosida uning prinsip jihatdan yangi modeli ishlab chiqildi.

Kadrlar tayyorlash tizimi yangi modelining mohiyati va o‘ziga xos xususiyati unga asosiy tarkibiy qismlar sifatida quyidagi komponentlar kiritilganligidadir:

- shaxs - kadrlar tayyorlash tizimining bosh sub’ekti, ta’limga oid xizmatlarning iste’molchisi va ularning yaratuvchisi;
- uzluksiz ta’lim - kadrlar tayyorlashning poydevori asosi;
- fan - yuqori malakali mutaxassislarni tayyorlovchi va ularning iste’molchisi;
- ishlab chiqarish - kadrlarga bo‘lgan ehtiyojning istiqbolini belgilashni, ularning tayyorgarlik darajasi sifatini baholashni, shuningdek kadrlar tayyorlash tizimini qisman moliyaviy va moddiy-texnikaviy ta’minlashni amalga oshiruvchi asosiy buyurtmachi;
- davlat va jamiyat - kadrlarning tayyorgarligi sifatini nazorat qilish va baholashni amalga oshiruvchi, kadrlarni tayyorlash va ularni qabul qilib olishning bosh kafolatidir.

Bir-biriga bog‘liq bo‘lgan talablarning majmui, pedagogning umumlashtirilgan modelini tashkil etadi. Umumlashgan modelga muvofiq asosiy talablar quyidagilardan iborat: ta’lim berish mahorati; tarbiyalay olish mahorati; o‘quv-tarbiya jarayonida inson omilini ta’minlovchi shaxsiy fazilatlari; ta’lim oluvchilarning bilimlarini xolisona baholay olish va nazorat qila olish mahorati.

Umumlashgan model doirasidagi malakaviy zamon talablari pedagog “qiyofa” sini ifodalaydi.

Hozirgi mutaxassis har tomonlama rivojlangan yuqori darajadagi intellektga ega bo‘lgan, fan asoslarini chuqur o‘rgangan bilimdon, zukko, dono, fidoiy, ma’rifatli va ma’naviyatli inson bo‘lishi kerak. U o‘z mutaxassisligidan tashqari, xorijiy tillardan birini hamda kompyuter texnikasidan foydalana olishi shart.

Hozirgi pedagog yuqori madaniyatli, xalqimiz tarixini chuqur biladigan va uning kelajagi uchun qayg‘uradigan insonparvar va oliyjanob kishi bo‘lishi kerak. Unda quyidagi sifatlarning bo‘lishligi maqsadga muvofiqdir.

1. O‘z ishiga muhabbat, talabalar bilan ishlashga qiziqish.
2. Yuqori madaniyatli katta audirovanie ishlata olish.
3. O’tiladigan darsga qobiliyat, uni yaxshi bilish, unga qiziqish.
4. Pedagogik takt (go’zallik)ka ega bo’lish.
5. Mehnatga qobiliyatli, mehnatsevarlik.
6. Talabalar jamoasiga kirishib ketish qobiliyati.
7. Talabalarga muhabbat.
8. Harakatchan (energiyalik).
9. Mehnatga ijodiy yondashish.
10. Tashkilotchilik qobiliyatlari.
11. Javobgarlikni his qilish.
12. Tarbiya bilimlarining butunligi.

O‘qitiladigan fanga mansub bo‘lgan tarmoq bilimlar sohasining tarixi va rivojlanish istiqbollarini bilish har bir pedagogning burchidir. Pedagogik texnologiyalar, o‘quv jarayonini faollashtirish usullari va o‘qitiladigan fan bo‘yicha sifatli bilim, ko‘nikma va malakalarni hosil qilishni ta’minlovchi pedagogik usullarni qo‘llay bilishi kerak.

Pedagogik texnologiya mohiyati, maqsadi va vazifalarini o‘rganib chiqib, ular haqida ilmiy asoslangan ma’lumotlar va amaliy yo‘llanmalar ishlab chiqish, zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalarini ishlab chiqqandan so‘ng, uni ta’lim tizimiga

joriy etishi lozim. Umuman olganda, har bir pedagog quyidagi pedagogik texnologiyalarni bilishi maqsadga muvofiqdir:

- pedagogik texnologiyalarning ilmiy-nazariy asoslari;
- pedagogik texnologiyalar konsepsiyasining rivojlanish tarixi; o‘quv jarayoniga texnologik yondashish haqida tasavvurga ega bo‘lishi;
- pedagogik texnologiyalarning didaktik qonuniyatlari;
- o‘qitiladigan fanga tegishli ilg‘or o‘qitish texnologiyalarini;
- didaktik jarayonni ma’lum vaqt chegarasida loyihalanishi;
- o‘qitishning faol metodlarini bilishi va qo‘llay olishi;
- o‘qitishga texnologik yondashish usulini;
- uy vazifalarini maqsadli, tashxisli va aniq o‘quv element turi tarzida berish, texnologiya loyihalarining mantiqiy tuzilmasi, korreksiya;
- o‘quv maqsadlari tavsiyanomasini ishlab chiqish;
- test topshiriqlarini talaba faoliyat darajalariga mos holda tuzish bo‘yicha ko‘nikmalarga ega bo‘lish shart;
- global Internet kompyuter tarmog‘idan foydalanish;
- o‘quv jarayonida amaliy dasturlar paketlarini qo‘llash;
- o‘quv jarayonida elektron pochtadan foydalanish bo‘yicha ko‘nikmalarga ega bo‘lishi shart;
- reyting nazorati va talabalarning bilimlarini ob’ektiv baholash.

Xulosa shundan iboratki, ushbu ko‘rsatilgan talablarni har bir pedagog va har bir bilim egallovchi o‘z kelajagi uchun to‘g‘ri tarzda qabul qilsagina, kelgusida mutaxassislar o‘z sohasining mohir ustalari bo‘lishi bilan birga, jamiyatimiz ravnaqi yo‘lidagi jonkuyar va fidoiy insonlar qatorida bo‘lishi tabiiy. Zero, zamon talabi ham , kelajakda har tomonlama kamol topgan, zukko, bilimdon, barkamol insonni voyaga yetkazishdan iboratdir.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1.KhimmatalievD.O., Khakimova M.F., Beknazarova Z.F.,Abdullayeva R.M., Minlishev R.Z. Formatuon of professional competence of students of technical

universities through interdisciplinary integration. University Press Journals. November 21, 2019.422-424.

2.Abdullaeva R.M. Ta’limda ijodiy fikrlovchi raqobatbardosh kadrlarni tayyorlash – davr talabi. Ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlarni tizimli tahlil qilish va modellashtirish. Xalqaro ilmiy onlayn konferensiya. 17 dekabr 2020 yil. Toshkent. 2020. 49-53 betlar.

# YOSHLARNING QADRIYATLAR TIZIMINI SHAKLLANTIRISH BORASIDA SHARQ ALLOMALARINING FIKRLARI

*G‘ayibova Nargiza*
*O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi “Din psixologiyasi va pedagogika” kafedrasi dotsent v.b., psixologiya fanlari bo‘yicha PhD,*

*Rustamova Nigina*
*O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi*
*Din psixologiyasi yo‘nalishi 2 kurs magistranti*

Oila avloddan-avlodga o‘tadigan madaniy qadriyatlar, xususan, xalqning madaniy merosi, axloqiy qarashlarining egasi hisoblanadi. Shu bois ham, barcha xalqlar singari o‘zbek xalqi ham o‘zining rivojlanish tarixida va taraqqiyot istiqbolini belgilashda oila va uning atrofidagi muammolarga e’tiborini qaratib kelgan.

Xalq og‘zaki ijodiyotining o‘ziga xos janrlari bo‘lgan maqollarda ijtimoiy hayotning eng murakkab muammolaridan tortib oilaviy hayot masalalarigacha o‘z inikosini topgan. Jumladan, “Onangni kaftingda tutsang, singlingni boshingda tut”, “Ota-xazina, aka-uka tayanch”, “Besh qo‘lim pastu baland, beshovi asalu qand”, “Og‘a-ini totuv bo‘lsa, ot ko‘p, opa-singil totuv bo‘lsa osh ko‘p”, “Egachi-singil inoqligi – oilaning quvnoqligi”, “Og‘a-ini arazli bo‘lsa ham, g‘arazli bo‘lmas”, “Yo‘ldoshi ko‘pning qo‘ldoshi ko‘p” kabi maqollar sibling maqomiga munosabat va qondoshlikning inson hayotidagi o‘rnini ko‘rsatish bilan bir qatorda, farzandlarni o‘zaro ahillikka, hamkorlikka, birodarlikka, mehr-oqibatli bo‘lishga chorlagan.

Sharq olimlari tomonidan shaxs shakllanishida ta’lim-tarbiya masalasiga alohida yondashilib, qadriyat tizimining ijobiy shakllanganligi shaxs kamoloti mezoni sifatida e’tirof etilgan. Jahon ilmu madaniyatiga samarali hissa qo‘shgan Abu Nasr Forobiy, Abu Ali ibn Sino, Abu Rayhon Beruniy, Yusuf Xos Hojib, Alisher Navoiy va boshqa allomalarimiz tomonidan qoldirilgan ilmiy meros aqlan kamolga yetgan, barkamol avlodni tarbiyalashda dasturul amal bo‘lib xizmat qilmoqda.

Buyuk alloma Abu Nasr Forobiy “Baxt saodatga erishuv” to‘g‘risidagi asarida bilimga intilishni qadriyat, baxt kaliti sifatida qarab, uni o‘rganish tartibi haqidagi fikrlarni bayon etgan. Allomaning fikricha, oilada oqilona tarbiya ko‘rgan bola ixlos va ishonch bilan ta’lim olishga, ilm-fanni o‘rganishga intiladi va jamiyat rivoji uchun o‘z hissasini qo‘shadigan inson bo‘lib yetishadi. Forobiy inson ijtimoiy-ma’naviy taraqqiyotiga, baxt-saodatga, ilm, ma’naviyat vositasida hosil qilinadigan aqliy va axloqiy fazilatlarning mushtarakligi orqali erishishi mumkinligini, ilm-hikmatni egallab olish esa, o‘ta murakkab, mashaqqatli ekanligini aytadi. Faylasufning ta’kidlashicha, avval bilish zarur bo‘lgan ilm o‘rganiladi, bu olam asoslari haqidagi ilmdir. Uni o‘rgangach tabiiy ilmlarni ya’ni tabiiy jismlar tuzilishini, shaklini, osmon haqidagi bilimlarni o‘rganish lozim. Undan so‘ng umuman jonli tabiat o‘simlik va hayvonlar haqidagi ilm o‘rganiladi. Forobiy o‘quvchining ijtimoiy hayotda tutgan o‘rni va uning o‘ziga xos xususiyatlari to‘g‘risida ibratli g‘oyalarni ilgari surgan. Uning fikricha, o‘quvchiga ta’lim berish, ilmli qilish yo‘lida o‘qituvchi tinmasdan mashaqqatli mehnat qilishi kerak, shunda o‘quvchi o‘qishga ta’lim olishga, bilimli bo‘lishiga intiladi. Shu bilan birga alloma kishilar o‘rtasida og‘a-inilik, inoqlik, birodarlik va hamdamlik munosabatlarini oily qadriyat sifatida baholab, bu xususiyatlar el-yurt tinchligi, jamiyat ravnaqi, inson kamoloti uchun g‘oyat zarur omillardan biri ekanligini ta’kidlagan.

Qomusiy olim Abu Ali ibn Sino bolaning qadriyatlar tizimini shakllantirishda umuminsoniy tamoyillarning qo‘llanishini yoqlab chiqib, ota-onalar bolalarini shaxsiy ibratlari orqali voyaga yetkazishlari kerakligini uqtiradi. Bunda er-xotinning bir-biriga bo‘lgan munosabati, bir-birini hurmat qilishlari farzandlarda oilaning qadriyat sifatida shakllanishiga ijobiy ta’sir ko‘rsatadi. Alloma “Tib qonunlari” asarida yosh bolalarni tug‘ilganidan boshlab tarbiyalash masalasiga alohida e’tibor berib, tarbiya masalasida

mumkin qadar sipo, bosiq va chidamli boʻlish lozimligini maslahat beradi. Oilani oliy qadriyat sifatida baholab, ota-ona davlat boshligʻimi yoki oddiy fuqaromi, baribir, bola tarbiyasi uchun mas'uldirlar, jamiyatda tutgan mavqeidan qat'iy nazar, bola tarbiyasi ularning birlamchi vazifasidir, deb yozadi alloma.

Ibn Sino oʻz asarlarida inson ijtimoiy mavjudot, u tabiiy muhitsiz, oʻzaro ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy hamda ma'naviy-axloqiy munosabatlarsiz yashamagan va yashay olmaydi, deb hisoblaydi. U bunday oʻzaro munosabatlarda axloqiy tarbiyaning roli muhim ekanligini koʻrsatib oʻtadi. Shuningdek, alloma kishilarni inson kamolotga erishishining birinchi mezoni sanalgan ma'rifatni egallashga da'vat etib, ma'rifatli kishilar jasur, oʻlimdan qoʻrqmaydigan, faqat haqiqatni bilish uchun harakat qiladigan boʻladi, deb hisoblaydi. Ibn Sino haqiqatni bilish uchun bilimga ega boʻlish kerakligi, lekin har qanday bilim ham haqiqatga olib kelmasligi inson oʻz bilimining haqiqatligini bilish uchun mantiqni ham bilishi zarurligini uqtiradi.

Sharqning buyuk mutafakkir olimi Abu Rayhon Beruniyning asarlarida inson va jamiyat taraqqiyoti, shaxs shakllanishida ijtimoiy hamda etnik muhitning ta'siri borasidagi fikr-mulohazalar mavjud. Jamiyatning yuzaga kelishi va rivojlanishi, insonning ma'naviy-axloqiy qiyofasining shakllanishi kishilarning hamkorlikda faoliyat yuritish zaruratidan kelib chiqqanligi, Beruniy ta'limotida tez-tez eslatiladi. "Kitob al-Jamohir fi-Ma'rifat al-Javohir" asarida inson hamisha oʻzgalarning baxt-saodati haqida oʻylashi kerakligi, har bir kishining qadr-qimmati uning oʻz ishini qanday bajarayotgani bilan oʻlchanishi, bu bilan odamlar orasida obroʻ topishi yoki qoralanishi haqida fikrlar beriladi.

Beruniy bilimga intilishni qadriyat sifatida shakllantirish borasida turli oʻqitish va oʻrgatish usullarini bayon qiladi. Allomaning fikricha, oʻqitishda faqat induktiv yoʻl bilangina emas, balki deduktiv yoʻl bilan ham ish tutmoq lozim. Bunda olim har qaysi metodni oʻz joyida qoʻllamoq zarurligini yaxshi bilish kerakligini ta'kidlanadi. Bunday oʻqish tafakkurni oʻstirib bilishning sifatini yaxshilaydi, aqliy bilimini boyitadi. Beruniy dastlab oʻquvchining ongli oʻqishi, matnning hajmi, kichik mazmuni, sodda keyinchalik esa hajmi katta mazmuni murakkabroq boʻlgan matnlarni oʻqishga kirishishi oʻqish jarayonida taqqoslash, qiyoslashga e'tibor berishi, oʻquvchilarning ongli bilimiga asos

solishini eslatib o‘tgan. Beruniy ilm olishda takrorlashni ustun qo‘yadi. Shu bilan birga bilim berish xilma-xil yo‘l bilan eng muhimi o‘quvchini shoshirmasdan, charchatmasdan, turli vositalar bilan o‘quvchi xotirasini kuchaytirish, tafakkurini boyitish va bilishni chuqurlashtirib borish zarurligini uqtiradi. Alloma haqiqiy maqsadga erishish uchun eng yaqin yo‘ldan yo‘lni to‘sib turgan hamma noaniqliklar va shubhalardan tozalash hamda juda ehtiyotkorlik bilan harakat qilish zarurligini uqtiradi. Beruniy o‘zlashtirilgan bilimlar hayotda tajriba qilib olinmasa, hech naf bo‘lmasligi haqida ta’kidlaydi.

Yusuf Xos Hojib “Qutadg‘u-bilig” asarida bilimni, buyuk o‘quvni ulug‘ deb ta’riflaydi. Olim ezgu ishlarning barchasi ilm tufayli amalga oshirilishi mumkinligini ta’kidlaydi. Alloma bilimni ziyoga, tengi yo‘q javohirga o‘xshatib u insonni yuksaltiradi, jahonning sir-asrorini bilib olishga yordam beradi, deb hisoblaydi. Shuningdek alloma oilani qadriyat sanab, inson uchun buyuk baxt bu farzand ko‘rish va unga tarbiya berishdir, deydi. Farzand tarbiyasi har bir ota-onaga juda katta mas’uliyat yuklaydi. Ota-ona, ayniqsa, ota oilada farzand tarbiyasiga e’tibor bermog‘i lozimligi haqida alloma o‘z asarida ta’kidlab, shunday deydi: “Ota bolani nazorat qilib, (turli hunarlar) o‘rgatib o‘stirsa, (Ular) ulg‘aygach o‘g‘il qizim (bor) deb, sevinadi”.

“Qutadg‘u bilig” asarida haqiqiy, samimiy do‘stlik yuksak insoniy fazilat sifatida baholangan. Unda do‘sti ko‘p mustahkam qoyaga o‘xshatiladi. Xaqiqiy do‘st qanday bo‘lishi, uning soxta va chin ekanligini aniqlash yo‘llari va mezonlari xususida qimmatli fikrlar, yo‘l-yo‘riqlar ko‘rsatilgan. “Do‘stlik, yaqinlik ikki xil bo‘ladi: biri ezgu niyatlar tufayli yuzaga kelsa, boshqa biri shaxsiy manfaatlarni deb bo‘ladi. O‘z nafsini o‘ylab qilingan do‘stlikka juda tez soya tushadi”, degan fikrlar keltiriladi asarda. Shuningdek, asarda insoning ijtimoiy mohiyati, xislat va fazilatlari, qadr-qimmati, odob-axloqi, madaniyat-ma’rifati tahlil qilingan, kattalarni hurmat qilish kichiklarning burchi ekanligini, o‘z navbatida kattalar ham kichiklarni e’zozlashi insoniy burch, qadr-qimmat belgisi deb bildirilgan.

G‘azal mulkining sultoni Alisher Navoiy asarlarida qadriyatlar masalasiga, inson va uning his-tuyg‘ulari, shaxslararo munosabatlar, tarbiya masalasiga alohida e’tibor qaratilgan. Navoiyning oila va undagi shaxslararo munosabatlar haqidagi fikrlarining

umuminsoniy ahamiyatga ega bo‘lgan muhim jihatlaridan biri – farzandlar tomonidan ota-onalarni hurmat qilishlari haqidagi masaladir. U ota-ona xizmatini bajo keltirish, ulardan birini ikkinchisidan ortiq-kam bilmaslik farzandlar uchun saodat keltirishini alohida ta’kidlab shunday deydi: “Tarbiyaning yana biri ota-onani hurmat qilish; buni bajarish uning (farzand) uchun majburiyatdir. Bu ikkisiga xizmatni birdek qil, xizmating qancha ortiq bo‘lsa ham, kam deb bil. Otang oldida boshingni fido qilib, onang boshi uchun jismingni sadaqa qilsang arziydi! Ikki dunyoning obod bo‘lishini istasang, shu ikki odamning roziligini ol! Birisini oy deb bil, ikkinchisini – quyosh. Ularning so‘zlaridan tashqari bir narsa yozma, ular chizgan chiziqdan tashqariga bir qadam ham bosma. Hamma xizmatni sen adab bilan bajar, “adab” so‘zidagi “dol”kabi qomatingni xam qil”.

Navoiyning ta’biricha, insonning xulq-atvori, dunyoqarashi, qadriyatlar tizimi, odob-axloqi, madaniy-ma’naviy qiyofasi ijtimoiy muhitga, uni o‘rab turgan insonlarga bog‘liq bo’lib, u shu muhit mahsuli sifatida shakllanib, kamolga erishib boradi.

Xalq og‘zaki ijodi namunalari hamda yuqorida keltirilgan allomaning o‘gitlari kechagi va hozirgi kun kabi kelajakda ham barkamol avlod shakllanishida o‘zining ta’lim-tarbiyaviy ahamiyatini yo‘qotmaydi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Abu Ali ibn Sino. Tib qonunlari. T.: A.Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 1993. – 304 b

2. Abu Rayhon Beruniy. Kitob al-Jamohir fi-Ma’rifat al-Javohir. – T.: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”, 2017. – 488 b.

3. Abu Nasr Forobiy. Fozil odamlar shahri. – T.: Yangi asr avlodi, 2016. – 320 b.

4. Alisher Navoiy. Mahbub ul qulub. T.: Yangi asr avlodi, 2019. – 320 b.

5. G‘ayibova N.A. Sibling maqomi va uning o‘smir shaxslararo munosabatlariga ta’siri. Monografiya. – T.: 2020 – 114 b.

# ANALYSIS OF THE VIEWS ON "SUSTENANCE" IN THE WORKS OF MOTURIDI SCIENTISTS

*Abdullo G‘ulomov*
*International islamic academy of Uzbekistan,*
*Phd independent researcher at the chair of islamic studies and*
*ISESCO chair for the study of islamic civilization*

During the years of independence, special attention was paid to studying the educational foundations of Islam and the unparalleled scientific heritage of our ancestors. Much research is being done on the life and scientific heritage of Mahmud bin Zayd Lomishi, one of the scholars who lived in Ferghana region. Among the scientist's scientific works, the book "at-Tamhid li qawa'id at-tawhid" is of particular importance and is considered an important source of the science of belief.

The work "Tamhid" was written in the 12th century, and it reflected the views of the Maturidy doctrine. In the work, issues such as monotheism, God's names and attributes, message and prophecy, blessings of saints, sustenance, intercession, punishment and destiny are described in the work.

The Mu'tazilites' views on sustenance, which existed in history and rose to the level of state ideology for a while, were an attempt to form an unhealthy belief among the members of society. In particular, the interpretation of the concepts of "halal" and "haram" by the Mu'tazilites within their own ideas, their rejection of the concept of "haram sustenance", and the idea that the account of servants' sustenance is not known in the eyes of Allah, are considered contrary to the beliefs of the people of Sunnah. According to the teachings of Moturidiyyah, there are both halal and haram food, which the majority of scholars of the Sunnah have emphasized in their works. Also, according to the Ahli sunnah, sustenance is distributed and fixed, and it does not decrease due to the piety of the pious or the sin of the poor [1:90].

According to the Mu'tazilites, the haram sustenance is not from Allah, but from the servant is a verb. In this case, the servant will have obtained the haraam sustenance by his actions. In the belief of Ahl al-Sunnah, haram sustenance also comes from Allah.

However, a slave is entitled to punishment for committing a haram act in earning sustenance.

In this regard, Mahmud Lomishi's work "Tamhid" says: "For Ahl al-Sunnah, haram is also considered as sustenance. Because the word "sustenance" lexically means food, food, and property. Food and other goods can be halal or haram. We see that some people have been fed only on unclean morsels throughout their lives. "He left this world without the provision of God. "Is there a more vile word than saying, 'Allah is not Sustainer of him?'" [2:106]. Also, in order to provide information on this topic, the Holy Qur'an cites the 6th verse of Surah "Hud" as evidence: **“There is no moving creature on earth whose provision is not guaranteed by Allah!”** [3:222]

Also, the author refutes the claims of the Mu'tazilites on the issue of sustenance and emphasizes the following: "The Mu'tazilites claim that it is not forbidden sustenance." Because they interpret the word sustenance in the sense of property. Accordingly, a person can eat another's sustenance, and others can also eat his sustenance. We say: Understanding the word Sustenance only in the sense of property has no basis. For example, domestic animals do not have any property, but it is clear as day that Allah provides them with sustenance. If this word is objected to, the Holy Qur'an says: **“There is no moving creature on earth whose provision is not guaranteed by Allah!”** contradicts the verse. We seek refuge in Him from distorting the word of God" [4:136].

Therefore, the word "provision" does not only mean "property", but also means "food, sustenance". According to the Mu'tazilites, one person can eat the sustenance that Allah has given to another or prevent him from that sustenance. According to the belief of Ahl al-Sunnah, a person is not capable of such things.

Regarding the distribution of food to halal or haram, the Sufi Allahyar says: "Sustenance, whether it is halal or haram, belongs to God. But he has given the freedom to the servant in work and in life. Punishment for the wicked and reward for the righteous" [5:45].

Therefore, according to the scholars of Ahli sunna Wal jama’a, both halal and haram are considered equal sustenance. The path taken by a person in seeking and obtaining that sustenance is the main factor in determining its halal.

In conclusion, it can be said that Mahmud Lomishi's work "Tamhid" is a work written about the Hanafi-Maturidi faith, and the issues covered in it, including the issue of sustenance, are important not only in history, but also for today. In the present era, when the struggle of ideas is in full swing, studying and consistently researching the teachings of the people of Sunnah is of great importance in resisting the prejudices of various fanatical currents that threaten the stability of society, and in forming a healthy worldview in young people.

**REFERENCES:**

1. Oqilov S. Islamic philosophy (Aqaid). - T.: Tashkent Islamic University, 2011. – 160 p.

2. Mahmoud Lomishy. At-Tamhid li qawa'id at-tawhid (under the review of Abdulmajid Turki). - Beirut: Dor al-gharb al-Islami, 1995. – 262 p.

3. Sheikh Abdulaziz Mansur. Translation and interpretation of the meanings of the Holy Qur'an. - T.: Tashkent Islamic University, 2012. – 624 p.

4. Mahmoud Lomishiy. At-Tamhid li qawa'id at-tawhid (under Ahmad Farid Mizyadi's research). - Beirut: Dor al-kutub al-ilmiyya, 2007.

– 160 p.

5. Sufi Allahyor. Maslak al-Muttaqin. - T.: Publishing house named after Gafur Ghulam, 2016. – 496 p.

# МЕЪЁРДАН ОҒУВЧИ ХУЛҚ-АТВОР ТУШУНЧАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ТАСНИФИ

*Кубаев Маъруф*

Маълумки, кишининг девиант ахлоқини жамиятда қабул қилинган меъёрларга зидлиги ва руҳий жараёнларининг мувозанатсизлиги, мослашувчан эмаслиги кўринишида ёки унинг шахсий ахлоқи устидан ахлоқий ва эстетик назоратдан бўйин товлаш кўринишидаги ўзини фаоллаштириш жараёнининг бузилишида намоён бўлувчи алоҳида қилмишлар ёки қилмишлар тизими сифатида белгилаш мумкин.

Нормал ва уйғун ахлоқ шаклларини руҳият билан боғлиқ уч даражада ифодалаш мумкин:

- руҳий жараёнларнинг мувозанати кўринишидаги мизож хусусиятлари;

-мослашувчанлик ва ўзини фаоллаштириш кўринишидаги хос хусусиятлар;

-кишининг маънавияти, масъулияти ва виждонлилиги кўринишидаги шахсийлик.

Оғувчи хулқ (девиант, лот. deviatio – оғиш) деб, кишининг қилмишлари, фаолияти тури одатий, умум эътироф этилган меъёрлардан фарқ қиладиган ёки у ўзи аъзоси бўлган жамият томонидан қабул қилинган меъёрларга мос келмай, барқарор равишда уларнинг ижтимоий меъёрларидан оғишида намоён бўладиган ахлоққа айтилади.

Демак, девиант хулқли шахс деб, биринчи навбатда, ахлоқий жиҳатдан қариндош-уруғлари ва дўстларининг кўнглини оғритадиган ва атрофдагиларнинг ҳаёти учун хавф туғдирадиган шахсларга (индивидларга) айтилади. Катта ёшдаги индивид аввал бошданоқ ички мақсадга интилиш кучига эга бўлиб, шунга кўра, фаоллигининг барча кўринишлари юзага чиқади. В.А.Петровскийнинг фикрича, бу ўзига хос мувофиқлик постулати (исботсиз қабул қилинадиган қоида) да ифодаланади. Бу ўринда ҳар қандай руҳий жараёнлар ва хулқий хатти-ҳаракатларнинг бошланғич мослашув йўналиши ҳақида сўз юритилмоқда. Мувофиқлик постулатларини уч турга ажратилади: гомеостатик, гедоник (ҳузур-

ҳаловатга интилиш инсонга хос хислат деб ҳисобловчи ахлоқий таълимот), прагматик.

**Гомеостатик вариантида** мувофиқлик постулати муҳит билан ўзаро муносабатлардаги зиддиятларни бартараф қилиш, руҳий зўриқиш даражасини пасайтириш, мувозанат ўрнатиш шаклидаги талаблар каби намоён бўлади.

**Гедоник вариантида** кишининг ҳаракатлари икки бирламчи аффект: қониқиш ва азоб орқали аниқланади; ахлоқнинг намоён бўлиши эса қониқишни максималаштириш ва азобни камайтириш сифатида изоҳланади.

**Прагматик вариант** мақбуллаштириш тамойилидан фойдаланади, бунда диққат марказига ахлоқнинг тор амалий жиҳати: фойда, наф ёки муваффақият қўйилади. Демак, кишининг воқелик (борлиқ) билан ўзаро алоқаларининг таҳлили девиант ахлоқни баҳолашнинг асоси бўлиб хизмат қилади, зеро меъёрнинг ҳукмрон тамойили шахснинг нимагадир ёки кимгадир (яъни реал борлиққа) мослашувидан келиб чиқади.

Шахс ва борлиқнинг ўзаро муносабатларини бешта усул билан аниқлаш мумкин:

1) мослашув;

2) қаршилик кўрсатиш;

3) рўпара бўлиш;

4) вазиятдан қочиш;

5) менсимаслик.

Етук интеллектуал салоҳиятли шахслар воқеликка мослашувни танлайди. Қаршилик кўрсатишда шахс фаол равишда ўзига, дунёқарашига мос келмайдиган борлиқни ўзгартиришга, яъни уни ўзининг шахсий қарашлари ва қадриятларига мувофиқ ўзгартиришга ҳаракат қилади. У ўзи дуч келаётган барча муаммолар борлиқнинг ижтимоий меъёрларига асосланганлигига ишонади ва борлиқ билан кураш, борлиқни ўзига мослаштириб ўзгартиришга ҳаракат қилиш ёки жамият меъёрларини бузувчи ахлоқдан максимал даражада фойдаланиш унинг ўз мақсадларига эришишининг ягона усули бўлиб қолади. Бунда мазкур шахсга нисбатан 7 борлиқ томонидан қайтариладиган жавоб ҳам худди шундай қарши

ҳаракат қилиш, шахсни ўзгартириш, уни воқелик талабларига мослаштиришга қаратилган бўлади.

Борлиқнинг шахснинг дунёқарашига зид бўлган ижтимоий меъёрларига қаршилик кўрсатиши криминал ва делинквент хулқатворда учрайди. Борлиқнинг қаршилик кўрсатиши, уни ўзлаштириш ва тушунишнинг субъектив равишда бузиб кўрсатилиши сабаблари, теварак-олам томонидан душманларча қабул қилинадиган руҳий нуқсон аломатлари ва руҳий-патологик бузилишлар билан боғлиқ. Руҳий касаллик аломатлари атрофдагиларнинг қилмишлари сабабларини бир хил баҳолаш имкониятини издан чиқаради, бунинг оқибатида муҳит билан ўзаро самарали муносабатлар қийинлашади.

Борлиқни негатив ва оппозицион баҳолайдиган кишилар борлиқ билан ўзаро муносабатда ўзини унга мослашишга лаёқатсиз деб ҳисоблаб, онгли ёки онгсиз равишда танлайдилар. Улар шунингдек, номукаммаллиги, консервативлиги, бир қолипдалиги, экзистенциал қадриятларни эзиб ташлаши ёки очиқчасига инсонпарварликка қарши фаолият олиб бориши сабабли, мослашишга «лойиқ бўлмаган» борлиққа мослашишни истамасликни назарда тутишлари ҳам мумкин. Борлиқни менсимаслик, шахс ўзининг шахсий тор дунёсида мавжуд бўлган ҳолда борлиқнинг талаблари ва меъёрларини ҳисобга олмаганда, унинг ҳаёти ва фаолиятининг автономизациялашувида (мустақиллигида) намоён бўлади. Бунда на тўқнашувлар, на қарши ҳаракатлар ва на воқеликдан чиқиб кетиш ҳолати содир бўлади. Ҳар ким ўзича (мавжуд бўлиб) яшайди. Демак, бундай ҳолатда девиант ахлоқни жамиятга зид ва ижтимоий характердаги кўринишларга таҳдиди ва жамоат учун хавфлилигининг намоён бўлиш даражаси бўйича фарқлаш мумкин.

Жамиятга зид (антисоциал) бўлган оғишларга одамлар орасидаги шахснинг ғаразли, ғаразли-зўравон, тажовузкор-зўравонлик қарашлари ёки жиноий ахлоқнинг бошқа турларига хос бўлган криминал шаклдаги жамиятда қабул қилинган ўзаро муносабатлар қоидаларини онгли (камдан-кам ҳолларда онгсиз) равишда бузишга қаратилган қилмиши ва ҳаракатларини киритамиз. Ғаразли йўналиш деганда, ноқонуний йўл билан моддий манфаат, пул ёки мулкий манфаат

олиш мақсадида моддий бойликларни 8 тақсимлашга тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарлик ва қилмишларни тушуниш лозим.

Бу тоифага қуйидагилар киради:

а) ғаразгўй-хўжаликка оид жиноятларни содир этишга мойил жиноятчилар (товарларни қалбакилаштириш, ишлаб чиқаришнинг экологик меъёрларига риоя қилмаслик, солиқ тўлашдан бош тортиш, ноқонуний тадбиркорлик, хакерлик ва бошқалар);

б) ғаразгўй-мансабдор жиноятчилар (мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан талон-тарож қилиш, савдо қоидаларини бузиш, мизожларни алдаш, порахўрлик ва бошқалар);

в) ўғрилар, талончилар (мулкни яширин равишда ўғирлаш – ўғрилик билан боғлиқ ғаразли тажовузлар);

г) фирибгарлар (ҳужжатлар, қимматли қоғозлар, пул белгилари ва бошқаларни қалбакилаштириш);

д) зўравон бўлмаган товламачилар – порахўрлар.

**Талон-тарож қилиш** – ўғрилик, фирибгарлик, ўзлаштириш, растрата қилиш, босқинчилик ёки қароқчилик шаклида ноқонуний равишда ўзганинг мулкини текинга олиш.

Ўғрилик – ўзганинг мулкини яширин равишда талон-тарож қилиш.

Пора – мансабдор шахс томонидан пора берувчининг фойдасига бажарилган ҳаракат учун пул, қимматли қоғозлар, бошқа мулк ёки манфаатлар олиши.

Фирибгарлик – алдов ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини талон-тарож қилиш. Бундай пора учун бутун умр коррупцияга қарши курашаман!!!

Ғаразгўй-зўравон йўналиш деганда, шахс устидан зўрлик ишлатиш билан боғлиқ ғаразли жиноий тажовузларни тушуниш лозим. Бу тоифага қуйидагилар киради:

а) босқинчилар;

б) босқинчилик ҳужумлари иштирокчилари;

в) зўравон талончилар – рэкетирлар (товламачилар);

г) ғараз мақсадда одам ўлдиришдан қайтмайдиган қотиллар.

Тажовузкорона-зўравонлик деганда, инсонларнинг ҳаёти, соғлиғи ва шахсий қадр-қимматига ўта ҳурматсиз муносабатда намоён бўладиган инсонпарварликка зид жиноий йўналиш тушунилади.

Бу тоифага қуйидагилар киради:

а) безорилар;

б) ҳақоратлаш ва тухмат қилиш йўли билан шахснинг шаъни ва қадр-қимматига зарар етказувчи шахслар;

в) шахсга қарши оғир жиноят содир қилувчи шахслар – одам ўлдириш, зўрлик ишлатиш, оғир тан жароҳатлари етказиш ва бошқалар.

Бундай ҳолда, тажовузкор-зўравонлик йўналиши ҳам вербал (оғзаки) (сўз билан ҳақоратлаш), ҳам новербал (жисмоний таъсир) ҳолатда, криминалгача ва криминалдан сўнгги даражада, яъни маънавий қоралашни келтириб чиқарувчи қилмишлар ва ахлоқсизлик кўринишида ёки жиноий жавобгарликка тортилувчи ҳаракатлар шаклида намоён бўлиши мумкин.

Ҳақорат – ўзга шахснинг шаъни ва қадр-қимматини беадаб шаклда ифодаланган ҳаракат орқали камситиш.

Безорилик – фуқароларга нисбатан зўрлик ишлатиш ёхуд зўрлик ишлатиш йўли билан қўрқитиш, шунингдек ўзганинг мулкини нобуд қилиш ёки шикаст етказиш тарзида жамиятдаги юриш-туриш қоидаларини қўпол равишда бузиш.

Калтаклаш – баданнинг анатомик бутунлигини бузмаган ҳолда кўплаб зарбалар бериш.

Қийнаш –зўрлик ишлатиш йўли билан муттасил равишда жисмоний ёки руҳий азоблар бериш.

Номусга тегиш - зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб, қурбоннинг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш.

Одам ўлдириш – бошқа одамга нисбатан қасддан ўлим етказиш. Эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлар деганда - жиноий эҳтиётсизлик ёки ўзига ишонганлик оқибатида воситалар ва тизимлардан фойдаланиш орқасида

ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, маиший, тиббий, экологик хавфсизлик ва шу кабиларнинг бузилишига олиб келувчи ҳаракатлар тушунилади.

Ижтимоий *ахлоқнинг оғиши* жамиятга қаршилик кўрсатишнинг нисбатан «пассив» (қолоқ) типи деб тавсифланади. Улар фаол ҳаёт тарзидан воз кечишга интилиш, ўз фуқаролик мажбуриятлари, бурчидан бўйин товлаш, шахсий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишни истамасликда ифодаланади. Бундай ҳолларга ишдан, ўқишдан бўйин товлаш, дайдилик, фоҳишалик, кишини сунъий хомхаёллар дунёсига ғарқ ғилувчи ва унинг руҳиятини емирувчи алкогол, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар истеъмол қилишни киритиш мумкин. Асоциал ахлоқнинг ошиб кетиши – ўзини ўзи ўлдириш - суицид (суицид - *suiside* инг. тилидан ўз жонига қасд қилиш) дейилади.

Шундай қилиб, девиант (оғадиган) ахлоққа, шахснинг мазкур жамиятда (ижтимоий гуруҳда) расмий ўрнатилган ёки илгаридан вужудга келган меъёр ва таомилларга мос келмайдиган ва субъектни ундан ажратиб қўйишга, даволаш, тузатиш ёки жазолашга олиб келувчи ахлоқ ва ҳаракатлар киритилади.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Амбрумова А.Г., Пустовалова Л.И. Семейная диагностика в суицидологической практике. – М., 1983.
2. Эйдемиллер Э.Г., Юстицкис В. Психология и психотерапия семьи. – СПб., 1999.
3. Энциклопедия глубинной психологии / Под ред. А. М. Боковикова. – М., 2001.
4. Игумнов С.А. Клиническая психотерапия детей и подростков: Справ, пособие. – Минск, 1999.
5. Комилова Н.Ғ. Хулқи оғишган болалар психологияси: Услубий қўлланма. – Т., 2008
6. Кинг М., Коэн У., Цитренбаум Ч. Гипнотерапия вредных привычек. – М., 1998.
7. Кулаков С.А. Диагностика и психотерапия аддиктивного поведения у подростков: Учеб.-метод. пособие. – М., 1998.
8. Наркомания: Метод, рекомендации по преодолению наркозависимости / Под ред. А. Н.Гаранского. – СПб., 2000.

# SHAXSDA XOTIRA JARAYONLARI XUSUSIYATI VA UNING RIVOJLANISH ASOSLARI

*Safarova Ruxsora Shukrullayevna*
*Buxoro viloyat Peshku tuman 28 maktab amaliyotchi psixologi*

Bolaning bog'cha va undan keyin maktabda erishgan yutuqlari to'g'ridan-to'g'ri chaqaloqning tashqi dunyodan olgan barcha ma'lumotlarini anglashi va eslash qobiliyatiga bog'liqdir. Aynan shuning uchun to'liq shaxsni tarbiyalash uchun, bolaligida yoshligidan xotiraning rivojlanishiga to'g'ri ta'sir qilish mutlaqo zarurdir. Buni oson va oddiy bajarish uchun bolalar xotirasini rivojlantirishning asosiy tamoyillari va usullarini bilish kerak. Bu texnika yordamida siz ushbu faoliyatni juda qiziqarli o'yinlarga aylantirishingiz mumkin.

Har bir inson diqqatni tortmasdan yaxshi xotira bo'lmasligi mumkinligini biladi. Achinarlisi shundaki, barcha bolalar hayotda kerakli emas va diqqat va xotirjamlik bilan chambarchas bog'liq bo'lgan sifatlarga ega. Aynan shuning uchun bolada bu xususiyatlarni rivojlantirishga harakat qilish kerak. Ajoyib xotira aqlning eng muhim tarkibiy qismlaridan biri ekanligini e'tiborga olish lozim. Odamlarda, odatda, ikkita turdagi xotira - o'zboshimchalik va istaksiz narsalarni aniqlash odatiy holdir. Shu sababli qiziqarli qonuniylikka amal qiladi, chunki butun yorqin va qiziqarli bola hech qanday mehnatga yaramasligini eslaydi va deyarli darhol ishlaydi. Aynan shu narsa mutlaqo xotirjamdir. Lekin har qanday xotiradan foydalanish uchun maxsus usul va usullardan foydalanish kerak. Aytgancha, agar siz o'z farzandingizga ushbu turdagi xotiraga egalik qilishni xohlasangiz, xotira va e'tiborni rivojlantirishga qaratilgan barcha tadbirlar, albatta, o'yin formasiga ega bo'lishi kerak. Faqat bu holda bolaning qiziqishi va e'tiborini tortib, uning xotirasini va e'tiborini yaxshilashi mumkin.

Xotira eng oliy psixik funksiya bo`lib, jonli shakllangan, ijtimoiy kelib chiqishi va ongli ravishda bajariladigan murakkab psixik jarayonni bildiradi. Eng yuqori psixik funktsiyaning eng muhim xususiyati uning insoniyatning madaniy va tarixiy rivojlanishining natijasi bo'lgan turli xil belgilar tizimlari tomonidan vositachilik qilishdir. Yuqori psixik funktsiya yangi shakllanishlarning eskisi ustidan ustki tuzilishi

natijasida hosil bo'lgan psixologik tizim bo'lib, eskilari esa yangi butunlik doirasida bo'ysunuvchi qatlamlar shaklida saqlanib qoladi.

O'z asarlarida vositachi yodlashni rivojlantirishning muhim rolini L.S. Vygotskiy. Uning so'zlariga ko'ra, inson vositachi yodlashni rivojlantirar ekan, u xotirani o'z maqsadlariga bo'ysundirishi, yodlash jarayonini nazorat qilishi, uni tobora ko'proq ixtiyoriy qilishi mumkin

Xotira mnemonik vazifani hal qilishga bo'ysunadigan nazariy va amaliy harakatlar tizimini o'z ichiga olgan psixologik faoliyatning maxsus turi sifatida ishlaydi - turli ma'lumotlarni yodlash, saqlash va takrorlash. Bu erda mnemonik harakatlar va operatsiyalarning tarkibi, xotira unumdorligining maqsad va yodlash (yoki ko'paytirish) vositalari tarkibidagi o'rniga bog'liqligi, mnemonik faoliyatning tashkil etilishiga qarab ixtiyoriy va ixtiyoriy yodlashning qiyosiy mahsuldorligi. diqqat bilan tekshiriladi.

Farzandingizning xotirasini va e'tiborini yaxshilashning bir necha yo'li:

Ushbu mashqlar maktabgacha yoshdagi bolalar uchun ajoyib. Biz yangi o'yinchoqni olib, chaqalog'ini ko'rsatamiz, uni bir daqiqaga berib, ehtiyotkorlik bilan ko'rib chiqing. Shundan so'ng biz o'yinchini yashiramiz va iloji boricha batafsilroq ma'lumot berishni so'raymiz (shakl, rang, tafsilotlar). Shuningdek, tashqi ko'rinishning xususiyatlarini, yaqinda tashrif buyurgan odamning kiyimlarini tasvirlab berishni so'rashingiz mumkin.

Jadvalda bir nechta narsalarni qo'ying va bolaning vaqtlarini eslab qoling. Bola undan yuz o'girishni talab qilgandan keyin, biz esa stol ustida yotgan narsalarning birini o'chirib tashlaymiz va yashiramiz. Bolaning stol ustidagi narsalarning qaysi biri hozirda yo'qligini tushunishi kerak. Bunday oson o'yin oldindan tayyorlovchining e'tiborini va xotirasini mukammal darajada rivojlantiradi.

Bolaning keng qamrovli rivojlanishi juda muhimdir. Buning uchun siz u bilan jamoat joylarini ziyorat qilishingiz va imkon qadar boshqa bolalar, ularning tengdoshlari bilan muloqot qilishingiz kerak. Aytgancha, xotira rivojlanishi uchun mashqlarni odatiy kun sayr qilganda ham foydalanish mumkin. Masalan, parkda yurish, yo'lingizda, hayvonlar, gullar va hokazolarda turli xil narsalarga e'tibor bering. Zamonaviy bolalar avtomobillar tovarlari va ranglarini, do'konlar, ko'chalarning nomlari

va rangli va yorqin vitrlarni osongina eslashadi. Xuddi shu yurishdan yoki sayohatga borishdan keyin, boladan so'rab: "Serezha amakisi bilan qanday rangdagi rangni eslay oladimi?" Yoki "O'zi bilan sandiqda o'ynagan bolaning ismi nima?" Deb so'rashni unutmang. Shubhasiz, bolaning vaqt davomida ushbu o'yin qoidalarini qanday o'rganishini ko'rasiz va kun davomida unga bo'lgan barcha voqealarni eslab qolishdan juda mamnuniyat bilan boshlaysiz.

Xotira rivojlanish mashqlari sodda tarzda boshlanib, asta-sekin murakkablikka o'tishi kerak. Birinchi bosqichda siz sevimli o'yinchoqlardan xavfsiz foydalanishingiz mumkin. Avval siz chaqaloqni o'z ismlari bilan narsalarni aniqlash uchun o'rgatishingiz kerak, buning uchun barcha o'yinchoqlarni bitta qutiga solib, chaqirgan bolani hozirdanoq so'rang. Ikkinchi bosqichda siz turli hayvonlar tasvirlangan suratlardan foydalanishingiz mumkin. Bir nechta rasmni ko'rsating va ularni pastga aylantiring va keyin qaysi filni yoki boshqa hayvon tasvirlanganini ko'rsatib turing.

**Maktab o'quvchisida xotirani rivojlantirish xususiyatlari**

Yaxshi xotira rivojlanishida miya uchun katta qon ta'minoti muhim ahamiyatga ega ekanini alohida ta'kidlash joiz. Bu bolaning o'z yoshiga mos keladigan jismoniy faoliyatga ega bo'lishini talab qiladi.

Kichik ritorikaning rivojlanishiga ehtiyotkorlik bilan e'tibor qaratish lozim. Barmoqlar uchun maxsus mashqlar miyaning ishini yaxshilashi va natijada xotiraga ijobiy ta'sir ko'rsatishi mumkin.

Xotirani rivojlantirish uchun yordam beradi

Shuni esda tutish kerakki, bolalarning xotirasi rivojlanib boradigan mashqlar hech qachon cheklanmasligi kerak. Ushbu mashqlarni osongina kundalik hayotga ko'chirishingiz mumkin. Misol uchun, siz vaqti-vaqti bilan muayyan ob'ektni jalb qilish haqida so'rov bilan bolani bog'lashingiz mumkin, masalan, qutidagi salfetkani olish va hokazo. Bu, birinchi navbatda, avariyani yodlashga, shu yoki boshqa narsalarga qanday nom berishga yordam beradi, ikkinchidan esa - qaerda joylashganligi yoki joylashganligini unutmang. Axir, bola allaqachon bu narsalarni ko'rgan va ularni olish uchun, uning xotirasini zo'rg'a bosish etarli.

Sizning farzandingizning xotirasini mukammal darajada mustahkamlashning eng oddiy va eng qulay usullari tufayli chaqalog'ingiz yanada aqlli bo'lib qoladi hamda mukammal mantiqiy fikrlashni rivojlantirishi mumkin!

# O'SMIRLIK DAVRIDAGI SALBIY EMOTSIONAL HOLATLARNING UMUMIY TASNIFI

*Qo'ldasheva Diyora Kenjaboyevna*
*Andijon viloyati Xo'jaobod tumani 74-IDUM amaliyotchi psixologi*

Salbiy emotsional holatlar barcha yosh kategoriyalari uchun xosdir. Ularning shu holda vujudga kelishi yosh kategoriyaga mansub ehtiyojlardan qoniqmaslik holati bilan bog'liq bo'lib, asosiy o'ziga xos xarakteriga qo'shimcha tarzda qoniqmaslik xususiyatini vujudga keltiradi.

Emotsiyalar – bu psixik jarayon bo'lib, insonning atrof muhitga va o'ziga nisbatan sub'ektiv munosabatidir. Ular psixik faoliyatdagi va somatik namoyon bo'lishdagi o'lchashlarning o'zgarishida o'z aksini topgan, psixik jarayonlarning vujudga keladigan integrativ holatini (shaklini) bildiradi. Emotsiyalar bir qator xususiyatlarga ega: sifat, mazmun – mohiyat, yo'nalish, davr, namoyon bo'lish, vujudga kelish asosi va hokazo. Emotsional holatlarning asosiy sifatlari shaxsning ob'ektiga nisbatan sub'ektiv munosabatiga bo'lgan muhim belgilari sifatida namoyon bo'ladi. Ular: ijobiy, salbiy, ikki yoqlama va noaniq (mavhum) munosabatlardir.

Emotsional namoyonlik: emotsional holat, munosabat va reaksiyaga bo'linadi. Emotsional holat – bu odatda psixopatik tabiatli sub'ektning umumiy somatopsixik xususiyat bilan bog'liq bo'lgan qandaydir bir ruhiy holatda bo'lishidir.

Emotsional munosabat aniq sub'ekt bilan ob'ekt orasidagi munosabat bo'lib, uning faol jihatini sub'ektiv baholashda namoyon bo'ladi. Emotsional reaksiya – ma'lum bir ta'sirga bevosita javobidir.

Salbiy emotsional holatlar simptomi ko'p qirrali va turli tumandir.

“Emotsional buzilishi” – aniq termin hisoblanadi, lekin Tibbiyot sohasida uning ma’nosi – klinik simptomlar (belgilardan ) aniq guruhi yoki axloqiy belgilar ko‘p hollarda qayg‘u keltirib, shaxsiy faoliyatga qarshi ta’sir o‘tkazadi.

Tibbiyot sohasida quyidagi emotsional xastaliklar ko‘rsatilgan: bezovtalanish, depressiya, xotirjamsizlik, asab tarangligi va g‘azablanish.

Yuqorida qayd etilganidek ko‘p belgili modelda quyidagi emotsional xastaliklar aniqlangan: depressiv, bezovtali va somatomorf.

Emotsional xastalanish simptomologiyasi bo‘yicha (unumli) foydali va zararli xususiyatga egadir.

Unumli (foydali) emotsonal xastalanish sezish tipi potologiyasi emotsional giperesteziya va giposteziyani o‘z ichiga oladi.

Emotsional giperesteziya – sezish tipining buzilishi, bunda odamga his etish holati kuchaygan emotsional moslasha olmaslik va haddan tashqari emotsiyalarga rang berish (bo‘rttirish).

Emotsional giposteziya - sezish tonining buzilishi, odamga his etish holati pasaygan emotsional reaksiyaning sustlashishi.

Emotsional holatlar, munosabatlar va reaksiyalar patologiyasi gipotimiya, paratimiya va emotsiyalar tizimiga buzilishidan iborat.

Gipotimiya. Sog‘inch (qumsash) emotsional holati bo‘lib, qayg‘urish natijasida barcha psixologik jarayonlardan ustun turadi. Sog‘inch – yurak qisilishi ko‘krak qafasida siqilish kabi holatlarda namoyon bo‘lib, yurak oldi xuruji deb nomlanadi.

Depressiv, nevrotik va depressiv – paranoid, oneyroid sindromi disforiyasi tizimiga mansub bo‘ladi. Bezovtalanish - emotsional holat yoki reaksiya bo‘lib, ichki hayajon, xotirjamsizlik, uyalish va ko‘krak qismida lokal siqilish xususiyati bilan xarakterlanadi. Oldindan kelgusidagi voqea hodisalardan xavotirlanish holatlarida namoyon bo‘ladi. Sog‘inch (qo‘msash)dan ko‘ra bezovtalanish holati affekt holatni qo‘zg‘atuvchi sifatiga ega. Nevrotik, depressiv – bezovtalanish, o‘tkir sarosimalik va ongning zaiflashuvi sindromlari tizimiga mansub bo‘ladi. O‘zini yo‘qotish (o‘zini anglay olmaslik) – sarosimalik. O‘zgaruvchan, labil emotsional holat bo‘lib, nochorlik, biror narsaga aqli yetmasligidan qayg‘urish bilan namoyon bo‘ladi. Ongning

xiralashuvi, affekt, affektiv - paranoid o‘tkir sarosimalik sindromlari tizimiga mansub bo‘lib, o‘ziga xos o‘tkir holatda namoyon bo‘ladi.

Sog‘inch qumsashdan ko‘ra bezovtalanish holati affekt holatni qo‘zg‘atuvchi sifatiga ega, nevrotik depressiya bezovtalanish, o‘tkir saromasalik, affektiv sarosimalik va ongning zaiflashuvi sindromlari tizimiga mansub bo‘ladi. O‘zini yo‘qotish (o‘zini anglay olmaslik sarosimalik-o‘zgaruvchan, labil emotsional holat bo‘lib, nochorlik, biror narsaga aqli yetmasligidan qayg‘u bilan namoyon bo‘ladi. Ongning xiralashuvi affekt, affektiv paranoid o‘tkir sarosimalik sindromlari tizimiga mansub bo‘lib, o‘ziga xos o‘tkir holatda namoyon bo‘ladi.

Qo‘rquv – emotsional holat yoki reaksiyalar bo‘lib, o‘z hayoti yoki farovonligi (xotirjamligini) yo‘qotishdan qo‘rqib yashash holatida namoyon bo‘ladi. Fobik, o‘tkir sarosima sindromi tizimiga mansub bo‘lib, o‘tkir gallyusinoza, ongning, aqlning xiralashuvi (zaiflashuvi), gipotalamik paroksizm, tungi va kunduzgi bolalar qo‘rquvi kabi xususiyatlardan iborat.

Gipertimiya. Eyforiya – emotsional holat bo‘lib, xursandchilik, “yuzidan nur yog‘iladigan”, “oftobday yarqiragan” baxtiyorlik hissi va faoliyatga yuqori darajadagi talpinish bilan intilish. Bu holat manikal, manikal sarosimalik, oneyroid, parafren sindromi va demensiya sindromidan ba’zi ko‘rinishlar, alkogolik, narkomanlik va taksikomanlikdan mastlik holatida namoyon bo‘lishi mumkin.

Ko‘ngilchanlik – mamnunlik hissidagi emotsional holat bo‘lib, faoliyatga umuman intilmaslik. Ekstaz – emotsional holat bo‘lib, ko‘tarinkilik ruhiyati, ekzol’tatsiya, ko‘pincha diniy, mistik kechinmalar orqali namoyon bo‘ladi.

Jahldorlik – salbiy ta’sirlanishning yuqori darajasi, atrofdagilardan norozi holatda agressiyaga va buzg‘unchilik harakatiga moyillik.

Emotsional noadekvatlik – emotsional reaksiyani qo‘zgatuvchi holatga sifat jihatidan mos kelmaslik. Emotsional noadekvatlik holatiga misollardan biri bu oilaviy (ya’ni avloddan-avlodga o‘tib keluvchi) nafrat. Ikkala simptom ham negativ shaxsiy ko‘ngilsizliklar tizimiga mansub. Emotsional noadekvatliklik sababsiz xursandchilik o‘zini boshqarolmay axmoqlik qilish, bolalikka xos sho‘xlik, hazilkashlik, noadekvat holatlar orqali namoyon bo‘lsa, demak bu holat geberfrenlik mavjud. “Shisha va daraxt”

simptomi - bu emotsional tushkunlikning yuqori ta'sirchanlik va ko'ngilsizlikdan tez ta'sirlanish holatlari yig'indisidir. Bu esa shizofreneyada mavjud bo'ladigan shaxsiy ko'ngilsizliklar tizimini tashkil etadi.

Emotsional dinamikasining buzilishi. Emotsional labillik – bu emotsiyalar qutbi hech qanday sababsiz va biror bir asossiz tez-tez o'zgarib turishidir.

Negativ (salbiy) emotsional ko'ngilsizliklarning quyidagi shakllarini ajratib olamiz. Emotsional holatning ekstensivligi bo'yicha negativ ko'ngilsizliklar. Emotsional rezonansning qisqarilishi ekstensiv (tarqaluvchi) emotsional reaksiyalarning kamayishi sub'ekt tomonidan oldin emotsional e'tibor berilgan ob'ektlar, jarayonlar, ehtiyojlar faoliyati turlarining yig'imi doirasi kichrayishida namoyon bo'ladi.

Shunday qilib, o'smirlik yoshi salbiy emotsional holatning asosiy turlari ko'rib chiqildi, bu muammo bo'yicha ko'pgina adabiyotlar mavjud, lekin bu muammoning yechilishi noaniq va turli tumandir. Mazkur ish muammoning murakkabli va amaliy zarurat tug'ilganligi natijasida vujudga keladi.

## MIKROORGANIZMLARNING TABIATDA TARQALISHI VA ULARNING AHAMIYATI

*Qo'ldasheva Diyora Kenjaboyevna*
*Andijon viloyati Xo'jaobod tumani 74-IDUM Biologiya fani o'qituvchisi*

Tuproq mikroorganizmlarning asosiy manbai hisoblanadi. CHunki suvga ham havoga ham ana shu tuproqdan mikroblar tarqaladi. Gap shundaki mikroorganizmlarning yashashi uchun barcha sharoitlar mavjud, oziqa muhiti, namlik va harorat eng asosiy omillar ana shu muhitda mujjassamdir. SHuning uchun 1 g tuproqda millionlab va xatto milliardlab bakteriyalar bo'ladi .Suvga va havoga ana shu tuproqdan shamol va yog'ingarchiliklar oqibatida tarqaladi.

Tuproqda aktinomitsetlar, mog’or zamburug’lar, suv o’tlar, sodda hayvonlar va boshqa shunga o’xshash mikroorganizmlar tarqalgandir.

Ba’zi bir dalillarga karaganda 1 ga xaydaladigan tuproqda 25 sm chuqurlikgacha bo’lgan hajmda 3-5 tonnagacha bakteriya massasi tashkil etar ekan. Bakteriyalarning tuproqda tarkalishi usimlik va xayvonlarning qoldiklari miqdoriga va ximik-fizik xususiyatiga bog’liq. Agar ana shu omillar yetarli bo’lsa va iqlim hamda namlik yetarli bo’lsa, albatta bakteriyalarning soni ham ko’payadi.

Tuproqlarning eng yuza qismida bakteriyalar juda kam bo’ladi. Chunki kuyosh nuri ularga halokatli ta’sir etadi.Ammo shuni ham eslatib o’tish kerakki, ba’zi bir bakteriyalar, masalan sil tayoqchasi (mycobacterium tuberculosis) hatto quyosh nuriga ham bardosh bera oladi, bir necha kun halok bo’lmaydi.

Tuproqning 5-10 sm chuqur joyidan boshlab mikrooragnizmlarning soni ko’paya boshlaydi va qancha chuqurlashgan sayin bakteriyalarning soni kamaya boradi. CHuqur qatlamlarda bakteriyalar uchramaydi va tuproq filtr rolini ham ado etadi. SHuning uchun ham yer osti suv havzalariga yetib bormaydi. Tuproqda organik birikmalarni parchalashida bakteriyalarning biotsenozlari gallanishi allaqachon isbotlangan. Masalan, tuproq tarkibida avval parchalanish eng sodda birikmalardan boshlanganda unda spora hosil qilmaydigan anaerob bakteriyalar faoliyati ko’rsatadi. Keyinchalik birmuncha murakkab strukturali organik birikmalar tayokchasimon spora hosil qiladigan va aerob bakteriyalar tomonidan parchalanib, oldingi bakteriyalarning o’rnini oladi.

Organik chirindilarga boy bo’lgan tuproqda yetarli ravishda ishlov berilgandan va tuproqning mexanik tarkibi yaxshilanganda bakteriyalar juda tez ko’payadi .Bunda harorat albatta mo’tadil bo’lmog’i lozim. Xuddi shunday tuproqlarda F.N. Germanov degan olimning ta’kidlashicha 1 ga yerdagi tuproqdla 10 milliarddan ziyod bakteriyalar bo’ladi.

Tuproq hosil bo’lish jarayonida tirik organizmlarning, bakteriyalar, zamburug’lar, infuzoriyalar, suvo’tlar, o’simliklarning ildizi va bir qator hayvonlarning ahamiyati nihoyatda kattadir.

Ishlov berilmagan, organik birikmalar aralashtirilmagan, toshloq, kuruk va bo’z yerlar tashlandiq yerlar nihoyatda bakteriyalarga kambag’al bo’ladi. O’simliklar ildizi

ta'siri ostidagi zona rizosfera deyiladi. Bu yerdagi mikroorganizmlar ildizlar yuzasida va o'simlik ildizlariga bevosita taralib turadigan tuproqda ko'plab rivojlanadi. N.A. Krasilnikovning ma'lumotlariga ko'ra. Makkajo'xori, soya va boshqa ekinlar rizosferadagi mikroorganizmlar soni oddiy yerlardagiga qaraganda 5-10 marta ko'p bo'lar ekan.

*Rizosferada 3 ta zona farqlanadi.*

1. Mikrofloraga nihoyatda boy bo'lgan ildiz zonasi
2. Ildizlarga taqalib turadigan tuproqning yupqa qatlami
3. Ildizlar yuzasidan 0.5-1 mm narida bo'lgan haqiqiy rizosfera

Bu zonada mikroorganizamlar uchun oziq ko'p bo'ladi.

O'simliklar ildizlarida urug' unib chiqqandan boshlab, to gullash davriga bakteriyalar ko'payib boradi. Gullash fazasining oxirlariga kelib ularning o'rnini aktinomitsetlar, zamburug'lar va sellyulozani parchalovchi bakteriyalar egallaydi. Rizosferada ko'pincha spora hosil qilmaydiganlardan psevdomonaslar, mikrobakteriyalar, radiobakteriyalar uchrab, ular o'simlik ildizlaridagi qoldiq moddalarni parchalashda ishtirok etadi va o'z navbatida ildizlardan chiqqan moddalarni o'zlashtirib yashaydi.

Yuksak o'simliklar barglari va novdalarida epifit mikroflora borligi aniqlangan. Olimlarning aniqlashicha ana shunday bakteriyalar (Bact. Herbacola) fiziologik aktiv modda geteroauksin sintez qilar ekan.

A.A Tarasenkoning (1972) aniqlashicha epifit mikroflora makkajo'xori maysalarining o'sishiga va moddalar almashinuvi jarayoniga ijobiy ta'sir etganligini kuzatish mumkin.

1881 yili polyak olimi F.M.Kamenskiy mikoriza xodisasini kashf etdi. O'simliklar ildizi bilan zamburug'lar orasidagi simbioz mikoriza deb ataladi. Mikoriza ko'pchilik daraxtlar va g'alladoshlar oilasining vakillari orasida uchraydi. Mikorizada zamburug' gifalari o'simlikning ildizlari orasiga o'sib kiradi. Mikorizani zamburug'lardan fitomitsetlar, ba'zidiyali zamburug'lar hosil qiladi. Mikoriza tabiatda keng tarqalgan hodisa bo'lib, ektotrof va endotrof shakllari bo'ladi.

Ektotrof mikorizada zamburug’ giflari o’simlik ildizining yuza tomonidan o’rab oladi va bunda ildiz tukchalari nobud bo’ladi. Endotrof mikorizada esa zamburug’ giflari ildizning ma’lum bir qismining yuzasida bo’lib, asosiy qismi ildizning parenxima hujayralari orasiga o’isb kiradi va bu holda ildiz tukchalari nobud bo’lmaydi.

Zamburg’ giflari o’simlik ildizining shimish yuzasini oshiradi , shu bilan birga o’simlik o’zlashtira olmagan anorganik va organik birikmalarni eritadi.

O’simlikni azot bilan ta’minlaydi, ya’ni organik birikmalarni parchalab ammiakli birikmalarga aylantiradi. Bundan tashqari mikoriza zamburug’lari tuproqdan fosforli birikmalarni olishda ham o’simlik yerdam beradi. Buning hisobiga o’simlik zamburug’ni glyukoza bilan ta’minlaydi.

O’simliklarning ayniqsa orxideyalarda mikoriza hodisasi keng tarqalgan. Ularning urug’i juda qiyin unib chiqadi. CHunki vitaminlardan nikotin (RR), V vitamini va boshqalar yetishmaydi,kam sintezlanadi. Bularni esa zamburug’lar hosil qiladi va natijada urug’ tez unib chiqadi. Mikoriza hodisasi daraxtlardan archa, qarag’ay, qayin va boshqalarda keng tarqalgan.

Mikroorganizmlar fiziologik aktiv moddalar. vitaminlar, fermentlar, auksinlar va gibberiminlar, antibiotiklar, ba’zi bir aminokislotalar sitezlash xususiyatiga ega. Bunday moddalarni bakteriyalar. Aktinomitsetlar. Zamburug’lar, suv o’tlar, achitqilar sintezlaydi. Tuproq bakteriyalardan nitrifikator, azotbakteriyalar, tugunak bakteriyalar va boshqa bakteriyalar o’sishi uchun zarur bo’lgan barcha moddalarni sintezlash xususiyatiga ega.

M.N.Mentelning hisobiga ko’ra 1 ga unumdor tuproqda 1 yil davomida 400 g B1 , 300g B2, 1 kg PP vitaminlar adsorbilngan holda to’planadi.

Shunday qilib, mikroorganizmlar yerning unumdorligini oshirishda moddalarning tabiatda aylanishida, tuproqning strukturali bo’lishida, o’simliklarni fiziologik aktiv moddalar bilan ta’minlshda ishtirok etadi.

Tashqi muhit omillari makro dunyoga qanday ta’sir etsa, mikroolamga ham shunday ta’sir etadi. Zero ularning faoliyati tashqi muhit bilan chambarchas bog’liqdir.

# O'QUVCHI-YOSHLARDA KASBIY MOTIV VA MOTIVASIYANI SHAKLLANTIRISHDA MAKTAB PSIXOLOGNING O'RNI

*Ismatova Zulfiya Nutfullaevna*
*Buxoro viloyat Peshku tuman 28-sonli maktab psixologi*

**Annotsiya:** Ushbu maqolada kasb va kasbiy motivlarni shakillantirish, qiziqishlarga mos ravishda tanlangan ish joyini baholash, ayni vaqtda ishlayotgan muassasasi, korxonadagi imkoniyat to‘siqlari, ishni boshqarish, kasbiy o‘sish, tashabbusning paydo bo‘lishi haqida fikr yuritilgan.

Kasbiy motiv va motivasiya muammosi xorij psixologlari tomonidan keng doirada tadqiq qilingan. Jumladan, kasbiy motivlar borasida YE.A.Klimov, V.A.Kruteskiy, A.N.Vasilkova, E.Disi, V.Vrum, M.V.Dmitriy va boshqalarni kiritishimiz mumkin. Shaxsning ish faoliyati bilan bog‘liq motivasiyalarni 3 guruhga ajratish mumkin; birinchisi - mehnat faoliyati motivlari, ikkinchisi - kasb tanlash motivlari va uchinchisi-ish joyini tanlash motivlari. Aniq faoliyat esa barchasini jamlangan holda izohlanadi, ya‘ni, bunda mehnat faoliyati motivlari, kasb tanlash motivlarining shakllanishi, shuningdek, qolgan ikkita motiv orqali esa ish joyini tanlash motivlari ham yuzaga keladi. Mehnat faoliyati motivlari xilma-xil bo‘lib, ular o‘ziga xos omillar bilan belgilanadi. Birinchi guruh omillariga jamoaviy xarakterning uyg‘onishi bilan bog‘liqlari kiritilib, bunda jamoaga foyda tegishini anglash, boshqa insonlarga yordam berish istagi, mehnat faoliyatida ijtimoiy ustanovkaning zarurligi va boshqalarga nisbatan tobelikni hohlamaslik kabi motivlar hisoblanadi. Ikkinchi guruh omillari o‘zi va oilasi uchun moddiy mablag‘ning orttirilishi, moddiy va ma'naviy ehtiyojlarning qondirilishi uchun pul ishlab topish motivlaridir. Uchinchi guruhga o‘zini o‘zi faollashtirish, rivojlantirish, o‘zini namoyon qilish ehtiyojlarining qondirilishi va boshqalar kiradi. Ma‘lumki, insonlar tabiatdan biror-bir faoliyat bilan shug‘ullanmasdan turolmaydilar. Inson nafaqat iste‘molchi balki yaratuvchi bo‘lib, yaratish jarayonida u ijoddan ilhom oladi. Bu guruhga mansub motiv jamiyat tomonidan ehtiyojlarning qondirilishi va boshqalarning hurmatini qozonish bilan bog‘liq. Maktab o‘quvchilarining mehnat tarbiyasi ham shu motiv bilan bog‘liq ravishda shakllantiriladi.

Mehnat faoliyatining umumiy motivlari yuqorida aytib o‘tilganidek, aniq kasblar doirasida amalga oshadi. Kasb tanlash anchagina qiyin va motivasion jarayondir. Axir shaxsning to‘g‘ri kasb tanlashi ko‘pincha insonning hayotdan qoniqishga ham sabab bo‘ladi. Insonning qaysi faoliyatini tanlashi ko‘proq tashqi omillar haqidagi qarorning qabul qilinishi jarayoni haqida to‘xtalishi muhimdir. Bu asosan tashqi holat baholariga, o‘zining imkoniyat va qobiliyatlariga, kasb tanlashdagi qiziqish va moyilliklariga bog‘liqdir. Tashqi holatini baholash, ijobiy ta‘sir ko‘rsatadigan omillar, o‘zida ishlab topiladigan pul miqdori, imtiyoz, taklif etilayotgan korxona, muassasaning yashash joyiga yaqin bo‘lishi, transpot aloqalarining qulayligi, ish joyi estetikasi va ishlab chiqarishning zararli tomonlari, jamoadagi psixologik iqlim, maqtov va tartibga chaqirish kabilarni qamrab oladi. O‘z imkoniyatlarini baholash sog‘lomligi, ishga yaroqliligi, kasbi bo‘yicha muhim sifatlarga egaligi, bilim darajasi, stresslarsiz ishga moyilligi, yuqori shovqinli ishda talab etilgan temp va xotirjam ritm bilan ishlay olish imkoniyati kabilarni o‘z ichiga oladi.

Qiziqishlarga mos ravishda tanlangan ish joyini baholash, ayni vaqtda ishlayotgan muassasasi, korxonadagi imkoniyat to‘siqlari, ishni boshqarish, kasbiy o‘sish, tashabbusning paydo bo‘lishi muhim ahamiyatga ega. Ba‘zan qiziqish bo‘yicha ish joyini tanlash muhim ahamiyat kasb etadi. Ish joyini va kasbni tanlash motivlari E.S.Chuchunay tomonidan klassifikasiya qilingan. U kasb motivlarini quyidagilarga ajratadi: 1) Dominant (kasbga qiziqishning ustun turishi). 2) Vaziyat bilan bog‘liq (har doim insonni qiziqtirib kelgan shart sharoitlarni ro‘yobga chiqarish). 3) Komformist. 4) Kasbiy motivasiyalar (o‘ziga yaqin ijtimoiy olamning ya‘ni yaqinlarini, do‘st va tanishlarining maslahatlari bilan). Kasbga yo’naltirishda hal qiluvchi davr o’smirning o’z istagi yoki zaruratiga ko’ra, tanlagan va uning mehnat yo’lini belgilaydigan kasbga kirishish davridir. Bu davr shuning uchun ham hal qiluvchiki, kishining mehnat yo’li bo’lishi, bu yo’lda u qanchalik uzoq vaqt muvaffaqiyatli bora olishi ishlab chiqarishni xodimlar o’rtasidagi muomalani endi o’quvchi emas, balki boshqa rolni malakali xodim rolini qanchalik oson yoki qiyin, tez yoki sekin o’zlashtirishiga bog’liq. Kasbiy moslashuv – bu yosh insonning asta-sekin kasbiy mehnat sharoitiga kirish vazifasiga ko’ra emas, balki uning psixik xususiyatiga ko’ra talaba o’quvchilikdan malakali

xodimga aylanishidir. Organizmning ishlab chiqarish muhiti va mehnat rejimiga moslashish tarzida biologik ko'nikish elementlarini ham o'z ichiga olgan holda kasbga ko'nikish bir butunlikda ijtimoiy ko'nikishning asosiy turi hisoblanadi. Kasbiy moslashuv davri odatda uchta o'ziga xos bosqich bo'yicha boradiki, ularning har biri kasbiy ta'lim pedagoglari uchun juda muhim xususiyatga ega. Kasbiy moslashishning birinchi bosqichi tanishtirish bo'lib, o'zining atrof muhitidagi yangi rolini anglashidan iborat. U tanlangan kasb bo'yicha muayyan malaka olishga qaror qilgandan boshlanadi va ishlab chiqarish ta'limiga dastlabki nazariy tayyorgarlik davrida, o'quv qobiliyatlari kasb-hunar kolleji tayanch korxona bilan tanishishdan boshlanadi. Kasbiy moslashishning bu birinchi bosqichida qabul qilingan qarorning to'g_riligini o'smir o'zi baholaydi.

Kasbga, ishlab chiqarish mehnati guruhlariga va o'qituvchilariga, kasb-hunar kelleji va korxonaga munosabati vujudga keladi. O'smir o'z kelajagiga nazar tashlaydi hamda tanlagan kasbida qanday jozibali va qandaydir kamchilik tomonlarini ko'radi. Sohalar haqidagi o'y- xayollar barbod bo'ladi. Hamda yangi umid va intilishlar paydo bo'ladi. Ta'sirchan o'smirlar ongida sabablarning qattiq kurashi ketadi. Bu kurash oqibati boshqa bir mashg_ulotga bo'lgan oldingi intilishlar engadimi yoki yangi egallash mavqega muvofiq yangi intilishlar tug_iladimi, bularning hammasi birinchi mashg_ulot: muallim va yaqin kelajakda o'qish va ishga to'g'ri keladigan kasb hunar kolleji va korxonalarning tuzilishi, ulardagi umumiy sharoitlar uyg'otadigan taassurotga bog'liq bo'ladi. Kasbiy moslashishning ikkinchi tayyorlov bosqichi – ijtimoiy umumiy texnika va maxsus predmetlar hamda o'quv xonalarida ishlab chiqarish ta'limini asosli o'rganishdan iborat bo'lib, bu kasb o'rganishdir. Bu erda ham tanlangan mehnat yo'lini baholash davom etadi. Atrof muhitga, ta'limga va o'zlashtirilayotgan mehnatga munosabat o'zgaradi. Biroq hal qiluvchi narsa taassurot emas, balki o'quv mehnatidagi yutuq va kamchiliklar bo'ladi. Kasbiy moslashishning ancha uzoq va ma'suliyatli bo'lgan bu bosqichida kasbini o'zlashtirayotgan malakali xodim shaxsining daslabki shakllanishi yuz beradi. Bu shakllanishning muvaffaqiyati o'zining o'quv mehnati natijasidan qanoatlanishi va qanoatlanmasligiga bog'liq yutuqlar quvontiradi va ilhom beradi, yanada kattaroq muvaffaqiyatlarga undaydi, tasodifiy muvaffaqiyatsizlik yanada

ko'proq kuchni safarbar qilishni talab qiladi. Ammo bunday holat tez-tez bo'lib tursa, doimiy muvaffaqiyatsizlik esa ishdan, o'qishdan va kasbdan ixlosini qaytaradi. O'quv predmeti va ishlab chiqarish mashqlariga bo'lgan qiziqishning paydo bo'lishi, kuchayishi yoxud yo'qolishini hamda kasbni yoqtirmay qolishi ana shu yutuq va muvaffaqiyatsizliklarga bog'liq bo'ladi. Bularning hammasi avvalo pedagoglarga o'quvchilarning yutug'i va muvaffaqiyatsizligi o'quvchining ruhiy holatiga ko'ra qanchalik e'tibor berishlariga hamda ularning qanchalik mohirlik bilan boshqara bilishiga bog'liq. Kasbiy moslashishning uchinchi asosiy bosqichi yosh insonning korxona xodimlari muhitiga singishidir.

Bu bosqich o'quvchi-talaba o'zini o'rab olgan o'sha jamoaning a'zosi sifatida his qiladigan ammo ular darajasida malaka orttirmagan mehnat unumdorligi va mahsuloti sifatini ta'minlay olmaydigan, ba'zan xato va beparvoliklarga yo'l qo'yadigan, ishlab chiqarish amaliyoti davrida boshlanadi. Rasmiy jihatdan o'zining tengligi va atrofdagi kishilar bilan ishlab chiqarish malakasida tez emasligi hamda ularning yosh xodimga «temir qanot qushcha» deb munosabatda bo'lishini anglash uning bu bosqichdagi kasbiy moslashish jarayonini favqulodda murakkablashtirib qo'yadi. Buni ijobiy hal qilish esa amaliyotda korxona xodimlari bilan o'zaro munosabati qanday bo'lishi kasb-hunar kollejini tugatgach ular bilan birgalikda qiladigan mehnatga bog'liq bo'ladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. Olimov T.H. Yoshlarda o'zlikni anglashni shakllantirish // Ta'lim tizimida ijtimoiy-gumanitar fanlar. – Toshkent, 2016. – №4.
2. Olimov T.H. Sharq mutafakkirlari ijodida fuqarolik jamiyati va madaniyatini rivojlantirish masalalari // Pedagogik mahorat – Buxoro, 2019. – №2.
3. Olimov T.H. Bo'lajak oliy ma'lumotli mutaxassislarda fuqarolik madaniyatini shakllantirishda zamonaviy o'qituvchining qiyofasi // Pedagogik mahorat – Buxoro, 2020. – №5. – B.
4. Olimov T.X. Talabalarda fuqarolik madaniyatini rivojlantirishda ma'naviy-ma'rifiy ishlarning mazmuni. //Pedagogik mahorat

# ЎСМИРЛАРДА ҒАЙРИИЖТИМОИЙ ХУЛҚ МУАММОСИНИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

*Арифжонова Нодира Абдупаттаевна*
*Андижон вилояти Балиқчи тумани 27 мактаб психологи*

Ижтимоий жамият ўзига хос умумий қоуниятларга, инсон фаолияти билан бўлган меъёрий тартиботларга, ҳаётий қонунларга, турмуш тамойилларига мувоффиқ ривожланади, тараққий этади, жамиятда ўрнатилган ижтимоий меъёрларга қатъий риоя қилади, амал қилади. Аммо бу ижтимоий меъёрлардан ҳам четга чиқиш, қонунларга бўйсинмаслик, ҳуқуқларни бузиш ҳоллари ҳам жамиятда учраб туради. Ана шу ҳолатлар бевосита ижтимоий жамият қонунларига, сиёсий бошқаришга, жамият умумий қоида-қонунларини ўзида мужассамлаштирадиган умумхалқ иродасига мувофиқ ҳаракатда бўладиган асосий қонунлар мажмуаси (уни "Конституция" деб атаймиз Ш.А.) хукмрон бўлиб ундан четга чиқишлар жиноят ҳисобланиб қораланади. Шу сабабли жамиятнинг ҳуқуқий, қонуний тартиботлари бевосита халқ урф-одатлари, ўз истак мақсадларига мувофиқлашган амалий удумлари билан уйғунлашиб кетади ва у турмушда ижтимоий ҳаётда амал қилади ва бу тартиботларга риоя қилиш ижтимоий меъёрлар деб аталади.

Ана шу ижтимоий меъёрлардан четга чиқишлик, яъни бу ижтимоий меъёрларни бузиш, риоя қилмаслик жиноятга қўл уриб, шу йўлдан боришлик ҳолатларини социология фанида Девиант – деб аталади.

Девиант – (ахлоқ-одоб) хулқ-атвор социологияси Ғарбда, айниқса АҚШда кенг кўламда "Социология" фанининг асосий йўналишларидан бири сифатида илмий-амалий жиҳатдан чуқур ўрганилмоқда. Бизда эса, миллий мустақиллик туфайли илмий ва назарий жиҳатдан ўрганилиши учун имконият яратилиб, ўрганила бошланди. Аммо жамиятда девиантга, хулқ-атворга манба бўлаоладиган ҳолатлар жаҳондаги бошқа халқларга нисбатан Марказий Осиё ҳалқларида узоқ ўтмишда қадимдан олдин пайдо бўлган бўлиб ижтимоий меъёрдан четга чиқишлик, ахлоқ-одобдан чекиниш ҳолатларига қатъиян чек қўйилган, бузилишига йўл

қўйилмаган, ҳаракатдаги қонундан ҳам таъсирчан кучга ҳам дунёвий, ҳам диний йўл билан, инсонлар руҳиятига таъсир этгувчи кучга айланган ва ҳозир ҳам халқимиз ана шу ижтимоий меъёрлар доирасида яшамоқда. Истиқбол туфайли янада таъсирчан айланиши тобора такомиллашиб бормоқда.

Чунки ижтимоий ҳаётда жамиятда инсонлар фаолиятини, ҳатти-ҳаракатларини, хулқ-атворларини диний, дунёвий аҳамиятга эга бўлган ижтимоий меъёрлар бошқаради.

Ижтимоий меъёр жамият бошқарувининг ажралмас маънавий, руҳий ва моддий қисмларидан бири бўлиб, инсон, шахс ёки ижтимоий гурух, қавм, элат хулқ-атворини муайян социал муҳитга мослаштирувчи, мувозанатини сақлаб, тобора мустаҳкамлаб борувчи тамойил, қоидалар мажмуасидан иборатдир. Ижтимоий меъёрнинг жамиятда бир неча турлари, хиллари мавжуд бўлиб, уларга асосан ҳуқуқий, ахлоқий, диний, дунёвий, ҳамда урф-одатларга оид меъёрлари шулар жумласидандир.

Ижтимоий меъёрларнинг афзалликлари шундаки, ҳар бир мисол ёшлигиданоқ мавжуд авлодларидан мерос бўлиб келаётган муайян меёърларга мослаштирилиб борилган ва шахслар даражасига кўтарилиб келинган. Ана шундай шахслар умум авлод томонидан қабул қилиниб, келажакка мерос сифатида қолдирилган тамойилларга мувофиқ тарбия берилган ва бу тамойиллар доирасидан четга чиқарилмаган ва бошқалардан ҳам, ўзидан кейинги авлодлардан шуни талаб қилинган. Марказий Осиё халқлари ана шу меъёрларга қатъий риоя қилган, халқимиз ўтмиш ота-болаларига, улар меросига иззат-ҳурматда, садоқатда бўлган. Шу сабабли бўлса керак Президентимиз маънавият, маънавий мерос, ота-боболар ўғити, ота намунаси, она сути билан киради, - дейишлигида табиий, ижтимоий ҳақиқат бўлиб, ижтимоий меъёрларини асл манбаисини кўрсатиб берган.

Жамият тараққий этиб борган сари мавжуд жамиятда амал қилиниб келинаётган меъёрлар ҳам замонасига мувофиқ ўзгариб, янгиланиб, даврга мослашиб, омма онгига сингиб, амалда қўлланилаборади, эскилари таркибига янгиларини тобора киритилиб, амал қилинаборди, ижобий ижтимоий меъёрлар

таркибини кенгайтираборади. Албатта бу ўзгаришлар бевосита жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, ҳатто иқтисодий тизимларининг сиёсий бошқариш у амал қиладиган қонунларга ҳам боғлиқдир.

Инсон тарбиясида, ижтимоий меъёрлари талабида тарбиялашда энг муҳим, энг биринчи ижтимоий назорат институти бу оила, фақат никоҳли оиладир. Чунки фарзанд тарбияси бешикдан бошлаб, баркамол комил инсон бўлиб шаклланишида никоҳли соғлом оила муҳитининг ўрни бениҳоя каттадир ва салоҳияти эса чексиздир. Ҳар бир фарзанд инсон бўлиб, шахсга айланишининг дастлабки манбаи ота-онага, оилага, бевосита боғлиқдир. Чунки инсондаги хулқ-атвор, ахлоқ-одобнинг дастлабки нормалари оилада шаклланиб, мактаб, маҳаллада, жамоатчилик ўртасида таълим-тарбия тизими фаолияти жараёнида такомиллашади, атроф-муҳит қиёфага солади, инсоний фазилатлари шаклланиб такомиллашаборса комил инсонийлик даражасигача кўтарилиб боради, агар акси намоён бўлаборса бузғунчи, мурдотликка тушиб қолади. Бу жараённи “Социология” фанида “Девиант” – деб аталади.

Девиант хулқ-атвор – бу жамиятда ўрнатилган ижтимоий ахлоқ меъёрларидан четга чиққан, бу меъёрларга мос келмайдиган инсонлар фаолияти, хадди-ҳаракати ва бошқа ижтимоий ҳодисаларидаги турлия қилиқлари, муносабатлари, фикр-мулоҳазалари ҳисобланиб, буларни жамиятда хулқи-атвори ҳаракати-фаолиятига мувофиқ аталиб, уларни ёлғончи, дангаса, ўғри, безори, “ёзувчи”, ҳасадчи, бахил, гиёҳванд, тавламачи, фирибгар, иймонсиз, эътиқодсиз, беҳаё, фоҳиша, орсиз, қасд қилиш ва ҳоказо сўзлар билан номланиб, кўплаб шу каби ижтимоий меъёрлар талабига зид келгучи хулқ-атвор хусусиятлари ҳисобланади.

Шундай қилиб, девиант – хулқ-атворнинг ҳарқандай кўриниши қандай ҳолатда бўлишидан қатъий назар ижтимоий меъёрларга зид зарарли бўлиб, бу зиддиятли зарарлар шаклланиши ва тобора кенгайиб боришида, боғлиқли сабаблар мавжуд бўлиб, зарарли ҳолатларга олиб келган сабабларни аниқлаб, уни ҳал этиш йўлларини аниқлаб, ечимини кўрсатиб бериш “социология” фанининг вазифаси бўлиб, девиантликка йўл қўймаслик учун белгиланган ҳар-бир ечимни

амалга ошириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг маъноси жамиятдаги муаммоли вазиятдан чиқиш, муаммоли ҳолатни ҳал қилиш субъектнинг индивидуал мақсадлари билан жамият манфаатлари бир-бирига мос келишидир.

## SHAXSNING IRODAVIY SIFATLARI VA ULARNING RIVOJLANISHI

*Ismoilova Dilnoza Shahobiddinovna*
*Andijon viloyati Baliqchi tumani 22 maktab psixologi*

"Iroda" tushunchasi psixiatriya, psixologiya, fiziologiya va falsafa tomonidan qo'llaniladi. Shaxs darajasida iroda iroda, kuch, matonat, chidamlilik kabi xususiyatlarda namoyon bo`ladi.Ularni shaxsning birlamchi, asosiy, irodaviy sifatlari deb hisoblash mumkin. Bunday fazilatlar xulq-atvorni belgilaydi, bu yuqorida tavsiflangan barcha xususiyatlar bilan tavsiflanadi. Iroda o'zaro bog'liq bo'lgan ikkita funktsiyani - rag'batlantiruvchi va tormozlovchi funktsiyalarning bajarilishini ta'minlaydi va ularda o'zini namoyon qiladi. Iroda deganda shaxsning faolligiga sabab bo`ladigan va uni yo`naltirilgan harakatga uyg`otuvchi murakkab psixik jarayon tushuniladi.

Insonda irodaning rivojlanishi quyidagi harakatlar bilan bog'liq:

- ✓ ixtiyorsiz psixik jarayonlarni ixtiyoriy jarayonlarga aylantirish;
- ✓ shaxs tomonidan o'z xatti-harakatlari ustidan nazoratni olish;
- ✓ shaxsning irodaviy fazilatlarini rivojlantirish;
- ✓ shuningdek, inson ongli ravishda o'z oldiga tobora qiyinroq vazifalarni qo'yishi va uzoq vaqt davomida sezilarli ixtiyoriy sa'y-harakatlarni talab qiladigan ko'proq va uzoqroq maqsadlarga intilishi bilan.

Iroda - bu insonning to'siqlarni engib o'tish, maqsadga erishish qobiliyatidir. Xususan, u xarakter, maqsadlilik, qat'iyatlilik, qat'iyatlilik, jasorat kabi fazilatlarda namoyon bo'ladi. Ushbu xarakter xususiyatlari ijtimoiy foydali va jamiyatga zid maqsadlarga erishishga yordam berishi mumkin.

Inson irodasi ma'lum fazilatlar bilan tavsiflanadi. Avvalo, irodani maqsadga erishish yo'lida yuzaga keladigan muhim qiyinchiliklarni engishning umumlashtirilgan qobiliyati sifatida ajratish odatiy holdir. Maqsadingizga erishish yo'lidagi to'siq qanchalik jiddiy bo'lsa, irodangiz shunchalik kuchli bo'ladi. Aynan iroda kuchi bilan yengib o'tiladigan to'siqlar irodaning namoyon bo'lishining ob'ektiv ko'rsatkichidir. Iroda kuchining turli ko'rinishlari orasida shaxsning bunday xususiyatlarini ajratib ko'rsatish odat tusiga kiradi: chidamlilik va o'zini tuta bilish, ular kerak bo'lganda o'z his-tuyg'ularini tiya olish qobiliyatida ifodalanadi; impulsiv va o'ylamasdan harakatlarning oldini olishda; o'zini nazorat qilish va o'zini ko'zlangan harakatni bajarishga majburlash qobiliyatida, shuningdek, o'zi xohlagan, lekin asossiz ravishda noto'g'ri ko'rinadigan narsani qilishdan tiyilish.

Irodaning yana bir xususiyati maqsadlilikdir. Maqsadlilik deganda, faoliyatning ma'lum bir natijasiga erishish uchun shaxsning ongli va faol yo'nalishini tushunish odatiy holdir. Ko'pincha, ular maqsadlilik haqida gapirganda, ular qat'iyatlilik kabi tushunchadan foydalanadilar. Bu kontseptsiya maqsadlilik tushunchasi bilan deyarli bir xil bo'lib, insonning eng qiyin sharoitlarda ham maqsadga erishish istagini tavsiflaydi. O'jarlikni qat'iyatlilikdan ajratish odat tusiga kiradi. Ko'pincha o'jarlik salbiy sifat odam. O'jar odam, bu harakatning nomaqbulligiga qaramay, har doim o'z-o'zidan turib olishga harakat qiladi. Qoidaga ko'ra, o'jar odam o'z faoliyatida aqlning dalillari bilan emas, balki muvaffaqiyatsiz bo'lishiga qaramay, shaxsiy istaklari bilan boshqariladi. Darhaqiqat, o'jar odam o'z irodasini nazorat qilmaydi, chunki u o'zini va nafsini qanday boshqarishni bilmaydi.

Irodaning muhim xususiyati tashabbuskorlikdir. Tashabbus - bu insonda paydo bo'lgan g'oyalarni amalga oshirish uchun urinishlar qilish qobiliyatidir. Ko'p odamlar uchun o'z inertsiyasini engish iroda harakatining eng qiyin paytidir. Yangi g‘oyani amalga oshirish yo‘lida birinchi ongli qadamni faqat mustaqil shaxsgina qo‘ya oladi. Mustaqillik irodaga xos xususiyat bo`lib, tashabbuskorlik bilan bevosita bog`liqdir. Mustaqillik ongli ravishda qaror qabul qilish qobiliyatida va maqsadga erishishga to'sqinlik qiluvchi turli omillar ta'siriga berilmaslikda namoyon bo'ladi. Mustaqil shaxs boshqa odamlarning maslahatlari va takliflarini tanqidiy baholagan holda, o'z qarashlari

va e'tiqodlari asosida harakat qilish va shu bilan birga olingan maslahatlar asosida o'z harakatlariga tuzatishlar kiritishga qodir.

Salbiylikni mustaqillikdan ajratish kerak. Negativizm boshqa odamlarga qarama-qarshi harakat qilish, ularga qarama-qarshilik qilish uchun asossiz, asossiz tendentsiyada namoyon bo'ladi, garchi oqilona mulohazalar bunday harakatlar uchun asos bermasa ham. Negativizmni ko'pchilik psixologlar o'z harakatlarini aql dalillariga, xulq-atvorning ongli motivlariga bo'ysundira olmaslikda, o'z xohish-istaklariga qarshi tura olmaslikda, bekorchilikka olib keladigan va hokazolarda ifodalangan irodaning zaifligi sifatida baholaydilar. Ko'pincha bekorchilik. dangasalik bilan bog'liq. Aynan dangasalik irodaning ijobiy sifatlariga ma'no jihatdan qarama-qarshi bo'lgan sifatlarning har tomonlama xarakteristikasi hisoblanadi.

Shuni ta'kidlash kerakki, inson tomonidan ko'rsatilgan tashabbus, mustaqillikdan tashqari, har doim irodaning yana bir sifati - qat'iyat bilan bog'liq. Qat'iylik motivlar kurashida, o'z vaqtida va tez qaror qabul qilishda keraksiz ikkilanish va shubhalarning yo'qligidadir. Eng avvalo, qat'iyatlilik dominant motivni tanlashda, shuningdek, maqsadga erishish uchun adekvat vositalarni tanlashda namoyon bo'ladi. Qat'iylik amalga oshirishda ham namoyon bo'ladi qaror. Hal qiluvchi odamlar harakatlar va vositalarni tanlashdan harakatni amalga oshirishgacha tez va baquvvat o'tishlari bilan ajralib turadi.

Qat'iylikdan, ijobiy irodaviy sifatdan, qaror qabul qilishda shoshqaloqlik, harakatlarning o'ylamasligi bilan ajralib turadigan impulsivlikni ajratish kerak. Impulsiv odam harakat qilishni boshlashdan oldin o'ylamaydi, qilgan ishining oqibatlarini hisobga olmaydi, shuning uchun u ko'pincha qilgan ishidan pushaymon bo'ladi. Bunday odamning qaror qabul qilishdagi shoshqaloqligi, qoida tariqasida, uning qat'iyatsizligi, u uchun qaror qabul qilish juda qiyin va og'riqli jarayon ekanligi bilan izohlanadi, shuning uchun u imkon qadar tezroq undan xalos bo'lishga intiladi.

Shaxsning favqulodda muhim irodaviy sifati - bu shaxsning harakatlarining ketma-ketligi. Harakatlar ketma-ketligi shuni tavsiflaydiki, inson tomonidan amalga oshiriladigan barcha harakatlar bitta rahbarlik tamoyilidan kelib chiqadi, unga odam

ikkinchi va ikkinchi darajali hamma narsani bo'ysundiradi. Harakatlar ketma-ketligi, o'z navbatida, o'z-o'zini nazorat qilish va o'zini o'zi qadrlash bilan chambarchas bog'liq.

Qabul qilingan harakatlar faqat shaxs o'z faoliyatini nazorat qilganda amalga oshiriladi. Aks holda, bajarilgan harakatlar va odam intilayotgan maqsad bir-biridan farq qiladi. Maqsadga erishish jarayonida o'z-o'zini nazorat qilish etakchi motivlarning ikkinchi darajalilardan ustunligini ta'minlaydi. O'z-o'zini nazorat qilish sifati, uning etarliligi ko'p jihatdan shaxsning o'zini o'zi baholashiga bog'liq. Demak, o'zini past baholash insonning o'ziga bo'lgan ishonchini yo'qotishiga olib kelishi mumkin. Bunday holda, insonning maqsadga erishish istagi asta-sekin yo'qolishi mumkin va rejalashtirilgan narsa hech qachon amalga oshmaydi. Ba'zan, aksincha, inson o'zini va qobiliyatini ortiqcha baholaydi. Bunday holda, maqsadga erishish yo'lida o'z harakatlarini muvofiqlashtirish va moslashtirishga imkon bermaydigan ortiqcha o'zini o'zi qadrlash haqida gapirish odatiy holdir. Natijada, rejalashtirilgan narsaga erishish qobiliyati ancha qiyinlashadi va ko'pincha ilgari rejalashtirilgan narsa amalda to'liq amalga oshirilmaydi.

**Foydalanilgan dabiyotlar ro'yxati**

1. Maklakov A.G. Umumiy psixologiya. Sankt-Peterburg: 2008 yil - 583 b.
2. Rubinshtein S. L. Umumiy psixologiya asoslari. - Sankt-Peterburg: Pyotr, 1999 yil.
3. Ilyin E. P. Iroda psixologiyasi. - Sankt-Peterburg: Peter, 2000. - 712 p.
4. Fedoseenkov A.V. Hayot falsafasi: ijtimoiy marginallikning ekzistensial jihati. - Rostov n / D, 2014. - 138 p.
5. Maydanskiy A.D., Fedoseenkov A.V. Sifat va miqdor toifalari to'g'risida // Mintaqaviy menejment, iqtisodiyot, huquq va muammolar. innovatsion jarayonlar ta'lim bo'yicha: IV Xalqaro ilmiy-amaliy konferentsiya. 3-jild. Gumanitar fanlar zamonaviy ta'lim. - Taganrog, 2005. - 322 b.

# ПСИХОЛОГИЯДА ФАНИДА ЭКОЛОГИК ОНГ ШАКЛЛАНИШИНИ ЎРГАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

*Мирмухсин Рустамович Акрамов*
*Ўзбекистон Халқаро ислом академияси “Дин психологияси ва педагогикаси” кафедраси доценти в.б.*

Бугунги кунда психология фанининг бошқа фанлар билан алоқаси тобора ошиб бормоқда. Бунга асосий сабаб сифатида, инсон ва табиат ўртасидаги муносабаталарнинг ўзаро яқинлашиб бораётганлиги ҳамда “жамият-инсон-технология-табиий муҳит” тизимининг ўзаро интеграцияси кабилар тан олинмоқда. Шунингдек, ҳозирги глобал шароитда инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни ўрганиш, экологик муҳитни асраш, инсонларда экологик онг ва маданиятни шакллантириш,  табиатга инсон омилининг таъсирини камайтириш каби ишлар кўплаб фанлар олдига долзарб вазифалар қуймоқда. Ҳозиргача экологик масалалар бўйича кўплаб социологик, педагогик, фалсафий тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, уларда асосан шахсда экологик маданиятни шакллантириш, жамият ҳаётининг атроф – муҳитга таъсири, экологик хулқ-атврни тарбиялаш каби мавзулар атрофлича ўрганилган. Бироқ, маҳаллий психологик тадқиқотларда экологик онг шаклланишининг психологик жиҳатларига доир илмий тадқиқотлар  айтарлича амалга оширилмаган. Экологик онг шакллланиши ўзига хос психологик ҳодиса саналиб, уни тадқиқ этиш нафақат психология фани учун балки, экология фани учун ҳам ўта қизиқарли ва муҳим маълумотларни тақдим этиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Таъкид жоизки, “экологик психология” тушунчасини англашда бироқ тушунмовчиликлар мавжуд. Чунки, ушбу  тушунча мазмунида фанлараро билимлар мажмуи мавжуд. Бизнингча, экологик психология бу -  бу инсон ҳаётига органик равишда киритилган ва унинг атроф-муҳит билан муносабатларини яъни фазовий, географик, ижтимоий, маданий ҳаракатларини тартибга солишга қаратилган билимлар тизимидир. Баъзи тадқиқотчилар экологик психологияни ижтимоий муаммоларни ўрганадиган махсус фан деб қарашадилар. Чунки, ушбу

фан атроф – муҳит  ва инсон муносабатларини кенг доирада ҳал қилувчи соҳа саналади. Шундай экан, ушбу масалаларни тадқиқ этиш, уларнинг моҳиятини англаш “экологик онг” тушунчасини ўрганишдан бошланиши табиий.

Экологик онг тушунчаси хориж психологияси ва рус психологияси тадқиқотларида анча оммалашган тушунча ҳисобланади. Илк бор “экологик онг” тушунчаси тадқиқотчи Б.Т.Лихачева томонидан қўлланилган. Кейинчалик, олимлардан Н.И. Иконникова, О. Ю. Молчанова, С.Д. Дерябо,  В.А. Ясвин, А.С. Мартиновлар ҳам бу борада ўзига хос изланишлар олиб боришган[23]. Хронологик жиҳатдан қаралганда, экологик онг муаммоси рус психологиясида 90 йилларнинг бошларида катта иштиёқ билан ўрганила бошлаган. Бунда асосий мақсад экологик инқирозни олдини олишга қаратилган бўлиб, авваламбор у инсонларда экологик маданият ва онгни шакллантириш ишлари билан амалга оширилиши кўзда тутилган. Иккинчи жиҳат эса, шахсда экологик онг ривожланишини психологик ва педагогик жиҳатдан чуқур кўриб чиқиш масаласи бўлган.

Бизнингча, “Онг” – бу фаолият ва мулоқотда вужудга келадиган ва намоён бўладиган билим ва муносабатларнинг йиғиндисидир.  Экологик онг эса, ўз мазмунида атроф-муҳит, табиий дунё, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар шунингдек, унга тегишли инсон стратегиялари, табиат билан ишлаш технологиялари кабиларни ҳам қамраб олади.  Экологик онг кенг маънода, инсоннинг табиий дунё билан ўзаро таъсирлашувининг психологик компонентига қаратилган. Бунда, одамларнинг ҳайвонлар ва ўсимликлар билан ўзаро таъсирлашув механизмлари ўз аксини топган.

В.И.Медведевнинг фикрича, экологик онг психологиясининг марказий тушунчаси “табиий дунё” тушунчасидир. Яъни, “табиий муҳит” инсон ҳаётини таъминлайдиган ва объектив ишлайдиган яхлит тизимдир[24]. Бир сўз билан айтганда, табиий муҳит тизимлари табиий объектлардан ташкил топган бўлиб, у асраш авлодан –авлодга етказиш ҳар бир инсоннинг юксак бурчларидан биридир.

---

[23]Каландаров, К.Х. Экологическое сознание Сущность и способы формирования / К.Х. Каландаров М.: Гуманитарный центр. «Монолит», 1999.  – С.23.

[24]Медведев В.И. Экологическое сознание: Учебное пособие / В.И. Медведев, А.А. Алдашева -Г.: Логос, 2001. – С.76.

В.А. Ясвин фикрича, экологик онгни тушунишнинг қуйидаги жиҳатлари ажратилади[25]:

– Табиат – “табиий муҳит” сифатида эмас, балки “табиий дунё” сифатида тушунилиши керак;

– Экологик онг таҳлилида, асосий эътибор инсоннинг табиат билан объектив алоқаларига эмас, балки субъектив алоқаларга қаратилиши лозим;

– Экологик онгни ўрганиш учун, ижтимоий-психология, шахс психологияси, зоопсихология, саломатлик психологияси каби соҳаларнинг маълумотлари ҳам ўта муҳим ҳисобланади;

– Экологик онг – педагогик психология ўрганадиган муаммо. Яъни унда, экологик тарбия, экологик хулқ-атвор, экологик маданият каби тушунчалар мавжуд. Ҳозирги замон психологиясида экологик онгни қуйидаги масалалар негизида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ саналмоқда:

– Социогенез жараёнида –турли даврлардан бошлаб экологик муаммолар ўрганиб келинган. Яъни ташқи дунёнинг пайдо бўлиши, материя, ўсимликлар, ҳайвонлар, табиий ресурслар ва бошқалар. Вақт ўтиши билан жамият, ердаги ҳаёт ижтимоий цивилизация орқали тубдан ўзгарди;

– Экологик хабардорлик, билимдонлик жараёнида – бунда табиий муҳит ҳақидаги инсоннинг билимлари, кўникмалари, малакалари ҳамда экологик компетенциялари таҳлил қилинади. Бундан ташқари, инсоннинг ёшликдан бошлаб ташқи муҳит билан ҳамнафас яшаши, ёшликдан шаклланган экологик хулқ-атвор кабилар ҳам эътиборга олинади;

– Онтогенез жараёнида таҳлили негизида – инсоннинг туғилгандан умрининг охиригача бўлган ижтимоийлашув жараёни, унга хос экологик онг ва маданият шакли ва ҳоказо. Мазкур таснифлардан шу нарса маълум бўладики, инсонда табиат ҳақидаги билимлар болалик давриданоқ шакллана боради. Шунингдек, бунда инсоннинг табиат ҳақидаги тасаввурлари, табиат ва инсон ўртасидаги муносабатлар, табиат образи, дунё тасвирида шахс каби тушунчалар

[25]Ясвин В.А. Исследование структурных характеристик личностного отношения к природе // Психологический журнал. 1995, Т. 16, №3, С. 70 -73.

ҳам ажратилади. Баъзи психолог олимлар экологик онг тушунчасини “экологик хулқ”, “Экологик маданият” каби тушунчалар билан бирга таҳлил қилишга ҳаракат қилишади.

Хулоса қилиб айтганда, экологик марказ – бу дунё ҳақидаги ғоялар тизими бўлиб, у экологик мақсадга мувофиқлик, одам ва табиат ўртасида қарама-қаршиликнинг йўқлиги, табиатни субъектив идрок этиш, прагматик ва прагматик бўлмаган ўзаро таъсир мувозанати билан ажралиб туради. Инсон экологик онгини ўрганишга оид манбалар шуни кўрсатдики, ҳар қандай одамнинг экологик онги ривожланишида экологик таълим ва тарбия, шунингдек, маълум ахлоқий, ва шахсий муносабатларнинг мавжудлиги катта рол ўйнайди.

# OILADA DINIY-MILLIY QADRIYATLAR RIVOJLANISHINING O‘RGANISH BO‘YICHA TADQIQOTNING TASHKILIY MASALALARI

*Alimov Xo‘jageldi Mustafoyevich*
*O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi dotsenti, p.f.n.,*

*Maxamatkarimov Muzaffar Abdukarim o‘g‘li*
*O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi 2-kurs magistranti*

Oila shaxs voyaga yetib, kamol topadigan, o‘zligini anglab jamiyatning faol a’zosiga aylanish uchun zaruriy ko‘nikmalarga ega bo‘ladigan ijtimoiy makondir. Insoniyat taraqqiyotining barcha bosqichlarida oila va uning fundamental asoslari jamiyat rivoji va shaxs kamoloti uchun muhim ahamiyat kasb etib kelgan. Oila birinchi navbatda tarbiya maskani, ilk ijtimoiylashuv jarayonlari kechuvchi muhit sanaladi.

Bugungi kunda yosh avlodni munosib tarbiyalash har qachongidan ham muhim bo‘lib borayotganligini hisobga olib, Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev o‘z nutqlarida “Yoshlarning mustaqil fikrlaydigan, yuksak intellektual va ma’naviy salohiyatga ega bo‘lib, dunyo miqyosida o‘z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo‘sh kelmaydigan insonlar bo‘lib kamol topishi, baxtli bo‘lishi uchun davlatimiz va jamiyatimizning bor

kuch va imkoniyatlarini safarbar etamiz” degan so‘zlari oila muhitida ham barkamol etib tarbiyalash uchun dasturilamal bo‘lib xizmat qilmoqda [1].

Oila – insoniyat taraqiyotining nodir namunasi, muhim va muqaddas ijtimoiy institut muassasasi. Sharq tamaddunida oilalar asrlar osha yosh avlodni tarbiyalashda, komil insonni voyaga yetkazishda muqaddas maskan bo‘lib kelgan va hozirgacha shunday bo‘lib kelmoqda. Shaxs ma’naviyati, dunyoqarashi, tafakkuri, e’tiqodi, imoni, eng avvalo, oilada shakllanadi. Xitoy mutafakkiri Konfutsiy oilani kichik bir davlatga taqqoslagani ham bejiz emas. Qadimgi yunon faylasuflari ham o‘z asarlarida oilaning jamiyat birligi va osoyishtaligini saqlashda, barkamol avlodni tarbiyalashda o‘rnini yuqori baholaganlar.

Har bir xalqning milliy qadriyatlarini uning tarixi, ma’naviyati, madaniyati, o‘ziga xos urf-odatlari, an’analarisiz tasavvur qilish qiyin. Qadriyat deyilganda inson va insoniyat uchun ahamiyatli bo‘lgan millat, elat va ijtimoiy guruhlarning manfaatlari va maqsadlariga xizmat qiladigan va ular tomonidan baholanib, qadrlanadigan tabiat va jamiyat ne’matlari, hodisalari majmuini tushunmog‘imiz lozim [4].

Oila ijtimoiy institut sifatida shaxslararo munosabatlarda avvalo, shaxsning o‘ziga bo‘lgan munosabat ko‘rsatkichlari, so‘ng atrofdagilarga bo‘lgan baholash mezonlari hamda o‘zaro taqqoslash va farqlash ko‘rsatkichlariga ega bo‘lishini ko‘rsatsa, oilada er-xotin munosabatlaridagi ijtimoiy-iqtisodiy, ma’naviy-ma’rifiy jihatlarning aks ettiruvchi omil sanaladi.

Shu o‘rinda umuminsoniy qadriyatlarga ham to‘xtalib o‘tish lozim. Umuminsoniy qadriyatlar – jahon xalqlari uchun ijobiy ahamiyat kasb etuvchi insoniyatning umumiy manfaatlariga mos keluvchi moddiy va madaniy hamda mezonlar majmuasi maqsad va intilishlarini o‘zida ifoda etadi [2].

Oilada bolalarni ma’naviy-axloqiy tarbiyalashda milliy tarbiyadan foydalanish milliy tarbiya tizimida azaldan mavjud bo‘lgan va turli davrlarda u o‘ziga xos ko‘rinish hamda mazmun-mohiyatga ega Milliy tarbiya o‘zining turli-tumanligi jihatdan qadriyatlar yo‘nalishlari bilan bog‘liq bo‘lib, uning bolalar dunyoqarashi hamda ruhiyatiga ta’sir etib, ma’lum bir ko‘nikmalar hosil qilishi murakkab jarayon.

Psixologiyada oila institutiga bog‘liq tadqiqotlar keng ko‘lamli va uzoq vaqt davomida amalga oshiriluvchi tadbirlardan iborat bo‘ladi. Oilada diniy va milliy qadriyatlar rivojlanishi masalalaridagi psixologik izlanishlarning tashkiliy bosqichlari butun tadqiqotning sifat darajasi yuqori bo‘lishini ta’minlashdagi asosiy omillardan hisoblanadi.

Mazkur magistrlik dissertatsiyasida amalga oshirilgan tadqiqot ishining tashkiliy bosqichini quyidagi yo‘nalishlarda amalga oshirilganligini ko‘rish mumkin:

- Tadqiqot ishlari uchun zaruriy materiallar bilan ta’minlashga qaratilgan ishlar;
- Tadqiqot uchun sinaluvchilarni tanlash, sinaluvchilar guruhlarini shakllantirish ishlari;
- Oilaviy munosabatlar va diniy-milliy qadriyatlar tushunchalarini o‘rganishga qaratilgan metodikalardan foydalanish tartiblarini tashuntirish mexanizmlarini qo‘llash.

Tadqiqotni amalga oshirishda asosiy yo‘nalishni belgilab olinishi lozim. Bu yo‘nalishlar o‘zida tadqiqotning butun mazmunini aks ettiradi.

A) Sinaluvchilar to‘plamini tanlash va ma’lum kategoriyalar asosida tasniflash;

B) Sinaluvchilarning diniy qadriyatlarga bo‘lgan munosabatini o‘rganish;

D) Sinaluvchilarning milliy qadriyatlarga bo‘lgan munosabatini o‘rganish;

E) Sinaluvchilarning diniy-milliy qadriyatlar va oilaga bo‘lgan munosabatini kompleks o‘rganish.

Qadriyatlarga munosabatlar avvalo, qiziqishlar ta’sirida mazmunan keng yoki tor, maqsad jihatidan professional, bevosita yoki bilvosita bo‘lishi, vaqt tomondan barqaror, doimiy yoki vaqtinchalik bo‘lishi mumkin. Qiziqishlaring qadriyatlar tizimidagi ahamiyatlilik daradasini bilishning eng muhim tomoni shundaki, ular shaxsning umumiy dunyoqarashi va e’tiqodini shakllantirishga asos bo‘ladi. Chunki e’tiqod shaxsning shunday ongli yo‘nalishi-ki, unga shaxs o‘z qarashlari, prinsiplari va dunyoqarashiga mos tarzda yashashga imkon topadi. Xalq doimo e’tiqodli insonlarni hurmat qiladi. E’tiqodning predmeti turlicha bo‘lishi mumkin - Vatanga e’tiqod, dinga, fanga, kasbga, axloqiy normalarga, oilaga, go‘zallikka va h.k.

Tadqiqot davomida ilgari surilgan farazlar tasdig‘ini topishi yoki topmasligini aniqlash, tegishli xulosalarni chiqarilishi hamda tavsiyalarni shakllantirish jarayonida

emperik tadqiqotlarning o‘tkazilish sifatini oshirish, metodikalarning ishonchlilik darajasi va validligini baholashda quyidagi jihatlarga e’tibor qaratilishi lozim:

 Metodikalar tanlash va o‘tkazishda sifat birliklariga e’tibor qaratish. Tadqiqotdagi avval ishlab chiqilgan va amaliyotda keng qo‘llanilib kelinayotgan metodikalar, shuningdek, tadqiqotchi tomonidan ishlab chiqilgan psixologik va sotsiologik so‘rovnomalarni ma’lum bir guruhga moslik darajasini oldindan tushuna olish lozim. Turli mentalitet va ijtimoiy holatdagi oilalarda o‘tkazilayotgan metodikalar barcha uchun ham tushunarli yoki qiziqarli bo‘lmasligi, o‘z navbatida javoblarni tanlashda samimiylikning past darajaga tushib qolishiga olib kelishi mumkin. Natijada olingan ma’lumotlar sifati past bo‘lishi, tadqiqot maqsadlarini to‘la amalga oshirilmasligiga olib keladi.

 Tadqiqotda ilgari surilgan muammoni ochib berishga yordam beruvchi sinaluvchilar guruhini shakllantirish. Tadqiqot maqsadlarini amalga oshirishda sinaluvchilar guruhini tanlashda bir qator talablarni e’tiborga olish zarur:

1) tadqiqot mazmuniga to‘la mos tushuvchi sinaluvchilarni tanlash;

2) tadqiqotda ko‘ngilli ravishda, ihtiyoriy tarzda ishtirok etishga rozi bo‘lgan sinaluvchilarni tanlash.

 Sinaluvchilar metodik materiallarni to‘g‘ri tushunishi va xaqqoniy javob berishlari uchun zaruriy yo‘riqnoma va tushuntirish ishlarini olib borish. Tadqiqot davomida sinaluvchilar uchun tarqatma materiallarni to‘g‘ri shakllantirish. Yo‘riqnoma va tushuntirishlarni to‘g‘ri rasmiylashtirishga e’tibor berish muhim sanaladi. Bunda sinaluvchi tushunadigan va so‘zlasha oladigan til, alifbo yozuvida ishlash muhim sanaladi. Tashkiliy ishlardagi kamchilik, imloviy xatolar va boshqa tushunmovchiliklar tadqiqot siqatiga katta ta’sir ko‘rsatishini unutmaslik lozim.

 Tadqiqot natijalarini qayta ishlashda ishonchli matematik-statistik metodlardan foydalanish. Natijalarni qayta ishlashda sinaluvchilardan olingan barcha ma’lumotlarni qayta ishlash metodlaridan samarali foydalanish lozim. Bunda tadqiqot uchun maxsus SSPS dasturi xizmatlariga murojaat qilish mumkin.

## Adabiyotlar:

1. Shavkat Mirziyoyevning O'zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag'ishlangan Oliy Majlis palatalarining qo'shma majlisidagi nutqi. 2016 yil, dekabr.

2. Temirova N.E. Qadriyatlar va yoshlar kamoloti. –T: Falsafa va huquq instituti. 2008. B.26.

3. Убайдуллаева Р.А. Семя в Узбекистане. – Т., 2012.

4. Qadriyatlar va ijtimoiy taraqqiyot (ilmiy ishlar to'plami). –T; "O'zbekiston", 1997. B.198. .


# ЁШЛАРДА САЛБИЙ ЎЗГАРИШЛАРГА ҚАРШИ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ


*Mahmudova Gulchiroy Muhiddin qizi*
*Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy Universiteti*
*Tarix (mamlakatlar va yo'nalishlar)*


Юртимиз истиқлолга эришганидан кейин мамлакатимизда ёш авлодни ҳам маънан ҳам жисмонан баркамол шахс қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳаётга мустақил қадам қўйишлари учун барча зарур шароитларни яратишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол тарбиялаш борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш мақсадида ўтган йилларда «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди. Тараққиёт томон дадил одимлаётган мамлакатимизда янгича ёндашувлар ҳаётга фаол жорий этилмоқда. Ёшлар хориждаги тенгдошлари билан илм-фан, маданият, тадбиркорлик, спорт ва бошқа соҳаларда фаол мулоқотда бўлиши, уларнинг ўз салоҳиятини дунё миқёсида намоён этиши учун катта шарт-шароитлар яратилмоқда. Жумладан, 2021 йилнинг "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини

мустаҳкамлаш йили” деб номланиши ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва ёшлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш борасида олдимизда турган муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Республикамиз аҳолисининг 30 фоизи 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Уларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун замонавий шароит ва имкониятлар яратилган. Шу билан бирга, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш долзарб масала ҳисобланади. Ёшлар қанчалик маънавий етук бўлса, турли ёт иллатларга қарши иммунитети ҳам шунча кучли бўлади.[1]

Алоҳида таъкидлаш жоиз, «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да ҳам бу масала алоҳида ўз аксини топди. Жумладан, ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қуйидаги устувор вазифалар белгиланди:

биринчидан, жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

иккинчидан, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш;

учинчидан, ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш.Ёшларда четдан кириб келаётган турли ёт гоялар оммавий маданият диний екстраместик ғоялардан химоя килиш иммунитетини хосил килиш.Мамлакатимизда эртанги кунимиз эгаларининг хар жихатдан соғлом камол топиши,замонавий билимларни егаллаши уз иктидор ва кобилятини руёбга чикариши давлат сиёсатининг устувор ёналишларидан биридир.Сунгги йилларда ёшларни маьнавиятни юксалтиришда Ёшлар гиёхвандлик жиноятчилик ва террозимга карши мавзусида тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб келинмокдаки бугунги кунда тадбирларни самараси

натижасида Ўзбекистонда гиёхвандлик ва у билан боглик муоммоларнинг камайганини курамиз.[1]

Инсонда бирор нарсага нисбатан эхтиёж юзага келадиган ва ўз навбатида унинг урни тулдирилмайдиган булса қандайдир оғишиш холатлари юзага келиб колади.Масалан организмимизнинг сувга булган эхтиёжи мавжуд.Сувга булган ехтиёж уз вактида кондирилмаса дегидрататсия яьни организмда сув балансининг бузулиши юзага келади. Билимга булган эхтиёж кондирилмаса инсонда маьнавий камолот тафаккур ривожланиши нормага караганда пастроқ булиши мумкин.Худди шундай мафкуравий эхтиёж ўзига мос таклиф билан кондирилишга зарурат сезувчи тушунчадир.Агар у қондирилмаса инсон миясида буш жой пайдо булади.Ёшлар онгида рухиятида мавжуд булган мафкуравий бушлик аслида эхтиёж натижасида ривожланган ва турли ёт ғояларнинг сингдирилиши учун кулай жой хисобланади.Бугунги кун ёшларида кузатилаётган ушбу холатни бартараф етиш учун мафкуравий иммунитетни таркиб топтиришга харакат қилишимиз зарур.Иммунитет тиббиёт атамаси булиб организмнинг турли касалликлардан ўзини ҳимоя қила олиши қобилятини англатади.Мафкуравий иммунитет онг ва тафаккурнинг шахсни турли бузғинчи ғоялардан химоя кила олиш қобилятидир.Киши жисмонан канча бакувват бўлса унинг организми турли касалликларни авж олмасдан туриб тез бартараф ета олади.Шунингдек инсон онги қанча соғлом булса у турли бузғинчи ғояалар таьсирига берилмайди. Организм микробларни енгса онг ёвуз фикрлар ташфикотларни бартараф етади. Мафкуравий иммунитетнинг асосий қуроли обьектив билимлар ва манавий қадриятлардир. Қадриятлар инсон маьнавий қиёфасини белгилаб берувчи мухим омил. Ёшлардаги мафкуравий эҳтиёж қондирилмаслиги натижасида юзага келаётган қатор муоммоли холатларни бартараф этиш учун  биз бевосита инсоний қадриятларни шакллантириш ва мафкуравий иммунитетни таркиб топтириш жараёнига эьтибор беришимиз керак.

Хулоса қилиб айтганда миллий истиқлол ғояси юрт шаьни учун пойдевор вазифасини ўтувчи мафкуравий иммунитетга нисбатан бугунги кун ёшларининг эҳтиёжлари баланд.Кимдир буни англаб эҳтиёжларни муносиб бартараф қилишга

эришмокда. Бефарқлик қилиб муаммони авж олдириб юбориш холатларига хам афсуски куплаб гувоҳ бўлмоқдамиз.Нима бўлган тақдирда хам шуни унутмаслигимиз керакки бугун эьтиборсиз колдирилиши хар кайси масалани эртага газак олиб даьвосиз холатга айланиши мумкин.Шундан келиб чиққан холда турли салбий оқибатларни олдини олиш ва бартарф этишда мафкуравий иммунитетни мустахкамлаш учун харакат килишимиз керак. [3]

Ўзбекистонда ёшларнинг ижтимоий-иктисодий сиёсий ва маьнавий ривожланишида ёшлар ташкилотлари мухим ахамиятга эга.2017-йил 30 июнь куни Ўзбекистонда Камолот ЁИХнинг IV қурултойи булиб ўтди.Қурултойда илк бор Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг иштирок етиши ва давлатимиз рахбари томонидан Камолот ЁИХнинг жиддий камчиликларини кўрсатиб берилиши мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш мухим вазифа сифатида уни долзарб юналишга кўтарди. Мазкур қурултойда ушбу ташкилот ўрнида республика ёшларининг барча тоифа ва гурухларини камраб олувчи янгича мазмун кашф этувчи мутлақо янги ташкилот Ўзбекистон Ёшлар иттифоки ташкил этилди.Мазкур санани республикамизда Ёшлар куни сифатида нишонлаш белгиланди.2017-йил 5-июль куни яни тузилгин ташкилотни куллаб-кувватлаш ва хукукий жихатдан мустахкамлаш максадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоки фаолиятини қуллаб-қувватлаш туғрисида “ги Фармони қабул қилинди.[2] Фармонга кура Ёшлар иттифокининг вилоят туман шахарлардаги ташкилот раҳбарларининг ваколатлари кенгайтирилди.Улар жойларда вилоят хокимларининг ёшлар масалалари буйича маслахатчилари этиб тайинланиши ёшларга туғридан туғри давлат раҳбарига муоммолар юзасидан мурожаат қилиш ваколатини такдим этди. Бугунги кунда ташкилот фаол самарали фаолият олиб бормокда. Ҳозирда Ўзбекистон Ёшлар иттифоки ва Камалак болалар ташкилотлари турли тоифадаги жами 10 миллион нафардан ортик ёшларни ягона максад юлида бирлаштира олди.Ўзбекистонда ёшлар ташкилотлари фаолиятининг йилдан йилга такомиллашиб бориши республика келажаги булган ёшлар билан боглик турли муоммоларни ўрганиб

бартараф этилишида мухим ахамият  касб этмокда. Хусусан 2020-йил 30-июнь Ёшлар кунида Олий Мажли Сенати хузурида Ёшлар парламентини фаолият бошлаши кутилмокда.Бу эса ўз навбатида республика ёшларини миллий қонунчилигимиз билан яқиндан танишиб бориш хуқуқий саводхонлигини домий ошириб боришга имконият яратади.Биз ёшлар албатта бундай имкониятлардан туғри мақсадларда фойдаланишимиз керак.

**Адабиётлар**

1. Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёшлари. «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2020

2. Жабборов Ҳазрат Ҳусенович. Ўсмирларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик омиллари. Психология фанлари бўйича фалсафа доктори PhF диссертацияи автореферати. Тошкент-2019.

3. Жабборов Ҳазрат Ҳусенович. Мафкуравиий иммунитет шаклланишининг психологик механизмлари. Замонавий таълим. 2016.

## TALABALARDA HISSIY ZO‘RIQIShLAR MUAMMOSI

*Maxamatkarimov Muzaffar Abdukarim o‘g‘li*
*O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi 2-kurs magistranti,*

*Usmonjonov Asilbek Ulug‘bek o‘g‘li*
*O‘zMU Psixologiya mutaxassisligi 2-kurs magistranti*

Mamlakatimizda yoshlarning huquq va manfaatlarini himoya qilish, ularga zarur shart-sharoitlar yaratib berish va malakali kadr bo‘lib yetishishlari uchun berilayotgan keng imkoniyatlardan to‘g‘ri foydalanishga yo‘naltirish borasida muayyan ishlar amalga oshirilmoqda.

Prezident Shavkat Mirziyoyev o‘z so‘zlarida «Atoqli ma’rifatparvar bobomiz Abdulla Avloniyning: «Tarbiya biz uchun yo hayot – yo mamot, yo najot – yo halokat,

yo saodat – yo falokat masalasidir», - degan hikmatli so‘zlarini men qayta-qayta takrorlashdan charchamayman. Keyingi yillarda masalaga mana shunday yondashuv bizning ushbu sohadagi faoliyatimiz mezoniga aylandi. Chindan ham, agar biz ta’limni o‘zgartirsak, ta’lim insonni o‘zgartiradi. Inson o‘zgarsa – butun jamiyat o‘zgaradi. Shu bois, biz uzluksiz ta’limni takomillashtirish, farzandlarimizni har tomonlama barkamol insonlar etib tarbiyalash, yuqori malakali pedagog kadrlar tayyorlashni tubdan yaxshilashga alohida ahamiyat qaratmoqdamiz” – deb alohida ta’kidlaydi[1].

Talabalardagi hissiy zo‘riqish muammosi o‘quv faoliyatiga bevosita ta’sir ko‘rsatadigan, asoratlari tez ko‘zga tashlanadigan hamda dolzarbligi jihatdar alohida o‘rganilishni talaba etadigan muammolardan biri hisoblanadi. Mazkur ijtimoiy muammoni hal etish yo‘llaridan biri o‘quv faoliyati jarayonida talabalarda paydo bo‘ladigan ruhiy holatlar va ularning omillarini yetarlicha o‘rganishdir. Ko‘plab tadqiqotlar shuni ko‘rsatdiki, har qanday kuchli stimullar (stressorlar) tananing psixofiziologik stressini keltirib chiqaradi.

Xorij olimlari xususan, G.Sele [4] o‘zining stress va zo‘riqish holatlarining psixofiziologik tahlillari bilan tibbiy psixologiya rivojiga, stressli vaziyatlar va psixologik tahlil metodlarini yaratishga kata hissa qo‘shdi. Uning hissiy zo‘riqish strukturasi, uning kechish jarayoni va bosqichlari to‘g‘risidagi qarashlari hozirgi stress, agressiya va konfliktologiya mavzulari rivojiga katta hissa qo‘shdi.

Talabalardagi hissiy zo‘riqish omillarini o‘rganishning bir nechta ustuvor vazifalari mavjud:

- talabalardagi o‘quv faoliyatida hissiy zo‘riqish omillarini bartaraf etishga qaratilgan psixoprofilaktik amaliyotlarni qo‘llash imkoniyatlarini o‘rganish;
- talabalarning o‘quv faoliyatidan avvalgi, o‘quv faoliyati davomida va o‘quv faoliyatidan keyingi hissiy zo‘riqish omillarini tahlil etish;
- muammoga tegishli psixologik metodlarni to‘g‘ri qo‘llash va natijalarni matematik-statistik tahlilini amalga oshirish borasida amaliy ishlarni olib borish;
- talabalarning ma’lum yo‘nalishlar va sohalardagi o‘quv faoliyatlarini o‘zaro farqli va o‘xshash jihatlarini tahlil etish;

- talabalardagi hissiy zo‘riqish omillariga qarshi diagnostik va korreksion ishlarni amalga oshirish imkoniyatlarini o‘rganish va x.k.

Doimo hissiyot vujudga keltiradigan shaxsiy muhim munosabatlar doirasining kengayishi oliy hislarning rivojlanishida namoyon bo‘ladi. Axloqiy norma va tamoyillarning ma’lum tizimini o‘zlashtirish jamiyat va boshqa odamlar oldida ma’suliyat hissi, hamdardlik qobiliyati, do‘stlik va muhabbat ehtiyoji, o‘rtoqlik hissi va axloqiy-siyosiy hislar kabi yuksak axloqiy hislarga aylanadi.

Darhaqiqat, psixologik tayyorgarlikning mohiyati psixotravmatik omillar muhitida ayrim harbiy xizmatchilar va harbiy qismlarda jangovar xizmat faoliyatda sodir bo‘layotgan voqealar bo‘yicha harakat qilish, tahlikali tendensiyalarni aniqlash, ularga o‘z vaqtida va to‘g‘ri javob berish imkoniyatini beradigan psixologik xususiyatlarni samaradorligini oshirish va faollikni saqlash hisoblanadi[3].

Ilk o‘spirin tomonidan qabul qilingan xulq-atvor normalarining buzilishi unda aybdorlik hissini vujudga keltiradi. Shu bilan birga unda estetik hislar doirasi ham kengayadi. Ilk o‘spirinlarda intellektning rivojlanishi bilan birga hazil-mutoyiba hissining ham rivojlanishini ta’kidlash joiz. Intellektual va praksis hislar ham sezilarli rivojlanadi. Sodda bolalarcha qiziquvchanlik tafakkur jarayonidan ongli zavqlanish, qiyinchiliklarni yengishdan quvonish, ijodga ongli intilish va boshqalarga aylanadi [2].

Talabalardagi hissiy zo‘riqishni aniqlash metodikalari bevosita emotsional sohaga qaratilgan bo‘ladi hamda o‘zida shaxsdagi barqarorlik, bardoshlilik, tolerantlik va iroda kuchini tashxis qilishda ham qo‘l keladi. Biz hissiy zo‘riqishni diagnostikasiga qaratilgan metodikalarni bir nechta tasniflarga ko‘ra ajratib ko‘rsatishga xarakat qildik:

- hissiy zo‘riqish omiliga ko‘ra tahlil etuvchi metodikalar;
- hissiy zo‘riqishning shaxs faoliyatiga bog‘liqligiga ko‘ra tahlil etuvchi omillar;
- zo‘riqish kuchi va davomiyligiga ko‘ra sifatlarni o‘rganish metodikalari;
- o‘quv faoliyatini tashkil etish sifatiga bog‘lab o‘rganish metodikalari;
- xavotirlilik darajasi va ximoya mexanizmlarining kuchiga ko‘ra o‘rganish metodikalari.

**Atrof bilan munosabatlardagi motivlar.** O‘qish faoliyatining boshlanishi bilan yangi muhitdan kutilmalar va reallik o‘rtasidagi farqlarning idrok etilishi, yangi muhit

va qarashlar bilan to‘qnashuvlarni salbiy ta’siri talabalarda ilk hissiy zo‘riqishni keltirib chiqish ehtimoli katta. Bunday zo‘riqishlar talabalardagi moslashuv jarayonlari sifatiga, yangi muhit bilan tanishish sifati va avvaldan xabardorlik darajalariga bog‘liq bo‘lib, ko‘p hollarda shaxsning atrof bilan munosabatlaridagi munosabatini yangi o‘quv motivlari bilan boyitilishida namoyon bo‘ladi.

**O‘quv-malaka faoliyatini tashkiliy-boshqaruv xususiyatlari.** O‘quv faoliyati ko‘pincha tashkiliy-buyukratik xususiyatlarga ega bo‘ladi. O‘quv muassasalari, o‘quv kurslari va yo‘nalishlarining o‘ziga xos talablari, o‘rnatilgan normalar bilan ilk tanishuv asosida talablarda keyingi o‘quv faoliyatini rejalashtirish, davom ettirish va yakunlash bo‘yicha qarorlariga ta’sir ko‘rsatuvchi qarashlar shakllanadi. O‘quv faoliyatidagi normalarni bajarish va tartib-qoidalarga bo‘ysunish talabalariga bo‘lan munosabat orqali, avvalo talabada shaxsiy qarashlar va fikrlar bilan real voqeilikdagi o‘zgarishlar farqlanishi namoyon bo‘ladi. Hissiy zo‘riqish bu tartiblarning qay darajada qo‘yilishi va davomiyligi orqali darajalarda tasniflanishi mumkin. Ta’lim muassasalaridagi tashkiliy-boshqaruv ishlarining namunali tashkil etish, talabalarga qulaylik yaratilishi, o‘quv fanlari rejalarini talab darajasida amalga oshirilishi bu kabi zo‘riqishlarni oldini oladi.

**Yangi muhit va tanishlar bilan munosabatlarni o‘rnatishdagi qiyinchiliklar.** Talabalarning aksariyat qismi guruhiy jamlanish orqali ma’lum bir guruhlarga birlashadilar. Bu guruhning o‘quv faoliyat maqsadi birlashtirib turadi. Bu gurux o‘zida o‘quv faoliyati xususiyatlaridan kelib chiqqan holda, ma’lum jihatlarda bir-biriga yaqin talabalarni jamlaydi va o‘quv faoliyatidagi kichik muhitni yuzaga keltiradi. Ko‘pincha bu muhit “kursdoshlar”, “do‘stlar davrasi” deb nomlanib, o‘quv faoliyatidagi maqsadlarni birlashtirgan, uyushgan a’zolar guruhini namoyon etadi. Lekin hamma vaqt ham bu guruhga jipslashish oson va samarali bo‘lavermasligi mumkin. Bu kabi qiyinchiliklar  talabalarda hissiy zo‘riqishlarni keltirib chiqarishi mumkin. Ko‘pincha, yaqin do‘stga muxtoj bo‘lish, kursdoshlar jamoasidagi moslashuvning kuchsizligi, o‘quv faoliyatidagi noadekvat raqobat muhiti bu zo‘riqishlarni kuchaytirishi va asoratlarini chuqurlashtirishi mumkin.

**O‘quv-malaka faoliyatidagi qiyinchiliklar.** O‘quv jarayonlari, darsliklarni murakkablik darajasi va o‘zlashtirish ko‘rsatkichlarini pastligi omilida o‘quv

faoliyatidagi zoʻriqishlar ortib borishi mumkin. Darsliklar, oʻquv materiallarini va vositalarini yetishmasligi, sifat talablariga javob bermasligi ortidan talabalardagi izlanish va bilim olish motivlarini susayishi va ta’lim jarayonlariga befarqlik yuzaga kelish ehtimoli bor. Oʻquv sifati, pedagog bilan munosabatlar, dars auditoriyasi va boshqa omillar tufayli darsdagi oʻzlashtirish va mashgʻulotlarda ishtirok etish imkoniyatlari kamayib, talabalarda hissiy zoʻriqishni kuchaytiradi.

**Adabiyotlar:**


1. Mirziyoev Sh.M. Mustaqillikning 30 yilligi bayrami tantanalaridagi nutqi. https://uzreport.news/politics/shavkat-mirziyoyev-vatanimiz-mustaqilligi-biz-uchun-kuch-qudrat-va-ilhom-manbai-taraqqiyot 31 avgust 2021 yil.
2. Dusmuxamedova Sh.A., Alimbaeva Sh.T. Shaxs hissiy emotsional holatlari psixodiagnostikasi va psixokorreksiyasi. “Mahalla va oila nashriyoti” – T. 2022. - B. 17.
3. Joʻrayeva S.N., Jumaev S.Q. Harbiy xizmatchilarining psixologik tayyorgarligini takomillashtirish mezonlari. Academic Research in Educational Sciences. ares.uz
4. Селье Г. Профилактика некрозов сердца химическими средствами. - М: Медгиз, 1961.- 207 с.


## BOLA SHAXSIDA OʻZ-OʻZIGA ISHONCH HISSINI RIVOJLANTIRISHNING PSIXOLOGIK TAMOYILLARI


*Feruzaxon Sodikova Olimovna*
*Farg`ona viloyati Furqat tumani 7-maktab psixologi*


Har qanday faoliyat real shart-sharoitlarda, turli usullarda va turlicha koʻrinishlarda namoyon boʻladi. Qilinayotgan har bir harakat ma’lum narsaga - predmetga qaratilgani uchun ham, faoliyat predmetli harakatlar majmui sifatida tasavvur qilinadi. Predmetli harakatlar tashqi olamdagi predmetlar xususiyatlari va sifatini oʻzgartirishga qaratilgan boʻladi. Masalan, maruzani konspekt qilayotgan talabaning

predmetli harakati yozuvga qaratilgan bo‘lib, u avvalo o‘sha daftardagi yozuvlar soni va sifatida o‘zgarishlar qilish orqali, bilimlar zahirasini boyitayotgan bo‘ladi. Faoliyatning va uni tashkil etuvchi predmetli harakatlarning aynan nimalarga yo’naltirilganiga qarab, avvalo tashqi va ichki faoliyat farqlanadi. Tashqi faoliyat shaxsni o‘rab turgan tashqi muhit va undagi narsa va hodisalarni o‘zgartirishga qaratilgan faoliyat bo‘lsa, ichki faoliyat - birinchi navbatda aqliy faoliyat bo‘lib, u sof psixologik jarayonlarning kechishidan kelib chiqadi. Kelib chiqishi nuqtai nazaridan ichki - aqliy, psixik faoliyat tashqi predmetli faoliyatdan kelib chiqadi.

Faoliyatni yakunida samaraliy natijaga erishish ko’p jihatdan o’ziga bo’lgan ishonch bilan ham belgilanadi. Ota-onalar farzandini tarbiyalayotganda bu narsalarga ham e’tibor qaratishi lozim. Quyida bolada o’ziga ishonchni rivojlantirishning bir qancha psixologik usullarini aytib o’tamiz.

Psixologlarning tushuntirishicha, bu xarakter xususiyati bolalarni qabul qilishga yordam beradi qiyin vazifalar, yangi narsalarni sinab ko'ring. Agar bola ishonchsiz bo'lsa o'z kuchlari, u mag'lubiyatga uchragan, yaqinlarini xafa qilish va boshqalarning noroziligiga sabab bo'lishdan qo'rqadi. Kelajakda bunday odam o'z karerasida muvaffaqiyatga erisha olmaydi, chunki mas'uliyatni o'z zimmasiga olgan va turli vazifalarga nostandart, xavfli echimlarni taklif qiladigan xodimlar ayniqsa qadrlanadi. Bizning tavsiyalarimizga amal qiling - va o'ziga ishongan bolani tarbiyalang, unga muvaffaqiyatli kelajakni taqdim eting.

Maqsadga erishish kattalar uchun muhimdir va bola faqat o'rganadi - birinchi navbatda, qoshiqni o'z-o'zidan ushlab turing va keyin o'qing, yozing, to'p o'yinlarini o'ynang. Shuning uchun bolalar uchun talablar boshqacha bo'lishi kerak. O'sish bosqichida o'quv jarayonining o'zi muhim ahamiyatga ega, shuning uchun ota-onalar bolaning harakatlarini rag'batlantirishlari kerak, u muvaffaqiyatga erishadimi yoki yo'qmi. Agar o'g'lingiz futbol o'ynab, gol o'tkazib yuborgan bo'lsa, baribir baland ovozda olqishlang va xursandligingizni bildiring. Agar biror narsa unga mos kelmasa, bola o'zini noqulay his qilishi mumkin emas. Bolaga hech kim uni masxara qilmasligini, qoralamasligini, xatolari uchun uni qoralamasligini tushunsin. Bunday holda, u yangi narsalarni sinab ko'rishdan va ko'proq o'rganishdan qo'rqmaydi.

Bolaning televizorda basketbolni qiziqish bilan tomosha qilayotganini payqadingizmi, u rasm chizishni yoki qo'shiq aytishni yoqtiradimi? Uni buni tez-tez bajarishga undashga harakat qiling. Asosiysi, befarqlik va majburlashsiz harakat qilish. Agar bolangizda musiqiy qobiliyatni ko'rsangiz, qo'llari og'rimaguncha uni pianino chalishga majburlamang. Shunday qilib, siz nafaqat ma'lum bir asbobga, balki umuman musiqaga qiziqishni butunlay to'xtatishingiz mumkin. Barcha darslar dozalangan bo'lishi kerak va o'qituvchi sizga darslar rejimini aytib berishi kerak.

Hayot hamma uchun qiyinchiliklarga duch keladi. Inson bolaligida ham ular bilan qanday kurashishni o'rganishi kerak, chunki ular o'sib ulg'aygan sayin barcha muammolar yanada jiddiyroq bo'ladi. Shuning uchun, bolangizga qiyin vaziyatlardan mustaqil ravishda chiqish yo'lini topish, muloqot qilish qobiliyatini rivojlantirish imkoniyatini bering turli odamlar. Farzandingizning hayotiga doimo aralashmaslikka harakat qiling, uni iloji boricha osonlashtirishga harakat qiling. Unga maslahat bering, tinglang va rag'batlantiring, lekin vaziyatni tushunmasdan darhol uning jinoyatchilarini jazolash uchun yugurmang. Agar siz doimo bolaning hayotiga aralashib, uni barcha qiyinchiliklardan himoya qilishga harakat qilsangiz, u qaram va ishonchsiz bo'lib o'sadi. Shunda farzandingiz 40 yoshga kirsa ham har lahzada onasi kelib muammosini hal qilishini kutadi.

Farzandingizga doimo oldinga intilishni o'rgating. Unga kichik maqsadga erishish faqat boshlanishi ekanligini bilsin, endi u yanada mazmunliroq ish qilishi mumkin. Misol uchun, agar farzandingiz ikki g'ildirakli velosiped haydashni o'rgana boshlagan bo'lsa, qo'shimcha g'ildiraklarni olib tashlashni so'rang. Uni baribir ketishga tayyor ekanligiga ishontiring, kerak bo'lsa sug'urta qilasiz.

Xatolar o'rganishning ajralmas qismidir. Biz hammamiz xatolarimizdan o'rganamiz va bolalar bundan mustasno emas. Shuning uchun, boladan mukammal bo'lishini talab qilmang, hamma narsani birinchi marta tushunib oling. Agar bola baxtsiz xatoga yo'l qo'ygan bo'lsa, hech narsa. Ammo u xatosini tushunadi, undan saboq oladi va ichida Keyingi safar topshiriqda yaxshiroq.

Bolalarning qiziqishini rag'batlantirish. Bolalar nima uchun kichkina. Albatta, ularning cheksiz savollari kattalarni charchatadi va hatto asabiylashtira boshlaydi. Faqat

ota-onalar buni tushunishlari muhim, biror narsa haqida so'rash va yangi narsalarni o'rganish, bola rivojlanadi, so'z boyligini to'ldiradi, ufqlarini kengaytiradi."Nima uchun" ga javob olgan chaqaloq dunyoda ko'proq o'rganishi kerak bo'lgan juda ko'p qiziqarli narsalar borligini tushunadi. Bolaning qiziqishi kuchayadi, uni o'rganishga va o'z ustida o'sishga undaydi.

Yangi imkoniyatlarni kashf eting. Farzandingizni tez-tez sayrga va turli sayohatlarga olib borishga harakat qiling, unga yangi narsalarni aytib bering, qiziqarli va ma'lumotli kitoblarni o'qing. Bularning barchasi ufqlarning kengayishiga va o'ziga ishonchning shakllanishiga yordam beradi.

Yangi narsalarni sinash istagini rag'batlantiring Yangi narsani boshlash har doim hayajonli. Shuning uchun, agar u ro'yxatdan o'tishni xohlasa, uni qo'llab-quvvatlang sport bo'limi Yoki konkida uchishni o'rganing. Uni foydali ish qilishni xohlagani uchun maqtang. Farzandingizga u qanchalik jasorat bilan boshlaganidan faxrlanayotganingizni ayting yangi bosqich o'z hayoti. Ishonchli bolani tarbiyalash qoidalarini qanchalik yaxshi o'rgansangiz, uning kelajakdagi muvaffaqiyati aniqlanadi. Bu ham professional, ham shaxsiy hayotga tegishli. O'zini past baholashning kelib chiqishini har doim erta bolalikdan izlash kerak. Agar ota-onalar bolalar komplekslarini engishga muvaffaq bo'lsalar, chaqaloqda mustaqillikni rivojlantirsalar va imkon qadar tezroq uni o'ziga ishonch bilan ilhomlantirsalar, kelajakda ko'plab muammolardan qochish mumkin. Albatta, o'g'il yoki qizni ishonchli shaxs qilib tarbiyalash bo'yicha qat'iy qoidalar yo'q. Har bir ota-ona o'z farzandi uchun ta'limning "taktikasi va strategiyasini" intuitiv ravishda tanlaydi. Kimdir porloq jurnallardan maslahatlardan foydalanadi, kimdir ona va buvisining so'zlarini tinglaydi. Va shunga qaramay, ko'plab psixologlar va o'qituvchilarning sa'y-harakatlari bilan, eng boshidan boshlab, bolaning ishonchi va o'zini o'zi qadrlashini oshirish bo'yicha asosiy tavsiyalar to'plangan. erta yosh.

Bolaga imkon qadar erta ishonch hosil qilish uchun u sizning ishonchingizga shubha qilmasligi kerak shartsiz sevgi. Bu bo'g'uvchi sevgi, sevgi - yaxshilik yoki bola yaxshi o'qish, uy atrofida yordam bilan to'lashi kerak bo'lgan sevgi bo'lmasligi kerak. Bolani kimligi uchun, nima bo'lganligi uchun seving. U bilishi kerakki, u vaqt o'tishi bilan undan umidlaringizni qondirish uchun emas, balki o'zini hurmat qiladigan inson

bo'lish uchun tug'ilgan. O'ziga ishongan bolani tarbiyalash uchun unga sevgingiz haqida tez-tez aytib berishni unutmang. Va hech qachon hech kimga chaqaloq haqida yomon gapirmang! Unga ishoning va bola muvaffaqiyatga erishadi.

Bola himoya ostida ekanligiga ishonch hosil qilishi kerak, lekin qalpoq ostida emas. U sizning u erda ekanligingizni bilishi va u bilan bir bo'lmasligi kerak. Farzandingizda o'ziga bo'lgan ishonchni mustahkamlash uchun unga doimo ochiq va ochiq bo'ling. Bola bilishi kerakki, u har doim sizga yordam so'rab murojaat qilishi mumkin, siz undan bosh tortmaysiz, yuz o'girmaysiz va uni o'zi uchun qiyin vazifalarni hal qilishga majburlamaysiz. Va uyda atmosferani yaratishga harakat qiling issiqlik- bu hozircha chaqaloq uchun har qanday dunyo bo'ronlaridan yagona boshpana. Bolada o'ziga ishonchni uyg'otish uchun, psixologlar maslahat berganidek, chaqaloq xato qilish huquqiga ega bo'lishi kerak va buning uchun haqorat, noloyiq jazo olmasdan uni tuzatish imkoniyati bo'lishi kerak. Unga xatoni tan olishga va uni tuzatishga yordam bering. Bola xato qilishdan qo'rqmasin, chunki bu o'rganish jarayoni va xatoni tuzatish ham, oldini olish ham mumkin. Ko'rib turganingizdek, onam ham, dadam ham, umuman olganda, har qanday odam ba'zida xato qiladi, "ideal" odamlar yo'q.

Yuqoridagi tavsiyalar asosida bola shaxsidagi muhim hislat, o’ziga ishonch holatini rivojlantirishga erishish mumkin.

## КОПИНГ-СТРАТЕГИЯ ШАКЛЛАНИШИДА ЁШ ДАВРИ ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

*Мухиддинова Умида*
*ЎзХИА таянч докторанти*

***Аннотация:*** Ҳозирги даврда жамиятнинг эътибори низоли, стрессли, хавотирланиш ҳолатини юзага келтирувчи вазиятлардаги хулқ-атвор стратегияларини ўрганишга тобора кўпроқ қаратилмоқда. Аввало, бу шахснинг ижтимоий шароитга узвий алоқадорлиги билан боғлиқ бўлиб, деярли ҳар бир киши инқирозли вазиятларга дуч келади ва уни енгишда маълум бир стратегия

ишлаб чиқади. Мазкур стратегияларнинг шаклланишида ёш омилининг таъсири ҳам мавжуд. Мақолада шахс копинг-стратегияларининг ёшга боғлиқлиги ва бу борадаги баъзи бир ёндашувлар таҳлил этилган.

***Калит сўзлар:*** копинг, копинг-стратегия, ўсмирлик даври, адаптация.

Шиддат билан кечаётган даврдаги кундалик стресслар инсон психикасига ўз таъсирини ўтказмай қолмаяпти. Шахсий ва ижтимоий характерга эга бўлган муносабатлар ўрнатиш, кутилмаган муаммоларга ечим топиш каби ҳолатлар, умуман олганда, жамият ҳаётидаги ўзгаришларга мослашиш, самарали ва муваффақиятли фаолиятни амалга ошириш шахсдан вазиятга мос, тезкор алгоритмларни топишни талаб этади. Бу эса ҳаётида ҳам физиологик, ҳам психологик ўзгаришлар кучайган ўсмирлар психикасида зўриқиш келиб чиқишига сабаб бўлади.

Янги ва ностандарт вазиятларга мослашишда ўсмир ташаббускорлиги, ижодий имкониятлари, яширин потенциали ҳамда мавжуд ҳаётий тажрибасининг роли каттадир. Ўсмир ҳаётидаги мураккаб вазиятларга нисбатан адаптацион реакциянинг муҳим шакли копинг-хулқ ҳисобланади.

1966 йилда Р.Лазарус ўзининг “Психологик стресс ва уни енгиш жараёни” («Психологический стресс и процесс совладания с ним») китобида копинг тушунчасини стресс ва хавотирни юзага келтирувчи ҳолатларни енгишнинг англанган стратегиялари сифатида таърифлаган. Мазкур китоб чиқиши билан копинг тушунчасига стресснинг марказий бўғини, яъни стрессли вазиятда шахсга психосоциал мослашувни қўллаб-кувватлашга ёрдам берадиган барқарорлаштирувчи омил сифатида қарала бошланди.[2]

Ф.Е.Василюк, Л.А.Китаев-Смык, И.В.Камынина, А.В.Либин каби тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, копинг – доимий ўзгарувчан жараёндир. Чунки шахс ва муҳит узлуксиз, динамик алоқага эга бўлиб, бир-бирига таъсир кўрсатиб келади.[1]

Шундай қилиб, бир қатор муаллифларнинг ёндашувларини кўриб чиққан ҳолда қуйидагича хулоса бериш мумкин: копинг-хулқ – мураккаб вазиятда индивид хатти-ҳаракатларининг индивидуал образи бўлиб, шахс ва муҳит

ресурслари асосидаги турли копинг-стратегияларни қўллаш орқали амалга оширилади.

Ўсмирлик даври илмий адабиётларда стрессоген ва низоли даврлардан бири сифатида қайд этилган ва шунинг учун ҳам ушбу ёш давридаги копинг-хулқ хусусиятларини аниқлаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Бу даврда етакчи фаолият сифатида тенгдошлари билан интим-шахсий мулоқот, шунингдек, ўз мустақиллиги, бошқаларга тобе эмаслиги, шахсий автономиясини тасдиқлашга интилиш каби бир қатор ўзига хос белгилар устуворлик қилади.

Ўсмирлик ёшида билиш жараёнларининг интенсив ривожланиши кўзга ташланади. Идрок танловчанлиги, мақсадга йўналганлигининг ривожланиши, назарий тафаккур, мантиқий хотира ва барқарор ихтиёрий диққат шаклланиши содир бўлади. Мазкур даврдаги яна бир ўзига хос тузилма – бу ўзини ўзи англашнинг янги босқичга кўтарилганлиги бўлиб, ўзини, ўзига хосликларини ва имкониятларини, ўзининг такрорланмас ва ягоналигини тушунишда ифодаланувчи Мен-концепцияси шаклланади. Шунинг учун ҳам ўсмирлик даврида ҳаёт қийинчиликларини енгиб ўтиш усуллари бўйича таълим-тарбия бериш зарур ҳисобланади.

Е.Н.Туманова ўсмирлар ҳаётида учрайдиган бир қатор одатий инқирозли вазиятларни келтиради. Улар қуйидаги соҳаларда учрайди: оилада, тенгдошлари билан мулоқотда, ўсмир учун аҳамиятли ҳисобланган кишилар билан муносабатда, таълимда ва соғлиқ масалаларида.[4]

Замонавий ўсмир копинг-хулқидаги ўзига хос яна бир жиҳат, яъни завқ олишга бўлган установка, танқидий вазиятлар ва қийинчиликларни четлаб ўтиш усули сифатида юзага келмоқда. Е.А.Сибиреванинг илмий тадқиқотлари шуни кўрсатдики, замонавий рус ёшларининг қадриятлар ориентацияси тизимида кўнгилочар ўйин-кулгуларга бўлган интилиш моддий даромад топишдан кейинги иккинчи ўринни эгаллаб, оила, бошқаларга ғамхўрлик ва ижод сингари қадриятларни четга суриб қўйишга олиб келмоқда.[4]

В.Франклнинг фикрича, ўз-ўзини синдириш (саморазрушение) инсоннинг бахтга интилиши асосида фақатгина завқ олиш, роҳатланиш ҳислари бўлганда юзага келади. Айнан шундай интилишлар ички неврозларга сабаб бўлади. Ўсмир қанчалик роҳатланишга интилса, шунчалик мақсадидан узоқлашади. “Роҳатланиш тамойили”га кўра ҳаётга интилиш инфантилизм мотиви ҳисобланади. Шундай қилиб, ўзининг салбий эмоционал ҳолатини продуктив йўл билан ўзгартира олмаслик ва уни енгиб ўтиш усулини билмаслик ўсмирда невроз ривожланишига олиб келиши мумкин.[6]

Н.А.Сирота ва В.М.Ялтонскийлар, Р.Лазарус ёндашувига асосланиб, копингни “муҳит талаблари ва уларни қондирувчи ресурслар ўртасидаги мувозанатни таъминловчи инсон фаолияти” сифатида кўриб чиқишади. Шунингдек, улар ўсмирлар копинг-хулқига оид тадқиқотлари асосида уч назарий модел ишлаб чиқишган:[5]

1. Адаптив функционал копинг-хулқ модели.
2. Псевдоадаптив дисфункционал копинг-хулқ модели.
3. Дисфункционал дезадаптив копинг-хулқ модели.

Ўсмирлар копинг-хулқи хусусиятларига доир фикрларни умумлаштирган ҳолда қуйидагича хулосалар бериш мумкин:

✓ Тенгдошлари билан интим-шахсий мулоқот орқали гуруҳий қадриятлар ва нормаларнинг аҳамияти ошади. Бунда авторитетга эга шахслар томонидан маълум бир хулқ-атвор шакллари ҳурмат ва эътибор орқали мустаҳкамланса, бошқаларига эса гуруҳдан четлатиш каби жазо чоралари кўрилиши мумкин. Мазкур жараёнлар мураккаб вазиятларда ўсмир томонидан у ёки бу копинг-стратегиядан фойдаланишига таъсир ўтказмай қолмайди.

✓ Ўсмирда интенсив ривожланаётган билиш жараёнлари копинг-стратегия шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

✓ Қийин вазиятлардан чиқиш усули сифатида завқ олиш, роҳатланишга эришиш установкаси пайдо бўлади. Бу эса уларга самарали ечим излашга халақит бериб, ўсмирда аддиктив хулқ шаклланишига олиб келади.

Ўсмирлик давридаги копинг-хулқ хусусиятларини ҳисобга олиш муаммоли вазиятлардан чиқишнинг адекват ва адекват бўлмаган стратегияларини ажратиб олиш, ўсмирнинг шахс сифатида ривожланишидаги қийинчиликларини аниқлаш ва негатив ҳолатларнинг салбий таъсирини камайтириш имкониятини беради. Ўсмирларда адекват, ижтимоий адаптив копинг-стратегияларни шакллантириш учун тренинг элементлари бўлган гуруҳий психокоррекцион машғулотлардан фойдаланиш тавсия этилади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати


1. Василюк Ф.Е. Психология переживания. Анализ преодоления критических ситуаций / Ф. Е. Василюк. — М.: Издательство Московского университета, 1984. — 200с.

2. Лазарус, Р. Стресс, оценка и копинг/ Р.Лазарус. — М.: Медицина, 1984. — 218 с.

3. Онуфриева В.В. Особенности копинг-поведения в подростковом возрасте / В. В. Онуфриева, А. С. Константинова. — Молодой ученый. — 2016. — № 6 (110). — С. 701-703.

4. Сибирев В.А. Штрих к портрету поколения 1990-х гг. / В. А. Сибирев, И. А. Головин // Социологические исследования, 1998. — № 3. — С.106–117.

5. Сирота Н. А., Ялтонский В. М. Применение и внедрение программ реабилитации и профилактики зависимого поведения как актуальная задача российской клинической психологии // http://www.medpsy.ru/mprj/archiv_global/2012_2_13/nomer/nomer05.php.

6. Франкл В. Человек в поисках смысла/ В.Франкл. — М.: Прогресс, 1990–367 с. ISBN 5–01–001606–0

# ZAMONAVIY O'QITISHNING O'ZIGA XOS JIHATLARI

*Berdiqulova Gulruhsor Nurbekovna*
*Nizomiy nomidagi TDPU "Umumiy psixologiya" kafedrasi o'qituvchisi,*

*Murodillayev Temurbek Hamza O'g'li*
*Nizomiy nomidagi TDPU "Milliy g'oya va huquqi nazariyasi" talabasi*

Hozirgi vaqtda O'zbekistonda jahon ta'lim maydoniga kirishga yo'naltirilgan yangi ta'lim tizimi qaror topdi. Bu jarayon bilan bir vaqtda pedagogik o'quv-tarbiya jarayonining nazariyasi va amaliyotida sezilarli o'zgarishlar sodir bo'lmokda. Ta'limdagi yondashuvlar tarkibi o'zgarmoqda va boshqacha munosabatlar, pedagogik mentalitetlar o'rnatilmoqda.

Ta'lim tarkibi yangi prosessual mahoratlar, axborotlar bilan ishlash qobiliyatining rivojlanishi, ilmiy muammo va bozor amaliyotining ijodiy yechimining ta'lim dasturlarini individuallashtirishga qaratilishi bilan boyitilmoqda.

Axborotning an'anaviy usullari-ogzaki va yozma nutq, telefon va global masshtabli telekommunikasiyalarni ishlatish bilan almashtirilmoqda.

Pedagogik jarayonning muhim tarkibi bo'lib o'quvchi - talaba bilan pedagogning shaxsga yo'naltirilgan o'zaro munosabatlari xisoblanadi. Pedagogik texnologiyalar asosida ta'lim berish ortib bormoqda. Pedagogik ta'lim texnologiyalarining psixologik-pedagogik nuqtai nazardan takomillashuvining asosiy yo'nalishlari quyidagilar bilan ifodalanadi:

1) Yodlashdan eslab qolish funksiyasiga o'tish, ya'ni o'zlashtirilganini ishlatish imkonini beruvchi aqliy rivojlanish jarayoniga o'tish.

2) Bilimning assosiativ statistik modelidan aqliy xarakatning dinamik tarkibiy tizimlariga o'tish.

3) O'rtacha o'zlashtiruvci o'quvchi-talabaga yo'naltirilganlikdan o'qitishning differensiallangan va individuallashtirilgan dasturlariga o'tish.

4) O'quvchi-talabaning tashqi motivasiyasidan ichki ma'naviy irodali tartibga solinishga o'tish.

Ta’limda zamonaviy didaktika va ta’lim tarkiblarining samaradorligini oshirish, yangi goya va texnologiyalarning ilmiy ishlab chiqilishi va amaliy asoslanishi ishlatilmoqda. Bunda xar xil pedagogik tizim bilan o’qitish texnologiyalari o’rtasida bogliqlik, amaliyotda davlat ta’lim tizimining yangi shakllari (qo’shimcha va alternativ) ning aprobasiyasi, xozirgi zamon sharoitida zamonaviy pedagogik tizimlarini qo’llash muhim xisoblanadi.

Bugungi kunda savodli mutaxassis bo’lish uchun ta’lim texnologiyalarning barchasini o’rganish lozim. Zamonaviy pedagogik texnologiyalarni qo’llash natijasida ta’lim jarayonini rejalashtirish, tashxis qilish, natijalash, tuzatish kiritish imkoniyatlari yaratiladi, kutilgan natijaga erishiladi, vaqt tejaladi va ta’lim jarayoni samaradorligi oshadi. Zamonaviy pedagogik texnologiyalar elementlarini boshqa pedagoglar qo’llanganda ham yuqori natija beradi va ta’lim samarasi yangicha bosqichga ko’tarilib, ta’limning yangi modeli amalga oshadi, ya’ni:

- o’quvchi - talabaning istak - xoxishi - qiziqishi va harakatlari ularning imkoniyati darajasiga qondiriladi;
- o’quvchi - talabaning o’quv mehnatiga va ilmiy dunyoqarashini o’stirishga ma’suliyati, javobgarligi, burchi oshadi;
- bilimlarni mustaqil egallash, erkin fikrlash va xulosalar chiqarish qobiliyatlari oshadi;
- nihoyat, o’qituvchi sifatida jamiyatda o’z o’rnini topib olishga muhim zamin yaratiladi.

Zamonaviy ta’limni tashkil etishga qoэyiladigan muhim talablardan biri ortiqcha ruhiy va jismoniy kuch sarf etmay, qisqa vaqt ichida yuksak natijalarga erishishdir. Qisйa vaqt orasida muayyan nazariy bilimlarni o’quvchi - talabalarga yetkazib berish, ularda ma’lum faoliyat yuzasidan ko’nikma va malakalarni hosil qilish, shuningdek, ular faoliyatini nazorat qilish, ular tomonidan egallangan bilim, ko’nikma hamda malakalar darajasini baholash o’qituvchidan yuksak pedagogik mahorat hamda ta’lim jarayoniga nisbatan yangicha yondashuvni talab etadi.

Bugungi kunda bir qator rivojlangan mamlakatlarda bu borada katta tajriba to’plangan bo’lib, ushbu tajriba asoslarini tashkil etuvchi metodlar interfaol metodlar

nomi bilan yuritilmoqda. Ular asosan o'quvchi-talaba va pedagogning teng faolligini ta'minlashga qaratilgandir. Shu bilan birga o'quv jarayonida yangi axborot texnologiyalarini qo'llash pedagogik metodlarning boyishi, pedagoglar mehnat faoliyatining o'zgarishi, ish uslublarining takomillashishi, pedagogik tizimlar tarkibining o'zgarishiga olib keladi. Bu esa pedagogik jarayonni boshqarishni tashkil etishda o'ziga xos vazifalarni qo'yadi.

Zamonaviy axborot texnologiyalari vositasida pedagogik jarayonni samarali tashkil etish: o'qituvchilar o'rtasidagi mehnatning taqsimlanishi; masafaviy o'quv kurslari va elektron adabiyotlarni yaratuvchi jamoaga pedagoglar va kompyuter dasturchilari, mutaxassislarning birlashuvi; pedagogik jarayonni tashkil qilishni takomillashtirish va o'qituvchilik faoliyati samaradorligining monitoringini taqozo qiladi.

Yangi texnologiyalar pedagogik faoliyatning: ta'limning texnologik asosini tez rivojlanishi bilan bog'liq ravishda kurslarni yaratishdagi murakkab jarayonning yengillashuvi;

- o'quv kurslarini yaratishda maxsus malakalarning shakllanishi;
- masofaviy kurslarning ochiqligi tufayligi ularning sifatiga bo'lgan talablarning va o'quv materiallarining samaradorligini nazorat qilishga ehtiyoj;
- o'quv jarayonida o'quvchi-talaba faoliyatining rivojlanishi, o'quv jarayoni salmog'ining o'qituvchidan o'quvchi-talabaga ko'chishi;
- o'quv jarayonini tashkil etishda o'quvchi-talaba shaxsiy yordamining ortishi kabilarda namoyon bo'ladi.

Hozirda ta'lim muassasalari zamonaviy kompyuter va telekommunikatsiya texnologiyalari asosida jihozlanmoqda. Bu esa, o'z navbatida, pedagoglardan o'zlarining mehnat faoliyatiga yangicha yondashishlarini talab etadi. O'quv jarayonida yangi texnologiyalarning joriy etilishi o'qituvchini texnik vositalar tomonidan siqib chiqarishga emas, balki, uning vazifalari mohiyatini o'zgartiradi, o'qituvchilik faoliyatining murakkablashuviga olib keladi. Endi o'qituvchi:

- o'quv kurslari dizayneri – o'quv kurslarini yaratuvchi;
- fasiliteytor – o'qitish metodlari bo'yicha maslahatchi;

- tyutor - interfaol o’quv kurslarini taqdim etuvchi;
- invigilator - ta’lim natijalarini nazorat qilish usullari bo’yicha mutaxassis bo’lishi kerak.

Zamonaviy texnologiyalar masofaviy ta’limning yangicha tashkil qilinishiga asos yaratadi. Bunday ta’limda pedagoglar, kompyuter dasturchilari va mutaxassislari o’quv kurslarini yaratishlari lozim bo’ladi. Masofaviy o’qitish kurslarini yaratishda dastlab quyidagilarni aniqlash lozim bo’ladi: kurslarning maqsadi; maqsadga erishish yo’llari; o’quv materiallarini taqdim etish usullari; o’qitish metodlari; o’quv topshiriqlarining turlari; muhokamalar uchun savollar; munozara va bahslarni tashkil etish yo’llari; o’zaro aloqa usullari va kommunikatsiya. Bularning barchasi kurslarni yaratuvchilar - o‘qituvchilar va texnologiyalar boэyicha mutaxassislar hamkorligida amalga oshiriladi.

Umuman bugungi kunda ta’limda zamonaviy didaktika va ta’lim tarkiblarining samaradorligini oshirish imkoniyatlari, yangi g’oya va texnologiyalarning ilmiy ishlab chiqilishi va amaliy asoslanishi qo’llanilmoqda. Zamonaviy texnologik mutaxassis bo’lish uchun ta’lim texnologiyalarining barchasini, shu jumladan pedagogik komponentlarini chuqur o’rganib, tahlil qilish lozim. Pedagogik texnologiya ko’proq sifatli natijaga erishishga qaratilgan. Qo’llanadigan pedagogik texnologiya natijasi esa, birinchi navbatda, pedagogning mahoratiga, pedagogik klassifikatsiya turlaridan mohir foydalana olishiga, ilmiy-kasbiy tajribasiga, shaxsiy xususiyat hamda insoniy fazilatlariga bog’liq. Auditoriya bilan ishlashning ijtimoiy - psixologik shartlari, o’quv faoliyatini samarali bo’lishi uchun faol o’qitish metodlari va ularni tashkil etish usullarini bilish muhim bo’lib, yangi pedagogik va didaktik texnologiyalarni joriy etishning o’z pedagogik - psixologik qonuniyatlari mavjud. Dars mobaynida axborot texnologiyalari va pedagogik texnologiyalardan keng foydalanish, dars samarasini oshiradi.

Yuqoridagi talablarning umumlashmasiga amal qilish natijasidagina dars samarasiga erishish lozim bo’ladi. Bu esa davr talab qilgan har tomonlama yetuk va terak tafakkurli yoshlarni yetishib chiqishidan dalolatdir.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati**

1. “Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalari sohasini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to’g’risida” O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 19 fevraldagi Farmoni.

2. Karimova V.M. va boshqalar. Pedagogika. Psixologiya. O’quv qo’llanma – T. 2015. 387 b.

3. Golish L.V., Fayzullaeva D.M. Pedagogik texnologiyalarni loyihalashtirish va rejalashtirish: Оэquv uslubiy qoэllanma/ Innovatsion ta’lim texnologiyasi seriyasi. - T. 2012. - 154 bet.

4. Abdullaeva R.M. Ta’limda ijodiy fikrlovchi raqobatbardosh kadrlarni tayyorlash - davr talabi. Xalqaro ilmiy onlayn konferensiya. 17 dekabr 2020 yil. Toshkent. 2020. 49-53 b.

## ҲОЗИРГИ ДАВРДАГИ ЁШЛАР НУТҚИДА ЖАРГОН СЎЗЛАР

*Ахмедова Муяссар Хадиматовна*
*Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети*
*Психология кафедраси доценти, психол.ф.н.*

Кишилик жамиятида мулоқот қилишдаги мақсад ўзгаришсиз қолган дейиш мумкин, яъни унда иштирок этаётганларнинг талабларига жавоб бериши ва самарали бўлиши лозим. Шунинг учун суҳбатдошлар бир-бирининг нутқий муомаласини қабул қилиши ҳамда уни маъқуллаши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу қоида ёш авлод вакилларида, айниқса бугунги мактаб ўқувчилари ва талабаларнинг коммуникатив йўналишларини аниқ акс эттиради.

Маъмумки, тилнинг лексик қатлами асосий бирлик сифатида жуда бой бўлиб, унинг бир қисми нофаол, сўзлардан иборат, бунга жаргонизмлар ҳам киради. Жаҳон тилшунослигида сленг ҳам мавжуд. Ўзбек тилшунослигида сўнги

йилларда сленглар ишлатилсада, ўзининг тўлиқ таърифига эга эмас[26]. Лекин ҳозирги вақтда уларнинг луғат бойлиги ёшлар мулоқотида қўлланиладиган ноадабий сўзлар ҳисобига кенгаймоқда.

Мактаб ўқувчилари битирувчилари болалик давридан ўтган, бироқ катталар сафига ҳали қўшилмаган, асосий машғулоти таълим олиш, бўлажак касбий фаолиятига тайёргарлик кўришдан иборат бўлган кишилар гуруҳига мансуб. Бу ижтимоий қатламни ажратиб турувчи хусусиятлардан бири шундаки, улар катта ёшлиларга хос мажбуриятлардан озод (уларнинг, кўпинча, шахсий оилалари, яъни хотини, эри, ҳамда ғамхўрликка талабгор болалари йўқ), шу билан бирга уларда бўш вақт етарлича (буни улар  асосан ўқиш учун сарфлаши лозим).

Бундай ёшлар субмаданияти ўзига хос ижтимоий-маданий феномен бўлиб унинг вакиллари ўзларининг маълум бир қадриятларига ва интилишларига, ўз идеалларига, юриш-туриш меъёрлари ва моделларига, ўзларининг ахборот олиш ва узатиш усулларига, мулоқот қилиш кодлари ва қоидаларига, услубларига, санъат ва ҳ.к. тўғрисида тасаввурларига эга.

Бироқ, Э.М.Береговскаянинг фикрича, ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, ёшларнинг муомала-муносабатида ўзига хос тили, ёшлар сленги, биринчи навбатда, “ўзиникилар” янада яқинроқ, “бегоналар” эса узоқроқ бўлишига қаратилгандир. Шу ўринда ёшлар жаргони, сленги фақат ёшлар субмаданияти вакиллари томонидан эмас, балки бошқа, субмаданиятга мансуб эмас, ёши жиҳатидан катта бўлмаган кишилар томонидан ҳам фойдаланилиб, унда сўзлашувчиларнинг туриш-турмушини тўлиқ акс эттириши ва овоза қилишига эътибор қаратиш зарур[27].

Г.П.Нешчименко этник тил иккита кичик тизимдан иборат бўлиб, улардан бири расмий оммавий мулоқотда, иккинчиси эса шахслараро, якка суҳбатдошга қаратилган мулоқотда ишлатилишини таъкидлайди.

Ушбу кичик тизимларнинг ажратилиши бугунги кунда мавжуд бўлган идиомаларнинг ҳеч бири шахсга мулоқотнинг ҳар қандай вазиятларида ҳам

---

[26] Ахмедова М.Х. Талабалар нутқида сленг ва жаргонлар. // Таълим, фан ва инновация. 2020.№2. Б. 210.

[27] Береговская Э.М. Молодежный сленг: формирование и функционирование // Вопросы

коммуникатив муваффақиятни таъминлаб бера олмаслиги билан боғлиқдир. Шундай қилиб, индивидиумнинг икки тиллилиги тўғрисида, яъни “унинг идиолектида функционал жиҳатдан бир-бирини тўлдирувчи, этник тилнинг ҳар иккала кичик тизимини намойиш қилувчи камида иккита идиомалар мавжуд бўлиши зарурлиги тўғрисида” тўла асос билан гапириш мумкин[28].

Бугунги кун талабалари, кечаги мактаб ўқувчилари учун ривожланган икки тиллилик хос, бу тўғрисида кўпгина тилшунослар ўз асарларида тўхтаб ўтишган. Бу ҳозирги талаба тил шахсининг мураккаблиги сабабли юз беради. Мураккаблик шундан иборатки, у таҳсил жараёнида адабий тил меъёрларини ўзлаштирар экан, шу вақтнинг ўзида талабалар сленгида сўзлашади, у ёки бу норасмий уюшмага мансублиги сабабли эса гуруҳ жаргонидан ҳам фойдаланади.

Ёшлар нутқий фаолиятида, айниқса, ўсмирлар, ўзларини "тасдиқлаш"га эришиш учун, умумий қабул қилинган нутқ меъёридан фарқ қиладиган сўзлар ва ибораларни қўллайдилар. Шу ўринда, ҳазирги кундаги ўқув жараёнини ифодаловчи жаргон сўзлари мисол қилиб келтириш мақсадга мувофиқ. Бигиз (калласи бигиз) – билимдон. Гуруҳ, ёки синфдаги жуда кўп билимга эга бўлган, ақлли ўқувчиларни фикрлаши кучли ҳисоблашгани учун жаргонда “бигиз” дейишади. Бигиз - поябзалдўзларнинг кўнни, терини тешиш учун ишлатадиган ёғоч сопли, нина учли металл асбоби, деб таъриф берилганган Ўзбек тилининг изоҳли луғатида [5. Б харфи. 252]. Масалан: Уни калласи бигиз, ҳамма саволга жавоб топади. Олемпиадага калласи бигизлар боради.

Батаник - ақлли; ўқимишли, аълочи; Батаник жаргони ботаник сўзидан олинган бўлиб, гуруҳдаги билимдон, аълочи ўқувчиларни шундай айтишади. Ботаник – ботаника фани олими, мутаххасиси, деб таъриф берилганган Ўзбек тилининг изоҳли луғатида [5. Б харфи. 328]. Масалан: Бизнинг гуруҳимизда батаниклар кўп. Батаникка ўхшаяпсиз.

---

языкознания. – 1996. – № 3. – С. 33.

[28] Нещименко Г.П. К проблеме функциональной дифференциации этнического языка // Русский язык сегодня. Вып. 1. Сб. статей. / Отв. ред. Л.П.Крысин.– М.: Азбуковник, 2000. – С. 71.

Ватан - ақлли талаба ёки ўқувчи; фаоллар. Гуруҳлардаги аъло ва яхши ўқийдиган, тартиб-интизомли, жамоа ишларига жонкуяр, фаол бўлган йигит ва қизлар ватан деб тарифланади. Ватан – туғилиб ўсган жой, юрт. Киши туғилиб ўсган ва ўзини унинг фуқароси ҳисоблаган мамлакат, деб ифодаланган Ўзбек тилининг изоҳли луғатида [5. В харфи. 444]. Масалан: Бу ватан жахлимни чиқарди. Ватанлар тайёр.

Псих - баджахил, ахмоқ одам, ёки психология фани маъноларини билдиради. Буда “псих” деб аталган жаргон сўзи психика, психология сўзларининг қисқартирилган шакли. Психика – руҳий ҳолатга оид; психик касалликлар, деб маъносини кўрсатган Ўзбек тилининг изоҳли луғатида [5. П харфи. 317]. Бу жаргон сўзининг ясалиши қисқартма сўз бўлсада, у ҳар хил маънода қўлланилган. Жахлдор, уришқоқ, ўзини баъзи вазиятларда бошқариши қийин бўлган ва ақлий ривожланиши маъёрида бўлмаган одамларга нисбатан таърифланган жаргон сўз ҳисобланган. Бундан ташқари талабалар баъзи олийгоҳларда психология фани ўқитилса, шу предметни қисқартириб псих номи билан ифодалашган. Масалан: У псих, гапиришни хожати йўқ. Психни бошқа кунга кўчиришибди.

Замонавий ёшлар нутқида деярли сўз бирикмаларининг ҳеч бир элементи йўқ, улар асосан жаргоннинг келиб чиқиши билан боғлиқ бўлган саводсиз шахсларнинг луғатидан фойдаланишади. Жаргоннинг марказида ҳар доим муайян гуруҳнинг устувор йўналишлари ва бу сўз бирикмаларининг ўзига хослиги бу қадриятларни ташқи дунё таъсиридан ҳимоя қиладиган устуворлик бор.

Шундай қилиб бугунги кунда ёшлар томонидан қўлланиладиган жаргон, сленг иборалар ҳар доим субъектга қаратилган, яъни фақат дунёни тасвирлаш учун эмас, кўпроқ уни талқин қилиш, баҳолаш ва унга нисбатан субъектив муносабатни билдириш, эмоционал ҳолатини намоён этиш учун қўлланилади. Жаргон ва сленглар кўпроқ баҳолаш ҳодисаси сифатида қараралади, шунинг учун унда баҳолаш категорияси нуқтаи назаридан ёндошиш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Ахмедова М.Х. Талабалар нутқида сленг ва жаргонлар. // Таълим, фан ва инновация. 2020.№2. Б. 210.

2.Береговская Э.М. Молодежный сленг: формирование и функционирование // Вопросы языкознания. – 1996. – № 3. – С. 33.

3. Жамолхонов Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т.,”Талқин”, 2005.

4. Нещименко Г.П. К проблеме функциональной дифференциации этнического языка // Русский язык сегодня. Вып. 1. Сб. статей. / Отв. ред. Л.П.Крысин.– М.: Азбуковник, 2000. – С. 71.

5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. Тошкент. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Электрн кутубхона.

## ФУНКЦИИ ВОПРОСА В ПРОЦЕССЕ РЕЧЕВОЙ КОММУНИКАЦИИ

*Ахмедова Мукаддас Ходиметовна, к.п.н., доцент*
*Национальный университет Узбекистана*

В настоящее время знание иностранного языка – это не только атрибут культурного развития человека, но и условие его успешной деятельности в самых разных сферах производства. В связи с этим пересматриваются цели и задачи преподавания иностранных языков, появляются новые концепции и подходы к обучению иностранным языкам, в практику входят новые формы и методы обучения.

Проблема вопросов занимает особое место в методике обучения русскому языку нерусских учащихся. Общаясь с людьми, нам приходится как сообщать что-нибудь нашему собеседнику и отвечать на его вопросы, так и самим спрашивать. В иноязычной среде необходимость в получении информации намного превышает потребность в передаче ее. Поэтому приобретение прочных навыков постановки вопросов является важным моментом при обучении неродному языку.

Овладение диалогической речью как одной из основных форм речевого общения является существенным элементом обучения русскому языку. Как

известно, диалогическое общение всегда протекает в рамках той или иной речевой ситуации. Возможности использования речевых ситуаций при обучении диалогу связаны с тем, что они обусловливают целевую сторону акта коммуникации и определяют его конкретное содержание [1, 1986].

Непосредственно к работе по ситуациям примыкает работа над постановкой вопросов, связанных с исходной информацией, вводящей ту или иную ситуацию. Здесь важно отметить, что в создании учебно-речевых ситуаций основную роль играют вопросы или так называемые речевые вопросы.

В ситуациях эти вопросы являются речевым стимулом, побуждающим к высказыванию. Бесспорно, что существуют и другие потребности к речи, как потребность сообщить или потребность побудить к действию другое лицо, но потребность спросить считается основным стимулом для того, чтобы вызвать естественное речевое действие. Учащемуся всегда трудно самому вызвать естественное речевое действие в определенной ситуации. Поэтому одним из путей подготовки учащихся к ситуативным высказываниям является тренировка с помощью вопросов, которые вводят учащихся в определенную ситуацию.

Если учебный процесс обучения языку организован на основе темы, то речевая ситуация составляет основу содержания (или темы). А речевая ситуация в свою очередь состоит из реплик-стимулов и реплик-реакций. В итоге получается цепная реакция процесса обучения языку: учебный материал – тема – ситуация – вопрос –ответ (диалог).

Во многих случаях основу реплик-стимулов составляют вопросы, тогда как реплики-реакции являются ответами. В таком случае основу речевых ситуаций составляют стимулирующие вопросы и ответы на них.

Сказанное выше можно сформулировать следующим образом: реплика-стимул (РС вопрос) + реплика-реакция (РР ответ) – речевая ситуация (РС).

Речевые ситуации в основном реализуются при помощи речевых действий. В работе Д.И.Изаренкова дается определение речевым действиям и выделяются их основные коммуникативные группы. «Речевое действие – это любое

высказывание, обращенное к другому лицу и вызывающее речевую реакцию собеседника» [2,с.49].

Речевые действия чаще всего выражают вопрос, побуждение к действию или сообщение. Существует несколько групп речевых действий, выражающих вопрос:

1) удостоверительно-вопросительные речевые действия;

2) предположительно-вопросительные речевые действия;

3) частные удостоверительные вопросительные речевые действия;

4) вопросительно-противительные речевые действия;

5) собственно-вопросительные речевые действия. [2,1974].

Из перечисленных выше речевых действий наиболее употребительными в учебном процессе являются собственно-вопросительные речевые действия, так как они более способствуют активизации разговорной речи учащихся. Они выражают выяснение каких-то фактов, событий, которые неизвестны говорящему, и этим побуждают ответную реакцию собеседника.

В лингвистическом плане теория вопросительного предложения разрабатывалась еще в трудах ученых-лингвистов М.В.Ломоносова, А.М.Пешковского, А.Х.Востокова, В.А.Богородицкого, В.В.Виноградова и других.

В «Русской грамматике» [4,1982] дается широко развернутая классификация вопросительных предложений с учетом их строения, функционально-семантических признаков, коммуникативной заданности.

Эта классификация дает возможность рассмотреть вопросительное предложение с различных сторон: структуры, семантики коммуникативной установки, наличию первичных и вторичных функций.

В современных трудах по синтаксису русского языка эта классификация получила признание. Основой для такой классификации вопросительных предложений является выбор средства выражения неизвестного в вопросе, то есть учет взаимодействия, лексики, контекста и интонации.

Вопросы широко применяются в практике обучения русскому языку учащихся. Они используются при анализе членов предложения, а также при работе над пониманием изложенного (как средство обучения логико-грамматическим связям в предложении) или же при расскрытии ситуаций в качестве одного из приемов развития речи.

Иными словами, различаются грамматические и речевые вопросы. Грамматические вопросы употребляются для выяснения в предложении связей между словами или для определения синтаксической роли слов в предложении.

Речевые вопросы отражают реальные отношения вещей и соответствуют жизненным ситуациям. Поэтому считается целесообразным научить учащихся на уроках задавать речевые вопросы.

В силу того, что общение в той или иной ситуации обычно происходит в диалогической форме, то основным рабочим материалом для учащихся являются речевые вопросы.

Обучение учащихся ставить речвые вопросы проводится поэтапно. Подготовительным этапом могут служить упраженения, в которых содержится задание поставить к данной информации максимально возможное количество вопросов.

Один из видов таких упражнений – развитие языковой памяти учащихся. Они используются на начальном этапе обучения, когда у учащихся еще нет навыков устной речи на изучаемом языке. Упражнение может быть такое: учитель задает вопросы, постоянно расширяя их. Упражнение с каждым вопросом, а, следовательно, и с каждым ответом осложняется. Н-р: Ты купил эту книгу? – Да, я купил эту книгу. Ты сегодня купил эту книгу? – Да, сегодня, и т.д.

На следующем (более продвинутом) этапе обучения характер вопросов меняется. Перед учащимися ставится задача не повторить лексико-грамматический материал, данный в вопросе, а сознательно строить ответ своими словами. Н-р: Какая сегодня погода? – Сегодня холодно.На этом этапе обучения учащиеся уже сами задают вопросы. Учитель дает им более простую ситуацию. Н-р: Друг пригласил тебя в гости. О чем ты мог бы спросить его в ответ на

приглашение? Таким образом, все более активизируется речь учащихся. Упражнения подобного вида создают основу для более сложных работ, и в частности для работ над диалогической речью.

Вопросо-ответные упражнения часто употребляются в процессе анализа и воспроизведения связного текста. Многие вопросы и задания по содержанию текста являются одновременно и аналитическими и репродуктивными. В специальной методической литературе [5,1986] представляются наиболее распространенные группы вопросов, активизирующих рассуждения учащихся в связи с анализом содержания текстов. Выделяются следующие группы вопросов:

1. Вопросы, направленные на раскрытие понятий или выявление понимания тех или иных выражений.
2. Вопросы, направленные на объяснение поступков людей, явлений, событий, на определение причин, целей.
3. Вопросы, направленные на обоснование, аргументацию, доказательство.
4. Вопросы, направленные на характеристику персонажей или явлений.
5. Вопросы, направленные на оценку того, о чем повествуется, на выражение своего отношения к героям и событиям.

Упражнения такого вида активизируют мышление и рассуждения учащихся, создают благоприятную основу для работы над монологической речью.

Таким образом, при обучении русской устной речи нерусских учащихся учитываются основные особенности этой формы речи, чтобы активизировать в их речи наиболее употребительные коммуникативно-синтаксические структуры, особенно конструкции, передающие вопрос:

- вопросительные предложения с вопросительными местоимениями, вопросительными частицами и словами;
- вопросительные предложения, лишенные специальных показателей вопросительности, кроме интонационных.

И в заключение отметим, что для развития навыков устной речи, навыков постановки вопросов важно, чтобы учащиеся задавали вопрос правильно, чтобы

они хорошо сознoвали, что хотят узнать, чтобы вопрос возникал непосредственно из ситуации.

**Литература:**

1. Изаренков Д.И. Обучение диалогической речи. –М.:Русский язык, 1986. -100с.

2. Изаренков Д.И.Речевая ситуация. Функциональные типы речевого действия. –РЯЗР, 1974, №2, с.48-52.

3. Грамматика русского языка /под ред. Акад. В.В. Виноградова/. –М.,1980.

4. Русская грамматика. –М.:Наука,1980-1982.

5. Урок русского языка в национальной школе. Под.ред. М.Б.Успенского. М.В.Головановой. –М.:педагогика, 1996.-160с.

6. Пьянов А.Е. Статус русского языка в странах СНГ. (http://www.philology.ru/linguistics2/pyanov-11/htm).2011

## ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ РУССКОМУ ЯЗЫКУ

*Шакарова Феруза Долиевна, ст. преподаватель,*
*Ядгарова Гузал Исанбаевна, ст. преподаватель*
*Национальный университет Узбекистана*

Современный этап развития общества ставит перед системой образования целый ряд принципиально новых проблем, обусловленных политическими, социально-экономическими, мировоззренческими и другими факторами, среди которых следует выделить необходимость повышения качества и доступности образования. Увеличение академической мобильности, интеграции в мировое научно-образовательное пространство, создание оптимальных в экономическом плане образовательных систем, повышение уровня университетской корпоративности и усиление связей между разными уровнями образования.

Одним из эффективных путей решения этих проблем является разработка современных образовательных технологий. Разработано огромное количество педагогических технологий: технология проблемного обучения (В.Ф. Шаталов), интегральная технология (В.В. Гузеев), гуманно-личностная технология (Ш.А. Амонашвили), технология личностно-ориентированного образования (Е.В. Бондаревская) и др. Новые образовательные технологии зарождаются не как дань моде, а как результат научных исследований, обусловленных научными открытиями.

В настоящее время понятие педагогической технологии прочно вошло в педагогический лексикон. Но существуют большие разночтения в его понимании и употреблении. Педагогическую технологию часто определяют, как упорядоченную совокупность действий, операций, процедур, инструментально обеспечивающих прогнозируемый и диагностируемый результат в изменяющихся условиях образовательного процесса (государственный стандарт высшего профессионального образования). В документах ЮНЕСКО технология обучения рассматривается как системный метод создания, применения и определения всего учебного процесса преподавания и усвоения знаний с учетом технических, человеческих ресурсов и их взаимодействия. Технологичность учебного процесса состоит в том, чтобы сделать учебный процесс полностью управляемым.

Формирование новых технологий должно осуществляться в следующей последовательности: определение возможностей с помощью фундаментальных исследований; определение эффективности с помощью прикладных исследований; анализ потребностей и спроса среди преподавателей и студентов; разработка документации, программных и методических средств; обучение преподавателей; тиражирование и распространение программных средств.

Появление новых информационных технологий, связанных с развитием компьютерных средств и сетей телекоммуникаций, дало возможность создать качественно новую информационно-образовательную среду как основу для развития и совершенствования системы образования. Задачей технологии как науки является выявление совокупности закономерностей с целью определения и

использования на практике наиболее эффективных, последовательных образовательных действий, требующих меньших затрат времени, материальных и интеллектуальных ресурсов для достижения какого-либо результата.

Учитывая переход к глобальному информативному обществу и становлению знаний, об адекватности образования социально- экономическим потребностям настоящего и будущего можно говорить лишь в том случае, если его модернизация будет основываться не только и не столько на организационных нововведениях, сколько на изменениях по существу - в содержании и технологиях подготовки кадров и подготовке научных исследований. Как социальный институт, воспроизводящий интеллектуальный потенциал страны, образование должно обладать способностью к опережающему развитию, отвечать интересам общества, конкретной личности и потенциального работодателя.

Под информационными технологиями в широком смысле следует понимать совокупность средств и методов сбора, обработки и передачи данных (первичной информации) для получения информации нового качества о состоянии объекта, процесса или явления (информационного продукта)[1, 2005].

Ретроспективный анализ процесса внедрения и использования средств вычислительной техники и компьютерных технологий в учебном процессе позволил выделить три этапа информатизации образования (*электронизация, компьютеризация, информатизация* образовательного процесса) [2, 2001].

Информационные технологии в отличие от других технологий постоянно претерпевают изменения, вызванные быстрым развитием средств компьютерной техники и современной связи. Поэтому сегодня следует говорить не просто об информационных технологиях, а о современных информационных технологиях. Их основу составляют такие научные достижения, как: появление новой среды накопления информации на машиночитаемых носителях; развитие средств связи, обеспечивающих доставку информации практически в любую точку земного шара без существенных ограничений во времени и расстоянии, широкий охват населения средствами связи; динамическое развитие микропроцессорной техники, обеспечивающей возможность цифровой обработки информации; возможность

автоматизированной обработки информации с помощью компьютера по заданным алгоритмам; возникновение и бурное развитие сети Интернет [4, 1999].

Использование информационных технологий дает возможность значительно ускорить процесс поиска и передачи информации, преобразовать характер умственной деятельности, автоматизировать человеческий труд. Доказано, что уровень развития и внедрения информационных технологий в образование определяет его успех. Основой информационных технологий являются информационно-телекоммуникационные системы, построенные на компьютерных средствах и представляющие собой информационные ресурсы и аппаратно-программные средства, обеспечивающие хранение, обработку и передачу информации на расстояние.

Информационные технологии превращают, обучение в увлекательный процесс с элементами игры, способствуют развитию исследовательских навыков студентов. Технология проведения занятий с использованием современных технических средств и новых информационных технологий тренируют и активизируют память, наблюдательность, сообразительность, концентрирует внимание студентов, заставляет их по- другому оценить предлагаемую информацию. Компьютер на уроке значительно расширяет возможности представления учебной информации. Применение цвета, графики, звука, современных средств видеотехники позволяет моделировать различные ситуации и среды. Это позволяет усилить мотивацию учащихся к учебе.

Применение информационных технологий позволяют сделать процесс обучения интересным, продуктивным, осуществляет дифференцированный подход к обучению, дает возможность объективно и своевременно проводить контроль и подведение итогов. Проникновение современных информационных технологий позволяет также педагогам качественно изменить содержание, методы и организационные формы обучения. Примером применения информационных технологий в вузах является широкое использование программных средств учебного назначения. К ним относятся: обучающие программы, электронные учебники и т.д. Обучающие программы предназначены для самостоятельной

работы студентов. Они способствуют максимальной активизации обучаемых, индивидуализируя их работу и предоставляя им возможность самим управлять своей познавательной деятельностью. А электронные учебники включают в себя дидактические, методические и информационно-справочные материалы по учебной дисциплине, а также программное обеспечение, которое позволяет комплексно использовать их для самостоятельного получения и контроля знаний.

С развитием информационных технологий появилась система дистанционного образования, которая дополнила очную и заочную формы обучения и обеспечила равноправную возможность получения образования для всех категорий граждан. Эта возможность ценна для лиц, которые физически не могут добраться до места учебы. К этой категории относятся лица, имеющие ограничения передвижения по состоянию здоровья; лица, проживающие в отдаленных населенных пунктах, или получающие второе высшее образование.

Исключительно важную роль играют современные информационные технологии и на занятиях по русскому языку как иностранному. Использование информационных технологий при обучении русскому языку студентов повышает эффективность обучения, развивает мотивацию, познавательную активность студентов, стимулирует их самостоятельность, сокращает потери рабочего времени до минимума, а также делает процесс обучения ярким и увлекательным.

Работа в компьютерном классе с использованием современных информационных технологий на уроках русского языка в национальных группах позволяет:

- найти значение незнакомых слов, используя разнообразные словари, справочники, энциклопедии;
- получить необходимую информацию о стране изучаемого языка;
- познакомиться с биографией и творчеством русских писателей и поэтов;
- прочитать отрывки из литературных произведений;
- подобрать дополнительный материал по изучаемой теме;
- создать мультимедийную презентацию по теме;

- найти рецензию на какое-либо литературное произведение, творчество поэта или писателя определенного литературного направления;
- написать доклад или реферат по изучаемой теме;
- проконтролировать свой уровень знаний, выполнив тестовые задания.

Использование возможностей существующего программного обеспечения позволяет создавать красочно оформленные и информационно насыщенные презентации, которые обладают широкими возможностями при обучении студентов фонетике, лексике русского языка и по осмыслению грамматических правил. Представление лексико-грамматических правил в виде текстового материала, а также таблиц и схем способствуют повышению эффективности усвоения теоретического материала, активизации мыслительной деятельности, развитию логического и абстрактного мышления студентов. Следует также отметить, что при использовании презентаций существенно уменьшаются потери времени, например, отпадает необходимость записи учебного материала на доске. При использовании тренировочных тестов реализуется возможность многократного повторения одного и того же теста, возможность использования учебников и справочных материалов без ограничения времени, отведённого на его выполнение. При выполнении контрольно-тренировочного теста студент может видеть в динамике результаты усвоения учебного материала.

Проанализировав опыт применения ИКТ при проведении учебных занятий по русскому языку (как иностранному) можно сделать вывод о том, что ИКТ ускоряют процесс обучения, способствуют повышению интереса студентов к изучаемой дисциплине, улучшают качество усвоения материала, позволяют индивидуализировать процесс обучения и обеспечивают возможность объективности оценки. Увеличивается объём и улучшается качество знаний студентов, повышается мотивация к обучению, процесс обучения становится более наглядным и понятным.

Таким образом, активное и эффективное внедрение информационных технологий в образование является важным фактором создания системы образования, отвечающей требованиям информационного общества и процессу

его реформирования, повышает качество обучения и образования, позволяющего студентам успешнее и быстрее адаптироваться к окружающей среде и происходящим социальным изменениям, накапливать и реализовывать инновационный потенциал участника образовательного процесса.

**Литература:**

1. Дебердеева, Т.Х. Новые ценности образования в условиях информационного общества / Т. X. Дебердеева // Инновации в образовании. - 2005. - № 3. - с. 79.

2. Бешенков, С.А. Информатика. Систематический курс: учеб./ С.А. Бешенков, Е.А. Ракитина.- М.: Лаборатория Базовых Знаний, 2001.с.83

3. Роберт, И.В. Современные информационные технологии в образовании/ И.В. Роберт.- М.: Школа- Пресс, 2004.

4. Семенова И. Н., Слепухин А. В. Определение и дидактическая конструкция методики использования информационно-коммуникационных технологий в учебном процессе. Режим доступа: http://journals.uspu .rU/attachments/ artide/99/.pdf

# ОИЛАДА ИЛК МАЪНАВИЙ -ТАРБИЯВИЙ МОТИВЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЕХНАЛОГИЯСИ

*Шодиева Нодира Нормаматовна*
*Низомий номидаги ТДПУ ўқитувчиси*

*Биз учун муқаддас бўлган оила асосларини янада мустаҳкамлаш, хонадаонларда тинчлик-хотиржамлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат муҳитини яратиш, маънавий маърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдиришдан иборат бўлмоғи зарур.*
***Шавкат Мирзиёев***

**Аннотатция:** Мақолада оилада илк маънавий-тарбиявий мотивларни шакллантиришда миллий қадриятлардан фойдаланиш техналогияси асосида ота-оналар томонидан болаларда миллий урф одатлар, анъаналар маросимлар ҳақида тушунчаларни бериб борилиши, оилада соғлом маънавий муҳитни ташкил этишда ота-онанинг ўрни ҳида сўз юритилган Шарқ мутафаккир олимларининг оилада фарзанд тарбияси, маънавий-ахлоқий тарбия борасидаги қарашлари асосида ота- оналарга берилган тавсялар келтирилган.

**Калит сўзлар:** оила, мотив, маънавий-ахлоқий тарбия, қадрият, урф-одат, маросим, жамият, инттеллектуал салоҳият.

**Мавзунинг долзарблиги:** Бугунги кунда жамиятимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳатлардан бири бу- оила, оилавий муносабатлар, оилада маънавий ва жисмоний баркамол ёш авлодни тарбиялашдир. Оиланинг жамиятдаги ўрни, оилавий муносабатларга боғлиқ миллий анъаналар, сермазмун миллий қадриятларнинг илдизлари аждодларимиз меросини ўрганиш ва оммалаштириш, оилада болаларда илк маънавий-тарбиявий мотивларни шакллантиришда миллий қадриятлардан фойдаланиш, ўзбек оиласига хос хусусиятларни (менталететни) яратиш ва кенг тарғиб этиш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир.

Майли ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда, ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз қандай улуғ зотларнинг авлодимиз деган даъват уларнинг қалбида доимо акс садо бериб ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин[1].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 31декабрдаги №1059- сон қарори: Узлуксиз маънавий тарбия концепциясининг IV бобда **Оилада узлуксиз маънавий тарбияни амалга ошириш** масаллари белгилаб қўйилган. Жумладан:

-оиладаги маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш мақсадида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш;

-оилада узлуксиз маънавий тарбия хусусиятлари;

-илк маънавий-тарбиявий мотивларни шакиллантириш;

-оилаларда ёшларнинг маънавий ривожланиши учун зарур бўлган иннавацион ижтимоий-педагогик соғлом ва барқарор муҳит яратиш усулларини ишлаб чиқиш каби масалалар белгилаб қўйилган.

Бола туғилгандан бошлаб оила муҳитида бўлади ва ердаги турмуш тарзи кўникмалар ва урф одатлар асосида вояга етиши туфайли оиладаги маънавий-ахлоқий мухит ва унда қарор топган тартиб қоидалар, боланинг шахс сифатида такомиллашиб боришига таъсир кўрсатади. Оилада илк маънавий-тарбиявий мотивларни шакллантиришда миллий қадриятлардан фойдаланиш ёш авлод вакилларининг ўзлигини англаб етишида, аждодларимизнинг бой маънавий меросини ўрганиб боришида, жамият тараққиёти учун хизмат қила оладиган мустақил фикирга ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган баркамол инсон шахсини шакилланиб боришига асос бўлади. Ижтимоий педагогик, психологик, физиологик ҳамда фалсафий асарларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, оила бола учун энг муҳим тарбиявий муҳит бўлиб, бу муҳитда шахс камолоти учун муҳим ҳисобланган хулқ-атвор, ирода, тасоввур, дунёқараш шаклланади[2]. Бола оила тимсолида жамиятнинг ижтимоий-маънавий қиёфасини кўради, жамият талаблари моҳиятини илк бора шу кичик жамоа орасида англайди. Шахснинг маънавий сифатларга эга бўлиши, унда маънавий билимларга эҳтиёж ва қизиқишнинг пайдо бўлиши оила тарбияси асосида амалга оширилади. Ота-оналарнинг бола шахсига илмий дунёқараш асослари, маънавий-ахлоқий, нафосат, меҳнат ва бошқа ижтимоий омилларни шакллантириш мақсадида тизимли таъсир кўрсатиш жараёнига **оилавий тарбия** дейилади[3].

**Маънавий-ахлоқий тарбия-** болани эрта ёшидан бошлаб унинг табиати, ота-онаси ва тенгдошларига бўлган муносабати, ўзини ва жамиятдаги ўрнини тушуниб етганида ўргатиш ва тарбиялашдир. Бу давр мобайнида таълим жараёни давомида **маънавий-ахлоқий қадриятлар** пойдеворини қўйиб борилади ва болани тўлиқ шахс сифатида ўсиб боришига эришилади.

**Мотив-** шахсни ҳаракатга ва фаолиятга ундовчи, эҳтиёжининг юксак шакли сифатида пайдо бўлувчи ички туртки ҳисобланади.

Оилада болаларда илк маънавий-тарбиявий мотивларни шакллантиришда миллий қадриятлардан фойдаланиш жараёнида умуминсоний қадриятларни ҳам четтда қолдириб бўлмайди. Миллий қадриятларни ҳеч вақт умуминсоний қадриятлардан ажратиб олиб ўрганиб бўлмайди.

**Умуминсоний қадриятлар-** инсониятнинг нафақат ўтмиши билан хозирги кунини боғлабгини қолмасдан балки унинг келажаги учун ҳам муҳим аҳамиятга моликдир. Оилада болаларда илк маънавий- тарбиявий мотивларни шакллантиришда ота-оналар қомусий олимларимизни маънавий меросидан фойдаланиб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Шарқ мутафаккир олимлари ҳам оила, оилада бола тарбияси, маънавий-ахлоқий тарбия масалаларига ўз илмий манбаларида алоҳида эътибор қаратганликларини кўришимиз мумкин. Жумладан: Абу Али Ибн Сино жаҳон фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган олимлардан бири. Абу Али Ибн Сино бола тарбияси-бу изчил ва аста секин амалга оширилаётган тартибдан иборатдир деб такидлаган. Олим болаларни жисмоний жихатдан бақувват ва сўзлашув нутқни яхши тушуна бошлагандан сўнг уни савод чиқариш учун устозга бериш лозим деб ҳисоблайди. Болани тарбиялаш оила, ота-онанинг асосий вазифасидир. Ўз камчиликларини тузатишга қодир бўлган ота-она тарбиячи бўлиши мумкин. Ахлоқий тарбияда энг муҳим воситалардан бири боланинг нафсониятига, ғурурига тегмаган ҳолда, яккама-якка суҳбатда бўлиш, унга насиҳат қилишдир[4]. Олим оилада ота-она, ака-ука, опа-сингиллар бир-бирларини иззат ҳурмат қилишларига даъват этади.

**Хулоса:** ўрнида шуни таъкидлаш лозимки Оилада илк маънавий-тарбиявий мотивларни шакллантиришда миллий қадриятлардан фойдаланиш технологияси болаларда маънавий ахлоқий сифатларни таркиб топишида, ўтмиши ва бугуни ҳақида мустақил фикр юрита олишига, жамиятдаги мавжуд муаммоларга маълум даражада ечим топа оладиган инсонлар бўлиб вояга етишларига асос бўлади. Оилада ота-оналарнинг миллий қадриятларимизни турмушдаги аҳамиятини тўғри ва тўлиқ англаб етганликлари боланинг маънавий тарбиясини шунчалик бойиб боришига асос бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари.Тошкент 2019 йил. 89-бет.

2. Ж. Хасанбоев, Х. Тўрақулов, И. Алқаров, Н.Усмонов. Педагогика. Тошкент 2011 йил. 256-бет.

3.Х.Ибрагимов, Ш.Абдуллаева. Педагогика назарияси. Тошкент 2008 йил. 125-бет.

4. А.Зунунов, М. Хайруллаев, Б. Тўхлиев, Н. Ҳотамов. Педагогика тарихи. Тошкент. 2000 йил. 53-бет.

5.Узлуксиз маънавий тарбия концепсияси Ўз.Рес.Вазирлар Маҳкамасининг 1059-Қарори.31 декабр 2019 й.

## O'QUVCHILARNI KASB-HUNARGA YO'NALTIRISHNING NAZARIY VA AMALIY AHAMIYATI: MUAMMO VA YECHIMLAR

*Ravshanova Nigora Ismoilovna*
*Toshkent shahri Chilonzor tumani 163- maktab psixologi*

**Annotatsiya.** Mazkur maqolada o'quvchilarni kasb-hunarga yo'naltirishning nazariy va amaliy ahamiyati hamda bugungi kundagi dolzarb muammo sifatida qolayotgani hamda shu bilan birga o'ziga xos yechimlar, tavsiyalar berib o'tilgan.

**Kalit so'zlar:** Kasb-hunar, o'quvchi, psixolog, ota-ona, targ'ibot, qiziqish, qobiliyat, kasb klassifikatsiyasi, muvaffaqiyat.

Umuminsoniy madaniyatni shakllantirish jarayonining tarkibiy qismlaridan biri sifatida yosh avlodning kasbiy tiklanishi, tabiat in'om etgan qobiliyatlarini rivojlantirish ko'maklashish, insonga kasbiy o'zligini anglashiga yordam beruvchi maxsus chora-tadbirlar majmuasi kasb-hunarga yo'naltirish bo'lib, uning imkoniyat va ehtiyojlarini hisobga olgan holda, bandlik va maqbul ta'lim turini tanlash ishlarida, turli xil malakali kasb mutaxassislariga bo'lgan ehtiyojlarda jamiyatning g'amxo'rligi sifatida namoyon bo'ladi. Bugungi kunda kasb-hunarga yo'naltirish sohasida mavjud bo'lgan ilmiy

xulosalar va tavsiyalar hamda umumiy o’rta ta’lim maktablari o’quvchilarini kasb-hunarga yo’naltirish, xususan, kasblar olami bilan tanishtirish usullarini yangilash zarurati yuzaga kelmoqda. O’quvchilarni kasb-hunarga yo’naltirish tizimi kasbiy targ’ibot va tashviqotni o’z ichiga olgan kasbiy ma’rifat (kasbiy axborot); u yoki bu soha, kasbga bo’lgan shaxs qiziqish va qobiliyatlarining birlamchi kasbiy tashxisi, kasb tanlashda mutaxassislar tomonidan individual, guruhiy yordam ko’rsatishga qaratilgan kasbiy maslahatlar, ko’proq muvafaqqiyatga erishishi mumkin bo’lgan kasbni tanlab olishga qaratilgan kasbiy tanlov, ishlab chiqarish amaliyoti jarayonida amalga oshiriluvchi ijtimoiy-kasbiy moslashuv, tanlangan kasbni o’rganish jarayonida burch, mas’uliyat, kasbiy or-nomus hislarini o’quvchilarda shakllantirishga qaratilgan. Undan ko’zlangan maqsad o’quvchilarga kasblar olami, kasblarning belgi va xususiyatlari, kasb klasifikatsiyasi, kasblar professiogrammasi, hududning qaysi kasblarga ehtiyoji borligi to’g’risidagi axborotlarni berishdan iborat bo’lib, ular asosida o’quvchi o’zini qiziqtirgan, jamiyat uchun zarur bo’lgan kasbni tanlaydi.

Mazkur ma’lumotlar orasida kasb klasiffikatsiyasi alohida ahamiyatga ega bo’lib, uning qanchalik aniq va mukammal o’zlashtirib olinishi o’quvchining ko’plab kasblar orasidan o’z imkoniyatlariga mosini to’g’ri tanlashini belgilaydi. Kasb klassifikatsiyasi haqida so’z yuritishdan avval o’quvchilarning kasb va mutaxassislik tushunchalari hamda ular o’rtasidagi o’xshashlik va farqlarni aniq ajratib olishlariga erishish lozim. Keyinchalik kasb klassifikatsiyasi asosida turli interfaol mashqlarni bajarishda bu tushunchalarning ma’no va mazmunini ajrata olish o’quvchilarga yordam beradi. Buning uchun ushbu tushunchalarning ta’riflarini keltirish kerak.

Kasb-bu jamiyat uchun zarur bo’lgan, ijtimoiy mehnat taqsimoti natijasida chegaralangan, insondan jismoniy, aqliy, ma’naviy kuch talab etuvchi va sarflangan kuch evaziga insonga mavjud bo’lish hamda rivojlanish imkonini beruvchi faoliyat sohasidir, masalan, o’qituvchi, shifokor, injener, dizayner va hokazo. Mutaxassislik esa bitta kasb ichida tor doiradagi faoliyat turidir. Masalan, tarix o’qituvchisi, matematika o’qituvchisi, stomatolog, kardiolog, pediatr, quruvchi-muhandis, loyihalovchi-muhandis, injener-konstruktor, badiiy libos dizayneri va hokazo.

Bundan tashqari, mansab, lavozim hamda ilmiy unvon tushunchalariga ham to'xtalib o'tish foydadan holi bo'lmaydi. Lavozim – bu egallangan kasb va mutaxassislik doirasidagi mehnat jarayonini tashkil etish va unga rahbarlik, boshchilik qilish bilan bog'liq bo'lgan faoliyat turidir. Masalan, maktab direktori, o'quv-tarbiya ishlari bo'yicha rahbar o'rinbosari, bo'lim boshlig'i, bosh injener, zavod direktori, bosh shifokor va hokazo. Ilmiy unvon – bu egallangan kasb va mutaxassislik sohasi bo'yicha kiritilgan yangilik va kashfiyotlar uchun beriladigan ilmiy darajadir. Masalan, fan nomzodi, dotsent, fan doktori, professor va boshqalar. Barcha kasb-hunarga yo'naltirilgan ishlarni o'rganishda shunday xulosalarni chiqarish mumkin. Ya'ni, kasbiy ma'rifat (kasbiy axborot) o'quvchiga kasblar olamida "kompas" vazifasini bajaradi: aksariyat hollarda o'quvchilar ommaviy va nufuzli bo'lgan kasblarni tanlashga intiladilar; ayrim hollarda o'quvchilarning kasblar haqidagi bilim va tajribalari yuzaki bo'lib, uning yaqqol ko'zga tashlanuvchi, tashqi belgilari hamda xususiyatlariga tayanib qolishadi; kasbiy muvaffaqiyat zamirida mashaqqatli mehnat yotishi haqidagi ularning bilimlari ko'p hollarda tor va sayoz bo'ladi; o'quvchilarni kasb-hunarga samarali yo'naltirish uchun ular albatta kasblar olami haqida muayyan bir tasavvurlarga ega bo'lishlari, ya'ni shu bugungi kungacha yer yuzida mavjud bo'lgan kasb-hunar va mutaxassisliklar, lavozim o'rtasidagi farqlar, ularning paydo bo'lish hamda yo'qolib ketish sabablarini bilishlari lozim. Shuningdek, to'g'ri kasb tanlashga ta'sir ko'rsatuvchi omillar, ishlovchi shaxsning jismoniy, aqliy, ruhiy, axloqiy xususiyatlariga bo'lgan kasb talablari, mehnat xususiyatlari va ularning insonga ta'siri, zamonaviy ishlab chiqarish sohalari va turlari, kasb-hunar ta'limi hamda ta'lim muassasalari haqidagi ma'lumotlardan xabardor bo'lishi, har bir o'quvchi o'zining shaxsiy, individual-psixologik-fiziologik xususiyat va sifatlarini yaxshi bilishi hamda ularni hisobga olgan holda o'zi uchun ko'proq mos keluvchi mehnat faoliyati sohalarini tanlay olish malakasiga ega bo'lishi kerak. Kasb klassifikatsiyasi mavzusini o'quvchilarga tushuntirishdan avval bu atamaning mazmunini biroz kengroq tushuntirib berish lozim. Klassifikatsiya – bu narsa va hodisalarning anglangan tartibi bo'lib, ularni biror-bir muhim belgisi bo'yicha turlarga ajratishdir.

O’quvchilar turli klassifikatsiyalar bilan botanika, zoologiya, ona tili va boshqa fanlarni o’rganishda tanishib chiqishgan hamda uning qulayligini anglashgan. Masalan, hayvonot dunyosi klassifikatsiyasi fan dunyosini o’rganishga yordam berib, o’quvchi biror notanish jonivorga to’qnash kelganda tashqi belgilariga qarab uning xarakteristikasini, ma’lum bir tur va oilaga kiritishi yoki aksincha, jonivorni ko’rmay turib, biroq uni ma’lum bir tur va oilaga kirishini bilgan holda asosiy belgilari bo’yicha xususiyatlarini tuzishi mumkin bo’ladi. Kasb klassifikatsiyasi turlari bilan o’quvchilarini tanishtirishdan oldin kasb klassifikatsiyasi uchun asos qilib tanlangan belgiga bo’lgan talablar o’quvchilarga aytib o’tilishi lozim, chunki klassifikatsiya uchun kasblarning hohlagan belgilarini olish mumkin emas. Kasb klassifikatsiyasi uchun asos qilib tanlangan belgi quyidagi talablarga javob berishi kerak:

1. Tanlangan kasb belgisi o’zgarmas, muntazam bo’lishi.
2. Tanlangan kasb belgisi barchaga tushunarliligi.
3. Tanlangan kasb belgisi aniq, yorqin bo’lishi.
4. Tanlangan kasb belgisi bitta belgi bo’yicha faqat bitta guruhga tegishli bo’lishi.

Ushbu talablarning biriga javob bera olmasa, bu kasb belgisini klassifikatsiya qilish uchun asos qila olmaymiz. O’quvchilar e’tiboriga kasblarning beshta belgisi ya’ni: mehnat nomi; mehnat xarakteri; mehnat mahsuloti; mehnat qilish uchun talab etiladigan bilim, ko’nikma, malaka darajasi, kasblarning mamlakat xo’jaligining biror sohasiga tegishli bo’lishi havola etiladi.

Ular har bir kasb belgisidagi kamchilik, ya’ni kasb klassifikatsiyasi uchun tanlanayotgan belgilarning to’rtta talabdan qaysi biriga javob bera olmasligini aniqlashlari kerak bo’ladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:**

1. O'zbekiston Respublikasi “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi”.,Tosh.,1997
2. M. Tangirov. “Kasbim-faxrim: yetuk kadr bo’lish uchun…” T; 2012
3. V. Karimova. Ijtimoiy psixologiya. T., 2010.
4. M. Xayrullaev Forobiy ruhiy protsesslar va ta’lim-tarbiya to‘g‘risida.T., 2004.

# PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR BO’LAJAK O'QITUVCHINING IJODIY QOBILIYATLARINI SHAKLLANTIRISH SHARTI SIFATIDA

*Diyarova Shaxlo Rovshan qizi*
*Nizomiy nomidagi TDPU pedagogika kafedrasi, v.b.dotsent.(PhD)*

**Annotatsiya.** Maqolada pedagogik “pedagogik texnologiyalar” tushunchasi ochib berilgan, ta’lim va tarbiya texnologiyalarini o‘zlashtirish asoslari o‘qituvchining ijodiy shaxsini shakllantirish shartlari sifatida belgilangan. Pedagogik texnologiyalar bo’lajak o'qituvchining ijodiy qobiliyatlarini shakllantirish asoslari ko’rsatib o’tilgan.

**Kalit so'zlar:** pedagogik texnologiyalar, malaka oshirish, ijodkorlik, ijodiy shaxs, faol ta'lim texnologiyalari, kommunikativ, kompetensiya.

**Аннотация.** В статье раскрывается понятие педагогических «педагогических технологий», определяются основы овладения педагогическими и воспитательными технологиями как условия формирования творческой личности педагога. Педагогические технологии являются основой формирования творческих способностей будущего учителя.

**Ключевые слова:** педагогические технологии, профессиональное становление, креативность, творческая личность, технологии активного обучения, коммуникативная компетентность.

**Annotation.** The article reveals the concept of pedagogical "pedagogical technologies", defines the basics of mastering pedagogical and educational technologies as a condition for the formation of a creative personality of a teacher. Pedagogical technologies are the basis for the formation of the creative abilities of the future teacher.

**Key words:** pedagogical technologies, professional development, creativity, creative personality, active learning technologies, communicative competence.

Ma’lumki, har qanday texnologiya ta‘limning yangi mazmunini shakllantiruvchi ta‘lim tamoyillariga asoslanadi va ta‘lim oluvchi shaxsini tarbiyalash, unda mehnat va muayyan yo‘nalishlarda kasbiy ko‘nikmalarni hosil qilishga yo‘naltiriladi. Ta‘lim jarayonining faol sub‘ektlari o‘qituvchi va o‘quvchilar bo‘lib, ularning hamkorlikdagi

faoliyatlari muayyan mavzu (yoki fanlar asoslari) bo‘yicha kam kuch va vaqt sarflangan holda nazariy va amaliy bilimlarni chuqur o‘zlashtirish imkonini yaratadi. O‘qituvchining faol, samarali faoliyat ko‘rsatishiga yo‘naltirilgan ta‘lim jarayonining metodik ishlanmasidan farqli ravishda, ta‘lim jarayonini faollashtirish va jadallashtirishga yo‘naltirilgan pedagogik texnologiyalari ta‘lim oluvchilarga qaratiladi, shuningdek, ularning shaxsiy va o‘qituvchi bilan birgalikdagi faoliyatini hisobga olgan holda o‘quv materiali o‘zlashtirishga sharoit yaratish bilan bir qatorda, ta‘lim tarbiyasi butun mashg‘ulot davomida o‘quvchilarning faolligi va qiziquvchanligini muntazam ravishda rivojlantirib boorish maqsadini ko‘zda tutadi, o‘quv omillarini yaratishga asoslangan pedagogik texnologiya talablarini o‘quv yoki ishlab chiqarish faoliyatiga tezkor jalb qilish imkonini beradi. Aks holda, zaif, yetarli darajada tushunarli bo‘lmagan yoki aniq natijani ko‘zlanmagan topshiriqlar mashg‘ulotning samarasiz yakunlanishiga olib kelishi mumkin.

Pedagogik texnologiya — ta‘lim va tarbiya jarayonida zamonaviy pedagogik texnologiyalarni qo’llash, texnologik yondashuv asosida ta‘lim va tarbiya jarayonining samaradorligini oshirish muammolarini o’rganadi. Innovatsion usullarda dars o’tish jarayonini, ya‘ni zamonaviy pedagogik texnologiyalarni boshlang’ich ta‘lim davridan boshlab tashkillashtirish ta‘lim tizimida yuqori samara beradi. Bu degani, boshlang’ich ta‘lim umumiy o’rta ta‘limning poydevori hisoblanadi. Ana shu poydevorni mustahkam tarzda bunyod etish kelgusi davrlardagi ta‘lim jarayonlarining o’tilishida ham qulayli yaratgan bo’ladi. O’z-o’zidan kelib chiqadiki, boshlang’ich ta‘limdan boshlab tashkil etilgan pedagogik texnologiyalar ta‘limning keyingi davrlarida tashkil etilishida birinchi bosqich vazifasini o’taydi[4].

Pedagogik texnologiyaning asosiy tamoyillari quyidagilardan iborat: tarbiyalanuvchining ijtimoiy qadriyat munosabatiga yo'naltirilganligi; shaxsning individualligini tan olish; o'qituvchining "men"i va o'quvchining "men"ini o'zaro ochishni anglatuvchi aks ettirish printsipi; ijodda ishtirok etuvchi kishilar ongining faol ishini nazarda tutuvchi munosabat tamoyili; o'z-o'zini rivojlantirish tamoyili, uning yordamida ijodiy shaxs shakllanadi[2].

Pedagogik jarayonni bir butun sifatida, evristik jarayon sifatida texnologiyalashtirish va uning natijasini ehtimollik bilan hisoblash mumkin. Pedagogik maqsadlarga erishish uchun metodlar tizimini tanlash va ilmiy asoslash mumkin. Pedagogik ijod muayyan uslubiy madaniyatni talab qiladi: muammoli ko'rish, pedagogik vazifalarni loyihalash ko'nikmalari va aks ettirish qobiliyati. Bu nafaqat ob'ektiv, balki sub'ektiv yangi narsa yaratishdir, chunki o'qituvchi ijodining asosiy quroli uning shaxsiyatidir.

Amaliyot shuni ko'rsatadiki, ijodiy innovatsiyalarni o'zlashtirish yo'lida o'qituvchi birinchi navbatda kasbiy va shaxsiy xarakterdagi qiyinchiliklarga duch keladi, bu ish muhitidagi stereotipik shaxsiy munosabatlar va reaksiyalar bilan bog'liq. Ularning odatiy namoyon bo'lishi avtoritar omborning odatiy ish naqshlariga murojaat qilishdir. O'z tabiatiga ko'ra, bu qiyinchiliklar shaxslararo o'zaro ta'sir doirasi bilan bog'liq va shunga ko'ra, ularni ijtimoiy-psixologik usullar bilan yengish mumkin.

Oliy ta`limda o`qituvchilarni kasbiy tayyorlashda kreativlikni pedagogik jihatlari Yu.P. Azarov, O.V. Akimova, R.S. Gurevich, I.A. Zyazyun, N.V. Kichuk, N.V. Kuzmina, O. N. Kutsevol, L.M.Luzina, M.D. Nikandrov, N.G. Nichkalo, M.M. Potashnik, S.A. Sysoeva, M.I. Smetanskiy, G.S.Tarasenko, A.V. Temchenko va boshqa ko'plab olimlar tomonidan o'rganilgan [1].

Oliy o'quv yurtlarida bo'lajak o'qituvchining ijodiy salohiyatini shakllantirishga o'qitishning noan'anaviy shakllari va uslublarini, innovatsion pedagogik texnologiyalarni joriy etish, turli xil psixologik-pedagogik mashg'ulotlarni tashkil etish yordam beradi. Bunda kasbiy va pedagogik vazifalar, ilmiy konferentsiyalarda, tanlovlarda, oliy ta'lim muammolari bo'yicha munozaralarda va boshqa o`quv va ilmiy-uslubiy faoliyatda faol ishtirok etishi tashkil etiladi.

Bo'lajak o'qituvchilarda kreativ fikrlashlarini shakllantirish jarayonida, muammoli ta`lim texnologiyalaridan o'quv, ilmiy va kasbiy pedagogik muammolarni shakllantirish va hal qilishni ta'minlashda foydalanish muhim ahamiyatga ega. Shuning uchun zamonaviy oliy ta`lim muassasalarida o'qitishning barcha tashkiliy shakllari va usullarini bo'lajak tarix o'qituvchilarining ijodiy tafakkurini rivojlantirish: ma'ruzalar, amaliy va seminarlar, mustaqil va yakka tartibdagi ishlarga bo'ysundirish zarur.

Ma'lumki, muammoli ma'ruza talabalarning o'rganilayotgan masalalarga qiziqishini uyg'otadi, qo'shimcha ma'lumot izlashda faollik va mustaqillikni rag'batlantiradi. Shu bilan birga, o'qituvchi tomonidan taklif qilingan muammolarni hal qilish jarayonida ular tomonidan mustaqil qo`shimcha bilimlar olinadi. Muammoli ma'ruzalarga quyidagilar kiradi: ma'ruza-dialog, ma'ruza-munozara, ma'ruza-munozara va boshqalar.

Shunday qilib, hozirgi bosqichda bo`lajak o'qituvchilarning, kreativligini rivojlantirishning turli xil usullari mavjud. Pedagogik faoliyatning individual uslubini shakllantirda har bir oliy ta`lim o'qituvchisi o'zi uchun talabalarni o'qitishning har qanday evristik shakllari va usullarini tanlashi mumkin. Shu bilan birga, ularni qo'llash natijalari kelajakdagi tarix o'qituvchilarining kreativlikni rivojlantirishga ijobiy ta'sir ko'rsatishini ta'minlash kerak.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**


1. Тилакова, М., & Қораев, С. (2020). Ўқувчилар креативлик қобилиятларини ривожлантириш бўйича тавсиялар. Academic Research in Educational Sciences, 1 (4), 184-189.
2. Azizxo'jayeva N.N. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat. – T.: 2003. - 174 b.
3. Nishonaliyev U. Ta'lim standarti va pedagogik innovatsiyalar. // Xalq ta'limi. 1999. № 6. 28-31 b
4. Saidahmedov N. Pedagogik mahorat va pedagogik texnologiya. – T.: O'z MU. 2003. - 66 b.
5. Saidahmedov N.S., Ochilov A. Yangi pedagogik texnologiya mohiyati va zamonaviy loyihasi. –T.: XTV RTM, 1999. -55 b.

# XALQ OG‘ZAKI IJODI ASOSIDA YOSHLARNI MA’NAVIY-AXLOQIY TARBIYALASH

*Mirzayeva Faroxat Odiljonovna*
*Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti*
*Pedagogika kafedrasi dotsent,*

*Mamadaliyeva Fotima*
*Pedagogika va psixologiya fakulteti talabasi*

Annotatsiya: Ushbu maqolada o‘zbek xalq og‘zaki ijodi qadim zamonlardan beri xalq orasida tarbiyaviy vosita sifatida qo‘llanilib kelinayotganligi va hozirga qadar o‘zbek tarbiyashunosligida xalq og‘zaki ijodining turli janrlariga bag‘ishlangan ilmiy tadqiqot ishlari hamda xalq og‘zaki ijodi asosida bolalarni ma’naviy-axloqiy tarbiyalash muhim ahamiyatga ega ekanligi haqida fikrlar bayon etilgan.

Tayanch tushunchalar: xalq og‘zaki ijodi, folklor, donishmand, ma’naviy, tarbiyashunos, og‘izdan-og‘izga, hikmat, donolik, aql-zakovat, oqilona, yozma adabiyot, maqol, naql, otalar so‘zi, donolar so‘zi, mashoyihlar so‘zi.

Аннотация: В данной статье рассматривается тот факт, что узбекский фольклор с древних времен использовался в народе как средство воспитания, и до сих пор ведутся научно-исследовательские работы по различным жанрам народного фольклора и народного фольклора в узбекской педагогической науке, на основе которых высказываются мнения высказываются о важности духовно-нравственного воспитания детей.

Ключевые слова: фольклор, фольклор, мудрец, духовный, просветитель, из уст в уста, мудрость, премудрость, ум, разум, письменная литература, пословица, поговорка, пословица, мудрецы слово, слово народное.

Annotation: In this article, Uzbek folklore has been used as an educational tool among the people since ancient times, and until now in Uzbek education, scientific research works on various genres of folk folklore and children's education based on folk folklore Opinions were expressed about the importance of spiritual and moral education.

Keywords: folklore, folklore, sage, spiritual, educationalist, word of mouth, wisdom, wisdom, intelligence, rational, written literature, proverb, saying, saying of the fathers, saying of the wise , the word mashayihlar.

Folklor asarlari asrlar davomida og‘izdan-og‘izga o‘tib, inson dunyoqarashi, uning Ona-Vatani va jamiyatga munosabati, tarixiy va ruhiy holatini ifodalaydi. Hikmat so‘zining lug‘aviy ma’nosi o‘ta donolik, aql-zakovat bilan oqilona aytilgan, o‘zgartirib bo‘lmaydigan ma’noli gap bo‘lib, ular og‘zaki va yozma adabiyotda turli atamalar bilan qo‘llanadi: maqol, naql, otalar so‘zi, donolar so‘zi, mashoyixlar so‘zi kabi.

O‘zbek xalq og‘zaki ijodi qadim zamonlardan beri xalq orasida tarbiyaviy vosita sifatida qo‘llanib kelmoqda.

Xususan, hikmatlarning komil inson tarbiyasidagi ahamiyatini ta’kidlab, Kaykovus «Qobusnoma» asarida «*Agar aqlli bo‘lishni istasang, hikmat o‘rgangilki, aql hikmat bilan kamol topadi*», deb uqtiradi.

Suqrot esa folklor asarlarining ahamiyatini ta’kidlab, ularning inson tarbiyasidagi o‘rniga alohida e’tibor qaratadi: “Men qadimgi donishmandlarning ...bizga qoldirib ketgan aql durdonalarini ko‘zdan kechiraman, agarda biz ularda nimadir yaxshi bir narsaga duch kelsak, uni o‘zgartirib olamiz va juda katta foyda orttirgan bo‘lamiz», - deydi u.

Bolalarni xalq og‘zaki ijodi asosida ma’naviy-axloqiy tarbiyalash muammosini o‘rganish va tahlil etish bu boradagi qator omillarni o‘rganishni talab etadi. Ular quyidagilardan iborat:

- ularning o‘z yoshlariga mos xalq og‘zaki ijodiga mansub asarlar vositasida tarbiyalash uchun bola nutq zaxirasi va tafakkur darajasiga mos asarlarni tanlash va tushunarli qilib hikoyalash;
- xalq og‘zaki ijodi materiallari mazmunidan kelib chiqib, bolalarga «yaxshi» va «yomon» tushunchasini singdirish, shu asosda ularda insonda muhabbat hissini tarbiyalash.

Maktabgacha ta’lim muassasalarining aksariyat tarbiyachilari mashg‘ulotlarda xalq og‘zaki ijodi materiallaridan kam foydalanadilar. Umumiy o‘rta ta’lim

maktablarida esa baxshilar bilan suhbatlar oʻtkazish, xalq ertaklari va dostonlari asosida kechalar tashkil etish, munozara va adabiy kechalar oʻtkazishga eʼtibor berilmaydi.

Xalq ogʻzaki ijodining tarbiyaviy imkoniyatlaridan toʻliq foydalanilmayapganining yana bir sababi mazkur yoʻnalishda tarbiyachi-oʻqituvchilarning ota-onalar bilan aloqasi birmuncha sust yoʻlga qoʻyilganidir.

Biz oilada bolalarni xalq ogʻzaki ijodi materiallari asosida maʼnaviy-axloqiy tarbiyalash holatini oʻrganish natijasida *shunday xulosaga keldik:*

*1) keksa otaxon va onaxonlar mavjud boʻlgan oilalarda xalq ogʻzaki ijodi materiallari, xususan, maqollardan koʻproq foydalaniladi;*

*2) umuminsoniy, diniy hamda oilaviy anʼana va qadriyatlar asosida tarbiyaviy ishlar sifatli yoʻlga qoʻyilgan oilalarda xalq ogʻzaki ijodi materiallaridan tarbiyaviy maqsadda foydalanishga katta eʼtibor beriladi;*

*3) yosh oilalarda xalq ogʻzaki ijodining tarbiyaviy imkoniyatlaridan tartibsiz va kamdan-kam foydaniladi, ayrim yosh ota-onalar farzandlari uchun ertak kitoblar xarid qilsalar-da, ertaklarni oʻzlari mustaqil aytib bera olmaydilar, balki kitobdan oʻqib berish bilan kifoyalanadilar. Bolalarga alla aytishda ham uning musiqasini qoʻllasalarda, allaning sehrli soʻzlarini qoʻllamaydilar.*

Oilalarda folklor asarlaridan foydalanishda yoʻl qoʻyilayotgan kamchiliklikning asosiy sabablari quyidagilardan iborat:

- ayrim ota-onalarning maʼnaviy savodxonligini yuqori darajada emas;
- ular xalq xalq ogʻzaki ijodiga doir adabiyotlardan bexabarlar;
- aksariyat ota-onalar xalq ogʻzaki ijodi materiallarining tarbiyaviy imkoniyatlariga yetarlicha baho bera olmaydilar;
- ayrim ota-onalar farzandi tarbiyasiga birmuncha beparvo qaraydilar.

Oilada folklor asarlari vositasida bolalarni maʼnaviy-axloqiy tarbiyalash uchun tarbiyachi ota-onalar bilan suhbat oʻtkazar ekan, ularni xalq ogʻzaki ijodi materiallari mazmunini sharhlash mexanizmi bilan tanishtirishga ahamiyat berishi lozim. Uning mazmunini quyidagicha tavsiflash mumkin:

Shu tariqa ma’naviy-axloqiy tarbiyaga yo‘naltirilgan folklor asarlari saralab olingach, ota-onalarning ulardan foydalanish, ular mazmunini anglash va bolalarga qiziqarli qilib yetkazishlariga erishish uchun quyidalarga ahamiyat qaratish zarur:

1. Ota-onalar bilan folklor asarlari mazmuni haqida suhbat tashkil etish.
2. Xalq og‘zaki ijodi asarlari tanlovini tashkil etish.

Masalan, maqollar xalq og‘zaki ijodi turlaridan biri sifatida o‘zining qadimiyligi, milliyligi, tarbiyaviy ta’sirchanligi bilan insoniyat barkamolligini ta’minlashda muhim o‘rin tutadi.

Maqollar mazmuni va mavzu doirasining nihoyatda serqirraligini nazarda tutib, uning tarbiyaviy imkoniyatlaridan kengroq foydalanish maqsadida ota-onalar va tarbiyachilar o‘z tarbiyaviy ishlar rejasiga muvofiq quyidagicha maqollar tizimini ishlab chiqishlari mumkin.

Pedagog-tarbiyachi maslahatiga asoslangan tarbiyaviy tadbirda ertak va masallarda qo‘llanilgan maqollar yuzasidan suhbatlar o‘tkaziladi. Bunda matn so‘ngida qissadan-hissa tarzida qo‘llanilgan maqollarning tarbiyaviy mazmuni haqida bolalar bilan suhbat-munozara o‘tkaziladi.

Yuqorilagilarga xulosa qilib ta’kidlash joizki, ta’lim-tarbiya jarayonida uzluksiz ravishda, turli o‘quv predmetlari hamda maktabdan tashqari tadbirlarda maqollardan oqilona foydalanish bola tarbiyasida juda muhim ahamiyat kasb etadi. Ta’lim-tarbiya jarayonida qo‘llaniladigan maqolning sifati, bolalarning yoshiga mos bo‘lishi, ta’limiy-tarbiyaviy ahamiyatga egaligiga ko‘ra saralab olinganligi kabilar ushbu jarayonda o‘ziga xos mezon vazifasini o‘taydi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. S.Nishonova «Komil inson tarbiyasi». – T: «Sharq», 2003 y.
2. N.Ravlova «Ilk yoshdagi bolalarga ta’lim-tarbiya berish».-T.: «O‘qituvchi», 2000 y.
3. Donishmandlar odob-ahloq to‘g‘risida. - T: «O‘qituvchi» 1998 y.
4. R.Usmonov «Hayot-ustoz, Xalq - muallim». - T: «O‘qituvchi», 1992 y.
5. Sh.Abdujalolova, A.Fitrat. «Oila va bola tarbiyasiga oid qarashlar». – T.: «Yozuvchi», 2002 y.

# UMUMTA’LIM MAKTABLARI O’QUVCHI-QIZLARINING IJTIMOIY FAOLLIGINI OSHIRISH USULLARI VA METODLARI

*Qurbonova Buzaynab*
*Nizomiy nomidagi TDPU “Pedagogika” kafedrasi o’qituvchisi*

**Annotatsiya:** maqolada umumta’lim maktablari o’quvchi-qizlarining ijtimoiy faolligini oshirish usullari va metodlari haqida bayon etilgan. Faollikni turli ko’rinishlari va tarbiyaviy ishlar jarayonida o’quvchi-qizlarning faolligini oshirish masalari yoritilgan.

**Аннотация:** В статье рассказывается о методах и методах повышения социальной активности учащихся общеобразовательных школы. Освещаются различные проявления активности и вопросы повышения активности учащихся-девочек в процессе воспитательной работы.

**Annotation:** the article describes the methods and techniques for increasing the social activity of students and daughters of secondary schools. The various manifestations of activity and the tables of increasing the activity of students and girls in the process of educational work are covered.

Jamiyatdagi takomillashish jarayonida yoshlar ijtimoiy faolligining ortishi dolzarb masala. Chunki yoshlarni to’g’ri yo’lga yo’naltirish har bir ziyoli insonning burchidir. Ma’lumki, jamiyat taraqqiyoti – ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy-huquqiy, ma’naviy-ma’rifiy, madaniy jihatlarni o’zida qamrab oladi. Jamiyatda yashovchi yoshlar ana shu sohalarning barchasida ijtimoiy faollik ko’rsatishi hayotiy zaruriyatdir. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev Oliy Majlisga Murojaatnomasida ta’kidlaganidek: “Mamlakatimizda olib borilayotgan keng ko’lamli islohotlar xalqimiz tomonidan qo’llab-quvvatlanmoqda. Bu o’zgarishlarning dastlabki natijalari aholimiz hayoti va kundalik turmushida o’zining yaqqol ifodasini topmoqda, el-yurtimizning ijtimoiy faolligi, ertangi kunga ishonchi o’sib bormoqda”.

Faollik, ijtimoiy va ilmiy bilim, huquqiy me’yorlar va majburiyatning mujassamlashuvi natijasi shaxsda ifodalanadi. Bu tarkiblarning sifati, ya’ni bilimlarni qay darajada o’zlashtirilganligi, ularning odatga aylantirilganligi faollikning namoyon

etish darajasini belgilaydi. Ijtimoiy hamda siyosiy psixologik nuqtai nazardan faollik: - yorqin ifodalangan faollik; - shunchaki ifodalangan faollik; - ifodalanmagan faollik kabi ko'rinishlarda namoyon bo'lishi mumkin[1].

Faollikni ifoda etishni nazariy jihatdan quyidagilarga ajratish mumkin: reproduktiv o'xshatuvchi-faollik (shaxsiy tajriba yetarli emasligi natijasida, tajriba orttiruvchi vosita sifatida ifodalanadi); izlanuvchi-ta'minlovchi faollik (amaliyotda yuqori faollik va erkinlik kuzatiladi); ijodiy faollik (bilish faolligining oliy darajasi)[2].

"Ijtimoiy faollik" keng qamrovli tushuncha bo'lib, u talaba yoshlarning ta'lim-tarbiya, ilm-fan sohasidagina emas, balki madaniyat, san'at, siyosat, huquq kabi sohalarda ham faol bo'lishini anglatadi. Demak, "ijtimoiy faollik" o'zining tub mohiyatiga ko'ra, kishilar jamiyat hayotining iqtisodiy, siyosiy, ma'naviy, sotsial va boshqa sohalardagi faolligini ifodalaydi. Bozor munosabatlari va yangicha dunyoqarash shaxsning ijtimoiy faolligi strukturasida ma'naviy-intellektual, ijtimoiy-siyosiy faollik yetakchi va hal qiluvchi element ekanligini ko'rsatdi.

"O'zbek tilining izohli lug'ati"da "Ijtimoiy faollik"ga shunday ta'rif berilgan: "Faollik mehnatda yoki biror harakatda, jarayonda jadallik, jonbozlik ko'rsatish, ishchanlik, ta'sirchanlik" dir. Yoshlarning ijtimoiy faolligini oshirishda jamiyat taraqqiyotiga daxldor bo'lgan barcha tashkilotlar va ijtimoiy harakatlar, tuzilma va sub'ektlar bab-baravar mas'ul hisoblanadi. Bunda, eng muhimi, aholining yoshlardan iborat qatlamiga xos bo'lgan qiziqish va intilish, orzu-umid, his-tuyg'u, maqsad va manfaatlarning mavjudligidir. Demak, ijtimoiy faollik shaxsning o'ziga xos qobiliyati ekan, guruh sharoitida tashkil etiladigan to'g'ri muloqot va samimiy muhit, bahs va tortishuvlarning omilkorona yo'lga qo'yilishi bunda katta tarbiyaviy ahamiyat kasb etadi. Umumta'lim maktablari o'quvchi-qizlarining ijtimoiy faolligini rivojlantirishda, ularda hayotga, milliy-madaniy merosimizga nisbatan faol munosabatni shakllantirish, ularning ma'naviy sog'lom, ruhan tetik rivojlanishi uchun ta'lim jarayonida zarur shart-sharoitlarni yaratish maqsadga muvofiq. Bu jarayonda esa insonning o'zligini anglashi muhim sanaladi. Chunki, inson o'zligini ro'yobga chiqarishi o'ziga bog'liq ekanligini qancha tez tushunib yetsa, u hayotga shunchalik chuqurroq qaraydi, oldiga muhim maqsadlar qo'yadi. Umumta'lim maktablari o'quvchi-qizlarini tarbiyalashda ular

ruhiyatiga o'z-o'zini anglash tuyg'ularini singdirish orqali ijtimoiy yetuklikka erishuvini ta'minlash muhimdir. Chunki, bu tuyg'u insonning ma'naviy shakllanishi jarayonida voyaga yetadi. O'quvchi-qizlarning ijtimoiy faolligini oshirishda ijtimoiy faollik elementlarini milliy qadriyatlarimiz orqali rivojlantirishda xalqimizning ko'p yillik ana'nalari, madaniyati, urf-odatlari, milliy bayramlari, boy qadimiy merosi o'zining alohida o'rni, ahamiyatiga ega.

Tarbiyaviy ishlar jarayonida o'quvchi qizlarning ijtimoiy faolligini oshirish, ularda milliy iftixor, milliy g'ururni shakllantirish va mustahkamlash zarur. Aqliy zakovat, ruhiy, ma'naviy kamolot, insofu diyonat, muruvvat, mehr-oqibat – bular barchasi ma'rifatli, ma'naviyatli insonlarning asosiy fazilatlari sanaladi. Ana shu fazilatlarni o'quvchi qizlarimizda shakllantirish bugungi kunning muhim vazifasidir. Hozirgi globallashuv jarayonida hayoli, iboli, odobli, intizomli, mas'uliyatli, sabr-bardoshli, diyonatli, vijdonli, iymonli, e'tiqodli, bag'rikeng, insonparvar, ijtimoiy faol va shu kabi oliyjanob fazilatlar egasi bo'lgan yoshlargina yashash uchun zarur bo'lgan barcha qulayliklarni vujudga keltirishga qodir bo'la oladilar. Ijtimoiy taraqqiyotning demokratik rivojlanish jarayoni shaxsning o'z-o'zini anglashi, qadr-qimmatini qay darajada e'zozlashi, jamiyat uchun xizmat qila olish imkoniyati va harakatlariga ham bevosita bog'liq. Bularning barchasi shaxsning ijtimoiy faolligi bilan bog'liq. Yoshlarning ijtimoiy faollashuvi, deganda ularning ijtimoiy jarayonlarda ongli ravishda, mustaqil ishtirok etishlari, zarur bo'lganida, ijtimoiy munosabatlarni o'zgartirishga tashqaridan bo'ladigan bosimsiz ko'maklashishga intilishlari tushuniladi. Mas'uliyat ijtimoiylashuv jarayonida shaxsning yetukligini belgilovchi muhim ko'rsatkichlardan sanaladi. Ijtimoiylashuvning mas'uliyat hissiga bog'liq yo'nalishlaridan yana biri shaxsda shakllanadigan maqsad va ideallardir. Ular shaxsni kelajakni bashorat qilish, ertangi kunini tasavvur qilish va uzoq-yaqinga mo'ljallangan rejalarni amalga oshirishga tayyorligini ta'minlaydi. Maqsad va rejasiz inson ma'naviyatsiz pessimistdir. Bu maqsad doimo o'zining anglanganligi va shaxs real imkoniyatlariga bog'liqligi bilan xarakterlanadi. Ularning shakllanishi va ongda o'rnashishida ma'lum ma'noda ideal ham ro'l o'ynaydi.

O’quvchi qizlar intellektual kamolotini yuksaltirish uchun istiqbolda qaysi omillarga e’tibor qaratish maqsadga muvofiq? Birinchidan, o’quvchi qizlarning erkin fikrlashiga ahamiyat berish, ularni qiziqqan fan sohalariga ilmiy-ijodiy yo’naltirish; ikkinchidan, o’quvchi qizlarning bo’sh vaqtlarini samarali tashkil etish, ilmiy salohiyatli o’quvchi qizlarni turli tanlov, olimpiada, ko’riktanlovlarda qatnashishlariga ko’maklashish; uchinchidan, o’quvchi qizlarda yangicha tahlil qilish qobiliyatini, tizimli tahlil va falsafiy tafakkur ko’nikmalarini rivojlantirish maqsadida o’qitishning innovatsion tizimiga o’tish, o’quv jarayonida olingan bilimlarni mustahkamlash va amaliyotda qo’llashga sharoit yaratish; to’rtinchidan, o’quvchi qizlarni faol yaratuvchanlik faoliyatiga keng jalb etish, respublika va xalqaro miqyosda o’tkaziladigan tanlovlarda dolzarb va istiqbolli innovatsion loyihalar bilan ishtirok etishlariga yordamlashish kabilarga jalb etish maqsadga muvofiqdir.

## Adabiyotlar:

1. Egamberdiyeva N.M. Ijtimoiy pedagogika. Darslik.T.2009

2.Mavlonova R.A., Voxidova N.X., Ijtimoiy pedagogika. O’quv qo’llanma.T.: Istiqlol 2009.

3. Saliyeva Z. Ijtimoiy pedagogika. O’quv qo’llanma. T.: Adabiyot uchqunlari. 2019

4. Галагузова М.А. История социалной педагогики. Учебное пособие.М. Владос. 2000.

5. В.Утёмов, М.Зиновкина, П.Горев. Креативная педагогика. – М., “Юрайт”. 2019

# INNOVATSION TARBIYA TEXNALOGIYALARI ASOSIDA TALABALARNI TARBIYAVIY FAOLIYATGA TAYYORLASH SAMARADORLIGI

*Qurbonova Buzaynab*
*Nizmoiy nomidagi tdpu Pedagogika kafedrasi o'qituvchisi,*

*Mullaboyeva Diyoraxon Soib qizi*
*Pedagogika va psixologiya magistratura mutaxassisligi 2-kurs magistranti*

**Annotatsiya:** mazkur maqola talabalarning tarbiyaviy faoliyat jarayoniga kirishishida innovatsion tarbiya texnologiyalarning tutgan o'rni haqida fikr-mulohazalarga bag'ishlangan bo'lib, bu sifatlarni tarbiyalash jarayonida qanday bilim, ko'nikma va malakalarga ega bo'lishlari mumkinligi qayd etiladi. Bundan tashqari ushbu maqola orqali innovatsion tarbiya texnologiyalari asosida talabalarni tarbiyaviy faoliyatga tayyorlash modeli texnologiyasining samaradorligini tekshirish maqsadida shakllantiruvchi to'ldirilib boriladigan bir butun tizimga ega ekanligi haqidagi ma'lumotlarni ham bilib olishi mumkin.

**Kalit so'z va iboralar:** Innovatsion tarbiya texnologiyalari, ma'naviy-axloqiy sifatlar, maqsad, ijodkor, mustaqil fikr, komil inson, estetik.

**Аннотация:** Данная статья посвящена обратной связи о роли инновационных образователных технологий во вступлении учащихся в процесс образователной деятелности, в ней отмечается, какими знаниями, умениями и навыками они могут обладат в процессе воспитания этих качеств. Кроме того, посредством данной стати можно узнат информатсию о том, что в целях проверки эффективности моделной технологии подготовки обучающихся к образователной деятелности на основе инновационных технологий воспитания, формообразовател располагает целой системой дополнений.

**Ключевые слова и термины:** Инновационные образователные технологии, духовно-нравственные качества, цел, творчество, самостоятелное мышление, совершенный человек, эстетика.

**Abstract:** This article is devoted to feedback on the role of innovative educational technologies in the introduction of students in the process of educational activity, it is

noted What knowledge, skills and abilities they can acquire in the process of educating these qualitiesIn addition, through this article, one can also find out the information that, on the basis of innovative educational technologies, the formative has a single whole system, which is replenished with the aim of checking the effectiveness of the technology of the model for preparing students for educational activities.

**Keywords and terms:** Innovative educational technologies, spiritual and moral qualities, goal, creativity, independent thinking, perfect person, aesthetics.

Zamonaviy jamiyatimizda bugungi kunda innovatsiya, innovatsion texnologiya kabi tushunchalar noaniq tushunchalar emas. Xuddi shular kabi **innovatsion tarbiya texnologiyalari** iborasi ham biz uchun yangilik emas. Pedagogika sohasida tahsil olayotgan talabalarni tarbiyaviyaviy faoliayatga tayyorlashda bu innovatsion tarbiya texnologiyalariga o‘rinli ravishda murojaat qilinmoqda. Ushbu murojaatdan ko‘zlangan maqsad shuki, innovatsion tarbiya texnologiyalari asosida talaba-yoshlarni ma’naviy-axloqiy sifatlarini tarbiyalash jarayonida ayrim bilim, ko‘nikma, malakalarini ham shakllantirishdir. Quyida ayni shu xususida mulohaza yuritamiz.

Hozirgi vaqtda ta’lim sifatini oshirish uchun amalga oshirilayotgan amaliy ishlar safida innovatsion ta’lim texnologiyalari bilan bir qatorda innovatsion tarbiya texnologiyalari ham baravar xizmat qilmoqda. Aynan innovatsion tarbiya texnologiyalarining talabalar tarbiyaviy faoliyatga kirishishlarida tutgan o‘rni o‘zgacha ahamiyat kasb etadi. Innovatsion tarbiya texnologiyalari talabalarni tarbiyaviy faoliyat jarayoniga tayyorlashning sifatini oshirishda ham asosiy yo‘nalishlardan biri bo‘lmoqda.

Jamiyatning rivojlanishi, yangi turmush sharoitlari, qarashlari, madaniyatlari, bilimlari va texnologiyalari, yangi rivojlanish imkoniyatlari hamda o‘zini o‘zi anglash shakllariga ochiqlik jarayonlari bilan bog‘liqligi sababli, bu ta’lim jarayonida yangicha innovatsiyalarni ishlab chiqish va faol foydalanishni taqazo etmoqda. Shu boisdan ham pedagogik amaliyotda innovatsion tarbiya texnologiyalaridan unumli foydalanish o‘qitishning intensivligini, bilimlarni o‘zlashtirish darajasini, umumiy madaniy va kasbiy kompetensiyalarni shakllantirish darajasini yanada orttirishga, motivatsiya va qiziqishni yuksaltirishga, ko‘nikmalarni rivojlantirishga yordam beradi. Tarbiya – inson

shaxsi ma’naviy qiyofasini shakllantirishga qaratilgan say – harakatlar tizimidir. Tarbiya – keng ma’noda u yoki bu sifatlarning yoki ijtimoiy guruhlarning maqsadlariga muvofiq odamlarning yangi avlodlariga avval avlodlarning ijtimoiy – tarixiy tajribasini uzatish vositasi bilan jamiyatning rivojlanishini ta’minlovchi vazifasi. Tarbiyalashning tor ma’nosi – ijtimoiy institutlar doirasida va ta’sirida ijtimoiy amaliyotning har bir doirasidagi hayotiy faoliyatiga, ijtimoiy vazifalarni va rollarni bajarishga tayyorlash maqsadida shaxsni ongli, maqsadga yo‘naltirilgan, muntazam shakllantirish jarayoni.

Tarbiya inson shaxsini shakllantirish, uning ijtimoiy, siyosiy, madaniy, ma’rifiy hayotida faol ishtirokini ta’minlashga qaratilgan barcha ta’sirlar, tadbirlar, harakatlar, intilishlar majmuini anglatadi. Tarbiya nafaqat oila, ta’lim muassasasi, talaba va yoshlar tashkilotlarida olib boriladigan jarayonlar bo‘libgina qolmay, uning etakchi g‘oyalari ommaviy axborot vositalari, gazeta va jurnallar orqali singdirilgan mafkurani ham o‘z ichiga oladi. Zero, tarbiya ta’limga nisbatan kengroq bo‘lgan tushunchadir. Bunday tarbiyaning oila va tarbiyaviy muassasalar hamda jamoat tashkilotlari tomonidan amalga oshirilishini nazarda tutadi. Innovatsion tarbiya texnologiyalari asosida talaba-yoshlarda ma’naviy-axloqiy sifatlarni tarbiyalashda doimiy o‘zgarib turadigan jamiyat talablaridan kelib chiqqan holda, to‘ldirilib boriladigan bir butun tizimga ega desak bo‘ladi.

Innovatsion tarbiya texnologiyasi bu — pedagogik metod, usul va vositalarni rejali hamda kutilgan natijalarga erishish yo‘lida imkoniyatlar safini kengaytiradigan, shaxsga va jamoaga aniq ta’sir ko‘rsatadigan jihatlarni ham tanlash uchun tizimdir. Bu tarbiyach-o‘qituvchining o‘quvchilar bilan bog‘liq amaliy faoliyatni to‘g‘ri shaklda tashkil qilish va boshqarish borasidagi ko‘nikma, malakalarga ega bo‘lishidir. Innovatsion tarbiya texnologiyalariga murojaat natijasida talabalarning tarbiyaviy faoliyatni tashkil qilish ishlarida uyushqoqlik bilan o‘tkazadigan tadbirlari ham ahamiyatlidir. Bu bilan o‘quvchilar va tarbiyalanuvchilarning aqliy rivojlanishini, bilish tafakkurini, kasb tanlashga nisbatan qiziqishini, erkin fikrlashini, o‘z fikr-mulohazalarini hech qanday qo‘rquvsiz, cho‘chimasdan to‘g‘ri tassavur ila bayon eta olish tushunchalarini shakllantirishda yordam beradi.

– Tarbiyachi-o‘qituvchining innovatsion faoliyati davomida har bir o‘quvchi alohida yondashuvni topish, o‘quvchi iste’dodida namoyon bo‘ladigan holatlarda uning faolligini oshirishga qarat iladi. Tarbiyach-o‘qituvchi tomonidan uyushtiriladigan tarbiyaviy tadbirlar shuning uchun ham katta ahamiyat kasb etadi. Ammo buni shunchaki tashkil etib bo‘lmaydi, balki bu jarayonda ma’lum talablar mavjud. Bular: tarbiyaviy tadbirlar hech qachon tasodifiy bo‘lmasligi va albatta, har bir tadbir jarayoniga puxta tayyorgarlikni ko‘rish lozim bo‘ladi muammoning pedagogika fanida ishlanganlik darajasi o‘rganildi;

– mavzu yo‘nalishidagi ilmiy-metodik adabiyotlar, mamlakatimizda va xorijda olib borilgan tadqiqot ishlari o‘rganiladi, tahlil qilinadi;

– innovatsion tarbiya texnologiyalari asosida talabalarni tarbiyaviy faoliyatga tayyorlashmazmuni, omillari, imkoniyatlari o‘rganildi, tadqiqotning asosiy nazariy tushunchalari tahlil etiladi va ularning o‘ziga xosligi hamda o‘zaro aloqadorligi, tadqiqotning tushunchalar apparati aniqlashtirildi;

– pedagogik eksperimentning qayd etuvchi va shakllantiruvchi bosqichlari mazmuni va metodikasi ishlab chiqiladi.

Xulosa o‘rnida aytish joizki, o‘quvchilar va bolalar o‘rtasidagi munosabatlarga mohirlik-la rahbarlik qila olish uchun tarbiyachi jamoaning va jamoatchiliklar ziddiyatlarini ham bilishi kerak. Bunday ziddiyatlarning barham topishi tarbiyachi shaxsi, uning tarbiyalanuvchilar bilan yaqin munosabatlariga ham uzviy bog‘langan. Haqiqiy mahoratga ega tarbiyachi-o‘qituvchi bundaying ziddiyatlarni bartaraf eta olishida o‘quvchilar jamoasi, o‘quvchilar o‘zaro munosabatlarining kuchidan unumli foydalanishni biladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:**

1. Tolipov O‘, Usmonboyeva M. Pedagogik texnologiyalarning tadbiqiy asoslari.- T.:2005.

2. Хожиева, З. У. (2016). Гуманизации дидактических отношений между учителем и учащимся в современном образовании.

3. Yo'ldoshev J.G'., Usmonov S. Ilg'or pedagogik texnologiyalar. — T.: O'qituvchi, 2004.

# XOTIN-QIZLAR TA'LIMIGA OID PEDAGOGIK TA'LIMOTLARNING ILMIY-NAZARIY ASOSLARI

*Saidova Barno Narzullayevna*
*Nizomiy nomidagi TDPU "Pedagogika" kafedrasi dotsent v/b., p.f.f.d (PhD)*

**Annotatsiya:** Mamlakatimiz ta'lim muassasalarida O'rta Osiyo xalqlarining o'tmishini o'rganish va unda ayollarning tutgan o'rni, maqomi va albatta ma'rifati darajasini aniqlash o'sha davrning madaniyati va ma'naviyati darajasini ham belgilashga zamin yaratadi. Shu o'rinda, bugungi O'rta Osiyo ayolining jahon miqyosida topayotgan shuhrati, ularning ilm sohasida, iqtisodiyot, ma'naviy-ma'rifiy sohada qilayotgan mehnatlari, yurt taraqqiyotiga qo'shayotgan sezilarli hissalarini alohida ta'kidlab, ayollarning o'tmishda ham shunday ajdodlari borligini faxr va g'urur tu'yg'usiga aylantirish bugungi kun pedagoglari oldida turgan eng muhim vazifadir.

**Tayanch so'z va iboralar:** jamiyatning madaniy darajasi, ma'naviy meros saboqlari, insoniyat tarixi, an'anaviy qo'shiqlar, konseptual yondashuvlar, vatanparvarlik tuyg'ulari.

**Аннотация:** Изучение прошлого народов Средней Азии в учебных заведениях нашей страны и определение в нем места, статуса и, конечно же, уровня просвещенности женщин создает основу для определения уровня культуры и духовности этого время. В этом месте, подчеркивая известность сегодняшних среднеазиатских женщин в мировом масштабе, их работу в области науки, экономики, духовно-просветительской сферы, их весомый вклад в развитие страны, женщин в прошлом вносящих присутствие Таким предкам чувство гордости и гордости является важнейшей задачей, стоящей перед сегодняшними педагогами.

**Ключевые слова и фразы:** культурный уровень общества, уроки духовного наследия, история человечества, народные песни, концептуальные подходы, патриотические чувства.

**Annotation:** The study of the past of the peoples of Central Asia in the educational institutions of our country and the determination of the place, status and, of course, the level of enlightenment of women in it creates the basis for determining the level of culture and spirituality of this time. In this place, emphasizing the fame of today's Central Asian women on a global scale, their work in the field of science, economics, the spiritual and educational sphere, their significant contribution to the development of the country, women in the past who have made the presence of such ancestors a sense of pride and pride is the most important task facing today's educators.

**Key words and phrases:** cultural level of society, lessons of spiritual heritage, human history, folk songs, conceptual approaches, patriotic feelings.

Insoniyat tarixining guvohlik berishicha, jamiyatning madaniy darajasi va ma’naviy barkamolligi ayollarga bo‘lgan munosabat bilan belgilanadi. Ming yillar davomida O‘rta Osiyo hududida ayollar hurmat va e’zozda bo‘lishgan bo‘lsa-da, ammo turli ob’ektiv va sub’ektiv omillar bois, o‘tmish haqidagi ma’lumotlarni ifoda etadigan tarixiy manbalarda, Sharq ayoli o‘tmishda qoloq hayot tarzi girdobida umr kechirgan, degan xulosalar o‘rin olgan edi. Shunday tasavvurlarning ildiz otishiga sabab bo‘lgan holatlardan biri, o‘zimizda haqiqiy manzarani tadqiq etishdagi hafsalasizlik hisoblanadi desak, mubolag‘a bo‘lmaydi. Hozirgacha uzoq asrlar davomida ayollarning jamiyatdagi o‘rni etarlicha o‘rganilgani yo‘q. Turli fanlar olimlari tomonidan tarixiy qo‘lyozma asarlar, moddiy yodgorliklar va boshqa manbalar orqali bu muammoni tadqiq qilishlari bugungi rivojlanish bosqichining dolzarb vazifasidir.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 2 fevraldagi "Xotin-qizlarni qo‘llab-quvvatlash va oila institutini mustahkamlash sohasidagi faoliyatni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida"gi Farmoni[1] bugungi kun xotin-qizlarining jamiyatdagi o‘rni va nufuzining ko‘tarilishi hamda ularning xuquq-erkinliklarini ta’minlashga xizmat qiladi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 5 martdagi PQ-5020-sonli “Xotin-qizlarni qo‘llab-quvvatlash, ularning jamiyat hayotidagi faol ishtirokini ta’minlash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”[2] gi Qarori,

“Yoshlarni qo‘llab-quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili” Davlat dasturi ham yurtimizda bu masalaning dolzarb masala ekanligini ko‘rsatib beradi.

Mustaqillikni qo‘lga kiritishimiz nafaqat erkinligimizni, balki tariximizni ham qayta tiklash va uni borligicha o‘rganish, buyuk ajdodlarimiz qoldirgan ma’naviy merosimizni kelgusi avlodlarimizga taqdim etish imkoniyatini yaratib berdi. Bugungi kun tarixchi va pedagog olimlarimiz izlanishlar natijasida tarixda erkaklar singari xotin-qizlar ham sezilarli iz qoldirganligini ilmiy asoslashga harakat qilmoqda, ularning ochilmagan qirralarini, o‘rganilmagan jihatlarini ilmiy talqin etish bilan birgalikda ta’lim mazmuniga singdirish hamda ilmiy manbalarni o‘rganish asosida darslik, qo‘llanma va metodik tavsiyanomalar yaratishi zaruratga aylanmoqda.

Madaniyat va ma’rifat doirasida ayollarning ta’lim ko‘rsatkichlarini tahlil qilish pedagogika tarixini yoritishda juda katta ahamiyatga molikdir. Zero, hozirgacha ayollar ta’limi rivojlanishining barcha bosqichlarini qamrab olgan yaxlit, keng qamrovli, fundamental tadqiqotlar mavjud emas. Qolaversa, qadimgi Sharq ayollari hayoti, ta’lim va tarbiyasining eng qadimiy bosqichlari haqida esa, ma’lumot juda kam. Vaholanki, Sharq ayollari qadim zamonlardan boshlab ta’lim va tarbiya sohasida o‘ziga xos an’analarga ega bo‘lganliklariga taxminlar qilish uchun tarixiy ma’lumotlar, arxelogik topilmalar va boshqa birlamchi manbalar anchagina yig‘ilgan. Ushbu rivojlanish dialektikasi ayollar ta’limi tarixining pedagogik jihatlari umumiy pedagogikaning ajralmas qismi hisoblanib, O‘rta Osiyo xalqlariga tegishli ma’lumotlari fan tomonidan hamon to‘liq o‘rganilmagan.

Mavjud manba va adabiyotlarda pedagogik va tarixiy yo‘nalish tadqiqotchilari tomonidan masalaning ba’zi jihatlari ko‘rsatib o‘tilgan bo‘lsa-da, alohida mavzu sifatida o‘rganish ob’ektiga aylantirilmagan. Ilmiy va ilmiy–ommabop adabiyotlarning aksariyati shu paytgacha ayollar ta’lim jarayonining erkaklarnikidan tubdan farq qiladigan xususiyatlarini aniq tavsiflamay turib, umuman u yoki bu ta’lim yo‘nalishini o‘rganishga to‘xtalib o‘tishgan. Sharq ayollarining savodxonligi va ma’lumoti to‘g‘risidagi axborotlar turli xil manbalarda tarqalgan, biroq ularning aksariyati tizimlashtirilmagan holda uchraydi.

Bugungi zamon rivojlanish manzarasiga nazar tashlansa, unda albatta oʻtmish tajribasi, ajdodlarimiz qoldirilgan boy maʼnaviy meros saboqlari, albatta, oʻzining oʻrniga ega ekanligini koʻrish mumkin. Shu maʼnoda, bugungi taʼlimning oʻtmishdagi mazmun-mohiyati, jamiyat hayotidagi oʻrni va eng muhimi qadim zamonlarda ayollar taʼlimiga boʻlgan eʼtibor, ehtiyoj qanday ekanligi, ilm doirasida katta ahamiyat kasb etmoqda.

Maʼlumki, azaldan ayollar eng yaxshi anʼanaviy qoʻshiqlar, goʻdaklar uchun hikoyalar, ertak va afsonalar, hatto kichik sheʼrlar va boshqa xalq ogʻzaki ijodi namunalarini avloddan-avlodga oʻtkazishda asosiy va jonli vosita boʻlishgan. Oʻsib kelayotgan bolalarda axloqiy va vatanparvarlik tuygʻularini tarbiyalashda esa, ibratli hikoyalar, rivoyatlar alohida taʼsirli kuchga ekanligi barchaga ayon. Qolaversa, oila hamisha bolalarni yoshligidan milliy urf-odatlar asosida tarbiyalagan. Binobarin, ushbu tadqiqotda Oʻrta Osiyo hududida qadimgi zamonlarda ayollarning taʼlimi borasidagi maʼlumotlarni oʻrganib, umumlashtirib, ilmiy xulosalar taqdim etilishi nazarda tutilgan.

Ushbu ilmiy muammoning dolzarbligidan kelib chiqib, mazkur ilmiy tadqiqotda birinchi marotaba Oʻrta Osiyodagi ayollarining qadimgi zamonlardan boshlab taʼlim va tarbiyasi masalalarinining pedagogik jihatlari tizimli oʻrganildi. Shuni taʼkidlab oʻtishimiz kerakki, ushbu tadqiqot ishining obʼekti va maqsadiga koʻra, biz asosan XX asrning 20-yillarigacha boʻlgan muddatni oʻrgandik.

Qadimgi davrlarda uchta qitʼa - Yevropa, Afrika va Osiyo hududlarini birlashtirgan bugungi sharqiy mamlakatlarning ulkan hududida turli xalq va elatlar, din va madaniyat vakillari hayot kechirib, insoniyat tamaddunida oʻchmas iz qoldirgan. Ular jumlasida, tarix sahifalarida turli nomlar bilan muhrlangan Oʻrta Osiyo geografik birligida yashab kelgan xalq va millatlar ham boy madaniy va maʼnaviy meros yaratuvchilari sifatida dunyo hamjamiyati tomonidan eʼtirof etilgan. Bizning davrimizda Oʻrta Osiyo hududida juda koʻp umumiyliklarga ega boʻlgan xalqlar yashaydi va ushbu mustaqil mamlakatlar Oʻzbekiston, Qozogʻiston, Qirgʻiziston, Tojikiston va Turkmanistondir.

Ushbu hududda millatlar va elatlarning koʻp asrlik birga yashashi ularning pedagogik merosini boyitishga olib keldi. Ularning barchasi uchun maʼnaviy boylik,

milliy qadriyatlar, axloq va odob masalalari hamisha hayotiy ahamiyatga ega boʻlgan. Oʻzbek, qozoq, qirgʻiz, tojik va turkman tillarida soʻzlashadigan koʻplab xalqlarning vakillari oʻtmishda oʻzlarining adabiy va ilmiy asarlarini hatto turkiy, arab va fors tillarida ham yozganlar.

Jahon tarixi sahifalarida ta'limning boshlanishi Qadimgi Sharq mamlakatlarida paydo boʻlganligi haqida ma'lumotlar koʻp. Ayniqsa, eng qadimgi Sharq tarixida birinchi ta'lim muassasalari Mesopotamiya shaharlarida miloddan avvalgi III ming yillikda paydo boʻlganligi borasida ilmiy dalillar keltirilgan. Biroq, barcha tarixiy manbalar va ulardagi faktlar tarixiy yondashuv asosida oʻsha davrlardagi ta'lim jarayonini savodli odamlarning xoʻjaligi va madaniyatli turmushini tashkil etish ehtiyojlaridan kelib chiqqani bilan bogʻlab talqin etiladi. Ushbu jarayonda, ya'ni ta'limning vujudga kelishi, uning tadrijiy rivojlanishida pedagogik omillar qanday shakllangan, qanday takomillashtirilganligi esa aniq ilmiy muammoga aylanmagan. Vaholanki, tarixning har bir hodisa voqealaridan saboq olishning oʻzida allaqachon pedagogik omillar mavjud.

Oʻrta Osiyo pedagogikasi tarixining XIX-asr oxiri – XX-asr boshlaridagi davrida ma'rifatchi, shoira, olima va tarixshunos ayollarga bagʻishlangan yorqin sahifalar juda koʻp. Biroq, ularning deyarli barchasi uchun xarakterli boʻlgan bir syujet koʻzga tashlanadi, ya'ni aksariyatining hayoti va faoliyati obroʻsizlantirish boʻroni hamda mashaqqatlari sinvolardan oʻtadi va hatto koʻpincha fojiali tarzda tugaydi.

Tabiiyki, zamon zayli sabab, qat'iy shariat va odat qonunlarining hukmronligi bois oʻsha davrlarda musulmon ayoli, masalan, evropa ayoliga tenglasha olmasdi yoki jamiyatda evropalik ayol singari maqomga ega boʻlolmas edi. Shunga qaramasdan, ayollar ijtimoiy hayotda ishtirok etish uchun shujoat bilan kirib kelishdi. Musulmon ayoli bilimga intilish namunasini, erkinlikga ega boʻlish uchun harakat ibratini, adolatsizlikka qarshi kurashish misolini hayotiy amallar bilan namoyish etib, shu bilan birga farzandlarini tarbiyalagan, ijod bilan shugʻullangan. Demak, ma'rifatparvar ayollarning ta'lim-tarbiyani qoʻllashdagi oʻrinlarini oʻrganish bugungi kunda dolzarb ahamiyat kasb etadi.

## Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 27 iyundagi PQ-3808-sonli "O'zbekiston Respublikasida oila institutini mustahkamlash konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi Qarori // O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2018 y.

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 5 martdagi PQ-5020-sonli "Xotin-qizlarni qo'llab-quvvatlash, ularning jamiyat hayotidagi faol ishtirokini ta'minlash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" gi Qarori // O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2021 y.

3. Salaeva M.S.,O'zbek pedagogikasi tarixini davrlashtirishning nazariy – pedagogik asoslari. Avtoreferat 2019 y.

4. Аминова Л.Я. История женского образования в Башкирии. Вторая половина ХИХ – начало ХХ века: Монография, – Уфа: РИО РУНМС МО РБ, 2005. – 186 б.

5. Арипов М. (Орифи). Из истории педагогической мысли таджикского народа. Част И (ИХ – ХИ) вв.), Душанбе, "Ирфон", 1962. – 162 б.

6.Бартолд В.В. Сочинения. Том ИИ, част 1. – М.: «Издателство Восточной литературы», 1963 – 1020 б.

7. Бартолд. Сочинения. Том ИИ, част 2. М.: «Наука», 1964. – 658 б.

# ABDULLA AVLONIYNING PEDAGOGIK ME'ROSI VA DIDAKTIK QARASHLARINING TA'LIMIY TARBIYAVIY AHAMIYATI

*Samatova Iroda*
*Nizomiy nomidagi TDPU Pedagogika kafedrasi o'qituvchisi*

**Annotatsiya**: Ushbu maqolada Abdulla Avloniyning pedagogik me'rosi hamda didaktik qarashlarining ta'lim tarbiyadagi o'rni va ahamiyati yoritib berilgan. XX asr boshlarida O'zbekistonning ijtimoiy-siyosiy hayotida pedagogik fikrlarning rivojida Abdulla Avloniy alohida o'rin egalladi, butun faoliyati davrida u o'z xalqiga xizmat

qiladigan komil insonni yetishtirish, uning ma'naviyatini shakllantirishga alohida e'tibor berdi.

**Аннотация:** В этой статье подчеркивается роль и значение педагогического наследия и дидактических взглядов Абдуллы Авлони в образовании. В начале 20 века Абдулла Авлони занимал особое место в развитии педагогических идей в общественно-политической жизни Узбекистана, на протяжении всей своей деятельности уделял особое внимание воспитанию совершенного человека, который бы служил своему народу , и формирование его духовности.

**Annotation:** This article emphasizes the role and importance of Abdullah Avloni's pedagogical heritage and didactic views in education. At the end of the 20th century, Abdulla Avloni was interested in a special place and development of pedagogical ideas and social and political life in Uzbekistan, and he paid special attention to the education of a perfect person who served his nation and formed his own spirituality.

O‘zbekiston prezidenti Shavkat Mirziyoyev ilk bor Toshkentdagi Xalqaro Kongress markazida 2020-yili bo‘lib o‘tgan 1- oktabr bayramiga bag‘ishlangan tantanali yig‘ilishda ishtirok etdilar. Tadbirda o‘qituvchilar va murabbiylar, olimlar, parlament va hukumat a’zolari ishtirokida XIX asr oxiri — XX asr boshida yashagan jadidlar Abdulla Avloniy (1878−1934), Mahmudxo‘ja Behbudiy (1875−1919) va Munavvarqori Abdurashidxonov (1878−1931) O‘qituvchi va murabbiylar bayrami munosabati bilan imzolangan farmonga muvofiq, xalq ozodligi va farovon hayotini ta’minlash yo‘lida fidokorlik ko‘rsatib, milliy ta’lim va tarbiya tizimini yaratishga beqiyos hissa qo‘shgani uchun «Buyuk xizmatlari uchun» ordeni bilan taqdirlandi. Ta’kidlash joizki, ushbu bayram ilk bor davlat rahbari ishtirokida o‘tyapti. Bu – ta’lim va tarbiya masalasi alohida ustuvor yo‘nalish darajasiga ko‘tarilganining yaqqol dalili. “ Biz har birimiz hayotda qanday muvaffaqiyat va natijalarga erishgan bo‘lsak, bu yutuqlarda sizlarning beqiyos hissangiz borligini doimo minnatdorlik bilan e’tirof etamiz,” – dedi Shavkat Mirziyoyev tadbirga yig‘ilgan o‘qituvchi va ziyolilarga murojaatini boshlar ekan. Prezident tarixga nazar solib, IX-XII asrlarda yurtimiz

hududida birinchi, XV asrda ikkinchi Renessans porlaganini ta'kidladi.Ko'pchilik ziyolilar qatorida men ham bir fikrni hamisha katta armon bilan o'ylayman: mamlakatimizda uchinchi Renessansni XX asrda ma'rifatparvar jadid bobolarimiz amalga oshirishlari mumkin edi. Ular "Ilmdan boshqa najot yo'q va bo'lishi ham mumkin emas", degan hadisi sharifni hayotiy e'tiqod deb bildilar, - deya ta'kidladi Prezident.Avloniy maktabi gumanistik va erkin tarbiya asosiga qurilgan, dunyoviy va ilg'or ilm-fanni bolalarga o'rgatishni o'z oldiga asosiy vazifa qilib qo'ygan, yoshlarni mamlakatning ijtimoiy-siyosiy hayotiga aralasha olish qobiliyatiga ega bo'lishini ta'minlaydigan haqiqiy xalq maktabi bo'ldi. Axloqiy didaktik mazmundagi "Turkiy Guliston yoxud axloq" darsligi (1913) XX asr boshlari ijtimoiy pedagogik fikr taraqqiyotida alohida o'rin egalladi. Unda tarbiya va axloq masalalari birinchi marotaba XX asrning talab va ehtiyojlari nuqtai nazaridan tahlil qilingan. Avloniy xulqlarni an'anaviy yaxshi va yomonga ajratar ekan, mulohazalarini Gippokrat, Platon, Aristotel, Sa'diy Sheroziy, Bedil fikrlari bilan dalillagan holda zamonaviylikni asosiy mezon qilib oladi. Adib Vatan muhabbatini uning uchun kurashmoqni eng yaxshi insoniy xulqlardan hisobladi. Vatan – bu har bir kishining tug'ilib o'sgan shahar va mamlakati. Uni qadrlamoq, sevmoq, yashartmoq kerak. Shoir Vatan va unga muhabbat deganda shuni tushungan edi. Tilga, madaniyatga muhabbat esa, har bir kishining o'z xalqiga bo'lgan muhabbatidir: "Har bir millatning dunyoda borlig'ini ko'rsatadurgon oyinai hayoti til va adabiyotidir. Milliy tilni yo'qotmak millatning ruhini yo'qotmakdur"- degan edi ma'rifatparvar olim.

Abdulla Avloniyning pedagogik qarashlari bugungi kunda o`zbek milliy maktabini o`rganishga qiziqish ortib bormoqda. U insonga xos xulqni ikkiga – yaxshi va yomonga ajrata-di. "Yaxshi xulqlar yaratishda muhim ahamiyat kasb etadi. Avloniy ijodiy merosini chuqur" deb nomlangan birinchi qismida u 31 fa-zilat, "Yomon xulqlar" deb atalgan ikkinchi qismda esa 20 il-latga ta`rif beradi. O`z mulohazalarini dalillash uchun Qur-`on oyatlari va hadislardan, shuningdek, Arastu, Suqrot, Ibn Sino, Sa`diy, Mirzo Bedil singari mashhur mutafak-kirlarning fikrlarini keltiradi. Har bir axloqiy kategoriyaga o`z munosabatini bildirgach, o`sha fikrning mazmunini ifodalovchi bayt yo biror maqol-hikmat ilova qiladi.

Avloniy “axloq ulamosi”ning qarashlari asosida insonlarning xulqlarini yaxshi va yomon xulqlarga ajratadi, bunga ularning nafs tarbiyasini asos qilib oladi. U yaxshi xulqlarga fatonat, nazofat, shijoat, intizom, vijdon, vatanni suymak kabi fazilatlarni kiritsa, g`azab, shahvat, jaholat, safohat kabi illatlarni yomon xulqning belgilari deb biladi. Avloniyning ma`rifatparvarlik va milliy uyg`onish g`oyalarini kuylagan dastlabki she`rlari o`zbek milliy uyg`onish davri adabiyotining hamisha bebaho mulki bo`lib qoladi. U bu turkumga mansub she`rlarida o`zbek mumtoz adabiyotidagi she`riy shakllarni katta ijtimoiy mazmun, ma`rifatparvarlik g`oyalari, hajviy ruh va xalqona ohanglar bilan boyitdi.

Xulosa o’rnida yuqorida mutafakkirlarimiz tamonidan aytilgan barkamol shaxs tarbiyalashda avvalo tarbiya shaklanishida ota-ona, inson yashayotgan atrof-muhit, milliy, diniy qadriyatlar, ta’lim, jamiyatdagi insonparvarlik va adolatparvarl ik siyosati muhim ahamiyatga ega Abdulla Avloniy nafaqat pedagogika, balki, adabiyot, jurnalistika, teatr sohalarining rivojiga katta hissa qo’shgan, shu bilan birga, xalqning milliy uyg’onishida, ma'naviyatining yuksalishida katta jonbozlik ko’rsatgan fidokor shaxs sifatida e'tirof etamiz. Ayni chog’da, Abdulla Avloniyning bizga qoldirgan boy va serqirra merosi tom ma'noda umuminsoniy qadriyatdir, zero, uning asarlari boshdan-oyoq bashariyat uchun zaruriy bo’lgan ilm, fan, ta'lim, tarbiya sohalarining ravnaqi, komil insonlarning etishuvini davtaklovchi etakchi g’oyalar bilan yo’g’rilgandir. Abdulla Avloniyning ma'naviy-ma'rifiy sohalardagi fikrlari, qarashlari, tushunchalari bugungi kunda ham o’z ahamiyatini yo’qotmagan, kelgusida ham uning asarlarini o’qish-o’rganishda va hayotga tatbiq etishda davom etish muhim ahamiyat kasb etadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati**

1. Mirziyoyev Sh.M. Erkin va faravon, demokratik O‘zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz Toshkent -2017y.
2. Abdulla Avloniy. Tanlangan asarlar. -T.: Ma'naviyat, 1998y.
3. Abdulla Avloniy. Tanlangan asarlar. 2-jild. Turkiy guliston yoxud axloq. –T.: “Ma'naviyat”, 2006y.
4. Aliqulov.X.A.”Sharq mutafakkirlari axloq haqida”. – Fan.: 1994y.
5. Asqarova. A. “O‘zbekiston xalqlari tarixi” . 1-qism. –T., 1999y..

# UMUMINSONIY QADRIYATLAR VA ULARNING JAHON HAMJIHATLIGINI MUSTAHKAMLASHDAGI AHAMIYATI

*Baybayeva Muhayyo Xudaybergenovna.*
*Nizomiy nomidagi Toshkent Davlat pedagogika universiteti, Pedagogika kafedrasi dotsenti, pedagogika fanlari nomzodi,*

*Yuldasheva Dilnora Shamsutdin qizi*
*Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti Pedagogika va psixologiya mutaxassisligi 2-kurs magistranti*

***Аннотация:*** Ushbu maqolada umuminsoniy qadriyatlar va ularning jahon hamjihatligini mustahkamlashdagi ahamiyati haqida ma’lumotlar berilgan

***Калит сўзлар:*** қадриятлар, инсонпарварлик, муҳит, одоб, эътиқод, адолат, мулоқот, шахс, фаолият, тарбия.

***Аннотация:*** данной статье представлена информация об общечеловеческих ценностях и их значении в укреплении мировой солидарности

***Ключевые слова:*** ценности, гуманизм, окружающая среда, порядочность, вера, справедливость, общение, личность, деятельность, воспитание.

***Abstract:*** this article provides information about universal values and their importance in strengthening world solidarity

***Keywords:*** values, humanism, environment, decency, faith, justice, communication, personality, activity, education.

Jahon sivilizatsiyasining hozirgi davrdagi taraqqiyot darajasi va xarakteri insonlarning o‘zini inson sifatida saqlab qolishi zaruriyati va jamiyat taraqqiyotini yanada yuksakrok bosqichga ko‘tarish borasidagi hayotiy vazifalar umuminsoniy ma’naviy qadriyatlarni beqiyos darajada oshirib boradi. Umuminsoniy ma’naviy qadriyatlar insoniyatning porlok kelajagining kiyofasidir.

Hozirgi kundayok ular turli elat va millatlarning turli ijtimoiy-iktisodiy tizimidagi xalqlarning tinch-totuv yashashdagi ularning birgalikda va hamjihatlikda hozirgi zamon olamshumul muammo va vazifalarni hal kilishdagi muhim bir ma’naviy vositaga aylanib bormokda. Urf-odat va an’analari hamda dini, tarixiy o‘tmishlari, ijtimoiy-iqtisodiy va ma’naviy manfaatlari xilma-xil, hattoki, bir-birlariga zid bo‘lgan millat va

elatlarni taraqqiyotning turli bosqichida, hattoki, qarama-qarshi ijtimoiy-iqtisodiy tuzumda turgan xalqlarni bir-birlariga yaqinlashtirishda, ularni qaysi millat va elatga, sinf va ijtimoiy guruhga mansub bo‘lishlaridan qat’i nazar bir inson farzandi ekanliklarini his etishida va bu omilning ustuvor omil ekanligini tushunib yetishida hamda shu asosda jahon hamjihatligini vujudga keltirishda umuminsoniy ma’naviy kadriyatlarning ahamiyoti beqiyosdir.

Yer yuzidagi xalqlarda hali tarixiy o‘tmishning izlari kuchli bo‘lib, ular bir inson farzandlari ekanliklarini his etish darajasigacha taraqqiy etib yetishmagandirlar. Bunga erishmoq uchun kurramizdagi barcha xalqlar olimlarining ma’naviy qadriyatlarning vujudga kelishi, ularning murakkab taraqqiyot yo‘liga, mazmun va shakllariga bag‘ishlagan ilmiy-tadqiqot ishlarini kuchaytirishlari hamda ularning natijalarini mehnatkash omma orasida yoyish va tushuntirish ishlarini keng ko‘lamda olib borishlari lozim. [5]

Insonlar qaysi sinf va ijtimoiy guruh, qaysi din, elat va millat vakillari bo‘lishlaridan qat’i nazar, ular tabiatning o‘ziga xos bir qismi sifatida o‘zining ijtimoiy va biologik mohiyati jihatidan bir butunni tashkil etadiki, bu hol umuminsoniy xarakterga ega bo‘lgan ma’naviy kadriyatlarning shakllanishiga olib keladi. Bunday qadriyatlar ularning ijtimoiy tabiatiga mos bo‘lib, ulardan ajralgan holda bo‘lmaydi. Bir davrlar insonlar o‘zlariga xos bo‘lgan bu umumiy hislatlarni his etmaganlar va ularning insoniyat uchun ahamiyatini tushunmaganlar ham. Ular uchun faqatgina tor doiradagi uyushmalargagina xos bo‘lgan umumiylik tushunarli bo‘lgan.

Umuminsoniy ma’naviy kadriyatlar murakkab qismga ega bo‘lib, inson ma’naviy hayotining barcha sohalarida namoyon bo‘ladi. Umuminsoniy ma’naviy kadriyatlar - bu barcha xalqlar urf-odat va an’analaridagi, din va his-tuyg‘ulardagi, o‘zaro munosabatlar, ularning axloqiy va estetik qarashlardagi, xullas, insonlar ma’naviy hayotidagi umumiy tomonlardan iboratdir. Umuminsoniylik, ayniqsa, ilm-fan sohasida namoyon bo‘ladi. [1] U o‘z mazmuni bilan umuminsoniy xarakterga egadir. Lekin ilm-fan ayrim xalqlarning zabardast farzandlari tomonidan rivojlantiriladi va buyuk kashfiyotlar qilinadi, bu jihatdan hamda ularning milliy tillarda ifodalanishi nuqtai nazardan olganda, ularning milliyligidan dalolat beradi.

Ammo ular milliylik doirasidan chiqib, boshka xalqlarning ma’naviy boyligiga aylangach, ular umuminsoniy ma’naviy qadriyatlar darajasigacha ko‘tariladi hamda barcha xalqlarga bir xilda xizmat qila boshlaydi. Shu tarzda ilm-fan uzluksiz ravishda rivojlanib, o‘zining mazmunan umuminsoniyligini namoyon qilaveradi. Yer yuzidagi xalqlarning iktisodiy va siyosiy jihatdan yaqinlashuv jarayoni davomida bu xalqlar ma’naviy hayoti turli xalqlarda milliy shaklda namoyon bo‘lgan umuminsoniy ma’naviy qadriyatlar bilan boyib boraveradi. Bu hol esa, turli xalqlar o‘rtasidagi qardoshlik hissiyotini kuchaytiraveradi va shu asosda jahon xalqlari o‘rtasidagi do‘stlik va barqarorlik mustahkamlanaveradi**.** [2]

Olimlarimiz ma’naviyatni uch guruhga bo‘lish mumkinligini ta’kidlaydilar:

1.Milliy ma’naviyat;

2.Mintakaviy ma’naviyat;

3.Umuminsoniy ma’naviyat.

**Millat ma’naviyati** — muayyan elat, millatga, uning ajdodlariga xos bo‘lgan g‘oyat qimmatli ma’naviy boyliklardir.

**Milliy ma’naviyat** — boshqa millat ma’naviyatidan tubdan farq qilinadigan ma’naviyat emas. Chunki bizdagi milliy ma’naviyat boshqa xalqlarda muayyan tarzda bor, mavjuddir. Ammo milliy ma’naviyatda boshqa xalqlarning ma’naviyati aynan takrorlanmaydi. Shunday bo‘lganda edi, milliy ma’naviyat bo‘lmas edi.

Millat mavjud ekan, milliy ma’naviyat bo‘ladi. Milliy ma’naviyatni yo‘qotish mumkin emas. Yuksak madaniyatsiz buyuk davlat qurib bo‘lmaydi. Shuni e’tiborga olgan holda xukumatimiz fan, maorif va madaniyat sohasiga jiddiy e’tibor bilan qaramoqda.[4]

Xalq ma’naviyatini, millat ma’naviyatini sun’iy ravishda kandaydir o‘ylab topilgan aqidalarga tayanib yuzaga keltirib ham, keskin o‘zgartirib ham bo‘lmaydi. Chunki ma’naviyat tushunchasining mazmuni bir kunda, bir yilda, hatto bir asrda shakllanadigan narsa emas, u har bir xalqning juda uzoq tarixi ka’ridan oziq olib, teranlik kasb etib keladi.

Hech bir xalq dunyoda yakka yashamaydi, yolg‘izlikda rivojlanmaydi ham. Elat va millatlar doimo o‘zaro turlicha munosabatlarda bo‘ladilar va tarix davomida bir-

birlariga ta'sir o'tkazib, o'zlarini ham, o'zgalarni ham ma'naviy boyitib boradilar. Ammo hech qachon, hech bir xalq o'zligidan butkul voz kechib, boshqa xalq ma'naviyati hisobidan o'zini boyita olgan emas. Yakka bir shaxs butkul o'zga bir ma'naviy bir muhitda tarbiya topib, unga to'liq moslashishi mumkin. [3] Lekin butun bir xalq to'lig'icha o'zligidan kechib, o'zga xalk ma'naviy dunyosini qabul qilsa, demak, unday xalq yo'q bo'ladi. O'z ma'naviy qiyofasini yo'qotgan millat yo'qolgan millatdir. Shu sababli ham milliy mustaqillik poydevorini ma'naviy mustaqillik tashkil etadi, deymiz. Milliy ma'naviyatimizning takomili esa o'sha millatga mansub har bir shaxsning ma'naviy kamoloti bilan bevosita bog'liq va ushbu zaminga tayanib yuksaladi.

## Foydalangan adabiyotlar

1. Musurmonova O. Ma'naviy Qadriyatlar – sog'lom avlodni tarbiyalash vositasi. Toshkent, 1995.
2. Musurmonova O. Ma'naviy Qadriyatlar va yoshlar tarbiyasi. Toshkent, 1996.
3. Norboy Ortikov. Ma'naviyat: milliy va umuminsoniy Qadriyatlar. Toshkent. «Uzbekiston», 1997.
4. Tulenov J. Qadriyatlar falsafasi. Toshkent, «Ukituvchi», 1998.
5. Usmonov M. Donishmandlar odob-ahloq haqida. Toshkent, «Fan», 1996.
6. Farobiy. Fozil odamlar shaxri. Toshkent, 1991.
7. Xujamurodov N. Ma'naviy qadriyatlar va milliy o`zligini anglash. Toshkent, 1991

# BO'LAJAK O'QITUVCHILARNI TARBIYAVIY FAOLIYATGA TAYYORLASHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

*Norposhshaxon Xabibullayevna Voxidova*
*Toshkent davlat pedagogika universiteti Pedagogika kafedrasi professori*

**Annotatsiya:** maqolada bo'lajak o'qituvchilarni tarbiyaviy faoliyatga tayyorlashga bo'lgan ehtiyoji sabablari bayon etilib, innovatsion yondashuv asosida bo'lajak o'qituvchilarni tarbiyaviy faoliyatga tayyorlash muammosining nazariy va amaliy holati tahlil etilgan, sohadagi mavjud muammolar hamda tarbiyaviy faoliyat jarayonidagi pedagogning professional pozitsiyalari tavsiflanib, tarbiyaviy faoliyatga tayyorlash modeli mazmuni aniqlashtirilgan.

**Kalit so'zlar:** model, tahlil, tarbiya, innovatsiya, texnologiya, ta'lim, bosqich, samara, maxsus, uslubiy, kasb, takomillashtirish, natija, imkoniyat, tarbiyaviy faoliyat.

**Аннотация:** В статье излагаются причины необходимости подготовки будущих учителей к образовательной деятельности, анализируется теоретическое и практическое состояние проблемы подготовки будущих учителей к образовательной деятельности на основе инновационного подхода, описываются существующие проблемы в этой области и профессиональные позиции педагога в процессе образовательной деятельности, уточняется содержание модели подготовки будущих учителей к образовательной деятельности.

**Ключевые слова:** модель, анализ, воспитание, инновации, технология, образование, этап, самобытность, специальный, методический, профессия, совершенствование, результат, возможность, воспитательная деятельность.

**Features of preparing future teachers for educational activities**

**Norposhshakhon Khabibullayevna Vokhidova-professor of the pedagogical Department of Tashkent State Pedagogical University**

**Abstract:** The article outlines the reasons for the need to prepare future teachers for educational activities, analyzes the theoretical and practical state of the problem of preparing future teachers for educational activities based on an innovative approach, describes the existing problems in this area and the professional positions of the teacher

in the process of educational activities, clarifies the content of the model of training future teachers for educational activities.

**Keywords:** model, analysis, education, innovation, technology, education, stage, identity, special, methodical, profession, improvement, result, opportunity, educational activity.

“Узлуксиз таълим тизимида, - деган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев, - маънавий тарбия асосларини кучайтириш лозим ва бунда ўсиб келаётган авлоднинг ёш хусусиятлари ва интилишларини ҳисобга олиш, унда боғча, мактаб, олий таълим, маҳалла тизимлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва уйғунликни таъминлаш зарурдир” [5].

“Умумий ўрта таълим мактаби – ижтимоий ҳаётнинг муҳим, ажралмас қисми бўлиб, сиёсий, иқтисодий, маънавий, маърифий ривожланишнинг асоси сифатида, шахснинг маънан етуклигини кафолатлайдиган, уларда илмий дунёқарашни шакллантиришда катта имкониятларга эга муқаддас маскан” [1] саналиши ёшлар тарбияси масаласи мамлакатимизда давлат аҳамиятига молик масала сифатида қаралаётганлигидан далолат беради. Бу вазифани амалга оширишга қаратилган давлат ҳужжатларида мазкур фаолиятни мақсадли амалга ошириш тартиби ҳам белгиланган.

Жумладан, 2016 йил 14 сентябрда Ўзбекистон ёшлар иттифоқига асос солиниб, Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни [2] ҳаётга жорий этилди. Мазкур Қонунда “Ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш” вазифалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги ПҚ 3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларида ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш жараёнини юқори савияда амалга ошириш

зарурлиги белгилаб қўйилган бўлиб, бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга тайёрлаш бу вазифаларни ташкилий жиҳатларини ҳал этади. Ушбу муаммо доирасида олиб борилган изланишларимиз натижасида, биз бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга тайёрлашнинг такомиллаштирилган моделини яратдик.

Бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга тайёрлаш модели ҳақида гапиришдан аввал модель тушунчасининг луғавий маъносига эътибор қаратамиз.

**Модель** [французча Modele, Moduls – ўлчов, меъёр] бирор нарсанинг худди ўзидек ёки кичрайтириб, катталаштириб олинган, кўплаб ишлаб чиқариш учун андоза бўладиган нусхаси. Илмий ижод методологияси доирасида рисола яратган муаллифлар “Моделлаштириш бу – билиш объектининг ҳар хил моделларини яратиш ва ундан илмий ижодда фойдаланиш имконини берувчи илмий методдир” деб изоҳлайдилар. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “моделлаштирмоқ” тушунчасига: “бирор нарсанинг моделини ишламоқ, яратмоқ”– деб, таъриф берилган [3].

Модель, шунингдек, маълум бир мос келадиган (бир хил бўлмаган ва умуман бошқача бўлмаган) таниқли объект билан, иккинчисини алмаштиришга қодир бўлган (идрокда воситачи бўғин вазифасини бажарувчи) ва баъзи бир тадқиқотлар давомида маълум маълумотларни берадиган мустақил объект деб ҳам номланади ва маълум қоидаларга мувофиқ, ўрганувчи субъект сифатида майдонга чиқиши; тадқиқот объекти бўлиши, шу билан бирга, билиш субъекти ва амалда идрок қилинаётган объект ўртасида воситачиликни ўрнатиши мумкин. Моделлаштириш табиат ва жамият, ёки тафаккур ҳодисалари ёки жараёнлар қонуниятларини ўрганувчи субъект сифатида майдонга чиқиши; тадқиқот объекти бўлиши, шу билан бирга, билиш субъекти ва идрок қилинаётган объект ўртасидаги воситачиликни ўрнатиши мумкин [4].

Инновацион ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга тайёрлаш технологияларини такомиллаштириш модели тарбиявий фаолиятга тайёргарликнинг мақсад ва вазифаларини, дидактик шарт-шароитларини, ўқув методик таъминотини ўз ичига олади ҳамда муайян мезон ва даражаларга таянган

ҳолда бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга тайёрлаш мазмуни ва механизмини ифодалайди. Бунда модель тизимли, интеграцион (Б.Адизов, В.Беспалько, И.Блауберг, В. Краевский, В.Сластёнин, Б.Ходжаев, Н.Эгамбердиева), миллий аксеологик (У.Маҳкамов, О.Мусурмонова, Қ.Назаров, Д.Рўзиева, М.Қуронов), шахсий-фаолиятга йўналтирилган (В.И.Андреев, Е.В.Бондаревская, Л.П.Буева, Н.Ортиқов) ва фаолиятли-компетентли (П.Борисов, М.Ваҳобов, Н.Веселовская, А.Дахин, Л.Иванова, И.Зимняя, Н.Муслимов, Б.Ходжаев) ёндашувлар уйғунлигидан ташкил топади ҳамда бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга тайёрлаш технологияларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тақдим этилган модель икки босқичли жараён бўлиб, уларнинг ҳар бири, ўз навбатида, уч босқичдан иборат.

**Биринчи босқич**да педагогика фанини ўрганиш мобайнида тарбиявий фаолиятга тайёргарлик амалга оширилади ва у ўз ичига мослаштириш ва назарий-амалий босқичларни олди. Мослашув босқичи бўлажак ўқитувчиларга тарбиявий фаолият моҳиятини тушунишлари учун шароит яратади. Назарий босқичда: “Педагогика назарияси ва тарихи” фанининг “Тарбия назарияси” бўлими ҳамда “Тарбиявий ишлар методикаси” фанларини ўзлаштириш асосида тарбиявий фаолият асосига доир маълумотлар, тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари, қонуниятлари, парадигмалари, тарбия усуллари ва шаклларини ўргандилар. Тарбия жараёнининг тарбиянинг бошқа тузилмалари билан боғлиқлиги, мазкур жараён яхлит тузилма сифатида ўз элементлари, мезонлари ва диагностикасига эга эканлиги билан танишдилар.

**Иккинчи босқичда** тарбиявий фаолиятга тайёргарлик ва унга доир билимларни мустаҳкамлаш, умумий маданий тайёргарлик амалга оширилди. Бунда бўлажак ўқитувчиларда тарбия, тарбиявий фаолият, тарбиявий фаолиятни ташкил этишга оид билим, кўникма ва малакалар шаклланди. “Инновацион ёндашув асосида тарбиявий фаолиятни ташкил этиш“ номли махсус семинар ташкил этилди.

**Учинчи босқич** муаммоли масалалар ва вазиятлар муҳокама қилинишга қаратилиб, унда тарбиявий фаолиятга тайёргарлик айнан нима учун зарурлиги, унда қайси жиҳатларга эътибор қаратиш зарурлиги ўрганилади. Репродуктив деб аталган **тўртинчи босқичда** муаммоли масалалар ва вазиятларни муҳокама қилиш асосида талабаларда тарбиявий фаолиятни ташкил этишга доир тушунчалар кенгайтирилди ҳамда мазкур фаолиятни ташкил этишга бўлган муносабатлар ривожлантирилди.

**Бешинчи босқич** тарбиявий фаолиятни ташкил этишга оид бўлажак ўқитувчи томонидан қарорларни қабул қилишни ўз ичига олди. Талаба ақлий вазифаларни бажаришда ахлоқий ва қадрият йўналишлари асосида қарор қабул қилишга, шахсий эътиқодлари, ахлоқий позицияси ва ахлоқий танлаш малакаларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилди.

**Олтинчи амалий босқичда** талабалар амалиёт жараёнида тарбиявий фаолиятни профессионал тарзда амалга ошириш қобилиятини намойиш этдилар. Кўп босқичли таълим тизими билан боғлиқ ҳолда, бизнинг ўрганишимиз тайёргарликнинг биринчи босқичи билан чекланди.

**Биринчи мослашув босқичи** биринчи ва иккинчи курсларда амалга оширилди ҳамда “Педагогика назарияси ва тарихи” курсининг мазмунига асосланди. Назарий босқич иккинчи курсда ўқув йили мобайнида амалга оширилди.

**Иккинчи босқич** учинчи курс давомида ҳар икки семестрни ўз ичига олади ҳамда “Тарбиявий ишлар методикаси”, “Педагогик маҳорат” курслари мазмунига асосланади. Мазкур босқичларнинг барчаси бир-бири билан узвий алоқада дидактиканинг изчиллик, тизимлилик, узлуксизлик тамойиллари асосида амалга оширилди ҳамда самарали натижага эришиш имконини берди.

Инновацион ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнии тарбиявий фаолиятга тайёрлаш технологияларини такомиллаштириш моделидан кутилаётган натижа-инновацион ёндашув асосида тарбиявий фаолиятни ташкил эта оладиган бўлажак ўқитувчи. Шундан келиб чиқиб, тажриба-синов ишлари жараёнида бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга тайёрлаш технологияларини

такомиллаштиришнинг реал даражаси, “Педагогика назарияси ва тарихи” фанининг ўқитилиш ҳолати, ўтказилаётган тарбиявий тадбирларнинг самарадорлиги ўрганилди.

Тадқиқот натижалари инновацион ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга тайёрлашда “Педагогика назарияси ва тарихи” фани билан боғлиқ муаммо, камчиликлар ва уларни бартараф қилиш вазифаларини белгилаб берди. Шу боис, “Педагогика назарияси ва тарихи” ўқув фанини такомиллаштиришнинг амалий таъминоти маъруза, амалий машғулотлар асосида кучайтирилди. Мазкур машғулотлар самарадорлигини ошириш учун эркин суҳбат (талабаларга олдиндан тарқатилган режа асосида), маъруза тренинг, семинар диспут, педагогик кейслар тузиш ва ечиш, Венн диаграммалари таҳлили, педагогик эсселар ёзиш ва уларни муҳокама қилиш методлари ишлаб чиқилди.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни.

3. Балабанов И.Л. Инновационный менеджмент: Учебное пособие для вузов. – СПб.: Питер, 2001. – 303 с.

4. Ярматов Р. Бўлажак ўқитувчи шахсини тарбиялаш ва ривожлантириш: Монография. – Т.: Fan va texnologiya, 2019. – 128 б.

# TALABALARNING IJTIMOIY FAOLLIKLARINI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK- PSIXOLOGIK IMKONIYATLARI

*Mirzayeva Faroxat Odiljonovna*
*Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti*
*Pedagogika kafedrasi dotsent,*

*Mirzaxo'jayeva Dilrabo To'lqin qizi*
*Nizomiy nomidagi TDPU Pedagogika va Psixologiya magistratura mutaxassisligi*
*2-bosqich magistranti*

**Annotatsiya:** Ushbu maqola talaba shaxsida ijtimoiy faollikni shakllantirishda e'tibor berish kerak bolgan eng katta jihatlaridan biri bo'lgan pedagogik –psixologik ishlar haqida so'z yuritadi. Shuning barobarida o'quvchi bu maqoladan "ijtimoy faoliyat'',o'z ijtimoiy vazifalarini to'la anglab etadigan har tomonlama etuk qilib tarbiyalashga alohida e'tibor berilayotgan bir paytda har qanday shaxsning mehnatga,shu jamiyat manaviy –siyosiy jarayonlarga ,iqtisodiyotga bo'lgan ijtimoiy munosabatlarini o'rganib chiqadi va tahlil qiladi. . Bu maqoladan pedagogika va psixologiya sohasining vakillari, soha bo'yicha ta'lim olayotgan talaba va magistrlar ham erkin izlanuvchilar foydalanishi mumkin.

**Kalit so'zlar:** Tehnologiya, demokratik, ijtimoiy ayot, motivatsiya, obyektiv, individ.

**Аннотатция:** В этой статье рассказывается о педагогической – психологической работе, которая является одним из важнейших аспектов, на который следует обратить внимание. В этой статье читатель исследует и анализирует социальные отношения любого человека к труду,духовно – политическим процессам,экономике в то время ,когда особое внимание уделяется "социальной деятельности", воспитанию всестороннего зрелого человека, который полностью осознает свои социальные задачи и формировании социальной активности в личности студента. Эта статья может быть использована как внештатными исследователями, так и представителями области педагогики и психологии, студентами и магистрами, получающими образование в этой области.

**Ключевые слова:** Технология, демократия, социальная жизнь, мотиваtsiя, объект, индивид

**Annotation:** This article will talk about pedagogical and psychological work, one of the greatest aspects that should be paid attention to in the formation of social activity in the student's personality. Therefore, the reader from this article examines and analyzes the social relations of any person to Labor,to the spiritual and political processes of this society,to the economy ,at a time when special attention is paid to “social activity”, to the upbringing of their social functions in a comprehensive way. This article can also be used by representatives of the field of pedagogy and psychology, students and Masters studying in the field, as well as free seekers.

**Keywords:**Tehnology, Democratic,social life,motivation,objective, individ.

Bugungi kunda ta’lim muassasalarida talabalarni ijtimoiy hayotga yo’naltirish masalasi bugungi kunning muhim muammolaridan biridir. Chunki bu talabalar alohida e’tiborga loyiq bo’lib, talabalarini ijtimoiy hayotga yo’naltirishda pedagogik jarayonlarni yangi texnologiyalar asosida qurish, ta’lim jarayonida ijtimoiy hayotga yo’naltirishda qiziqarli, faol, noan’anaviy, yangi innovatsion usullardan foydalangan holda ularga kasbiy bilim asolarini berish, kasb-hunarga o’rgatish muhim ahamiyat kasb etadi.

Talabalarga ijtimoiy faollik ruhini singdirishda tarbiya tamoyillaridan o’z o’rnida foydalanish- pedagogik jarayonlarning samarasini beradi. Ta’lim muassasasi talabalarini kasb-hunarga o’rgatishda, ularni ijtimoiy hayotga yo’naltirishda ta’lim-tarbiyaning asosiy didaktik prinsiplaridan tashqari tarbiyaning maqsadga yo’naltirilganligi va g’oyaviyligi, tarbiyada demokratik va insonparvarlik g’oyalar ustunligi, tarbiyada talaba shaxsini hurmatlash, jamoani jamoa yordamida tarbiyalash, tarbiyada talaba xulqidagi ijobiy sifatlarga tayanib, salbiy tomonlarini yo’q qilishning ahamiyati katta. Talabalarni ijtimoiy hayotga yo’naltirishda ta’lim-tarbiya prinsiplarining uzviy bog’liqligini ta’minlashga erishish hamda ta’lim-tarbiya jarayonlarida amaliyotda ulardan oqilona foydalana olish orqali ijobiy natijaga erishish mumkin.

Shuni aytish mumkinki, ruhiy jihatdan asoslanmagan holda muayyan kasb

tanlanganligidan shundan dalolat beradiki, bu kasbga yo'naltirish rejasida yoshlar bilan etarlicha ish olib borilmaganligi bilan izohlanadi. Shunga ko'ra, ta'lim muassasasi talabalarining kasbni noto'g'ri tanlaganliklarining bir nechta sabablari mavjud bo'lib, ular quyidagilar:

1) Ijtimoiy faollik turini tanlashda chuqur o'ylamay bir qarorga kelish;
2) Kasb egasining kasbiga kasbiga munosabatini ko'z oldiga keltirish;
3) Kasbning tashqi ko'rinishiga qarab qiziqish;
4) Qiziqishning ijtimoiy faollik bilanbirlashib ketishi;
5) Qiziqish, iste'dod, qobiliyatni tushuna bilmaslik;
6) Ijtimoiy mavqeini tanlash.

Yuqorida aytib o'tilgan muammolarni bartaraf etish biz pedagoglarning asosiy vazifamiz bo'lib, talaba-yoshlar qobiliyatini maqsadida iste'dod va iqtidorni ongli rag'batlantirish, mukammallik uchun sharoit yaratish, ularning ijobiy qiziqishlari rang-barangligini oshirish, turli ko'rgazmali tadbirlarda ishtirok ettirish, fan olimpiadalari, ko'rik tanlovlar, uchrashuvlarga jalb etish lozim.

Talaba shaxsining faolligi eng ko'p darajada uning o'zini tarbiyalash xususida jiddiy o'ylay boshlaganida, o'zini mukammallashtirish dasturini ishlab chiqara borib, bu dasturni bajarish uchun alohida, maxsus kuch-quvvat, imkoniyatlarini sarflab, o'z shaxsini faol tarzda shakllantirib borishda ko'proq namoyon bo'ladi.

Ta'limda bolalarning mustaqilligini ta'minlamasdan turib, ularning faolligiga erishib bo'lmaydi. Ya'ni talabaning faolligi uning mustaqilligi orqali vujudga keladi. Mustaqillik tufayli talaba ta'limning faol subyektiga aylanadi. Ta'lim jarayonidagi mustaqillik faollik uchun shart-sharoit vazifasini o'taydi, faollik esa o'z navbatida talabalarda mustaqillikni tarbiyalash uchun asos bo'ladi.

Demak, faollik tushunchasi xoh o'quv-tarbiya, xoh ijtimoiy va ma'naviy hayot to'g'risida bo'lmasin, insonning ongli, aqliy faoliyatini ifodalash uchun ishlatiladi.Ijtimoiy faollik tarbiyasi shaxs taraqqiyotida hal qiluvchi rol o'ynaydi. Birinchidan, tarbiya vositasi yordamida muhit ta'sir qila olmagan narsalar o'rganiladi, ya'ni bilim, ma'lumot egallanadi, mehnat va texnik faoliyat bilan bog'liq bo'lgan ko'nikmalar va malakalar hosil bo'ladi.

Ta’limda bolalarning mustaqilligini ta’minlamasdan turib, ularning faolligiga erishib bo’lmaydi. Ya’ni talabaning faolligi uning mustaqilligi orqali vujudga keladi. Mustaqillik tufayli talaba ta’limning faol subyektiga aylanadi. Ta’lim jarayonidagi mustaqillik faollik uchun shart-sharoit vazifasini o’taydi, faollik esa o’z navbatida talabalarda mustaqillikni tarbiyalash uchun asos bo’ladi.

Demak, faollik tushunchasi xoh o’quv-tarbiya, xoh ijtimoiy va ma’naviy hayot to’g’risida bo’lmasin, insonning ongli, aqliy faoliyatini ifodalash uchun ishlatiladi.
Bugungi sharoitda, ayniqsa, yosharning tashabbuskorligi, mustaqilligi va ishga ijodiy yondashuvi, ijtimoiy faolligi masalasiga alohida e’tibor berilmoqda. Talabalarning tashabbuskorligi va mustaqilligi har tomonlama rag’batlantirib va rivojlantirib borib, ular bilan munosabatlarini korrektirovka qilish va bu boradagi ortib borayotgan ehtiyojlarini to’laroq qondirishga e’tiborni qaratmoq kerak.

Shu bilan birga, ularning kuch va imkoniyatlariga ortiqcha baho berib yubormaslik zarur. Aks holda, o’zibo’larchilik kabi illatlar ham kelib chiqishi mumkin. Ayniqsa, talabalarda o’zlari boshlayotgan mustaqil faoliyat yo’nalishining turlari va yo’llarini to’g’ri baholash, imkoniyat darajasida harakat qilish, mustaqil xulosa yasash, baho berish ko’nikmalarini yuzaga kelishida to’g’ri pedagogik rahbarlikning roli katta hisoblanadi. Bu asta-sekin yangi subyektiv omilning o’z-o’zini tarbiyalash va qayta tarbiyalashga tayyor bo’lish kabi sifatlarning shakllantirishga yordam beradi.

Tarbiya jarayoni samaradorligini baholash uchun tarbiyalanuvchining faoliyati, uning xulqini o’rganish zarur. Chunki insonni uning harakatlari, bevosita faoliyati orqali baholash mumkin. Talabalarning tarbiyalanganlik ko’rsatkichlarini ularning echimga muvofiq keladigan barcha asosiy faoliyatdagi qatnashuvi darajasi bilan belgilash mumkin. Bu o’rinda talabalarning o’yin, o’quv, mehnat, ijtimoiy va boshqa sohalardagi ishtiroki natijalari ko’zda tutiladi.

Shuningdek, har bir shaxsning ijtimoiy tarbiyalanganlik darajasini, uning axloqiy, siyosiy, ma’naviy va boshqa sohalardagi ma’lumoti, bilim darajasi ham ko’rsatib beradi.Ta’lim-tarbiya jarayonlarida talabalarning ijtimoiy faolligi va hayoti - g’oyaviy, g’oyaviy-siyosiy e’tiqod, mehnat faoliyati, ma’naviy-ma’rifiy ishlar, jismoniy sog’lomlashtirish, ishlab-chiqarish, tashkilotchilik, yaratuvchanlik, pedagogik jarayon,

vatanparvarlik, insonparvarlik, badiiy ijodiyot asosida tarbiyalanib boradi.

Filosofik, psixo-pedagogik tadqiqotlarda qayd etilishicha, talabalardagi ijtimoiy faollikning asosini o'zligini anglash va o'z-o'zini boshqarish tashkil etadi. Bundan shunday xulosa kelib chiqadiki, o'zligini anglash, o'z-o'zini boshqarish o'z navbatida kishidagi ma'naviy komillikni, sog'lom turmush tarzini ham ifodalaydi.

Xulosa qilib shuni aytish joizki, ijtimoiy faollikni talabalar ongida ta'lim jarayoni, tarbiya jarayoni, jamoat topshiriqlari, mehnat faoliyati, ijtimoiy muhit, mahalla jamoatchilik ta'siri orqali singdirish maqsadga muvofiqdir. Buning uchun ta'lim-tarbiya jarayoni to'g'ri yo'naltirilgan bo'lishi lozim.Ta'lim-tarbiya jarayonida ta'lim muassasasi talaba-talabalarini ijtimoiy hayotga tayyorlash ta'lim-tarbiyaviy ishlarning samaradorligini oshirishga yordam beradi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. Mirziyoyev SH.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. – T.: O"zbekiston, 2017.

2. Usarov, J. (2019). Using Teaching Methods for Development Student Competencies. International Journal of Progressive Sciences and Technologies.

3. Ernazarova, G. (2016). Improvement of Vocational Training of Vocational Colleges students!$ on basis of Acmeological Approach. Eastern European Scientific Journal.

4. Utaev, A. Y., & Matyakubova, M.B. (2019). Psychological foundations of speech development. Scientific-practical conference "Modern system cluster in the context of innovations and reforms in education: problems, approaches and prospects»

5. Samarova, S. (2018). Forming Creative Vision of Person as Universal Method Enhancing Creativity. Eastern European Scientific Journal.

6.Xalq ta'limi: "Ijtimoiy faollikka o'rgatish yo'llari" №6, 2008. 18.Xalq ta'limi: "Ijtimoiylashtirish" №3, 2006.

# TALABALARI O‘RTASIDA UCHRAYDIGAN ZIDDIYATLARNI PSIXOLOGIK TASHXIS ETISH

*Baybayeva Muhayyo Xudaybergenovna*
*Nizomiy nomidagi Toshkent Davlat pedagogika universiteti, “Pedagogika” kafedrasi dotsenti, pedagogika fanlari nomzodi,*

*Mardonova Elmira Shuhrat qizi*
*Nizomiy nomidagi Toshkent Davlat pedagogika universiteti, “Pedagogika” va psixologiya” fakulteti 3 kurs talabasi*

***Annotatsiya***: Maqolada ta’lim jarayonida yuzaga keladigan ziddiyatlarni pedagogik tashxis etish o‘ziga xos jihatlari xususida fikr-mulohazalar keltirilgan.

***Tayanch so‘zlar***: jamoa, talaba, qobiliyat, samaradorlik, mexanizm, faoliyat, ziddiyat, tashxis etish.

**Annotatsiya**: V state raskrыvayutsya osobennosti pedagogicheskoy diagnostiki konfliktov v vыsshey shkole.

**Klyuchevыe slova:** komanda, student, sposobnosti, effektivnost, mexanizm, aktivnost, konflikt, diagnostika

**Abstract:** The article reveals the features of the pedagogical diagnosis of conflicts in higher education.

**Keywords:** team, student, abilities, efficiency, mechanism, activity, conflict, diagnostics

Ta’lim jarayoni ishtirokchilarining boshqaruvchi va bo‘ysunuvchi (ta’lim muassasasi rahbari, pedagoglar jamoasi, pedagog, talaba, talabaning ota-onasi), nazoratchi va nazorat qilinuvchi, buyruq beruvchi va ijro etuvchi kabi ikki yirik guruhga ajralishlari hamda ular o‘rtasidagi yosh, bilim, hayotiy tajriba o‘rtasidagi farqning kattaligi esa pedagogik ziddiyatlarning sodir bo‘lishiga jiddiy ta’sir ko‘rsatadi.

**Pedagogik ziddiyat** – bu ta’lim va tarbiya jarayonida uning ishtirokchilari (ta’lim muassasalarining rahbarlari, pedagoglar jamoasi, talabalar hamda ularning ota-onalari) o‘rtasida yuzaga keladigan va bir-biriga mos kelmaydigan manfaatlar to‘qnashuvi sanaladi. Demak, pedagogik ziddiyatlar deganda pedagog va talaba o‘rtasidagi ta’lim

jarayonida kuzatiladigan ziddiyatlar, tortishuvlar kelishmovchiliklar, qarama-qarshiliklar nazarda tutilishi lozim [2].

Ziddiyat ko‘pincha pedagogning talaba shaxsi to‘g‘risida noto‘g‘ri o‘ylashi sababli kelib chiqadi. Bola shaxsi to‘g‘risida ijobiy fikrda bo‘lish pedagogik ziddiyatlar kelib chiqishining oldini oladi. Ziddiyatlarga yo‘l qo‘ymaslikka erishish – pedagogning pedagogik zukkoligining muhim tarkibiy qismlaridan biridir. Pedagogik ziddiyatlar ta’lim jarayoni ishtirokchilari o‘rtasidagi turli sohalarda tashkil etiladigan munosabatlarni qamrab oladi. Ziddiyatlarni ularning turli ko‘rsatkichlari bo‘yicha turkumlashtirish mumkin. Pedagogik ziddiyatlar davomiyligiga ko‘ra:

1) tezda yakun topadigan ziddiyatlar (juda yuqori hissiyotli harakatlar bilan boshlanib, o‘zida ziddiyatga kirishuvchilarning chuqur salbiy munosabatlarini aks ettiradi; bu kabi ziddiyatlar og‘ir va fojiali yakun topishi ham mumkin);

2) uzoq muddat davom etadigan ziddiyatlar (tomonlar o‘rtasidagi ziddiyatlar yetarli darajada chuqur, barqaror, murakkab bo‘lgan vaziyatlarda yuzaga keladi; bunday ziddiyatlarni hal qilish oson emas);

3) kuchsiz, sust kechadigan ziddiyatlar (u qadar keskin tus olmagan qarama-qarshiliklarni namoyon etadigan ziddiyatlar bo‘lib, ular, odatda, ziddiyatga kirishayotgan tomonlardan birining faolligi, ikkinchi tomonning esa imkon qadar ziddiyatdan qochishi bilan tavsiflanadi; bu kabi ziddiyatlarning yechimini topish ham bir muncha qiyin; ularning yechimi tashabbuskor tomonning qaroriga bog‘liq bo‘ladi);

4) kuchsiz, tez kechadigan ziddiyatlar (o‘zaro qarama-qarshiliklar, to‘qnashuvchilarning bir qadar ijobiy shakli bo‘lib, agarda u ziddiyatga kirishuvchi tomonlar o‘rtasidagi yagona ziddiyat bo‘lsa, u holda uni ijobiy hal qilish imkoniyati mavjud) [3].

Shuningdek, pedagogik ziddiyatlar yuzaga kelish vaqti, birgalikdagi faoliyat mazmuni, psixologik xususiyatlari hamda namoyon bo‘lish holati nuqtai nazardan ham bir necha turlarga ajratiladi. Ya’ni:

I. Yuzaga kelish vaqtiga ko‘ra: 1) doimiy ziddiyat; 2) muayyan muddatli (bir marta yoki bir necha marta namoyon bo‘ladigan) ziddiyalar.

II. Birgalikdagi faoliyat mazmuniga ko‘ra: 1) ta’lim olish bilan bog‘liq (o‘quv) ziddiyatlar(i); 2) tashkiliy ziddiyatlar; 3) mehnat ziddiyatlari; 4) shaxslararo ziddiyatlar va boshqalar.

III. Psixologik xususiyatlariga ko‘ra: 1) rasmiy ziddiyatlar; 2) norasmiy muloqot jarayonida yuzaga keluvchi ziddiyatlar [1].

IV. Namoyon bo‘lish holati nuqtai nazardan: 1) ochiq ziddiyatlar; 2) yashirin (yopiq) ziddiyatlar.

Yashirin ziddiyat ikki shaxs orasida mavjud bo‘lib, ma’lum vaqtgacha ular orasida mojaro borligini berkitib yurish mumkin. Ulardan birining sabri chidamay qolsa bu ziddiyat ochiq ziddiyatga aylanishi mumkin. Yana stixiyali paydo bo‘ladigan va davriy yuzaga chiqadigan, ig‘vo orqali yuzaga keladigan ziddiyatlar ham mavjud. Ziddiyatni boshqa turi fitna ham bo‘lishi mumkin. Fitna tashabbuskor tomonidan qasddan qilingan vijdonsizlarcha harakat bo‘lib, shaxs yoki jamoani ma’lum harakatga majbur qilib, zarur.

Shuningdek, ta’lim jarayonining ishtirokchilari o‘rtasida kelib chiqadigan ziddiyatlar ular negizini hosil qiluvchi qarama-qarshiliklarning darajalari bo‘yicha ham guruhlarga ajratiladi. Jumladan: 1) qoniqmaslik; 2) fikrlarning xilma-xilligi; 3) qarama-qarshilik; 4) janjal; 5) dushmanlik.

Garchi, pedagogik ziddiyatlar turlicha guruh yoki turkumlarga ajratilsalar-da, biroq ularni bir-biridan ajratib bo‘lmaydi. Rivojlanish davrida ziddiyatlar bir turdagi ko‘rinishdan ikkinchi turdagi ko‘rinishga o‘tishi mumkin [1].

Ziddiyatli vaziyat – bu ob’ektiv narsalar shaxs tomonidan sub’ektiv qabul qilingan pedagogik jarayonning murakkab ob’ektiv-sub’ektiv holati bo‘lib, u ishtirokchilar uchun ahamiyatli hisoblanadi [3].

Ta’lim muassasalarida yuzaga keladigan ziddiyatlar o‘ziga xos xususiyatlarga ega. Ular orasida quyidagilarni ko‘rsatish mumkin: pedagogning vaziyatni pedagogik to‘g‘ri hal qilishga kasbiy mas’uliyat: axir OTM – talabalar insonlar orasidagi munosabatlar ijtimoiy qoidalarini o‘zlashtiradigan jamiyat modelidir; ziddiyatlar ishtirokchilari turli ijtimoiy mavqelarga ega bo‘ladilar (pedagog–talaba), ziddiyatdagi turli xulqlari shu bilan belgilanadi; ishtirokchilarning yoshi va hayotiy tajribasidagi farq ziddiyatdagi

ularning qarashlarini ajratadi, ziddiyatni hal qilishda xatolar uchun turli darajadagi mas’uliyatni keltirib chiqaradi; ishtirokchilarning hodisalarni va ularning sabablarini turlicha tushunishlari (ziddiyatga “pedagogning ko‘zi bilan” va “talabaning ko‘zi bilan” turlicha qarashlar), shuning uchun pedagogga bolaning kechinmalari chuqurligini tushunish, talabaga esa – o‘zining hayajonlarini boshqarish, aql bilan ish tutishi qiyin bo‘ladi; ziddiyat paytida boshqa talabalarning kuzatishlari ularni guvohlardan ishtirokchilarga aylantiradi, ziddiyat esa ular uchun ham tarbiyaviy mazmunga ega bo‘ladi; bu to‘g‘risida pedagog doim yodida tutishiga to‘g‘ri keladi; ziddiyatda pedagogning kasbiy holati uni hal qilishda tashabbusni o‘z qo‘liga olishiga majbur qiladi va birinchi o‘ringa shakllanayotgan shaxs sifatida talabaning manfaatlarini qo‘ya bilishini talab qiladi; ziddiyatni hal qilishdagi pedagogning har qanday xatosi yangi vaziyatlarni va ziddiyatlarni keltirib chiqaradi, unga boshqa talabalar ham aralashadilar; pedagog darsda talabalar xulqlarini taxmin qilish bo‘yicha ega bo‘lgan imkoniyatning ozligi; ularning harakatlari kutilmaganligi ko‘pincha darsning rejalashtirilgan borishini buzadi, pedagogda g‘azablanish va har qanday yo‘l bilan “to‘siqlarni” olib tashlashga intilishini keltirib chiqaradi; talabalarning shaxsiy sifatlari va nostandart xulqlari ular o‘rtasidagi doimiy ziddiyatlar sababi hisoblanadi; pedagogning shaxsiy xususiyatlari (jahldorlik, qo‘pollik, qasoskorlik, mag‘rurlik, ilojsizlik va boshqalar) ham ko‘pincha ziddiyatlar sababi bo‘ladi; talabalar bilan o‘zaro munosabatlarda pedagogning ustuvor kayfiyati, pedagogik ishlarga qiziqishi, pedagogik qobiliyati yo‘qligi, pedagogning hayotiy muvaffaqiyatsizliklari, pedagogik jamoadagi umumiy muhit va ishlarni tashkil qilinishi qo‘shimcha omillar sifatida ishtirok etadi. Vaziyatlarni va ziddiyatlarni hal qilishda pedagogning har qanday xatosi talabalarning xotiralarida qoladi va o‘zaro munosabatlarga uzoq vaqt ta’sir ko‘rsatishini esdan chiqarmaslik kerak; darslardagi, ayniqsa, o‘smir yoshlar sinflaridagi ziddiyatlar ko‘pchilik tomonidan odatiy, qonuniy deb tan olinadi; pedagog turli yoshdagi talabalar o‘rtasidagi amaliy o‘zaro aloqalarni kuchaytirib ularning jamoali o‘quv faoliyatlarini tashkil qilishni bilishi kerak; bunday ziddiyatlar ko‘proq birinchi o‘rinda faqatgina fanni o‘zlashtirish darajasi bilan qiziqadigan pedagoglar faoliyatida ko‘zga tashlanadi, aksincha, talabalarni yaxshi biladigan va ular bilan aloqa qilish turli shakllarini

topadigan  pedagog tomonidan olib boriladigan darslarda va boshlang'ich sinflarda ular ancha kam sodir bo'ladi.[4].

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, ta'lim muassasalari amaliyoti bilan tanishish natijasida  pedagogik ziddiyatlarning kelib chiqish negizi turlicha bo'lsa-da, asosiy sabablar quyidagilar ekanligi ma'lum bo'ladi: pedagogik talabni qo'yishda talabalarning yosh, psixologik, va shaxsiy imkoniyatlarining inobatga olinmasligi; pedagogik talabning talabalar imkoniyatiga mos emasligi; pedagogik talabning qo'yilishida barcha talabalarga birdek yondashilmaslik; pedagogik talabning qo'yilishida talabalarga individual yondashilmaslik; o'qituvchilarning talabaga nisbatan "adolatsiz" munosabatda bo'lishlari; pedagogik talabning talabalar xohish-istak, intilish va qiziqishlariga zid bo'lishi; pedagogik talabning qo'yilishida samimiylikning yetishmasligi, aksincha, buyruq ohangida bayon etilishi; pedagogik talabning qo'yilishida talaba shaxsiga ishonch bildirilmaslik va h.o.

**Foydalangan adabiyotlar:**

1. Ансупов А.Я. Профилактика конфликтов в школном коллективе. – М.: Гуманитар. изд. сентр ВЛАДОС, 2004. – S. 38.

2. Karimova V.M. Psixologiya / O'quv qo'llanma. – T.: A.Qodiriy nomidagi Xalq merosi nashriyoti, 2002. – 205 b.

3. To'ychieva G.U. Yoshlar va konfliktlar: konfliktlar yechimiga o'rganish. – T ., 2008.  – 128 b.

# SOG‘LOM TURMUSH TARZINI SHAKLLANTIRISHNING PSIXOLOGIK ASOSLARI

*Baybayeva M. X.*
*Nizomiy nomidagi Toshkent Davlat pedagogika universiteti, “Pedagogika” kafedrasi dotsenti, pedagogika fanlari nomzodi,*

*Tayirova G.*
*Nizomiy nomidagi Toshkent Davlat pedagogika universiteti, “Pedagogika” va psixologiya” fakulteti 3 kurs talabasi*

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada sog‘lom turmush tarzini shakllantirishning psixologik asoslari haqida ma’lumotlar yoritilgan.

**Tayanch so‘zlar**: turmush, sog‘liq, shakllantirish, rivojlantirish, jismoniy barkamollik

**Аннотация**: В данной статье освещена информация о психологических основах формирования здорового образа жизни.

**Ключевые слова**: жизнь, здоровье, формирование, развитие, физическое совершенство

**Abstract:** This article highlights information about the psychological foundations of the formation of a healthy lifestyle.

**Keywords:** life, health, formation, development, physical perfection

Salomatlik – inson kamolotining muhim tarkibiy qismlaridan biri bo‘lib, shaxsning hech kim dahl qila olmaydigan huquqi, o‘z-o‘zini rivojlantirish, shaxsiy va jamiyat hayotida faol ishtirok etishi garovidir.

Ma’lumki, jamiyatimizda inson salomatligi, jismoniy barkamolligi, sog‘lom turmush tarzi madaniyatiga egaligi o‘ta muhim ijtimoiy qadriyat hisoblanadi. Millat salomatligini ta’minlash, xalq genofondini bekamu-ko‘st saqlash sog‘lom turmush tarzi tufayligina yetarlicha ijobiy tarzda hal etiladi. Bu esa, jamiyatning barcha ijtimoiy institutlari; oila, o‘quv-tarbiya maskanlari, mahalla hamda mustaqil ta’lim oldiga jamiyatimiz fuqarolariga sog‘lom turmush tarzi mazmuni va mohiyatini anglatish, yoshlarni sergak va bilimdon, barkamol shaxs qilib tarbiyalash masalasini ko‘ndalang qilib qo‘yadi.

Sog‘lom turmush tarzi (STT) - bu faol mehnat, ijod og‘ushida yashash, kuchli jismoniy va ruhiy yuklamalarni, o‘ta xavfli va zararli ta’sir ko‘rsatuvchi omillarni yengil ko‘tara oladigan har tomonlama taraqqiy etgan shaxsning shakllanish jarayonidir.

Falsafa va ijtimoiy gigienaga oid adabiyotlarda sog‘lom turmush tarzini shakllantirish muammolariga so‘ngi paytlarda katta e’tibor berilmoqda. Bu masalaning ijtimoiy-ruhiy, tibbiy-gigienik, iqtisodiy, shaxsning o‘ziga aloqador motivatsion tomonlari tadqiq etilmoqda. Biroq, sog‘lom turmush tarzining metodologik muammolari va ijtimoiy-gigienik mezonlari ayrim mintaqalarning o‘ziga xos tomonlari, iqlimiy-geografik sharoitlari, aholi turmush madaniyatining etnik xususiyatlari yetarlicha o‘rganilgan emas.

STTni shakllantirishning milliy konsepsiyasi namunaviy modeli respublika aholisi o‘rtasida STT shakllantirish jarayonini ma’lum bir tartibda va ilmiy asosda olib borishni imkon yaratadi, uning samaradorligini oshiradi.Shu bilan birga STT namunaviy modeli – odamlar o‘rtasida sog‘lom munosabatlarni hamda namunaviy hulqni shakllantirish jarayonini tartibga solib boradi va tezlashtiradi [2].

Odamlar jamiyatda o‘zlarining mavjud yashash tarzlarini, gigienik xulqlarini, shuningdek tibbiy madaniyligi va faolliklarini namunaviy etap bilan qiyoslab ko‘rish va unga tegishli o‘zgartirishlar kiritib borish imkoniyatiga ega bo‘ladi.

Sog‘lom turmush tarzini shakllantirishda motivatsiya omilining o‘rni xaqida gap yuritmoqchi bo‘lsak, avvalo motivatsiya atamasi o‘z mazmuniga ko‘ra shaxsni ma’lum bir faoliyatini bajarishga kirishishi uchun harakatga keltirish, uning muhimligini asoslash va anglatishdan iboratdir. Jumladan STT shakllantirish muammosida motivatsiya omili odamlarga ularning nima uchun STT da yashash lozimligi, ne sababdan nosog‘lom turmush tarzini tanlash yuzasidan kerakligini anglatishga qaratilgan. [2].

Sog‘lom turmush tarzini o‘lchashda ishlatilishi mumkin bo‘lgan bunday me’zonlar qatoriga shaxsning: jamoatchilik va mehnat jarayonlarida faollik ko‘rsatib, samarali ijodiy faoliyat bilan mashg‘ul bo‘lishi; oilada va kundalik turmushda namunali yashashi; o‘zidagi jismoniy va ma’naviy qobilyatlarni ro‘yobga chiqarishga intilishi; tabiiy va ijtimoiy muhit bilan mutanosiblikda yashashi; sog‘lom va barkamol

inson boʻlib shakllanish uchun oʻz shaxsini bosqichma-bosqich rivojlantirib borishga intilishi; nosogʻlom turmush tarziga xos zararli odatlarning quliga aylanib qolishdan va oʻz umrini hayot oqimining ayovsiz girdobiga tushib qolishdan asrashga intilib yashashi; faqat uzoq yashayotgani uchungina emas, balki hayotda toʻgʻri yashayotganidan ham qoniqishi hosil qilib, zavqlanib yashashi intilishi; sogʻlom turmush tarzini oʻzi uchun bir umrga hamroh qilib olishi kabi qimmatli sifat va xususyatlarini kiritish mumkin.

Sogʻlom turmush tarzi muammosi – odamzod oldida turgan eng muhim muammo – shaxsni har tomonlama rivojlantirish, mehnat turmush va dam olish sohasida, ilmiy jihatdan asoslangan, ijtimoiy – gigienik faolligi kuchayib borishiga yordam beradigan, ijtimoiy-gigienik jihatdan oqilona boʻlgan turmush tarzini shakllantirish muammosidir [2].

“Sogʻlom turmush tarzi – bu kundalik turmushni biologik va ijtimoiy qonunlar asosida tashkil etib, salomatlikni saqlash va mustahkamlashga qaratilgan turmush tarzidir” deb ta’riflaydi.

Ta’lim tizimida sogʻlom turmush tarzini targʻib qilish turli yoʻnalishlarda izchillik bilan, muayyan dastur asosida, aniq yoʻnalishlarda olib borilishi lozim. Xususan, bu avvalo oliy pedagogik ta’lim jarayonida talabalarga sogʻlom turmush tarziga oid muayyan tibbiy va gigienik bilimlar berish, ularda sogʻlom turmush tarzini saqlashning inson tanasi takomiliga ta’siri haqidagi tushunchalarni shakllantirishga qaratilsa, ikkinchi tomondan, yoshlarda qat’iy rejim asosida gigienik qoidalarga amal qilish, oʻzi va yon-atrofdagilarning sogʻligʻini asrashni kundalik odatga aylantirish koʻnikmalarini tarkib toptirish bilan bevosita aloqadordir. Shuningdek, sogʻlom turmush tarzi ommaviy axborot vositalari orqali keng targʻib etilishi bilan birga, barcha ta’lim-tarbiya maskanlari bilan hamjihatlikda maktab, litsey, kollejlarda beriladigan ta’lim-tarbiya mazmuniga chuqur singdirilmogʻi lozim.

Ma’lumki, oʻzbek oilasida koʻp avlodlilik belgilari yaqqol ifodalanadi. Unda farzand ongida sogʻlom gʻoya va bilimlar shakllanishida oilaning kattalari - bobolar, momolar, yaqin qarindosh-urugʻlar, qoʻni-qoʻshnilar, mahalla ham bevosita ishtirok etadi. Azaliy odatlarimizga koʻra, farzandlarimiz tarbiyasiga ota-onadan nisbatan bobo,

buvi, qo‘shni va qarindoshlarning ta’siri kuchliroqdir. Ular oiladagi ma’naviy muhitning belgilovchilari hisoblanadi. Bu xil tarbiya an’anasi o‘tmishdan qolgan muhim ma’naviy-pedagogik qadriyat hisoblanib, buyuk ajdodlarimiz hayotida bu xil tarbiya uslubi shakllanib, muayyan tizim darajasiga yetgan. [2].

Inson turmush tarzi o‘z hayotida ro‘y beradigan aniq voqea-hodisa va turli o‘zgarishlar ta’sirida shakllanadi. Jamiyatning rivojlanishi, axborot oqimining o‘sishi, tezkor hayot tarziga talabning ortishi natijasida o‘zaro muloqot va munosabatning birmuncha murakkab tus olayotganligi o‘quvchilar ruhiyatiga ta’sir ko‘rsatmoqda. Oqibatda ularda o‘z taqdiri, oilasi, jamoasi uchun zarur bo‘lgan turmush tarziga ega bo‘lish, aqliy, hissiy va erkinlikka intilishga asoslangan xatti-harakatlar majmuini tanlashga nisbatan ma’sulliklari ortmoqda. Mazkur maqsadga erishish avvalo shaxsiy va ijtimoiy miqyosda sog‘lom turmush tarzini tashkil etish hamda uning uzviyligi va uzluksizligiga erishishning muhim yo‘nalishlarini amalga oshirishni taqozo etadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1.Ro‘zimurodov S.M. Oilada sog‘lom muhit shakllanishida Imom alBuxoriy hadislarining o‘rni // “Imom Buxoriy ma’naviy merosi va hozirgi zoman” Xalqaro konferensiya to‘plami. - Samarqand, 2018. − B.207-209.

2.Ro‘zimurodov S.M. O‘zbek oilasida sog‘lom muhitni shakllantirishning estetik omillari // O‘quv tarbiya jarayonlarini takomillashtirishning milliy psixologik asoslari. Respublika ilmiynazariy konferensiyasi materiallari. – Qarshi, – 2019. - B.322-324.

# JADIDCHILIK VA MA’RIFATPARVARLIK G‘OYALARIDA AYOLLAR TA’LIMINING TALQINI

*Saidova Barno Narzullayevna*
*Nizomiy nomidagi TDPU “Pedagogika” kafedrasi dotsent v/b., p.f.f.d (PhD),*

*Ibrogimova Dilobar Ahmad qizi*
*Testologiya yo’nalishi 2-kurs magistranti*

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada mumtoz adabiyotning falsafiy talqinlari ham tadqiqot metodologiyasi sifatida tanlandi, chunki unda inson, shu jumladan ayollar tarbiyasi masalasi ko‘p asrlik tajribalar asosida berilgan bo‘lib, uning fundamental g‘oyalari inson shaxsiyatini rivojlantirishga, asosiy muammolarni hal qilishda pedagogika fanining o‘rni va maqomiga ustuvor ahamiyat beradi.

**Kalit so’zlar:** jadidchilik harakati, ma’rifatparvar olimlar, ayollar ta’limi, hattotlik ishlari, mustamlakachilik harakatlari, mustabid tuzum.

**Аннотация:** В данной статье в качестве методологии исследования были выбраны также философские интерпретации классической литературы, поскольку в ней вопрос воспитания человека, в том числе и женщины, дается на основе многовекового опыта, а его основные идеи связаны с развитие личности человека, использование педагогики в решении основных задач Отдает приоритет роли и статусу.

**Ключевые слова:** движение джадидизма, просвещенные ученые, женское образование, работа за независимость, колониализм, авторитарная система.

**Abstract:** In this article, philosophical interpretations of classical literature were also chosen as a research methodology, since in it the question of educating a person, including women, is given on the basis of centuries of experience, and its main ideas are related to the development of a person’s personality, the use of pedagogy in solving main tasks Gives priority to role and status.

**Key words:** Jadid movement, enlightened scholars, women's education, independence work, colonialism, authoritarian system.

Turkistonda ma’rifatchilik harakati g‘oyalarining jamiyatga kirib borishi jarayoni o‘ziga xos xususiyatlari bilan farqlanib turadi. Bu erda avvalo rus chorizmining geosiyosiy maqsadlari ortidagi harakatlar, keyin, jamiyatdagi milliy o‘yg‘onish doirasida harakatga kelgan kuchlar umumiy maqsad, ya’ni jamiyatda ma’rifatni rivojlantirish uchun intilishlari kabi jarayonlarning bir paytda kechishi ko‘zga tashlanadi. Binobarin, ushbu mavzuni yoritish davomida albatta Rossiya chorizmi tomonidan amalga oshirilgan faoliyat hamda mahalliy ziyolilar tomonidan ilgari so‘rilgan g‘oyalar va hayotga joriy etilgan ishlari ko‘rib chiqiladi. Aytish lozimki har ikkala tomondan ham ma’rifat nurlari uchun kurash olib borilar ekan, ta’lim masalasi va uning doirasida ayollar ta’limiga e’tibor tobora kuchayib borishi seziladi. Demak, ayollar ta’lim tarbiyasi hayotning dolzarb masalasiga aylanib, diniy va dunyoviy ta’limni zamon ruhiga moslashtirish zarurati zamondoshlarning vazifasi bo‘lgan edi.

O‘rta Osiyoning birinchi ma’rifatchilari qatoriga A.Donish, S.Ayniy, M.Behbudiy, A.Qodiriy, A.Shakuriy, F.Xo‘jaev, A.Fitrat, I.Ibrat, M.Saidjonov, Ajziy va boshqalar kiradi. Ular gumanistik va demokratik tamoyillarga asoslangan yangi jamiyat qurish, shuningdek, musulmonlar xalq ta’limi islohotlarini o‘tkazish, iqtisodiyotni rivojlantirish, odamlarning turmush darajasini oshirish va boshqa ko‘p narsalarni qo‘llab-quvvatladilar. Asta-sekin ta’limiy g‘oyalar keng tarqalib, xalq tomonidan qo‘llab-quvvatlana boshladi. Endi ziyolilar xotin-qizlar ta’limi masalasini yanada ochiqroq aytish, faollashtirishni boshladilar.

Jadidchilik harakatining taniqli shaxslaridan biri Ahmad Donish edi. U Buxoroda, oilaning barcha a’zolari uchun ta’lim juda muhim ahamiyatga ega bo‘lgan oilada tug‘ilgan. A. Donish arab tilini mukammal bilgan va xattotligi yaxshi bo‘lgan, she’rlar yozgan va tarixga ehtiromi bo‘lgan. 1857 yilda u Buxoro amirligi elchixonasining kotibi sifatida Sankt-Peterburgga qilgan safaridan so‘ng rus madaniyati va dunyoviy fanlarni o‘rganishni targ‘ib qila boshladi. U birinchi marta rus ayollarini ko‘rib O‘rta Osiyolik musulmon ayollardan juda farq qilayotganini ta’kidlagan. [1, 57].

Rus hayotini ko‘rish, rus ayollariga qoyil qolish, ularning fe’l-atvorining qat’iyligi, ochiqligi va samimiyligi, Sharqdagi ayollarning qullik holatini taqqoslash natijasida Donish ularning taqdiri haqida qattiq tashvishlangan. U ushbu masalani faol ravishda

muhokama qiladi va oila misolida yoritib beradi, bu erda nikoh ishlari va bolalarni tarbiyalashda oʻzaro tushunishni kuzatish kerak, degan xulosaga keladi. “Nikoh qoidalari va qaynonaning adovati toʻgʻrisida”gi risolasida u oilaviy hayot va ayollarning huquqlari masalalariga batafsil toʻxtaydi. U oʻsha vaziyatdagi adolatizlikni qonunlarning notoʻgʻriligida koʻradi. U ayollarning oiladagi rolini tariflab, “Dunyoda yaxshi va odobli xotindan yuqori yaxshilik yoʻq” deydi. [2, 254].

Ayol haqida gapirish qatʼiyan man etilgan bir paytda Ahmad Donish ayolning hayotidan pardani olib tashlaydi va boshqalarga ayollar huquqlarini yanada jasorat bilan himoya qilishga imkon yaratadi. Garchi uning asarlarida sharq ayollarini oʻqitish boʻyicha hech qanday maxsus chaqiriqlar boʻlmasa-da, ammo Rossiyaning madaniyatli va oʻqimishli ayolini maqtash va uni musulmon ayol hayoti bilan taqqoslash Oʻrta Osiyo adabiy doiralarida yangi davr ayollari tarbiyasi va taʼlimi toʻgʻrisida gapirishga zamin yaratadi.

Donish bilan uchrashish va suhbatlashish sharafi Buxoro viloyatining Soktare qishlogʻida tugʻilgan taniqli yozuvchi va maʼrifatparvar Sadriddin Ayniga nasib etgan. "Buxoro inqilobi tarixi" asarida u shunday yozadi: “Ahmad Donishning “Navodir-ul-vaqoe”” (“Nodir voqealar”) kitobini oʻqib, beqiyos zavq oldim. Kitob shu qadar ajoyib ediki, men uni qayta oʻqishni xohladim. Keyin nima uchun uni “kofir” deb atashganini tushundim. Qoʻrqmasdan, u oʻz kitobida ruhoniylarning barcha salbiy tomonlarini ochib bergan, dars metodikasining barcha kamchiliklarini koʻrsatgan va gapirgan, madrasada oʻtkazilgan koʻplab darslarning foydasizligini yoritib bergan. [3, 23].

Bu davrda, 1883 yili jadidlarning “Tarjumon” gazetasi sahifalarida birinchi marta maktab masalasi koʻtarildi. Xalq taʼlimi toʻgʻrisida qiziqarli va mazmunli hikoyalar nashr etila boshlandi. Sadriddin Ayniy maktab hayoti bilan tanishib, keyinchalik Turkiston oʻlkasining maktab hayotiga toʻliq kirib boradi va darsliklar ham yozadi.

Yozuvchi sifatida S.Ayniy hayotining qizlar maktabida oʻqigan davrini juda qiziqarli tasvirlaydi. U musulmon ayollarining taqdiridan qattiq xavotirda edi. Oʻz asarlarida ayollar qiyofasini aks ettirgan holda, ayollar ulushiga tushgan baxt va baxtizliklarning ijtimoiy va madaniy shartlariga tayangan. [4, 16].

Maorifparvar va dramaturg Mahmudxo‘ja Behbudiy Buxoroda tug‘ilgan. Uning otasi islom huquqshunosligining taniqli olimi bo‘lgan. Uning oilasi Buxoro ruhoniylari orasida eng ma’lumotli oilalardan biri hisoblangan. Behbudiylar oilasida barcha oila a’zolari irsiy “Qori”, ya’ni Qur’on o‘qiydiganlar edi. Hatto uning ikkita singlisi ham Qur’onni va unga sharhlarni mukammal bilgan va ularning eng kattasi “Qori-begim” - Qur’on o‘qigan ayol deb nomlanish sharafiga muyassar bo‘lgan. [5, 7].

1899 yilda ijodiy faoliyatini boshlashdan oldin Behbudiy Haj ziyoratiga bordi va 1903-1904 yillarda Sankt-Peterburg, Moskva, Qazon, Orenburg, Qrim, Turkiyaga tashrif buyurdi. Keyinchalik u o‘zining barcha taassurotlari va xotiralarini “Oina” gazetasida e’lon qiladi. Arxitektura, iqtisodiyot va madaniyat sohasidagi barcha ko‘rgan narsalaridan tashqari u ushbu mamlakatlardagi ayollarning mavqeiga e’tibor beradi. U o‘zi ko‘rgan taraqqiyotni va unda kuzatilgan salbiy tomonlarni tahlil qiladi. Tez-tez mahalliy gazetalar sahifalarida ayollar uchun ta’limning ahamiyati to‘g‘risida gapirib, barcha mablag‘larni ta’lim uchun sarflashga chaqiradi. U qizlar uchun ta’lim o‘g‘il bolalarnikidan kam emas deb hisoblagan. [6].

Behbudiy ayollarning shaxsiyatini tan olishga e’tibor berib, ayollar eng yuksak hurmatga loyiqligini ta’kidlab yozgan edi: “Ayol bu insoniyat bilan bog‘liq shaxsdir. Ayol mutafakkirlarni dunyoga keltiradi, tarbiyalaydi va buyuk shaxs darajasiga etkazadi. Ayollar eng yuksak ehtiromga sazovordir. Ularga erkinlik berish, ta’lim olish imkoniyatini berish kerak va buning uchun ularni moddiy va ma’naviy qo‘llab-quvvatlash kerak. Shariat ayollarga bilim olishlarini taqiqlamaydi, aksincha, ularni qattiq qo‘llab-quvvatlaydi”

Ta’kidlaganimizdek, XVIII asrning boshlaridanoq podshoh Rossiyasi birinchi marta Rossiya imperiyasining Samara viloyatida va ayniqsa O‘rta Osiyoda tabiiy resurslarga boy erlarning iqtisodiy foydalari to‘g‘risida gapira boshladi. 1787 yildayoq podsho Rossiyasi qozoq qabilalarining ayrim qismlariga birinchi marta Uraldan o‘tib, Volga bo‘yida yurishga ruxsat berdi. Keyinchalik, boshqa erlarni bosib olish sharoitlarini o‘rganish uchun O‘rta Osiyoga kazak polklari, geograflar, topograflar, tarixchilar va boshqa olimlar yuborildi. 1789 yilda Omsk shahrida qozoq zodagonlari farzandlari uchun birinchi "Osiyo

maktabi" tashkil etildi. [7, 19]. Bu holat rus maktablarining Rossiyadan tashqarida ham tarqalishiga yo‘l ochdi.

Imperator Yekaterina II hokimiyatga kelguniga qadar Rossiyada ayollarning ta’limiga jiddiy ahamiyat berilmagan. 1764 yilda birinchi bo‘lib har ikki jinsdagi yoshlarni o‘qitish uchun Bosh muassasa tashkil etildi. Smolniyda dvoryanlar qizlari uchun “Zodagon qizlar instituti” (1765) va unin qoshida meshanlar qizlari uchun maktab ochildi. [8, 16].

Chor Rossiyasining missionerlik va ma’rifatchilik strategiyasining asosiy maqsadi joylarda mahalliy aholini ruslashtirish va assimilyatsiya qilish edi. Bu borada, muhim qarorlardan biri rus maktablari va gimnaziyalariga “ayniqsa mahalliy millat vakillaridan” bolalarni jalb qilish edi. Chor Rossiyasining Xalq ta’limi vazirligi 1859 yil 5 martda barcha sinf bolalariga (7 yoshdan 14 yoshgacha) 1-sonli Fortda Sirdaryo yo‘nalishidagi birinchi maktablarning dasturini tasdiqladi. Qabul qilingan bolalar soni 56 kishini [33 o‘g‘il va 23 qiz] tashkil etdi, shuning uchun ikkala jins vakillari uchun 50 kishilik maktab ochilishi kerak edi.

Shunday qilib, o‘g‘il bolalar va qizlar o‘qigan Turkiston o‘lkasining barcha rus-tuzem maktablari va kollejlarida o‘quv dasturi quyidagi fanlardan iborat edi:

1. Alifbodan boshlanadigan savodxonlik asoslari.
2. Rus tili va o‘qish majburiy fan sifatida.
3. Arifmetika
4. Dinshunoslik asoslari - xristianlar va musulmonlar uchun alohida.
5. Tabiatshunoslik
6. Geografiya
7. Rossiya tarixi, keyinchalik Turkiston tarixi.

Mahalliy maktablardan farqli o‘laroq rus-tuzem maktablarida darslar aniq belgilangan dasturlar bo‘yicha olib borilar edi, darslar belgilangan dars davomiyligi bilan jadval bo‘yicha o‘tkazilar edi, o‘quv yili keyingi yilning 1 avgustidan 1 iyungacha davom etardi. [15, 101]. Asta-sekin maktablarda qat’iy intizom bilan birgalikda sinf xonalari va o‘quv qurollari o‘zgartirildi. O‘quvchilar maktabga mato yoki teridan tikilgan sumkalar, siyoh va pat bilan borishadi. Ular daftarlardan va rangli rasmli kitoblardan foydalanardilar.

Barcha rus-tuzem maktablar uchun yagona dasturni ishlab chiqish maqsadida maxsus komissiya tashkil qilindi. Ushbu tuzilgan dasturning mazmuniga ko‘ra har bir o‘quv yilida musulmonlik savodxonligi darsligini o‘rganish ko‘zda tutilgan edi. Masalan, birinchi o‘quv yilining darsligi “Ustodi Avval” muallifi Saidrasul Xo‘ja edi, ikkinchi yilda ham xuddi shu darslikdan foydalangan holda o‘qishni davom ettirardilar, shuningdek “Qur’on” dan 50 ta surani o‘qirdilar. O‘qishning uchinchi yili uchun A.Kalinin “Turkiston o‘lkasidagi rus-tuzem maktablar uchun xrestomatiya” tuzdi, shuningdek, “Qur’on” ning 17 surasini qo‘shdi. To‘rtinchi yili o‘quvchilar musulmonlar Tosh-Xo‘ja-Ishon ta’limotining tafsir kursini o‘tab, arifmetikani o‘rganardilar va “Qur’on” ni o‘rganishni yakuniga etkazardilar. [15, 101]. Keyinchalik katta yutuqqa erishgan mahalliy ziyolilar maktablar uchun o‘zlarining eksperimental darsliklarini tuzdilar.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati**

1. Хӯҷақулов Б. Адабиёти давраи бедории миллӣ (нимаи дуюми асри 19 ва ибтидои асри XX). Китоби дарсӣ. Тошканд, Нашриёти Илмии давлатии «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2015. – 360 б.
2. Аҳмади Дониш. Наводир – ул – вақоеъ. Китоби 2. Душанбе, нашриёти «Дониш», 1980, – 340 б.
3. Авлоний А. Ўсон миллат. Т., Шарқ, 1993, 94-б.
4. Ширматов А.И. Школьное образование у таджиков во II половине XIX – начале XX вв. (до 1917 г.) Дисс. соис.канд. пед.наук. Душанбе, 1967.

# ОСМЫСЛЕНИЕ ПРОБЛЕМ ВОСПИТАНИЯ МОЛОДЕЖИ В ТРУДАХ ВОСТОЧНЫХ УЧЕНЫХ

*Хошимов Шохрухбек Музаффарович*
*учащийся 2 курса академического лицея Ташкентского государственного юридического университета*

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada O‘zbek oilalaridagi bola tarbiyasi masalasi, bola tarbiyasida Sharq mutafakkirlari Muhammad ibn Muso al-Xorazmiy, Abu Nasr

Forobiy, Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali ibn Sino, Muhammad Qoshg‘ariy, Yusuf Xos Xojib, Kaykovus, Umar Xayyom, Ahmad Yugnakiy, Husayn Voiz Koshifiy kabi mutafakkirlarning qator asarlaridagi bolalarni oilada tarbiyalash masalalariga doir ma’lumotlar keltirilgan.

**Kalit so‘zlar:** aql, bilim, madaniyat, munosabat, mutafakkir, mustaqil, urug‘, tarbiya, o‘qish, qadr-qimmat, san’at.

**Аннотация.** В данной статье рассматривается вопрос воспитания детей в узбекских семьях, восточные мыслители в воспитании детей Мухаммад ибн Муса аль-Хоразми, Абу Наср Фараби, Абу Райхан Беруни, Абу Али ибн Сина, Мухаммад Кашгари, Юсуф Хос Хаджиб, Кайковус, Омар Хайям, Ахмад Югнаки, сведения по вопросам воспитания детей в семье в ряде произведений таких мыслителей, как Хусейн Вайз Кошифи.

**Ключевые слова:** разум, знание, култура, отношение, мыслител, независимый,семя, воспитание, учёба, достоинство, искусство.

**Annotation.** This article discusses the issue of raising children in Uzbek families, Eastern thinkers in raising children Muhammad ibn Musa al-Khwarizmi, Abu Nasr Farabi, Abu Rayhan Beruni, Abu Ali ibn Sina, Muhammad Kashgari, Yusuf Khos Hadjib, Kaikovus, Omar Khayyam, Ahmad Yugnaki , information on the upbringing of children in the family in a number of works by such thinkers as Hussein Waiz Koshifi.

**Key words:** mind, knowiedge, culture, relation, thinker, independent, family, education, teaching, quality of deservingpraise, craft.

Семья проверяет обычаи людей, общества и жизни. Он хранит хорошие в своей груди и передает их будущим поколениям. Семья воспитывает своих детей и прививает им общечеловеческие ценности, придавая им начальную социальную направленность. Добавляя своих детей к более широкому потоку - обществу, семья также влияет на направление развития общества, его экономику, культуру и образование. Именно поэтому семья издревле считалась на Востоке священной крепостью. В частности, до сих пор сохраняются черты узбекских семей. У узбеков пожилые люди и родители играют большую роль в формировании

определенного образа жизни семьи, получении жизненного опыта, жизни бережливой и разумной, воспитании детей вежливыми и нравственно зрелыми. Узбекские семьи отличаются крепостью, организованностью, ребячеством, уважением родственных связей, доброжелательностью и другими ценностями. Благодаря государственной независимости Узбекистана вновь стали восстанавливаться древние национальные традиции и обряды нашего народа, эти традиции играют важную роль в укреплении семьи[1].

Вопросы образования занимают важное место в научном наследии восточных мыслителей. В частности, много внимания уделяли семье и воспитанию детей в семье.

Мыслители пытались решить эту проблему, потому что воспитание молодого поколения определяет дальнейшую судьбу человечества и вооружает его положительными критериями. В ряде произведений таких мыслителей, как Мухаммад ибн Муса аль-Хоразми, Абу Наср Фараби, Абу Райхан Беруни, Абу Али ибн Сина, Мухаммад Кашгари, Юсуф Хос Хаджиб, Кайковус, Омар Хайям, Ахмад Югнаки, Хусейн Вайз Кошифи, вопросы обсуждаются вопросы воспитания детей в семье, приводятся данные.

По словам Абу Насра Фараби, все человеческие способности и качества имеют две стороны. Первые — врожденные, наследственные природные качества, вторые — качества, формирующиеся под влиянием опыта, практики, обстоятельств. Он также подчеркивает, что в воспитании ребенка необходимо учитывать качества, которые связаны друг с другом[2].

Вопрос воспитания ребенка в семье присутствует и во взглядах Абу Бакра Мухаммада ибн аль-Аббаса аль-Хоразми. Он говорит, что родители — это два вида отца по рождению и отца по воспитанию: первый для физической жизни и второй для духовной жизни. Соответственно, важно заботиться о них в целом в работе по воспитанию. Очень поучительны его следующие слова: «Я не видел лучшего учителя, чем время, ученика, который может учиться лучше, чем человек». Из его слов, с одной стороны, мы понимаем решающее влияние социальной среды на воспитание ребенка, а с другой стороны, осознаем, что в

результате воспитания может созреть человеческая личность[3].

Беруни советует родителям держать ребенка в меру. Говорят, что этого можно достичь, удерживая их от гнева, страха и печали, бессонницы и пытаясь заставить их найти то, что они хотят и от чего получают пользу, и стараясь удерживать их от того, что им не нравится. Разное отношение родителей к детям вызывает разное поведение. Появление полезных привычек не только влияет на психику ребенка, но и способствует его физиологическому росту. А плохое поведение приводит к различным нарушениям со стороны клиентов. Наоборот, изменения в организме ребенка вызывают изменения в его психическом поведении. Мыслитель также научно обосновывает тот факт, что здоровье тела и души является результатом умеренности поведения ребенка[3].

Ибн Сина подчеркивает, что воспитание ребенка в семье очень сложное и деликатное, и его следует начинать с раннего возраста и проводить последовательно. Он рассказал о воспитательном значении матушки Аллаха и сказал, что «Алла» выполняет две задачи. Первый дает физический отдых ребенку, встряхивая его; во-вторых, от качания колыбели в ритме возбуждается материнская любовь, а от любви к своему ребенку из сердца выталкиваются материнская мечта и надежда. Эта уникальная песня звучит как ода его ребенку, и она проникает в его детское сердце всем его сознанием. Таким образом, у ребенка возникает непонятная ему ситуация. Он постепенно начинает понимать этот светлый мир. Именно с этого осознания и начинается обучение. То же самое обучение является образованием. Обучение происходит от восприятия. Обращая внимание на эту ситуацию, Ибн Сина высказывает мнение, что «чувствительность маленького ребенка равна чувствительности взрослого»[3].

В своем труде «Кутадгу билиг» мыслитель говорил о воспитании детей и писал: «Чем образованнее, умнее, подвижнее ребенок, тем светлее лицо родителей». Основное внимание он уделяет ответственности отца в воспитании ребенка. «У кого есть сын или дочь, тот человек, — пишет он, — только этот человек будет оплакивать его». Если отец оставит ребенка сиротой в молодом возрасте, в ребенке нет греха, все наказание лежит на самом отце. Если поведение

сына или дочери непослушное, то это отец совершил непослушный поступок. Если отец контролирует детей и обучает их разным ремеслам, когда они вырастут, они будут счастливы иметь сына и дочь.Сына и дочь следует обучать ремеслам и знаниям, чтобы при этом ремесле у них был хороший характер. ...пусть это будет зал." Ребенок постепенно осваивает ремесло, учится у жизни, становится знающим и обретает истинную человеческую красоту[3].

Воспитание ребенка в семье также занимает достойное место в наследии великого мыслителя поэта Алишера Навои. Во многих своих работах он раскрывает, что вопросы образования являются универсальной идеей. По его мнению, зрелость общества связана со зрелостью юноши, его судьбой и будущим, поэтому воспитание ребенка - благородная задача для родителей.

Алишер Навои хвалит хорошие качества родителей. Накопление в них таких качеств показывает, что они играют важную роль в воспитании ребенка. Заслуживают внимания, например, его мысли о женах: «Хорошая жена, — говорит Навои, — это состояние и счастье семьи, ее покой, от нее покой и покой хозяина дома, если она весела, то она счастлива, если она вежлива, ее душа счастлива». Если есть разум, в жизни будет порядок. Если он ленив, от него будет страдать сердце, если он искатель зла, от него будет страдать душа. Если он добродушный, то потеряется благополучие дома, если глупый, то семья будет опозорена[2].

Давани подчеркивал роль родителей в воспитании ребенка и формировании его мировоззрения. По его убеждению, и отец, и мать должны в равной степени участвовать в воспитании ребенка, и оба должны чувствовать равную ответственность. Отец также помогает ребенку приобрести прекрасные качества, освоить любимую профессию, взрослеет, снабжает продуктами питания, одеждой, необходимыми предметами и оборудованием, которые являются материальной базой для приобретения науки и профессии. Хотя Давани очень ценит роль отца в воспитании ребенка, он все же считал, что основная трудность в деле воспитания ложится на мать. Потому что она проходит через тяготы беременности и родов. Мать является причиной жизни ребенка, дает первую энергию из своего тела,

долго заботится о нем, заботится о воспитании ребенка и жертвует своей безграничной любовью к ребенку.

В первую очередь родители должны научить ребенка прививать простые нравственные нормы ходьбы, стояния, еды, питья, чувствовать ответственность за свои поступки и стыдиться своих дурных поступков. Так, Давани отмечает, что главной обязанностью родителей является заниматься воспитанием детей[3].

Исходя из отмеченных моментов, уместно сделать следующие выводы:

- воспитание ребенка в семье, вопросы семьи признаются древнейшей ценностью в трудах восточных ученых;
- восточные ученые показывают, что в воспитании ребенка в семье важен личный пример родителей;
- обосновывается, что роль воспитания и обучения в развитии личности ребенка в семье является главной;
- обязанности, обязанности и задачи родителей в воспитании и воспитании ребенка в семье подробно осознаются учеными Востока.

Из вышеперечисленных моментов видно, что воспитание, данное человеку в семье, уникально, и роль главного объекта влияния в этом процессе играют родители. Постоянное воспитательное воздействие в семейном воспитании - это душевное спокойствие в семье, искреннее отношение, высокий родительский авторитет, сохранение единства между взрослыми семьи в предъявлении требований к детям, уделение особого внимания воспитанию личности ребенка к труду, к любви и уважению ребенка, установить в семье строгий режим и распорядок, учитывать возрастные и личностные особенности ребенка, следить за изменениями в ребенке, поддерживать в нем качества самостоятельности и инициативы, насколько семья члены искренни, семейное воспитание будет столь же успешным. Большая часть жизни ребенка проходит в семье.

**Использованная литература**

1. Национальная энциклопедия Узбекистана. 2006.
2. Абу Наср Фараби «Город добродетельных людей» Т.: 1993. С. 224.

3. Алишер Навои «Махбуб уль-Кулуб». Сборник избранных сочинений 13т, Т.: 1996. 224 с.

4. Файзиева М., Джаббаров А. «Психология семейных отношений» Т.: «Поколение нового века» 2007.

# ТАРБИЯСИ ҚИЙИН ГУРУХГА МАНСУБ АГРЕССИВ ХУЛҚЛИ БОЛАЛАР ВА УЛАРНИНГ ОТА-ОНАСИ БИЛАН ИШЛАШ МУАММОЛАРИ

*Эргашева Қиматой Зайниддиновна,*
*Навоий Давлат Педагогика Институти*
*педагогика психалогия факултети талабаси*

Тарбия узлуксиз жараён бўлиб, инсон дунёга келишидан бошлаб, то умрининг охиригача давом этиб боради. Бу жараён давомида атроф-муҳитдаги воқеа-ҳодисаларнинг шахсга салбий ёки ижобий акс таъсир этиши унинг инсоний фазилатлари қай даражада шаклланганлагини белгилайди. Бугунги кунда таълим соҳаси олдида турган энг долзарб муаммолардан бири ҳам айнан, шу мақсадга қаратилган бўлиб, келажак авлодни комил шахс сифатида шаклланишини таъминлашдан иборатдир.

Афсуски, барча мамлакатларда бўлгани сингари бизнинг ўсиб келаётган ёшларимиз орасида ҳам тарбияси оғир ва ноқобил фарзандлар мавжуд бўлиб, уларнинг тарбиясига алоҳида эътибор ва ёндашувни талаб этади.

Маълумки, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан оила, маҳалла, таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар, илмий-педагогик кадрлар шуғулланадилар. Тарбия жараёнида барча иштирокчиларнинг баҳамжиҳатлиги таъминлансагина, у ўзининг ижобий натижаларини бериши мумкин.

Тарбияси оғир болалар билан ишлаш азалдан энг долзарб муаммолардан бири бўлиб келган.

Бу муаммонинг юзага келиш сабабларини чуқур таҳлил қилар эканмиз, энг аввало, туғилган боланинг уни дунёга келтирган шахсларнинг кимлиги, иккинчидан, у қандай ижтимоий муҳитда туғилиб вояга етиб, улғаётганлигига эътиборни қаратишимиз лозимдир.

Агар биз фарзандларимизни ҳар томонлама етук қилиб тарбияламоқчи бўлсак, яъни комил инсонни вояга етказишимиз учун уни, аввало ҳар томонлама ўрганишимиз лозим. Тарбияси қийин болаларнинг ҳатти-ҳаракатларини психологик таҳлил этиш ва уларга амалий жиҳатдан кўмак бериш, мазкур йўналишда ҳеч бўлмаганда содда ва бажарилиши осон бўлган амалий машғулотлар ўтказиш кўникма ва малакаларига эга бўлишимизни талаб этади.

Бу жуда мураккаб ишлардан бири ҳисобланади. Агрессив хулқли болаларнинг ота-оналари тез-тез болага нисбатан ёқимсиз ҳиссиётни бошдан кечирадилар ва болага ёрдам бериш учун эмас, балки болани «юввошлантириш» учун психологик консультацияга мурожаат қиладилар. Улар боланинг тинчлантирилишини ва бола уларни хафа қилувчи ишларини тугатишини истайдилар.

Кўп ҳолларда агрессив хулқли боланинг ота-онаси тушкунликка тушган ва ҳаётидан норози одамлар бўлишади. Кўпинча собиқ агрессив хулқли болалар ўзларининг психологик қийинчиликларини ўз болаларига ўтказадилар. Шу сабабли психолог биринчи навбатда боланинг ота-онаси билан психотерапевтик иш олиб бориши лозим. Психолог қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Биринчидан, ота-онанинг қадр – қимматига негатив таъсир этишдан қочиш лозим (Сиз ўз болангизнинг шахси бузилиши ҳақида ҳеч нима билмайсиз, ҳозир мен сизга тушинтириб бераман). Ота-онанинг шахсиятига тегмаган ҳолда вазиятни аниқлаб олиш лозим. Ота-оналар баъзан ўзлари ҳаётида эришолмаган нарсаларига фарзандлари эришишини ҳохлайдилар ва ундан талаб қиладилар (Масалан, мен таниқли рассом, врач ёки бирор бошқа касб эгаси бўла олмадим, болам бўлиши керак).

Иккинчидан, ота-она болага бўлган установкасини ўзгаритириши лозим. Улар агрессив хулқли болани ношукур деб ҳисоблашади. Ўзларининг жаҳли ва таъна маломатларига жавобан боланинг айбдорлик туйғусини ҳис қилишини, афсусланишини, кечирим сўраши ва уларни тинчлантиришини кутадилар. Бу юз бермаганидан улар аччиқланади ва болани «беъмани, бузилаган, ёмон» ҳисоблашади. Ота-онани болага ачинишга чақириш лозим ва кўрсатиб ўтиш керакки, ҳар доим агрессив бола биринчи навбатда бахтсиз бола. Ота-онага психолог ғазабнинг намоён бўлиш механизмларини ва яна агрессивликни эмоционал бузилиш сифатида кўрсатиб ўтиши лозим.

Учинчидан, ота-онага ўзларининг болалик хотираларини, ўша даврдаги агрессив қилмишларининг сабабларини эслатиш керак. Балки бу кўпгина шахсий комплексларни очиши мумкин. Бу ҳолатда уларга психик ёрдам кўрсатиш ва шахсиятини барқарорлаштириш керак бўлади. Болалар муаммоси ҳар доим оилавий муоммоларни кўтаради. Болани ўраб турган одамлар ёрдамисиз унинг ўзига алоҳида ёрдам кўрсатиш деярли мумкин эмас. Боланинг ўзини алоҳида ажратиб олиб ёрдам кўрсатилганда ҳам бу яхши самара бермайди, чунки оиладаги муаммолар агрессиянинг яна қайтарилишига сабаб бўлиши мумкин.

Тўртинчидан, бола туғулгунча ва чақалоқлигининг биринчи ойларида ота-онанинг унга бўлган муносабатини аниқлаб олиш лозим. Баъзан бола онанинг «мажбурий» ёки «тасодифий» хомиладорлиги асосида дунёга келган бўлиши мумкин. Бу ҳолатда ота-она қаттий бир қарорга келиши лозим. Агар бола уларнинг ҳохишисиз туғилган бўлса ҳам барибир ота-она унга ғамхўрлик қилишга бурчли. Мабодо ота-она унинг дунёга келишини хоҳлаган бўлсалар ҳам, аммо у «жаҳлдор, кулоқсиз, чидаб бўлмайдиган бўлиб қолганидан кейин унга бўлган муносабатини ўзгартирган бўлсалар, уларнинг шахсиятини ерга урмаган ҳолда шуни кўрсатиш керакки, бола ўзининг хулқи билан уларнинг ҳаракатларига жавоб беряпти холос.

Агрессив хулқни «ёмон» билан бир хил ҳисоблаш мумкин эмас. Оғир, хавфли вазият пайдо бўлганида агрессивлик ҳимоя, баъзида эса вазиятни бартараф этувчи функцияни бажаради. Агрессив хулқ айниқса болада ёшга хос

бўлган ўтиш даврида кузатилади. Бу шундан далолат берадики, ёш даврлари кризиси пайтида боланинг яшаши қийинлашади, ҳар қандай мураккаб вазиятда бола қийинчиликни ҳис қилади ва шу сабабли агрессив хулқнинг элементларини кузатиш мумкин. Бу нормадаги болага ҳам, агрессив хулқли болага ҳам бирдек тегишли. Аффектив бузилиш бўлганида агрессия одатий ҳодисага айланади, ҳатто хулқ-атворнинг бирдан бир шакли бўлиб қолади. Бироқ бунга қарамасдан, бола хулқида агрессивликнинг бор бўлиши улар билан ўзоро муносабатда қийинчилик туғдиради. Агрессив тенденцияларни тасодифий салбий ҳолат деб баҳолаб бўлмайди.

Шуни эсда тутиш керакки, аффектив тараққиёт жараёнида бола активлиги қонуний равишда ошиши мумкин. Одатда, катталар ёрдамида ўтказилган психокоррекциянинг бу зарурий босқичида бола ўзини куршаган реаллик билан нисбатан адекват турдаги мулоқотни ўзлаштириши мумкин.

Бола агрессиясини коррекция қилишни унинг сабабини аниқлашдан бошлаш лозим. Агар агрессия эмоционал мотивацион сферанинг бузилиш сабабли бўлмаса коррекцион фаолиятни уни йўқотишга эмас, балки салбий оқибатларга олиб келувчи агрессив хулқни юмшатиш ва унинг намоён бўлишига йўл қўймасликка қаратиш лозим. Шу билан бирга катталарни унинг агрессив реакциясига адекват идрок қилишга тайёрлаш лозим.

Бошқа ҳолатда, яъни агрессия эмоционал мотивацион сферанинг бузилишини намоён бўлиши бўлса, психолог ёки тарбиячи ҳаракати боланинг мустаҳкамланмаган агрессив ҳаракатига йўналтирилиши лозим.

Коррекцион методиканинг қўлланиши тўлиқлигича агрессив хулқнинг сабабига боғлиқ бўлади. Коррекция методи конкрет ҳодиса ва конкрет болани ҳисобга олган ҳолда танланади. Бу қуйида шарҳланган коррекция методларини диққат билан кўриб чиқишни тақозо этади.

1.Агрессияга мойилликни эътиборга олмай қўйиш, унга атрофдагиларнинг диққат қаратмаслиги.

2.Агрессив ҳаракатларни ўйин мазмунига киритиш ва унга янги эмоционал мазмун бериш. Бу орқали боланинг атрофдагиларга зарар етказмаган ҳолда

агрессив мойиллигини чиқариб юбориш (масалан, қароқчи ва казаклар ўйинида агрессив хулқли болага қароқчи ролини бериш).

# YOSHLARDA SALBIY O'ZGARISHLARNI KELTIRIB CHIQARUVCHI TASHQI TASIRLARNING IJTIMOIY,PEDAGOGIK VA PSIXALOGIK JIHATLARI

*Mirtojiyeva Yulduzxon Nosirovna,*
*Farg'ona viloyati O'zbekiston tumani 4-maktab amaliyotchi psixologi*

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada shaxs o'rganishning psixologiya uchun xosligi, shaxsning shakllanish jarayoniga shaxslararo munosabatlardan tashqari jamiyatdagi mavjud siyosiy doiralar va mafkuraviy qarashlar va salbiy ozgarishlar ham katta ta'sir ko'rsatishi to'liqroq yoritib berilgan.

**Kalit so'zlar:** Sotsial psixologiya, ijtimoiy-psixologik yondashish, yondashuv sotsializatsiyasi, shaxslararo munosabatlar.

Yoshlar muammosiga ijtimoiy-psixologik yondashishning o'ziga xosligi shundaki, u turli guruhlar bilan bo`ladigan turli shakldagi o'zaro munosabatlarning oqibati sifatida qaraladi. Ya'ni Ijtimoiy psixologiya, avvalo, biror guruhning a'zosi hisoblangan shaxs xulq-atvori qanday qonuniyatlarga bo'ysunishini, shaxsning muloqotlar sistemasida olgan ta'sirlari uning ongida qanday aks topishini o'rganadi. Guruhning shaxs psixologiyasiga ta'siri qay yo'sinda sodir bo`lishi ijtimoiy psixologiyada sotsializatsiya muammosi bilan uzviy bog'liq bo'lsa, bu ta'sirlarning shaxs xatti-harakatlari, xulqida bevosita qanday namoyon bo`lishi ijtimoiy yo'l-yo'riqlar muammosi bilan bog'liqdir. Ana shular asosida shaxsda shakllanadigan fazilatlar va ularning turli tipdagi shaxslarda namoyon bo`lishini aniqlagan holda, shaxs xulq-atvorini boshqarish mexanizmlarni ishlab chiqish Ijtimoiy psixologiyaning asosiy vazifalaridan biridir.

Yoshlar psixologiyasining shakllanishiga u mansub bo‘lgan ma’lum bir ijtimoiy guruhlarning munosabatlari ham o‘z ta’sirini ko‘rsatadi. Bunday o‘zaro ta’sir va muloqot jarayonida shaxslarning bir-biriga ta’siri sodir bo‘lishi bilan birgalikda, jamiyatga, mehnatga, odamlarga, o‘zining shaxsiy sifatlariga nisbatan o‘z qarashlariga, ijtimoiy ustanovkalariga ta’sir o‘tkazishi sodir bo‘ladi. Ma’lum bir ijtimoiy muhitda yashar ekan, shaxs u yerda o‘ziga xos o‘ringa, obro‘ga, rolga ega bo‘ladi. Hozirgi zamon ijtimoiy psixologiyasi sohasida shaxsni o‘rganish ustida olib borilayotgan tadqiqotlar masalasi, ayniqsa bu boradagi amaliy vazifalar ijtimoiy psixologiya fanining markazida turuvchi psixologik va sotsiologik yondashuv yo‘nalishlari asosida hal qilinmoqda. Masalan, Amerika va boshqa barcha g‘arb davlatlarida shaxsni o‘rganishga nisbatan ikki xil ijtimoiy psixologiya - «Psixologik ijtimoiy psixologiya» va «Sotsiologik ijtimoiy psixologiya» mavjud. Bu yo’nalishlar bir-biriga o‘xshasada, ularning bir-biridan farqli jihatlari ham mavjud. Ya’ni psixologik ijtimoiy psixologiya shaxs va faoliyat, muomala, shaxslararo munosabat, shaxsning ijtimoiy-psixologik tuzilishi, shaxsning kognitiv, konativ, xulq-atvor imkoniyatlarini o‘z ichiga olgan ijtimoiy ustanovkalar, shaxs va jamoaning ijtimoiy-ruhiv kechinmalari kabi muammolar ustida tadqiqot olib borishni maqsad qilib olgan bo‘lsa, sotsiologik ijtimoiy psixologiyada esa ko'pincha jamiyatning ijtimoiy qatlamlarini tahlil qilish, xalqlar psixologiyasi, ommaviy hodisalar psixologiyasi, sinflar, guruhlar, gumanistik psixologiya kabilarga alohida urg‘u beriladi. Ijtimoiy psixologiyada shaxsni o‘rganishning o‘ziga xosligini tushuntirish va ko‘rsatish maqsadida bu sohada ish olib borayotgan barcha olimlar o‘z qarashlarini o‘ziga xos tarzda ifodalay olgan. Shulardan biri D.Mayers ijtimoiy psixologiyada shaxsni o‘rganishning o‘ziga xosligini tahlil qilish uchun barchaga ma’lum bo‘lgan bir ertakdan foydalanadi. Bu ertak yoqimtoy Zolushka haqidagi ertak bo'lib, unda quyidagicha mazmun aks ettiriladi: Taqdir taqozosi bilan Zolushka shahzoda uyushtirgan katta bal (qadimda boy xonadonlar tomonidan maxsus uyushtiriladigan raqs kechasi) ga tushib qoladi va shahzodaning e’tiboriga sazovor bo‘ladi. Zolushkani qattiq sevib qolgan shahzoda uni izlab kelib, o‘gay onaning xonadonida ko‘rganida avvaliga tanimaydi. Nega? Bu ertak shaxs va uning atrofidagi muhit munosabatlarini tushunib olish uchun juda sodda misoldir. Zolushka shahzoda

huzuridagi balda go‘zal, xushchaqchaq, jozibali ko‘ringan bo‘lsa, o‘gay ona huzurida butunlay boshqacha ko‘rinadi va o‘zini boshqacha tutadi. Balda u o‘ziga nisbatan ijobiy munosabatlar doirasida o‘zini go‘zal va ajoyib qiz ekanligiga ishonib aloqaga kirishgan bo'lsa, o‘gay onasining uyida unga nisbatan salbiy munosabatlar ta’sirida o‘ziga nisbatan past baho berishi natijasida o‘zini tortinchoq, kamgap tutadi.

Yot g‘oyalarga qarshi turish, avvalambor, insonning ishonch-e’tiqodi bilan chambarchas bog‘langan. Shuning uchun o‘z g‘oyasiga ishonch tuyg‘usini shakllantirishda yoshlarning hayotga bo‘lgan qarashlari va e’tiqodini mustahkamlash yetakchi o‘ringa chiqadi. Bunday yondashuv esa shaxs qadriyatlari shakllanishini bilish, qadriyatlar tizimiga xos bo‘lgan ichki mexanizmlar faoliyatini tahlil etish zaruratini qo‘yadi. Insoniyat ayni milliy hudud doirasida o‘z an’ana va xulq me’yorlarini saqlaydi, ularni rivojlantiradi va keyingi avlodga o‘rgatadi. Xulqning me’yoriy jihatlari, an’ana va odatlar muayyan g‘oya asosida birlashadi va turli qadriyatlarda o‘z aksini topadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:**

1.Maxmudova Z.M., Olimov L.Ya. Social Psychological Characteristics Of Psychological Defenses Manifested In Adolescents In Extreme Situations. Вестник интегративной психологии журнал для психологов. Выпуск № 22, 2021 г. С 233-237.

2. Maxmudova Z.M., Olimov L.Ya.. Psixodiagnostika va eksperimental psixologiya. “Durdona” nashriyoti. Buxoro. 2021. -B. 600.

3. Olimov L, Avezov O. Social Psychological Characteristics Of Psychological Defenses Manifested In Adolescents In Extreme Situations. International Journal of Scientific & Technology Research. volume 9, issue 02, february 2020. P 2784-2786.

4. Olimov L.Ya, Maxmudova Z.M. Psychological peculiarities in stressful situations and social psychological features of coping behavior manifestation. "Science and Education" Scientific Journal. February 2022/ Volume 3 Issue 2. www.openscience.uz 1324-1333.

5. Olimov L.Ya. Psixodiagnostika va psixometrika asoslari. Darslik. “Durdona” nashriyoti. Buxoro. 2021. -B. 747. 6. Olimov L.Ya. Umumiy psixodiagnostika. “Durdona” nashriyoti. Buxoro. 2020

6. Abdullayev Akmal Nasriddinovich (2020). THE FEATURES OF APPEARING FAMILY IN MODERN SOCIETY. European science review, (3-4), 69-72.

7. N. Ismoilova, D.Abdullayeva. Ijtimoiy psixologiya. 2013. Qisqacha psixologik lug'at. - Rostov-na-Donu: FENİKS. L.A.Karpenko, A.V.Petrovskiy, M.G.Yaroshevskiy.1998.

8. G’oziyev E. G. Umumiy psixologiya. Toshkent 2002. 1-2 kitob

9. G’oziyev E. G. Muomila psixologiyasi.

# XVII-XIX АСРЛАРДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТГАН ТАСАВВУФ МАКТАБЛАРИ ВА НАМОЯНДАЛАРИ

*Мўсинова Дилдора Валижон қизи*
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти*

Самарқандда XVII-XIX асрларда фаолият кўрсатган нақшбандия, яссавия, ишқия, кубровия, қодирия-неъматуллоҳия каби тасаввуф мактаблари ва унда фаолият олиб борган тариқат намояндалари ўзига хос томонларини намоён этади.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Самарқандда – ҳадисшунослик, Имом Мотуридий марказида калом илми, Фарғонада – Марғиноний илмий марказида ислом ҳуқуқи, Бухорода – Баҳоуддин Нақшбанд марказида тасаввуф, Қашқадарёда – Абу Муин Насафий марказида ақида илми мактабларини ташкил этилди. Бу ерда билимли имом-хатиблар, исломшунос мутахассислар, уламолар тайёрлашда, энг муҳими, фарзандларимизни буюк аждодларимизнинг бебаҳо мероси руҳида, соғлом эътиқод руҳида тарбиялашда бу мактаблар таянч бўлиб хизмат қилишини амалда кўрсатиш керак. Чунки, жаҳон фани, диний илмларни ривожланишида қўшган ҳиссасида буюк алломаларнинг

ана шундай мактаблари аҳамияти катта бўлган. Шундай мактаблардан бири XVI асрда Марказий Осиёда вужудга келган Даҳбед мактаби бўлиб, нақшбандия таълимотини дунёга тарқалишида муҳим ўрин тутган.

Мактаб асосчиси нақшбандия тариқатининг назариётчиси Маҳдуми Аъзам (тўлиқ исми Саййид Аҳмад Хожаги ибн Саййид Жалолиддин) Косоний Даҳбедийдир. У Фарғона водийсининг Косон шаҳрида таваллуд топган.

Даҳбед-косония мактаби ва унинг фаолияти нафақат Марказий Осиёда, балки узоқ Ғарбда ҳам кенг ўрганилган. Масалан Буюк британиялик олим Algar Hamid нақшбандия тариқати пири Маҳдуми Аъзам ҳамда унинг авлодлари фаолиятига юқори баҳо беради[29]. Рус олими Н.Веселовскийнинг ҳам Маҳдуми Аъзам зиёратгоҳидаги қабртошларни тадқиқ этган.

Маҳдуми Аъзам шариат ва тариқат илмига оид, ахлоқ ва илоҳиёт масалаларига доир ўттиздан ортиқ диний, фалсафий, ахлоқий, илмий ва адабий рисолаларни ёзиб қолдирган.

Даҳбед-косония мактаби асосчиси Маҳдуми Аъзамга – Муҳаммад Ислом (1494-1563), Мавлоно Лутфуллоҳ (967/1559-979/1571), Мавлоно Поянда (ваф. 1601), Шайбоний ҳукмдорлардан Убайдуллохон (ваф. 1538), Абдулазизхон (ваф. 1550), Жонибек Султон (ваф. 1529), темурийлардан Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) унга мурид тушишган.

Маълумки, нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва тариқати Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд томонидан асосланган. Унинг халифалари Алоуддин Аттор, Муҳаммад Порсо ва Яъқуби Чархийлар уни ривожлантирган. Яъқуби Чархийдан нақшбандия таълимотини олган Хожа Аҳрор Валий бу тариқатни Туркия ва Ҳиндистонда ёйилиши, шу туфайли бутун жаҳонга тарқалишига сабаб бўлган. Унинг ғояларини Муҳаммад Қози орқали Маҳдуми Аъзам ривожлантирган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, биринчидан, Маҳдуми Аъзам вафотидан сўнг нақшбандия тариқатларида халифалар ўртасида пирнинг мақомини олиш, иршод ҳуқуқини қўлга киритишга интилиш кучайган дейиш мумкин.

[29] Algar Hamid. Dahbidiya. http://www.iranicaonline.org/articles/dahbidiya. Интернет маълумоти.

Махдуми Аъзамдан кейин даҳбед-косония мактаби тарбияланувчилари тариқатнинг бу тармоғини ўз юртларига олиб боришган. Масалан, Муҳаммад Ислом Жўйборий Бухорога ва Мавлоно Лутфуллоҳ Чустга олиб бориб, даҳбед-косония мактабининг чуст ва жўйбор тармоғини шаклланишига сабабчи бўлишган. Бу даврда нақшбандия мактаблари ичидаги рақобат тобора кескинлашиб борган. Манбаларни ўрганиш натижасида, Муҳаммад Ислом Самарқанд, Кармана, Бухоро вилоятларида, Мавлоно Лутфуллоҳ эса, Тошкент, Фарғона водийси, Ҳисор, Афғонистон ҳудудларида таъсири катта бўлган.

Махдуми Аъзам фарзанди Муҳаммад Аминнинг икки ўғли Ҳошимхожа Даҳбедда ва Солиҳхожа Балхда тариқат илмини давом эттиришган. Унинг кенжа ўғли Хожа Юсуф (ваф. 1640) эса амакиси Хожа Исҳоқ Валий фарзандлари билан Шарқий Туркистонда фаолият олиб борган. Аммо Махдуми Аъзам вафотидан кейин ҳам тариқатга раҳбарлик қилишни Муҳаммад Амин ўз зиммасига олмайди ва нақшбандия тариқати раҳбарлигини Жўйбори ҳожилардан бирига беришни талаб қилади ва Муҳаммад Аминхожа нақшбандия арконларини ривожлантириш вазифасини Хожа Муҳаммад Исломга топширади.

Даҳбед мактабининг намояндаси Хожа Ҳошим Даҳбедий (ваф. 1642), Муҳаммад Аминнинг ўғли, Махдуми Аъзамнинг невараси. У Марказий Осиёда машҳур бўлган саркарда Ялангтўш Баҳодирнинг (1578-1656) пири-муршиди бўлган.

Нақшбандия тариқатининг Даҳбед мактабига мансуб тариқатчилар бутун Маказий Осиё, Хуросон ва Ҳиндистонда тариқатчилик ғояларини ёйишган.

Даҳбед-косония мактаби кейинги даврларда ҳам ўлкада катта мавқеини сақлаб келган. Мактаб тарбияланувчилари таълим-тарбияни олгач, ўз ҳудудларига бориб мактабнинг янги тармоғини шакллантиришга ҳаракат қилишган. Кейинги даврларга келиб даҳбед-косония мактаби мавқеи бироз сусайишини кузатилади. Аммо XVIII асрга келиб Махдуми Аъзам авлодларидан бири Мусохонхожа Даҳбедий мазкур мактаб фаолиятини янгича ғоялар ва қарашлар ҳамда янги силсила тармоқларини умулашган ҳолда юритиши натижасида, мактаб қайта ривожланади.

Мусохонхожа Даҳбедий кубравия тариқати вакили Муҳаммад Ризо Қарнакий ҳамда нақшбандия-мужаддидия муршиди Миён Обид Жаҳонободий (ваф. 1738-39) қўлида таълим олади. Шайх Муҳаммад Обид Мусохонхожа Даҳбедийга тўрт тариқат: нақшбандия, қодирия, сухравардия ва чиштияга раҳбарлик қилиш ижозатини беради. 1756 йилларда Мусохонхожа Даҳбедий ва унинг издошлари Ҳиндистондан Самарқандга келади. Шу тариқа нақшбандия-мужаддидия таълимотининг маркази Ҳиндистондан Даҳбедга кўчади.

Мусохонхожа Даҳбед бобоси асос солган Даҳбед-косония мактаби ва Сирҳинд мактабини уйғунлаштириб, нақшбандия-мужаддидия-даҳбедия мактабини шакллантиради. Унинг бу мактаби кейинчалик Марказий Осиё, Шарқий Туркистон, Хуросон, Ҳиндистон ўлкаларини ўз ичига қамраб олган.

Мусохонхожа Даҳбедий нақшбандия-мужаддидия сулукининг назарий ривожига катта ҳисса қўшди, таълимотни турли хурофотлардан тозалаб, асарларида тариқат таълимотини Қуръон ва суннат асосида ривожланишига ҳисса қўшди.

Мусохонхожа халифа Муҳаммад Сиддиқ, Муҳаммад Амин, Худоёр, Маҳмуд Балхий[30], Абдулқаюм, ҳожи Муҳаммад Юсуф, Мир Аҳмад, Абулаълохожа, Хонхожа каби етук шогирдларни тарбия қилган.

У 1190/1776 йилда вафот этади ва Махдуми Аъзам даҳмасининг марказида дафн этилади.

Мусохонхожа сабаб "аълия-сиддиқия-нақшбандия-аҳрория-мужаддидия-даҳбедия" деган машҳур тариқат шоҳаси юзага келган.

Мусохонхожанинг шогирдлари Мавлоно Муҳаммад Сиддиқ ва Муҳаммад Амин Даҳбеддан туриб ислом давлатларига тарқалиб кетган ушбу тариқатни бошқарганликлари туфайли бу сулук "аълия-сиддиқия-нақшбандия-аҳрория-мужаддидия-жумбония[31]-Даҳбедия", деб аталган.

---

[30] Шажараи силсилаи Нақшбандия. Қўлёзма, форс тилида. ЎзФАШИ қўлёзмалар фонди инв №-5810.

[31] Жумбония – яъни, қайта тирилтириш, қайта тебратиш, маъносида.

Мусохонхожанинг тўнғич ўғли. Отасидан кейин қисқа вақт умр кўриб, Даҳбед хонақоҳини оз муддат бошқарган. Амир Ҳайдар ёшлигида Хонхожани пирларидан бири ҳисоблаб, Самарқанд вилояти нақиби[32] этиб тайинлаган.

Хонхожаи Нақиб 1199/1784 йилда вафот этгач, Мусохонхожанинг оёқ томонида кўмилган.

Халифа Мавлоно Муҳаммад Сиддиқ асли ҳиндистонлик[33] бўлиб, Мулло Хожа Вали Эшон, дея эъзозланган. Устози Мусохонхожа билан Ҳиндистондан Даҳбедга келган.

Муҳаммад Сиддиқнинг ўғли Абдураҳмон Махдум Муҳаммад Амин Даҳбедийнинг шогирди ҳисобланади. Даҳбедда хонақоҳини бошқарган. Бухоро ҳукмдори Амир Ҳайдар ўз муршиди Пири Дастгирдан ушбу халифа Абдураҳмонни Бухорога тариқатни бошқариш учун юборишни илтимос қилгач, уни Бухорога жўнатишади. 1262/1845 йилда Бухорода вафот этади.

Муҳаммад Амин (1152/1739-1229/1814 ) асли боғибаландлик бўлсада, “Даҳбедий” нисбасини олган бу зот Мусохонхожанинг шогирди бўлган. Вафот этгач, Даҳбед хонақоҳига дафн этилади.

Муҳаммад Ҳусайн Бухорий Тағой сўфи[34] хонадонига дунёга келган, асли Миёнколдан бўлган. Аввалига Мусохонхожа ва ул зотнинг барча халифалари суҳбатларига эришади. Сўнг, Мусохонхожанинг биринчи халифаси Мавлоно Муҳаммад Сиддиқга иродат келтириб қўл беради[35].

Муҳаммад Ҳусайн Самарқанд ва Даҳбед хонақоҳида яшаб силисилаи нақшбандия-аҳрория-мужаддидия-даҳбедияни бошқаради.

Муҳаммад Ҳусайн 1167/1753 йил Миёнколда таваллуд топиб, 1249/1833 йилда вафот этган ва Бухоронинг Қавола дарвозаси яқинида, шаҳид Сўфиён қабрининг жануб (оёқ ости) томонида қўним топган.

---

[32] Нақиб – вилоят раҳбари, ҳокими билан тенг лавозим ҳисобланган; барча сайид сулолалар раиси бўлган.

[33] Юлдашходжаев Х. Халифа Муҳаммад Сиддиқнинг зикр ўзига хос услуби // http://mirarab.uz/ruknlar/61. 12.03.2018 й.

[34] Бу ҳақида қаранг: Мирзо Меърожиддин. Сўфи Оллоҳёр ва Ислом шайх тарихи. Т.: Mashhur-press, 2017. – Б. 100.

[35] Каттаев К. Махдуми Аъзам тарихи ва мукаммал Даҳбедийлар тариқати (1994 йилда чоп этилган “Махдуми Аъзам ва Даҳбед тарихи” китобининг тўлдирилгани). Самарқанд. 2011. – Б. 98.

Муҳаммад Ҳусайндан кейин силсилсанинг турли тармоқлари давом этган бўлиб, бир неча шоҳаси маълум бўлди. Жумладан, Муҳаммад Ҳусайн → эшон Жалолиддин хожа → Ғиёсиддин хожа → мулло Ёрмуҳаммад домулло[36]; Муҳаммад Ҳусайн → эшон Саййид Муҳаммад Довуд → Саййид Сулаймон хожа эшон шайхулислом[37]. Муҳаммад Ҳусайн → Абдулазиз Мажзуб Намангоний → Ҳаким Хўқандий → Шоҳ Анжуман хожа халифа → Ҳолиқ хожа эшон[38]. Муҳаммад Ҳусайн → Муҳаммад Низомиддин хожа → Эшон Набира хожа[39]; Муҳаммад Ҳусайн → Эшон хожа ибн Набира хожа[40]; Муҳаммад Ҳусайн → Эшон Мусо хожа ибн Абдусолиҳ хожа → Эшон Бобо хожа ва унинг ўғли[41]; Яна Муҳаммад Ҳусайннинг Шириний, Сафо, Тўрахон, Гадой[42] каби шогирдлари бўлган.

Муҳаммад Ҳусайн Бухорийнинг ўғли Абдусаттор Махдуми Самарқандий ҳам отасидан кейин Даҳбед хонақосини бошқарган. Кейинчалик, Самарқанд вилояти тариқатини бошқаришни отасининг шогирди Мирмуҳаммад Иброҳим хожа Самарқандийга қолдиради. Абдусаттор Махдум Даҳбедда вафот этгач, Махдуми Аъзам даҳмаси яқинида дафн этилади. Унинг шогирди Сайид Абулқосимхон Алавий[43]дир.

Марказий Осиё (Самарқанд)да тасаввуф мактаблари орасида яссавия мактаби нуфузи баланд бўлган. Яссавия тариқатининг, кўчманчи туркийлар кенг ёйилишига, бу тариқатнинг уларнинг эски ибодат шаклларига бегона бўлмагани,

---

[36] Ижозатнома. Қўлёзма. Ўлчами. 31,5x27 см. 1324/1924 йилда ёзилган иршод хати. Фарғона вилояти Қўқон шаҳрида Т. Бузруков хонадонида сақланади. Бу ҳақда қаранг: Kawahara Yayoi. On private archives related to the development of the naqshbandiya-mujaddidiya in the Fergana valley // History and Culture of Central Asia. Tokyo. 2012. Pag. 254

[37] Силсиланома. Қўлёзма. Ўлчами. 45,4x31 см. Андижон шаҳри Охунбобоев кўчасидаги Н. Ҳасанов хонадонида сақланади. Батафсил қаранг: Kawahara Yayoi. On private archives related to the development of the naqshbandiya-mujaddidiya in the Fergana valley // History and Culture of Central Asia. Tokyo. 2012. Pag. 254-255

[38] Ижозатнома. Қўлёзма. Ўлчами. 51x45 см. Фарғона вилояти Фарғона кўчаси Шоҳимардон маҳалласида яшовчи Э. Саййидарипов хонадонида сақланади. Кўрсатилган асар: Pag. 251

[39] Ижозатнома. Қўлёзма. Ўлчами. 54,2x32 см. Қаранг: Kawahara Yayoi. On private archives related to the development of the naqshbandiya-mujaddidiya in the Fergana valley // History and Culture of Central Asia. Tokyo. 2012. Pag. 251.

[40] Ижозатнома. Қўлёзма. 1267/1850 йил. Ўлчами. 54,2x32 см. Kawahara Yayoi. On private archives related to the development of the naqshbandiya-mujaddidiya in the Fergana valley // History and Culture of Central Asia. Tokyo. 2012. Pag. 248

[41] Ижозатнома. Қўлёзма. Ўлчами. 47,9x30 см. Kawahara Yayoi. On private archives related to the development of the naqshbandiya-mujaddidiya in the Fergana valley // History and Culture of Central Asia. Tokyo. 2012. Pag. 246

[42] Шажараи силсилаи Нақшбандия. Қўлёзма, форс тилида. ЎзФАШИ қўлёзмалар фонди инв №-5810.

[43] Иршоднома. Қўлёзма. Форсча. Тойлоқлиқ Ҳаётхон Ғуломов хонадонида сақланмоқда. Бу ҳақида қаранг: Мирзо Меърожиддин. Шовдорнома. Тойлоқ зиёратгоҳлари тарихи. Т.: Oltin meros. 2020.

эканини айтилган[44]. Бу мактабнинг асосчиси машҳур Аҳмад Яссавийдир (ваф. 562/1166). Дастлабки даврлар (Темурийлар замони)да яссавия тариқати Ўрта Осиёда хожагон-нақшбандия тариқатидан кейинги ўринда турган. Кейинги давр (Шайбонийхонхон ва шайбонийлар замони)га келиб яссавия тариқати ўз мавқеини юқори чўққисига чиқади.

Унинг маркази Туркистонда шаклланган бўлса-да, кейинчалик таълимот Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Насаф, Ҳирот каби шаҳарлар бўйлаб тарқалди.

Яссавия тариқатининг тараққий этишида Самарқандда фаолият олиб борган тасаввуф алломалари алоҳида ўрин тутган. Манбаларда қайд этилишича, Самарқанд шаҳри, Кумушкент, Шероз (Жомбой) туманидаги Ғазира ва Алиобод (Пайариқ) ҳудудларида тариқат мактаблари вужудга келган. Ижтимоий-сиёсий, маънавий ва маданий ҳаётда, ҳатто бунёдкорлик ишларида тариқат вакилларининг муносиб ўрни тарихий манбаларда акс этган.

Самарқандда фаолият олиб борган яссавия тариқати вакили шайх Худойдод Валий (1461-1532) бу минтақада мазкур таълимотнинг пешқадам намояндаларидан бўлган.

Яссавия тариқати тарихи юзасидан Н.Комилов, К.Каттаев, С.Раззоқов, Д.Салоҳий, С.Сайфуллоҳ, Н.Ҳасан, А.Қандаҳоровлар муваффақиятли тадқиқотлар ўтказган. Улар манбалар асосида тариқат намояндалари биографияси, илмий мероси, ижтимоий-сиёсий фаолиятига доир қимматли маълумотлар тақдим этилган.

Яссавия силсиласига кўра, шайх Худойдод Валийнинг устози шайх Жамолиддин, унинг устози Ходим шайх, унинг устози шайх Мавдуд, унинг устози шайх Али, унинг устози Ямин (Эламин) бобо, унинг устози Садр Ота, унинг устози Занги Ота, унинг устози Ҳаким Ота, унинг устози Султонул орифин Хожа Аҳмад Яссавийдир.

---

[44] Абдурауф Фитрат. Яссавия мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар (1928). https://ziyouz.uz/matbuot/jadid-matbuoti/abdurauf-fitrat-yassaviya-maktabi-shoirlari-togrisida-tekshirishlar-1928/

Шайх Худойдод Валий Самарқанд яссавия мактабининг ривожланишига ва силсиланинг Марказий Осиё бўйлаб ёйилишига катта ҳисса қўшган. Унинг тариқатдаги фаолияти сабаб XVI аср бошларида айнан Самарқанднинг Ғазира мавзеси яссавия тариқатининг марказига айланади. Унгача бу марказ Ҳиротда эди. Шайх Жамолиддин ушбу силсилани Самарқанддан Ҳиротга олиб кетган бўлса, шогирди шайх Худойдод Валий Ҳиротдан яна Самарқандга олиб келади.

Шу тариқа шайх Худойдод Валий Самарқандда фаолият кўрсатган Яссавия силсиласининг ўзигача бўлган пирлар занжирида бешинчи муршид бўлади. У ижтимоий-сиёсий ҳаётда[45] ҳам катта мавқега эга бўлган[46].

Самарқанднинг муҳим ўрнини шундан ҳам билиш мумкинки, яссавия таълимоти силсиланинг Ғазира мактабида тарбия топган Дарвеш шайх, Хожа Мавлоно Валий, Қанбар шайх, Бобо Тиркаш, Ориф Сўфи, Пирим шайх, Қосим шайх, Мўмин шайх, Тоҳир шайх, Олим шайх орқали Алиобод, Кармана, Бухоро, Туркистон, Ўтрор, Ҳирот ва Ҳиндистон ҳудудларигача етиб борган.

Шарафиддин Роқимий шайх Худойдод Валийнинг вафот тарихини абжад ҳисобида “зийнат ошиқо” сўзларидан ҳосил бўлишини айтади. Бу 939/1532 йилга тўғри келади. Ҳисоб-китоблар, алломанинг 1532 йил муҳаррам[47] ойида вафот этганини кўрсатади.

Шайх Худойдод Валийнинг шогирдларидан бири бўлган Дарвеш шайх (XV асрнинг охирларида Тошкентда таваллуд топган. Самарқандга келиб, шайх Худойдод Валий хонақоҳида таълим-тарбия олиб, яссавия силсиласи пешқадам сўфийларидан бир бўлиб камолга етади) устозини шу қадар ҳурмат қилганки, ўз уйидан шайх Худойдод Валийнинг ҳонақоҳигача бўлган йўл (Алиобод (ҳозирги Пайариқ тумани Айлавот маҳалласи)дан Ғазирагача бўлган йўл)ни тасаввуфона

---

[45] Қандаҳаров А. Бухоро хонлиги ва ва унда карманалик шайхлар фаолияти. – Т.: Tafakkur qanoti, 2018. – 203 б.; Қандаҳаров А. Карманнинг икки буюк алломаси. – Т.: Fan va texnologiya, 2016. – 76 б.

[46] Муҳаммад Олим шайх. Ламаҳот мин нафаҳотул кудс. Тарж. Каттаев К. – Т.: Qaqnus, 2020. – Б. 289.

[47] Саид Аълам Шарофиддин Роқимий. Тарихи томм. Қўлёзма, настаълиқ, форс тилида. Муаллиф шахсий кутубхонаси сақланади. 165[б]-166[а] варақ.

тарзда “Ошиқлар йўли” деб атаган. Устози хонақоҳида ҳовуз қаздириб[48], боғ барпо қилган[49].

Абу Тоҳирхожанинг маълумотига кўра, Абдулҳайхожа судур [Абдулҳайхожа Самарқанд вилояти уламоларидан бири бўлиб, вилоят судури (судур – катта диний ва илмий мансаб бўлиб, унинг эга мадрасалар ва вақф мулкларини назорат қилган) даражасига етишган. 1256/1839 йилда вафот этган. У нақшбандия-мужаддидия-даҳбедия силсиласи муршиди Муҳаммад Амин Даҳбедийнинг шогирди ҳисобланади. Ўғиллари Абдуллоҳхожа, Абдухоликхожа ва Абдунабихожадир[50]] 1232/1816 йилда[51] бобокалони шайх Худойдод Валий қабри тепасига хонақоҳ қурдирган. Кейинчалик ушбу авлод вакилларидан бири – Хожа Исматуллоҳ ҳам хонақоҳ, масжид, айвон қурдиргани[52] манбаларда таъкидланган.

Абдумаликхожа Ғазирагий (ваф. 1931 йил) ҳам шу авлод вакили саналади. У нақшбандия-мужаддидия-даҳбедия силсиласи намояндаларидан бўлган.

Алломанинг Солиҳ, Биби Солиҳа, Биби Ҳадия, Биби Маҳзуна исмли фарзандларидан тарқалган авлодлар бугунги кунда турли соҳаларда хизмат қилиб келмоқда.

Эламин бобо, Али шайх, Мавдуд шайх, Ходим шайх, шайх Худойдод Валий, Дарвеш шайх, Пирим шайх, Мўмин шайх, Тоҳир шайх, Олим шайх каби муршидлар Самарқандда фаолият кўрсатган яссавия силсиласининг улуғларидандир. Ушбу алломалар зиёратгоҳлари ҳозирги Оқдарё, Пайариқ, Пастдарғом ва Жомбой туманлари ҳудудларида жойлашган.

---

[48] Муҳаммад Олим шайх. Ламаҳот мин нафаҳотул қудс. Тарж. Каттаев К. – Т.: Qaqnus, 2020. – Б. 99, 111.

[49] Ҳасанов Н., Султонов Ў. Муҳаммад Олим Сиддиқий ва унинг “Ламъаҳот мин нафоҳотул қудс” асари ҳақида // Имом ал-Бухорий сабоқлари журнали // 2006 йил 3-сон. – 194-197 б.

[50] Баҳодиров И.А. Саййид Баҳодирхон ва Сафохўжа қишлоғи. – Т.: Nurfayz, 2019. – Б. 330-331.

[51] Абу Тоҳирхожа. Самария / Таҳрир ҳайъати. Б.Аҳмедов ва бошқ./ – Т.: Камалак, 1991. – 59-60 б.

[52] Мавлоно Нуриддин Маҳжурий Самарқандий. Тазкираи олимони Самарқанд. Қўлёзма. Тожикча. Самарқанд Давлат музейи қўлёзмалар фонди инв № 5653/2. 62[а] варақ.

# MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALAR INDIVIDUAL XUSUSIYATLARINI SHAKLLANISHIDA OILANING O`RNI

*Saydaliyeva Mavlyudaxon Raxmatjon qizi,*
*Farg'ona viloyati Quvasoy shahar 21-maktabgacha ta'lim tashkiloti metodisti*

Oila jamiyatning asosiy bo`g`ini, u nikoh va qon-qarindoshlikka asoslanishi, hamda jamiyat va davlat muhofazasida bo`lish huquqiga ega. Insonparvar demokratik davlatda mavjud bo`lgan oilaga quyidagicha ta‘rif mavjud: “Oila jamiyatning tabiiy va asosiy bo`g`ini bo`lib, yuridik ma‘noda nikoh, qarindoshlik, farzandlikka olish yoki boshqa shakllarda bolalarning doimiy tarbiyaga olishdan kelib chiqadigan tegishli huquq va majburiyatlar bilan bog`langan shaxslar doirasidan iborat bo`lgan milliy mustaqillik mafkurasiga, umuminsoniy qadriyatlar va sharqona an‘analarga asoslangan oilaviy munosabatlarni ririvojlantirib, uni mustahkamlashga qaratilgan fuqarolar ittifoqidan iboratdir”. Oila bola dunyoga kelgandan boshlab uning butun umri davomida o`sishi, rivojlanishi, kelajakdagi o`rni, individual xususiyatlari va iqtidorini ochib beradigan va alohida ahamiyatga ega bo`lgan maskandir. Oila asosiy tarbiya o`chog`i ekanligini bilamiz. Ayniqsa oila muhiti maktabgacha ta‘lim yoshidagi bolalar uchun muhim ahamiyatga ega. Qanday masala bo`lishidan qat‘iy nazar albatta bola tarbiyasi muhim masala hisoblanadi. Masalan qaysidir bola loydan biror narsa yasashga qiziqsa, qaysidir bola o`zi o`ynaydigan o`yinchoqlarning qanday yasalganligiga qiziqib, uni buzib ko`radi. Ba‘zi bolalarda iqtidor bo`laturib uni o`zi anglamasligi, yoki unda o`zida qiziqish bo`lmasligi mumkin. Bunday hollarda ota-onalar bolaning iqtidorini anglab, uni yanada rivojlantirish uchun zaruriy shart-sharoitlarni yaratib berishi lozim. Masalan bola biror bir cholg`u asbobini chalishga qiziqadi, ammo u juda kichik. Bu holda ota-onalar bolaga shu musiqa asbobining o`yinchoq maketini olib bersalar ,unda o`zi qiziqqan soha bo`yicha ilk tushunchalar paydo bo`ladi, bolada yanada ko`proq qiziqish uyg`onadi. Bolaning yoshi o`sgan sayin unga yanada yetarli sharoitlarni yaratib berish va turli musiqa maktablariga olib borish orqali uni yanada rivojlantirish mumkin. Bu bola iqtidorini oshirishning ilk ko`rinishlari hisoblanadi. Mutaxasis va pedagoglarning

ilmiy xulosalariga ko`ra, inson o`z umri davomida oladigan barcha axborot va ma‘lumotning 70 foizini 5 yoshgacha bo`lgan davrda oladi. Ana shu dalilning o`zi bolaning yetuk, barkamol, iqtidorli shaxs bo`lib voyaga yetishida oila,bog`cha,ota-ona tarbiyasi qanchalik katta ahamiyatga ega ekanini ko`rsatib turibdi. Ba‘zi vaqtlarda ota-onalar ma‘lum ish bilan band (uy yumushlari, sevimli kinofilm ko`rayotgan yoki kim bilandir telefon orqali suhbatlashayotgan vaqtlarda) bo`lganda bolalarning oddiy savollarini e‘tiborga olmay: “shoshmaytur”, - deb o’z ishlarini bajarishda davom etishadi. E‘tibor bering, bolani tinglashga vaqti bo`lmagan ota-ona uning nimaga qiziqishi-yu, iqtidorini bilishi, u bilan vaqti vaqti bilan shug'illanishi, iqtidorini oshirish uchun zaruriy shart-sharoitlarni yaratib berishi mumkinmi? Yo`q albatta. Statistik ma‘lumotlarga qaraganda bugungi kunda 90 % bolalar ota ham, ona ham ishlaydigan oilalarda tarbiyalanadi. Shuni inobatga olib aytish mumkinki bolalar tarbiyasiga ota-onalar jiddiy e‘tibor qaratishlari, ya‘ni ishdan bo`sh vaqtlarda ko`proq bolalar bilan shug`illanishlari, ular bilan turli o`yin mashg`ulotlar o`tkazishlari, eng birinchi navbatda bolalarning har bir savoliga aniq va tushunarli qilib javob berishlari lozim. Shundagina bunday bolalardan teran fikrli, o`z dunyoqarashiga ega, yurtini sevadigan bolalar vujudga keladi. Tinimsiz rivojlanib borayotgan hozirgi davrda yurtimizda yaratilayotgan imkoniyatlarni ko`rib insonning bahri dili ochiladi. Yangidan barpo etilayotgan maktabgacha ta‘lim muassasalari, musiqa maktablari, sport maktablari, turli xil dam olish maskanlari bularning barchasi bolalar, yoshlar uchun, ularning kelajakdagi o`rni, yurtimiz ravnaqi uchun qo`shadigan munosib hissalari uchun yaratilayotgan imkoniyatlardir. Bu imkoniyatlardan unumli foydalangan holda har bir ota-ona bolalarini qiziqishiga qarab to`garaklarga olib borishi lozim, shunda mustaqil vatanga munosib farzand tarbiyalagan bo`lamiz. Bejizga oila yoshlarning tarbiya, imkoniyat va iqtidorni oshirish o`chog`i deb ta‘kidlamadik. Biz maktabgacha ta‘lim yoshidagi bolalarga shunday tarbiya beraylikki, kelajakda ulardan Alisher Navoiydek komil insonlar, Zulfiyaxonimdek iboli qizlar bo`lib kamol topsinlar. Biz ularga shunday imkoniyat yaratib beraylikki, kelajakda ulardan buyuk ixtirochilar, zukko bilimdonlar shakllansin. Biz ularning iqtidorini oshirish uchun shunday yo`l tutaylikki, kelajakda

yurti, xalqi, mahallasi eng asosiysi oilasining tom ma‘nodagi ustuni, yetuk kadr bo`lib yetishsinlar.

Ta`lim muassasalaridaolib borgan turli bosqichdagi pedagogik ham psixologik faoliyatimiz shuni asosladiki, jamiyatning oila deb atalmish kichik bir bo`g`ini orqali asrlar silsilasidan sayqallanib e‘zoz topib kelayotgan ming asrlik an‘ana va qadriyatlar kelgusi avlodga yetkaziladi. Yurt manfaati, jamiyatning bugungi kuni va kelgusi taraqqiyoti uchun zamin yaratib beradigan muqaddas go`sha bu – Oila hisoblanadi. Ana shu muqaddas dargohda o`sib, ulg`ayadi, tarbiyalanadi. Jumladan, har bir bola organizmi individual holda rivojlanadi. Rivojlanish bosqichi ma‘lum bir ketma-ketlikka asoslangan bo`ladi. Ana shu bosqichlarning har birida bir xil yoshdagi bolalar uchun umumiy bo`lgan xususiyatlar kuzatiladi. Bolalar o`zining ontogenetik taraqqiyoti davrida yuzaga keladigan turli ruhiy holatlarga qay yo`sinda javob topish va uni bartaraf etish yo`lini oila muhitida o`rganadi.

Psixologlarning ta‘kidlashlaricha, oila a‘zolarining o`zaro munosabatlari bola shaxsini shakllanishiga bevosita ta‘sir ko`rsatadi. Bolaning o`zini namoyon etishi, rivojlanishi, qiyinchiliklarni yengishi, oq-qorani ajrata olishi oila a‘zolarining o`zaro muloqotiga bog`liq. Amerikalik mashhur ruhshunos Bronfenbrinner uzoq yillar davomida o`tkazgan tadqiqotlar natijalariga ko`ra shunday xulosaga keladi: ota hukmron bo`lgan oilalarda o`g`il bolalar yaxshi tarbiya oladi, mas‘uliyatni his qiladigan bo`ladi. Tobe tabiatli, mustaqil harakat qila olmaydigan, ota-onasiga qaram bo`lgan, o`ziga juda kam ishonadigan bolalar ota-ona teng hukmron bo`lgan oilalarda ulg`ayadi. Bunday oilalar muloqotga kirishishga qiynaladigan, qaror qabul qilishda boshqalardan ko`mak kutadigan farzandlarni tarbiyalaydi. Oilaviy munosabatlardagi muammolar maktabgacha yoshdagi bolalarning individual xususiyatlarini shakllanishida salbiy ta‘sir ko`rsatadi. Ota-onalar har bir bola ruhiy rivojlanishida o`ziga xos xususiyatlarga ega ekanligi va bu xususiyatlar ularning u yoki bu faoliyat turini egallashida namoyon bo`lishini yodda tutishlari lozim. Ba‘zi bolalar endigina birinchi so`zlarni o`zlashtirganlarida ularning tengqurlari allaqachon ma‘lum bir iboralar bilan gaplasha oladigan bo`ladilar. Bola imkoniyatlarini namoyon bo`lishi ma‘lum darajada nasliy omillarga ham bog`liqdir. Maktabgacha yoshdagi bolalarning o`ziga xos

xususiyatlaridan biri temperamentdir. Maktabgacha yoshdagi bolalar o`z temperament xususiyatlariga ko`ra ham bir-birlaridan ajralib turadilar. Xushchaqchaq, sergap, quvnoq, hayotning o`zgaruvchan sharoitlariga tez moslasha oladigan bolalar - sangvinik, ko`pincha noxush kayfiyatda yuradigan, ta‘sirchan, kamgap, sust bolalar melanxolik, xotirjam, befarq, kamharakat, nutqi sust bolalar - flegmatik, jaxldor, betoqat, serzarda, harakatchan bolalar - xolerik hisoblanadilar. Temperament turlarining mutlaqo ijobiysi yoki salbiysi bo`lmaydi. Ularning har birida o`ziga xos afzallik va kamchilik jihatlar mavjud. Bolaning u yoki bu temperament tipiga mansubligi uning o`yin, ta‘lim, faoliyat jarayonida muvaffaqiyatlarga erishishiga yordam berishi ham, xalaqit qilishi xam mumkin. Flegmatik bolaga mashg`ulotda uning sabr-toqatliligi va qunti yordam beradi. Xolerik bola o`quv materiallarini tez o`zlashtirib oladi. Sangvinik temperamentga mansub bo`lgan bola o`qishni oson egallaydi, lekin unda bilimlar ma‘lum bir tizim asosida o`zlashtirilmaydi. Bolalarga tarbiya berish jarayonida ularning temperament xususiyatlarini hisobga olinishi, ya‘ni uning afzallik tomonlari rivojlantirilib, kamchilik jihatlari bartaraf etib borilishi maqsadga muvofiq.

Xulosa o’rnida shuni aytish lozimki, maktabgacha yoshdagi bolalarda turli mavzuga oid ertaklar tinglash, sahnalashtirilgan ertaklarni tomosha qilish ular ruhiyatida ijobiy motivatsiyani shakllantiradi. Bolalar xulq-atvorida yuzaga kelgan salbiy holatlar ertak qahramonlari tilidan qoralanadi. O’zgacha qiziqish va zavq bilan tinglangan ertak ularga albatta yaxshi ta‘sir etadi. Farzandlarimiz ertaklar olami orqali real olamga kirib boradi. Ertangi porloq kelajagimiz bo’lgan aziz farzandlarimizning qalbida o’z Vatani va oilasiga mehr va muhabbatli qilib tarbiyalash bizning asosiy vazifamiz hisoblanadi.

# XALQ TA’LIMI TIZIMIDA O’QUVCHILARNI KASB-HUNARGA YO’NALTIRISH ISHLARI: MUAMMO VA ULARNING YECHIMLARI

*Kamolova Zuhra Tufli qizi*
*Qashqadaryo viloyati Yakkabog’ tuman 95-maktab psixologi*

Joriy yilda Prezidentimiz Sh.Mirziyoyev Xalq ta’limi vazirligiga alohida ko’rsatmalar berdi. Prezident yoshlarni ish bilan ta’minlash, ularni kasb-hunarga yo’naltirish masalalariga alohida to’xtalib o’tib, yangi o’quv yilidan 7 sinfdan boshlab o’quvchilarni kasb-hunarga yo’naltirish lozimligini ta’kidlab o’tdi. Prezidentning Xalq ta’limi vaziri Sh.Shermatovga bergan ko’rsatmasiga ko’ra 7 sinfdan boshlab o’quvchilar kasb-hunarga yo’naltirilib, ular aynan qanday kasb egasi bo’lishi aniqlanadi. 8, 9, 10 sinfga qadar ular o’zlari tanlangan kasb-hunar bo’yicha o’qitilib boriladi. 10 sinfda ularga ishlash huquqini beruvchi guvohnomalar beriladi. 11 sinfda esa o’quvchilar bir vaqtning o’zida korxona va tashkilotlarda rasmiy tarzda ishlab oylik maosh olishlari ham mumkin bo’ladi. 11 sinf bitiruvchilarining ish bilan ta’minlanishiga hokimlar va hududiy sektor rahbarlari javobgar hisoblanadi.

Ushbu kursatmadan ko’rinib turibdiki yoshlarni ish bilan ta’minlash, kasbga yo’naltirish davlatimiz siyosatining ustivor vazifalaridan biri bo’lib turibdi. Bu borada maktab bitiruvchilarini kasbga yo’naltirish, iqtidoridan kelib chiqib to’g’ri kasb tanlashi katta ahamiyatga ega.

Ma’lumki, har qanday jamiyatning ravnaqi, ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy barqarorligi, fuqarolarining aqliy va axloqiy salohiyatini yuksak darajada rivojlanganligiga bog’liq. Zero, jamiyatimizning ma’naviy yangilanishida, ijtimoiy yo’naltirilgan bozor iqtisodiyotini shakllantirishda jahon hamjamiyatiga qo’shilishini ta’minlaydigan demokratik xuquqiy davlat qurish kadrlar tayyorlashning milliy masalasi ustuvor mezon sifatida muhim rol o’ynaydi.

Inson bolasi kamolga yetgani sari ilmga, ma’rifatga talpinadi. Dastlabki saboqni ham u maktabdan oladi. Ammo kelajagimiz egalari bo’lgan yoshlarga ta’lim berish ularni o’qitish bilan bog’liq ayrim muammolar bugungi kunda kishini o’ylantirib qo’yayotgani tabiiy. Chunki zamonaviy shiddatkor jamiyat esa yetuk bilimdon

mutaxasis kadrlarga muxtoj bo'lib boraveradi. Kasbiy shakllanish jarayonining dastlabki va ayni damda o'ta muhim bosqichi bo'lajak kasbni tanlash, ya'ni aniq bir kasbiy qarorga kelishigacha bo'lgan davrni o'zichiga oladi. Ravshanki, yoshlarning kasb tanlashga tayyorgarlik darajasi, faqatgina yosh xususiyatlariga bog'lik emas, u ma'lum yoshga kelib o'z o'zidan shakllanib qolmaydi. Yoshlarning kasb tanlashga pedagogik-psixologik bilim, ko'nikma, malakalar, shuningdek, jamiyatning ta'siri orqali tayyorlash va tarbiyalash lozim. Mazkur jarayonda shaxsdan kasbga doir bilimlarga ega bo'lish talab qilinadi. Shuning uchun xam o'quvchilarni kasblar olamiga doir bilimlar bilan qurollantirish hamda amaliy ko'nikma va malakalarni hosil qilish lozim. Buning uchun kasblarga doir qo'llanmalar, tarqatma materiallar bilan ta'minlash lozim. Shundagina kasb tanlash jarayonida yuzaga keladigan turli qiyinchilik, ziddiyat, to'siqlarni oldini olgan holda o'quvchi-yoshlarni ongli ravishda kasbga yo'llash imkoniga ega bo'lamiz.

O'quvchilarning qiziqishlariga asoslangan holda o'tkaziladigan mashg'ulotlar orasida muayyan kasblarga oid to'garaklar alohida o'rin egallaydi. Bunday to'garaklar aksariyat hollarda mehnat va kasb ta'limi o'qituvchilari tomonidan olib boriladi. Bular jumlasiga texnik-ijodkorlik, yosh rassomlar, yosh texnologlar, yosh fiziklar kabi to'garaklarni kiritish mumkin. O'qituvchi bunday to'garaklarda o'quvchilarning loyihachilik, texnik-ijodkorlik, ixtirochilik kabi qobiliyatlarini rivojlantirish ustida tizimli ish olib borish imkoniyatiga ega. Pedagogik-psixologik tashxis jarayonida o'qituvchi maktab rahbariyati va psixologi, o'quv-ishlab chiqarish muassasasi hamda kasb-hunar kollejlari mutasaddilari bilan hamkorlikda har bir o'quvchining tanlagan kasbi bilan shaxsiy sifatlari orasidagi mutanosiblikni aniqlashi kerak. Ma'lumki, mehnat va kasb-hunarga bo'lgan muhabbat, e'tiqod, barcha o'quv fanlari tarkibida shakllantiriladi. Shuning uchun ham texnologik ta'lim darslarida fanlararo aloqadorlikka alohida e'tibor qaratish talab etiladi. Amaliyotchi psixolog o'quvchilarni kasb-hunarga yo'llash orqali ijtimoiylashtirishga oid faoliyatini turli o'quv fanlari o'qituvchilari va sinf rahbarlarining bu sohadagi ishlari bilan uyg'unlashtirish muhim pedagogik ahamiyatga ega. Buning uchun:

– turli o‘quv fanlari, fan to‘garaklari va sinfdan hamda maktabdan tashqari tadbirlarning imkoniyatlaridan unumli foydalanish;

– texnologik bilimlar, umummehnat va kasbiy ko‘nikmalar yordamida o‘quvchilarni kasbga yo‘naltirish orqali ijtimoiylashtirishga erishish;

– o‘quvchilarning muayyan maqsadga yo‘naltirilgan ijtimoiy ahamiyatlilik darajasi yuqori bo‘lgan o‘quv topshiriqlarini bajarishlarini ta’minlash;

– jamiyat hayoti uchun ahamiyatli bo‘lgan mehnat va kasb-hunarning turli sohalariga o‘quvchilarning qiziqishlarini tabaqalashtirilgan yondashuv asosida shakllantirishga erishish;

– o‘quvchilarni munosib kasb-hunarga yo‘naltirish maqsadida, maktab o‘qituvchilari, firmalar, ishlab chiqarish korxonalari, ijodiy jamoalar, kasb-hunar

kollejlari hamda tashxis markazlari hamkorligini yo‘lga qo‘yish. Bunday hamkorlik natijasida o‘quvchilar orasida ijtimoiy ahamiyatlilik darajasi yuqori bo‘lgan kasblar targ‘ibotini amalga oshirish imkoni paydo bo‘ladi.

Maktab amaliyotchi psixologi o‘z kasbiy faoliyati jarayonida quyidagilarni amalga oshirishi lozim:

– o‘quvchilarni jamiyat hayoti va taraqqiyoti uchun zarur bo‘lgan kasb-hunar turlari bilan tanishtirish;

– kasblarning demogratik xususiyatlari haqida ma’lumot berish;

– o‘quvchilarni kasbga yo‘llash bo‘yicha pedagogik-psixologik xarakterdagi maslahatlar uyushtirish;

– o‘quvchilarda ularning shaxsiy sifatlarini hisobga olgan holda muayyan kasblar bo‘yicha barqaror qiziqishlarni shakllantirish;

– o‘quvchilarni o‘z kasbiy faoliyati natijasida shuhrat qozongan mashhur shaxslar va ularning jamiyat va insoniyat taraqqiyotiga qo‘shgan hissalari bilan tanishtirish;

– o‘quvchilarga kasblarning jamiyatni iqtisodiy, ijtimoiy, ma’naviy jihatlarini rivojlantirishdagi o‘rni haqida malumot berish;

– o‘quvchilarning ota-onalari bilan ularning farzandlarini munosib kasbga yo‘llash bo‘yicha suhbatlar o‘tkazish;

– o‘quvchilarni noto‘g‘ri kasb tanlashning salbiy oqibatlaridan xabardor qilish;

– o‘quvchilarda dastlabki umummehnat va kasbiy ko‘nikmalarni shakllantirish va sinab ko‘rishlari uchun qulay sharoitlar yaratish;

– o‘quvchilarni to‘g‘ri kasbga yo‘llash maqsadida, ularning shaxsiyati, mehnat turi va kasblarga bo‘lgan qiziqishlarini o‘rganish;

– o‘quvchilarni kasbga yo‘llash jarayoni samaradorligini ta’minlash maqsadida, maktabda muayyan kasblar, ularning ijtimoiy-iqtisodiy ahamiyati haqida hikoya qiluvchi ko‘rgazmalar, anjumanlar, uchrashuvlar tashkil etish;

– o‘quvchilarning shaxsiy-kasbiy qiziqishlarini aniqlash maqsadida muntazam pedagogik-psixologik tashxis o‘tkazish va h.k.

Kasb tanlashda maktab amaliyotchi-psixologining ham olib borayotgan targ’ibot tashviqot ishlarning o’z ahamiyati bor. Chunki barcha o’quvchilar ham kasb tanlashda aniq bir fikrga kela olmaydi. Buning o’ziga yarasha turli xil sabablari bor. .Bu o’rinda maktab bitiruvchi sinf o’quvchilari bilan davra suhbatlari, anketa surovnomalari o’tkazilishi lozim.

Xulosa o’rnida shuni ta’kidlab o’tishishimiz joizki yoshlarimizni to’g’ri kasbga yo’naltirish, bu eng muhim vazufalardan biri ekanligini yana bir bor ta’kidlab o’tish lozim . Inson to’g’ri kasb tanlash orqali o’z oilasiga, jamiyatga juda katta naf keltishi isbot talab qilmaydigan qonuniyatdir.

## Foydalanilgan adabiyotlar

1. G‘oziyev E., Mamedov K. Kasb psixologiyasi. – T.: O‘zMU, 2003. 156-b

2. Yusupova F. I. O‘quvchilar individual tayyorgarligini amalga oshirishning pedagogik-psixologik jihatlari. “Xalq ta’limi” jurnali. 2005. №5. 90-93-b.

3.Maxmudova .D. “O‘quvchilarni kasbga yo‘naltirishga oid pedagogi k faoliyat element lari orasidagi uzviylik va uzluksizlikni ta’minlash”. Xalq ta’limi jurnali. №3 son, 57-58 bet.

# O'QUVCHILARNI KASB TANLASHDAGI MUAMMO VA YUTUQLARI

*Rahimova Xurshida To'rayevna*

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada o'quvchilarning kasb-hunarga to'g'ri yo'naltirilishi, kasb tanlash muammosi nafaqat u yoki bu shaxsning, oilaviy muhitning, balki butun bir davlatning muhim strategik vazifasi ekanligi va bu masala yuzasidan olimlarning olib borgan tadqiqotlari to'g'risida, motiv va motivatsiya tizimi shaxsning faoliyati, muomalasi, hatti-harakatining ichki regulyatsiyasi funtsiyasini bajarib, ehtiyojini qondirish, xohish-istak, ezgu niyat, orzu-tilak, mayl, his-tuyg'u, ustanovka, ideal, imon-e'tiqod, vijdon, maqsad qo'ya olish va boshqalarni ro'yobga chiqarishning bosh omili ekanligi haqida fikr yuritiladi.

**Kalit so'zlar:** kasb-hunar, kasbga yo'naltirish, kasb tanlash , motiv va motivatsiya tizimi, shaxsning faoliyati, muomalasi, ichki regulyatsiyasi, xohish-istak, ezgu niyat, orzu-tilak, mayl, his-tuyg'u, ustanovka, ideal, imon-e'tiqod, vijdon, maqsad qo'ya olish.

## PROBLEMS AND ACHIEVEMENTS IN CHOOSING A PROFESSION OF STUDENTS

**Abstract:** This article discusses the orientation of students to the profession, the fact that the problem of choosing a profession is an important strategic task not only for this or that person, family environment, but for the whole country, as well as the research of scientists on this issue. a problem, a system of motives and motives performs the function of internal regulation of personality activity, behavior, behavior, satisfaction of needs, desires, good intentions, desires, inclinations, feelings, attitudes, ideals, beliefs, conscience. a key factor in setting goals and achieving others.

**Keywords:** profession, career guidance, choice of profession, system of motives and motivation, individual activity, behavior, internal regulation, desire, good intentions, desires, inclinations, emotions, attitudes, ideals, beliefs, faith, conscience, ability to set goals.

XXI asrda mavjud kasblarni bilish, oilani tebratish uchun ular qanchalik ishonchli ekani, o'ziga xos xususiyatlari to'g'risida ma'lumotga ega bo'lish hech kimni befarq

qoldirmasa kerak. Bolaga kasb tanlashga yordam berish kerak, lekin uning uchun tanlamaslik kerak. Bolaning diqqati va e'tiborini kasb tanlashning muhimligiga qaratish lozim. Ko'pchilik bolalikdan orzu qilgan kasbiga nafaqa yoshi arafasida ham erishganini kuzatganmiz. Orzularning uzoq vaqt ro'yobga chiqmasligi emas,balki amalga oshgani muhimdir. Kasbga yo'naltirish muammosini hal qilish nafaqat u yoki bu shaxsning, oilaviy muhitning, balki butun bir davlatning muhim strategik vazifasi bo'lib hisoblanadi.

Kasb tanlash har bir inson hayotida muhim o'rin egallaydi.Bu ishga qanchalik erta, maqsadli va mas'uliyat bilan kirishilsa,shunchalik yaxshi natijalarni beradi. Kasbni to'g'ri tanlash uchun esa imkon qadar ko'proq mutaxassisliklar haqida chuqur tushunchaga ega bo'lish lozim. Chunki inson tanlagan kasbi bo'yicha to'liq va obyektiv ma'lumotga ega bo'lsa, xato qilish ehtimoli shunchalik kam bo'ladi.[2]

Kasblar tanlovi bizda juda katta.Tanlov katta bo'lgani uchun ham tanlash qiyin bo'ladi. Ko'pgina katta yoshli kishilardan, o'ylab kasb tanlash imkoniyati bo'lmaganligi uchun, bir umr o'zlari xohlamagan joyda ishlaganliklari haqida ko'p eshitamiz. Bugun esa ota-onalardan ko'ra yoshlarda kasb tanlash imkoniyatlari juda keng va katta. Shunday ekan, nega yoshlarimiz bu muhim masala haqida vaqtliroq, jiddiy o'ylash o'rniga, umumta'lim maktabini bitirishdan ikki-uch oy oldin shug'ullanadilar? Vaholanki bu ishni shoshilmasdan puxta o'ylab amalga oshirish kerak.

Odatda, odamlar u yoki bu kasb egalarining o'z ish o'rinlarida nima bilan shug'ullanayotganliklariga uncha qiziqmasada, qancha maosh olayotganlarini bilishni istaydilar. Bu hol kishilar o'rtasida tushunmovchiliklarni keltirib chiqarishi mumkin.

Mustaqillik yillarida o'quvchilarning kasb-hunarga to'g'ri yo'naltirilishini asoslab borishga qaratilgan ko'pgina psixologik-pedagogik tadqiqotlar olib borildi, qo'lga kiritilgan empirik ma'lumotlar qaytadan tahlil qilindi. Jumladan, kasbiy niyatlarning barqarorligini o'rganish yuzasidan N.P.Krilov o'tkazgan tadqiqotlar shuni tasdiqlaydiki,o'z niyatlarini amalga oshirish maqsadida, oily o'quv yurtiga kirgan talabalar orasida ham ko'pchilik shaxslar o'zlarining kim bo'lishlarini oxirigacha hal qilolmaganlar. Bunga sabab-maktabni bitirgan o'spirinlarni mazkur oliy o'quv yurtiga

olib kelgan kasb haqidagi tasavvurlar bilan bu kasbning haqiqiy amaliy mazmuni o'rtasidagi nomuvoviqlikdir. Ularning ko'pchiligi mazkur oliy o'quv yurtiga tasodifan kirgan bo'ladilar: "otam vrach bo'lganligi sababli kirdim", "chunki bu yerga kirish osonroq bo'ldi" va hokazo. Shuni ta'kidlash o'rinliki, o'zining kasbiy taqdirini tasodifan hal etish murakkab kechinmalarga, tanlangan kasbi sohasi yuzasidan ikkilanishlariga, og'ir ichki nizolariga, ziddiyatlariga olib kelishi mumkin va bu voqelik sodir bo'ladi. [3]

E.G'oziyev va Asomovaning tadqiqotlarida ta'kidlanganidek, motiv va motivatsiya tizimi shaxsning faoliyati, muomalasi, hatti-harakatining ichki regulyatsiyasi funtsiyasini bajarib, ehtiyojini qondirish, xohish-istak, ezgu niyat, orzu-tilak, mayl, his-tuyg'u, ustanovka, ideal, imon-e'tiqod, vijdon, maqsad qo'ya olish va boshqalarni ro'yobga chiqarishning bosh omili bo'lib hisoblanadi. Motiv va motivatsiya faqat bilimlarni o'zlashtirish, o'quv malakalarini egallash, muomala maromini qo'llash bilangina cheklanib qolmasdan, balki shaxsning xulq-atvorini, yangi xislatlar namoyon bo'lishini ham izohlab berishga xizmat qiladi.

Hozirgi davrda maktablarning kasbga yo'naltirish amaliyotida Y.A.Klimovning DTS(differentsial-tashxis so'rovnoma) metodikasi keng qo'llaniladi, shubhasiz, uning qiymati yuqori sinflarning kasblar tasnifi doirasida qiziqish va moyilliklari shakllanganligi to'g'risida ma'lumotlar olish imkoniyati sanaladi.

Mazkur metodika xilma-xil kasblarni insonning o'zaro ta'sir etuvchi predmeti bilan bog'liqligi tufayli ularni 5 ta turkumga ajtatish asosiga qurilgan.Bular: "Insontexnika", "Inson-inson", "Inson-tabiat", "Inson-belgilar tizimi", "Inson-badiiy obraz".

Oliy o'quv yurtlarida bo'lg'usi mutaxassislarni tayyorlashda ularda kasbiy mahoratning o'sishini ta'minlovchi ma'naviy omillardan biri - talabaning shaxsiy intilishi,qiziqishi, maslagi nuqtai nazaridan o'z bilimiga va malakalariga muayyan talablar qo'ya bilishidir.Boshqacha qilib aytganda, biz ta'lim "standart"lariga to'la javob beradigan shaxsni mutaxassis sifatida bir qolipda shakllantirishimiz qiyin, lekin maqsadli ta'lim-tarbiya zamirida har bir talabaning rivojiga turtki berish, uni tafakkuri o'sishiga ta'sir etish usullarini qo'llashda eng samarali muomala shakllarini amaliyotga

tatbiq etish zarur. Demokratik, teng huquqlikka asoslangan o'zaro munosabatlargina talabaga o'z-o'zini anglash, kelajak jamiyatga nima bera olishi haqida tasavvurlarga ega bo'lish, o'z ruhiyatida "ichki tartib-intizom" ni joriy etish va shu asosda o'zini-o'zi anglash ma'naviy-ruhiy jihatdan kamol toptirish tizimini amalga oshirish imkonini beradi. Zero, shaxs ma'naviyati rivoji ham avvalo o'zini o'zi anglash, keyinchalik o'z manfaatini anglash va nihoyat jamiyatni tanish bosqichlarini taqozo etadi.

Shaxs tomonidan biror bir kasbni tanlash uning bilimlaridan kelib chiqqan holdagi motivlarga bog'liq bo'ladi. Motiv subyektning ehtiyojlarini qondirish bilan bog'liq bo'lgan faoliyatga undovchi hatti-harakatlardir. Tashqi va ichki sharoitlarning yig'indisi sifatida subyektni ma'lum bir faoliyatga faolligini chaqiruvchi yo'nalishdir.
Motivlarni E.G'oziyev va A.Jabborov tavsiyasiga ko'ra quyidagi ko'rinishlarda korsatish mumkin: 1) Ijtimoiy; 2) Jamoaviy; 3) Protsessual; 4) Rag'batlantiruvchi motivlar va boshqalar.

O'quvchilarning kasb tanlashini E.A.Klimov uchta tomonini ajratib ko'rsatadi.

1. Shu kasbda ishlashni istash (xohlayman).

2. Kasbni egallashga bo'lgan qobiliyat, imkoniyatlami hisobga olish va keyinchalik yaxshi natijaga erishish (bajara olaman).

3. Tanlagan kasbga xalq xo'jaligini ehtiyojlarini hisobga olish (kerak).

Shuningdek, E.A.Klimov tomonidan kasb tanlashning aniq omillari ham ajratiladi.

Bular quyidagilar:

1. O'zni qiziqish va xohishlarini hisobga olish;

2. O'zidagi qobiliyatlarni hisobga olish;

3. Kasb haqida ma'lumotlarga ega bo'lish;

4. Ota - onaning fikrlarini hisobga olish;

5. Sinfdoshlarini, tengdoshlarini, o'rtoqlarini fikrlarini hisobga olish;

Umuman, yuqorida qayd etilgan fikrlardan ko'rinib turibdiki, kasb tanlash muammosi keng ko'lamli va ko'p qirrali jarayondir. Shu sababli ota-onalar va o'qituvchi murabbiylar bolalarning qiziqish va layoqatiga ko'ra kasb-hunarga yo'naltirishlari maqsadga muvoviq ish hisoblanadi.

## Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. T.: "O'zbekiston",2007.

2. Ulug'bek Sattorovich Jumayev "O'quvchilarda kasb tanlashga munosabat tizimi sahkllanishining ijtimoiy-psixologik xususiyatlari".Monografiya.T."Navro'z" Nashriyoti, 2017 yil,15-28 betlar.

3. Nasiba Mardonovna Mardonova, Nusrat.M,Sharipov N.M, Ro'ziyev F.J, "Kasblar olamiga sayohat"- T., 2016.5-16 ,betlar.

4. Зарипова, Г. К., & Рузиева, К. И. (2018). Использование интерактивных методов в процессе обучения студентов компьютерным технологиям. Проблемы педагогики, (7 (39)).

5. Ramazonov, J. J. (2021). The role of self-governance in providing personal perfection. Scientific progress, 2(2), 1075-1078.

6. Ramazonov, J. (2021). Reflexive Mechanism-As The Main Form Of Controlling Students' Pychological Conditions. Центр Научных Публикаций (buxdu. uz), 7(7).

7. Рамазонов, Ж. Ж. (2021). Ўзини ўзи идора қилиш ижтимоий-психологик феномен сифатида. Scientific progress, 2(4), 306-314.

8. Джалолович, Р. Ж. (2021). Ўзини ўзи идора қилиш ижтимоий психологик муаммо сифатида. Ижтимоий фанларда инновация онлайн илмий журнали, 1(4), 51–57. Retrieved from http://www.sciencebox.uz/index.php/jis/article/view/169

9. Ramazonov Jahongir Jalolovich. (2021). Reflexive mechanism - as the main form of controlling students' pychological conditions. Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning (EJEDL), 2(03), 34–36. Retrieved from https://ejedl.academiascience.org/index.php/ejedl/article/view/16

10. Ramazonov J.J. Reflexive Mechanism-As The Main Form Of Controlling Students' Psychological Conditions. The American Journal of Social Science and Education Innovations 3(02), 379-382, 2021.

11. Jahongir Jalolovich Ramazonov. The role of self-governance in providing personal perfection Scientific progress // Scientific jurnal Vol#2, ISSUE#2, JUNE

2021.P:1075-1078. http://scientificprogress.uz/storage/app/media/2-2.%20179.%201075-1078.pdf 12. Рамазонов Жаҳонгир Джалолович. Талабалик даврида ўзини ўзи идора қилишнинг мотивацион механизимлари. Международная конференция академических наук. Scientific coferences platform. Г. Новосибирск 2021октябрь. http://doi.org/10.5281/zenodo.5576511 Б.26-30

13.Рамазонов Жаҳонгир Джалолович. Ўзини ўзи идора қилиш ижтимоийпсихологик муаммо сифатида. Journal of Innovations in Social Sciences. //Volume:01, Issue: 04/ 2021. http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/ P.:51-57.

14. Рамазонов Жаҳонгир Джалолович. Талабалар таълим жараёнида ўзини ўзи идора қилишининг ижтимоий-психологик механизимлари. Образование и наука в XXI веке // Международный научно-образовательный электронный журнал. Выпуск №14 (том 4) (Май, 2021). Дата выхода в свет: 35.05.2021. 794800.

15. Рамазонов Жаҳонгир Джалолович. Талабалик даврида ўзини ўзи идора қилиш механизмлари. Ijodkor o'qituvchi // Ilmiy-uslubiy jurnal materiallari to'plami. 5-Iyun. 2021-yil. 7-son. 347-354-betlar

16. Рамазонов Жаҳонгир Джалолович. Ўзини ўзи идора қилиш психологик муаммо сифатида. «Педагогические и психолингвистические особенности развития, формирования и становления личности врача» // Международная научно-практическая конференция. https://us02web.zoom.us/j/81478649558?pwd=Z21iM2xnTjl4L28zSHduMGo4NDlN QT09 Самарқанд дата: 6.05.2021. 2021-1. Б.175

17. Jahongir Jalolovich Ramazonov. Talaba-yoshlarda o'zini o'zi idora qilishning ijtimoiy-psixologik mexanizmlari. Innovation in the modern education system: a collection scientific works of the International scientific conference (25th March, 2021) // – Washington, USA: "CESS", 2021. Part 4, Issue 1 – p.165. 173

18. Рамазонов Жаҳонгир Джалолович. Ўзини ўзи идора қилиш ижтимоийпсихологик феномен сифатида. International Journal of Discourse on Innovation, Integration and Education // (IJDIIE) https://summusjournals.uz Vol. 3 No. 2 (2021): IJDIIE 153-158

19. Рамазонов Жаҳонгир Джалолович. Reflexive Mechanism - As The Main

Form Of Controlling Students' Pychological Conditions. Emergent: Journal of Educational Discoveries end Lifelong learning, (EJEDL) // https://ejedl.academiascience.org Vol. 2 No. 2021. Pages: 34-36.

20. Safarov, T. (2021). A General Description Of The Trade Routes And Relations Of The Central Asian Khanates With Neighboring Countries. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(12), 9-15.

21. Мухамеджанова, Л. П., Шукруллаевв, Ю. А., & Сафаров, Т. Т. (2020). Бухара в конце XVIII и в начале XX века. Бухара Издания "Дурдона.

22. Nazir, A. (2022). SOCIO-PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF THE REHABILITATION OF DISADAPTED ADOLESCENTS. Integration of Pragmalinguistics, Functional Translation Studies and Language Teaching Processes, 377-380.

23. Ахмадов, Н. Р. (2022). Социально-психолого-педагогическая реабилитация дезадаптированных подростков. Science and Education, 3(2), 10451053.

24. Ахмадов, Н. Р. (2022). ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ РЕАБИЛИТАЦИИ ДИЗАДАПТИРОВАННЫХ ПОДРОСТКОВ. INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION

25. Назаров, А. М., & Рустамов, Ш. Ш. (2019). АНАЛИЗ ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ДАННЫХ С ПОМОЩЬЮ ПРОГРАММЫ SPSS. ББК 71.0 И74 Редакционная коллегия Ответственный редактор, 187.

26. Rustamov, S. (2021). КЛАСТЕРНЫЙ АНАЛИЗ ПРИ БОЛЬШОМ КОЛИЧЕСТВЕ НАБЛЮДЕНИЙ (КЛАСТЕРНЫЙ АНАЛИЗ МЕТОДОМ К-СРЕДНИХ). ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 8(8).

27. Рустамов, Ш. Ш. (2022). ОСОБЕННОСТИ МАТЕМАТИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ПРАКТИЧЕСКИЙ ПСИХОЛОГОВ. INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL, 3(3), 59-64.

28. Гайбуллаев, А. А. Психология: происхождение и структура научного факта. Вестник интегративной психологии, 19(19), 115-119.

29. Salixov, S. M., & Salixov, T. M. (2022). Bo'lajak jismoniy madaniyat o'qituvchisining kasbiy tayyorgarligini shakllantirish. Science and Education, 3(3), 1013-1019.

30. Назарова, А. М., & Хафизова, Ф. Б. (2022). Формирование профессиональной математической компетенции будущее практической психологов. Science and Education, 3(2), 1299-1305.

# BOLALAR NUTQINI RIVOJLANTIRISHDA O`YINCHOQ PREDMETLARGA QARAB HIKOYA QILISHNING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI

*Djolımbetova Miywagul Madiyarovna*
*Psixologiya fanlari bo`yicha (PhD) doktorı,*

*Gulmuratova Kamila Maratovna*
*NDPI Pedagogika va psixologiya ixtisosligi magistranti*

Mamlakatimizda fan-texnika yuksak sur`at bilan rivojlanib borayotgan bir paytda yosh avlod zimmasidagi ma`suliyat ham ortmoqda. Ularga berilishi lozim bo`lgan bilimning hajmi yil sayin oshmoqda. Respublikamizda ta`lim tizimini isloh etish bo`yicha olib borilayotgan ishlar bir qancha bo`lib, ular yosh avlodning jamiyat rivojiga hissa qo`shishga xizmat qiladi. Yosh avlodga kichik yoshidan boshlab to`g`ri ta`lim-tarbiya berish, bu yurtimizning gullab-yashnashiga olib keladi.

Bugungi kunda maktabgacha yoshdagi bolalarda ayrim nutq nuqsonlari kuzatilib, ularni bartaraf etish bo`yicha logopedik ishlar tashkil etilgan. Maxsus ehtiyojli bolalar ta`lim-tarbiyasi masalasi bugingi kunda eng dolzarb masalalar sirasiga aylanib bormokda. Maxsus ta`lim imkoniyati cheklangan bolalar uchun ta`lim tizimi sifatida rivojlangan. Nutq kamchiliklarini bartaraf etishda qulay va samarali usullardan foydalanishning ahamiyati katta rol o`ynaydi.

Bolalarning eng sevimli va qiziqarli mashg`ulotlaridan biri bu o`yinchoqlarni ko`rib chiqish va tasvirlash. O`yinchoqlarga qarab hikoya tuzishning manosi juda keng. U bolalarga axloqiy sifatlarni tarbiyalaydi, birgalikda hikoya qilish malakalarini rivojlantiradi, xotira, diqqat va irodani mashq qiladi. Hayotda hosil qilgan tajribalarini idrok qilish orqali mustahkamlaydi. Kam gapiradigan bolalarning nutqiy muloqotga kirishib ketishiga tasir etadi. O`yinchoqlar bo`yicha mashg`ulotni tashkil etishda o`yinchoqlarni tanlashda jiddiy e`tibor berish kerak. Kichik guruh bolalariga tasvirlash uchun taklif etilgan o`yinchoqlar o`zining bazi bir xususiyatlariga ega, o`yinchoqlar nomi bo`yicha bir xil bo`lishi mumkin biroq tashqi ko`rinishi jihatidan bir-biridan farq qilishi kerak. O`yinchoqlarni bu tartibda tanlash bolalarning lug`atini faollashtirishga va taqqoslash usulidan faydalanish asosida bog`lanishli nutqini rivojlantirishga yordam beradi.[1,24]

Turli yosh guruhlarida o`yinchoqlarga qarab hikoya tuzishga o`rgatishda psixologik ta`siri o`rganilib chiqilib, ularda:

**Kichik guruhda** o`yinchoqlarni tasvirlash bo`yicha mashg`ulotlar emotsional shaklda, odatdagi oddiy ta`limiy o`yin ko`rinishida (Ajoyib xaltacha", Bu kim?, Sen nimani topding?") olib boriladi.

O`yinchoqlarni tasvirlash bo`yicha mashg`ulotlar ularni ko`rib chiqishdan boshlanadi. Tarbiyachi bolalar diqqatini o`yinchoqlarning tashqi ko`rinishidagi xarakterli xususiyatlarga qaratadi. (rangi, materiali) Ularning belgilarini bildiruvchi so`zlarning to`g`ri aytilishini nazorat qiladi. Tasvirlash tarbiyachining sovollari yordamida olib boriladi. Kichkintoylarga tugallangan hikoya - balki alohida jumlalar aytiladi, shuning uchun savollar yordamida uzuq so`zlar, jumlalar luqma tashlashlar birlashtiriladi. Tarbiyachi bolalarning javoblaridan keyin ularni umumiylashtiradi o`yinchoqlar haqidagi namunali hikoyani taklif etadi.

Kuchukcha o`yinchog`ini olib (tarbiyachining stoli ustida ikki rangdagi kuchukcha biri katta oq baxmaldan qilingan quloqlari pastga tushgan, ikkinchisi kichkina qora rangda quloqlari tik shunday deydi: - «Men hozir bu o`yinchoq kuchukcha haqida gapirib beraman.  Sizlar esa diqqat bilan tinglab o`tiringar, keyin sizlar ham kuchukcha haqida xuddi mendek gapib berasizlar. Bu o`yinchoq –

kuchukcha. U katta rangi oppoq, baxmaldan yasalgan. Kuchukchaning boshida ikkita uzun quloqlari bor. Uning bitta qulog`i tik, yuqoriga qaragan. ikkinchi qulog`i pasda osilib tushgan. Kuchukchaning bo`ynida yashil rangli tasmasi bor, Uning uzun dumi, oldingi va orqa oyoqlari ham bor. Bu o`yinchoqni biz juda sevib o`ynaymiz, o`zimiz bilan sayrga olib boramiz. O`ynab bo`lgach, uni o`yinchoqlar burchagiga qo`yib qo`yamiz. Bolalar, endi kuchukcha haqida sizlar gapirib berasizlar. Men kimni chaqirsam, shu bola o`yinchoqni olib, uning nomini, rangini qanday materialdan yasalganligini, uning nimalari borligini aytib berasiz.

**O`rta guruhda** bolalar sekin-astalik bilan mustaqil ravishda o`yinchoqlar bo`yicha tasviriy hikoya tuza bochlaydilar. O`rgatishning eng natijali usullaridan biri bu har doimgi mashg`ulotda namuna hikoyadan foydalanishdir. Namuna hikoyani mashg`ulotning qaysi qismida (mashg`ulotning boshida, oxirida) berishni bolalarning hikoya qilib bera olish darajasi belgilaydi. Ushbu guruh bolalari yilning ikkinchi yarmidan boshlab tarbiyachining rejasi asosida hikoya tuza boshlaydi.

Dastlab uncha katta bo`lmagan reja asosidagi ikki-uchta o`yinchoqlarning nomini, ularning asosiy sifatlarini va u bilan qilinadigan harakatlarni birlashtiruvchi uncha katta bolmagan hikoya tuzishni nazarda tutadi. (O`yinchoqning nomi hajmi, u bilan qanday o`ynash mumkinligini gapirib bering). Sekin-astalik bilan rejani murakkablashtirish, ya`ni savollarni har hil berish mumkin. (Bu o`yinchoq qanday materialdan qilingan? U senga yoqadimi?) O`yinchoqlar bilan o`tkaziladigan ta`limiy o`yinlardan foydalaniladi, «O`yinchoqlar dukoni», «Pochtachi sovga olib keldi».[2,41]

Bunday mashg`ulotlarni emotsional tarzda o`tkazish bog`lanishli nutqqa o`rgatish uchun qulay sharoit yaratadi, Ayniqsa o`yinchoqlar haqidagi topishmoqlardan foydalanib o`tkaziladigan mashg`ulot juda qiziqarli. Bolalar tasviriy hikoya tuzishga yaxshi o`rganib olganlaridan so`ng o`yinchoqlar to`plami bo`yicha voqeali hikoyalar tuzishni taklif etish mumkin. Bu mashg`ulot uchun oyinchoqlarni shunday tanlash kerakki, oddiy voqea chizig`ini belgilash qiyin bo`lmasin (qizcha, qo`ziqorin, savatcha archa, tipratikan). Tarbiyachining savollari bolalarga hikoya voqealarini izchil yoritishiga yordam beradi.

Xulosa o`rnida shuni aytish mumkinki, bolalar o`yinchoqlar to`plami ichidan o`zlari istagan o`yinchoqni tanlab, ular bo`yicha qiziqarli hikoyalar oylab topishadi, biroq bazan mazmundan chetga chiqib ketish hollari ham bo`ladi. Bunday hollarda tarbiyachi o`zining savollarini esga tuchirishi aniqlik kiritishi, to`ldirishi bilan mantiqli, tasvirli hikoya to`zishga yordam beradi.

**Foydalangan adabiyotlar:**

1. F.R.Qodirova Bolalar nutqini rivojlantirish nazariyasi va metodikasi ruhiy omillari. T.: “Istiqlol”,2006 y. 24b

2. S Q. Shodiyeva. “O`rta guruh bolalari nutqini o`stirish“ o`quv qo`llanma. T.: “O`qituvchi” 1993 y. 41b

# ЎҚУВЧИ ЁШЛАРДА САЛБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ ТАШҚИ ТАЪСИРЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ОИЛА, МАҲАЛЛА ВА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

*Қулматов Норқобил Эшмаматович*
*Самарқанд давлат ветеринария медицинаси,чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Тошкент филиали катта ўқитувчи Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш мониторинг сектори*

Ўқувчи ёшларимиз онги ва тафаккурида салбий ўзгаришларни келтириб чиқарувчи ташқи таъсирларнинг олдини олишда, уларда ватанпарварлик ҳис-туйғуларини шакиллантириш билан бирга, юксак маънавиятли ёшлар бўлишлари, бошқа миллат вакилларига нисбатан юксак хурмат эътибор билан қарайдиган, инсонийлик қадр-қимматни эъзозлайдиган ёшларни тарбиялашда учта энг асосий омил – оила, маҳалла ва мактаб (таълим муассасалари) ўртасидаги ҳамкорлик бугунги янги Ўзбекистон жамиятининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Учунчи Реннесанс арафасида турган Янги Ўзбекистон жамиятида ўқувчи ёшларимиз онги ва тафаккурида ватанпарварлик ҳис-туйғуларини

шакиллантириш, тарбиялаш, ёшларимиз орасида турли хил салбий кўринишдаги иллатларнинг олдини олиш ва ўқувчи ёшларимизни маънавий етук инсонлар бўлиб шакилланишида оила, маҳалла ва мактаб ўртасидаги самарали ва ижобий ҳамкорликни йўлга қўйиш бугунги куннинг энг долзарб асосий вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Инсоният XXI асрга қадам қўйганидан кейин жаҳон миқёсида глобал ахборот алмашинуви шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги кунда ўқувчи ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда уларнинг маънавий оламида бўшлиқ (ваакум) вужудга келмаслиги учун, ёшларимизнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзини, миллий ва умуминсоний, диний қадриятларимизга ҳурмат-эъҳтиром туйғуларини болаликларидан бошлабоқ шакиллантиришимиз зарур бўлади. Бугунги кунда ўқувчи ёшларимиз маънавиятига қарши қаратилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган ҳар қандай кичик салбий хабар ҳам ахборотлашган оламда глобаллашув жараёнларининг шиддатидан куч олган ҳолда кўзга кўринмайдиган, аммо маънавий зарарини ҳеч бир нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан маънавий зарарни келтириб чиқариши мумкин. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун юртимиздаги ҳар бир оила вакиллари бўлмиш ота-оналаримиз ўз фарзандларининг бахту-камолини кўришлари учун ёшликларидан бошлаб тўғри тарбия беришга ҳаракат қилишади, албатта бу жараёнлар ўз-ўзида амалга ошиб қолмайди. Ўзбек халқимизда яхши бир накл бор: “Нима эксанг, шуни ўрасан”, келинг шу нақлни бугунги кун нуқтаи назаридан бошқача бир талқинда айтиб кўрайлик: “Нима ўришни хохласанг, шунга яраша меҳнат қил”. Мустақиллик шарофати билан юртимиз фуқаролари тинч-тотув, тўқчилик замонида яшаб келишмокда. Бугунги тинчлик замонда юртимиздаги ҳар бир ота-она ўз фарзандига молу-мулк, уй-жой, имконияти кўтарса автомобиль ва бошқа бир қанча қимматбаҳо моддий бойликларни таъминлаб беришлари мумкин, аммо лекин тўғри тарбия ва бардавом бахтни топиб бера олишадими? Бу нарсаларни топиб беришлари учун ҳар бир ота-онанинг ўзлари қандай тарбия кўрганлик даражаларига боғлиқ бўлади. Қадимда бир ота ўғлини етаклаб кета туриб шундай дебди “Ўғлим ҳар бир босган қадамингни ўйлаб бос” деб айтса, ўғли отасига

қараб шундай жабоб берибди: “Ота сиз қайси йўлдан қандай қадам босиб юрсангиз мен ҳам шундай қадам босиб юраман, чунки мен сизга эргашаяпман” деб жавоб берган экан. Ёки яна бир мисол “Қуш уясида кўрганини қилади” “Хўрозқанд” чет элники деса ётиб олиб ялайдиганлар ҳам халқимиз орасида, айниқса ёшларимиз орасида афсуски топилади. “Дарахтнинг бўшини қурт ейди” [1], доим деган халқ мақоллари бежиз айтилмаган. ва ҳокозо... бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Педагогик адабиётларда педагогиканинг луғавий маъноси “бола етакламоқ” деб айтилади. Биз ота-оналар барибир болаларимизни етаклаб юрамиз, демак биз ўзимиз қандай қадам боссак, фарзандларимиз ҳам ана шундай қадам босишади. Бу нарса педагогик тарбиянинг ибрат-намуна усулига мос келади.

Таълим-тарбия масаласи ҳамма замонларда ҳам ҳар доим кун тартибидаги асосий масалалардан бири бўлиб келган. Ўз даврида мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов -шундай деб ёзган эди, - Мен, - Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир” [2] деган фикрини кўп мушоҳада қиламан. Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам муҳим ва долзарбдир

Бу ўринда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикасининг президенти Ш.М.Мирзиёевнинг қуйидаги фикрларини мисол қилиб олишимиз мумкин. “Агар катта авлоднинг билими ва тажрибасини, узоқни кўра олиш фазилатларини ёшларимиздаги ғайрат-шижоат, мардлик ва фидоийлик билан бирлаштира олсак, кўзлаган марраларга албатта етамиз. Янги Ўзбекистонни ана шундай билимли ва бунёдкор ёшларимиз билан биргаликда барпо этамиз”.[3] Чунки ҳаёт давом этар экан, янгидан-янги авлодлар туғилади, ҳаётда камол топишлари учун эса таълим-тарбияга эҳтиёж сезади. Президентимизнинг бу фикрларга ҳамоҳанг сифатида биринчи президент И.А.Каримовнинг айтиб ўтган қуйидаги фикрларини уйғунлаштириш айни муддаодир “Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакиллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубхасиз, оиланинг ўрни ва таъсири

бекиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шакилланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олийжаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир” [4]

Мақсадимиз ўқувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаб камол топтириш экан, бу борада иймон-эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакиллантириш билан бирга мустақил дунёқарашга эга, ўтмиш аждодларимиз бўлган ота-боболаримизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс – комил инсонларни тарбиялашдан иборат бўлиб, бу вазифаларни амалга оширишда кенг жамоатчилик билан, яъни мактаб ва маҳалла билан ҳамкорлик ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг “4.4 Маънавий – ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар” деб номланган бандида “Ўзбекистон мустақиллиги принципларига садоқатли ҳамда жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир шахсни шакиллантириш мақсадида таълим муассасалари, ота-оналар,оила, маҳалла қўмиталалари Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, жамоат ташкилотлари, фондлар билан ўзаро пухта ҳамкорлик қиладилар” [5] деб кўрсатилган ва тегишли тизим ишлаб чиқилган.

Ўқувчи ёшларимизда салбий ўзгаришларни келтириб чиқарувчи ташқи таъсир ва омилларнинг олдини олишда, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаб камол топтиришда ҳамда маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар тизимини мунтаззам амалга ошириб бориш борасида ҳар бир муассаса ва ташкилотнинг ўз вазифалари мавжуд. Бугунги кунда бу борада Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизими қошида бир қатор қуйидаги вазифалар (функция)лар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан: Таълим муассасаларининг ота-оналар, оилалар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари, жамғармалар билан ижодий фаол, Ўзбекистон мустақиллиги ғояларига садоқатли

ва жамиятимиз тараққиётига муносиб улуш қўшишга лаёқатли ўқувчи ёшларни камол топтириш бўйича ўзаро яқин ҳамкорликни амалга оширади. Ўқувчи ёшларда ватанпарварлик ҳис-туйғуларини шакиллантириш билан бир қаторда уларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, ўз Ватани ва халқига содиқ фуқарони шакиллантириш бўйича мактабларнинг ота-оналар, оилалар, маҳалла қўмиталари, Республика Маънавият тарғибот маркази бўлинмалари жамоат ташкилотлари ва жамғармалар билан мустаҳкам ўзаро ҳамкорлиги амалга оширилади.

Ўқувчи ёшларда салбий ҳолатлар ва ўзгаришларни келтириб чиқарувчи ташқи таъсирларнинг олдини олишда ва уларни ватанпарварлик руҳида камол топтиришда ҳамда бўлажак фуқароларимизни маънавий баркамол шахс ва жисмоний соғлом бўлишларида оиланинг ҳам бир қатор вазифалари мавжуд. Улар қуйидагилардан иборат: Оилада ҳар бир ота-она соғлом ижтимоий муҳитни яратиш, миллий руҳиятни ва турмуш тарзини ҳисобга олган ҳолда фарзандларда ота-онага, ака-укага, опа-сингилга, қариндош-уруғларга ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғусини шакиллантириш, фарзандларнинг қизиқишлари, иқтидори ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда турли хил касбларга йўналтириш, ҳар бир ота-она ўз фарзандини мустақил фикрлашга ўргатиш, ватанимиз миллий истиқлол ғоялари ва миллий мафкурамизга садоқат руҳида тарбиялаш, фарзандларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш ва уларнинг қўшимча таълим олишлари учун тўла-тўкис шарт-шароит яратишдан иборат бўлишлари керак.

Ўқувчи ёшларда салбий ҳолатлар ва ўзгаришларни келтириб чиқарувчи ташқи таъсирларнинг олдини олишда ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда маҳаллаларнинг ҳам бир қатор вазифалари мавжуд ва улар қуйидагилардан иборат бўлиш керак: Таълим муассасалари билан биргаликда таълим-тарбия жараёнида амалга оширилиши керак бўлган масалаларни муҳокама қилишда қатнашиб, оқилона ечимлар топишда фаол иштирок этиш ва фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатиш, ўқувчи ёшлар орасида ўз фарзандлари тарбияси билан етарлича шуғулланмайдиган баъзи бир ота-оналарни маҳалла фуқаролар йиғинларида қаттиқ муҳокама қилиш, уларга жамоатчилик таъсирини ўтказиш, керак бўлган ҳолларда бундай ота-оналар билан тегишли профилактик

ишларни олиб бориш ва тадбирларни белгилаш мақсадида ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлган маҳалла фаолларини бириктириш ёки қонун доирасида белгиланган бошқа чораларни кўриш,ўқувчи ёшларни диний мазҳаблар ва секталар, ақидапарастликнинг салбий таъсирини тўғри англаб етишларида уларга ота-оналар орқали таъсир кўрсатиш, улуғ аллома ва мутафаккир аждодларимизнинг тарбиявий ўгитларини сингдириб боришга кенг жамоатчиликни сафарбар қилиш,маҳалла ҳудудидаги нотинч оилаларни аниқлаш ва улара содир этилиши мумкин бўлган келишмовчилик ва низоларнинг олдини олишдан иборат бўлиши керак.

Таълим муассасаларининг ўқувчи ёшларда салбий ўзгаришларни келтириб чиқарувчи ташқи таъсирларнинг олдини олишда ва уларнинг онгида ватанпарварлик ҳис-туйғуларини шакиллантириш борасида олиб борадиган вазифалари қуйидагилардан иборат бўлишлари керак: Ўқувчи ёшларга таълим ва тарбия беришда илғор педагогик технологиялар, ахборот-коммуникация воситаларидан кенг ва ўринли фойдаланишга тўла-тўкис шарт-шароит яратиш,ўқувчи ёшларнинг таълим-тарбия олиш жараёнида турли хил чалғитувчи воситаларнинг зарари ва уларнинг оқибатларининг олдини олиш бўйича кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйиш ва олиб бориш,бугунги глобаллашув жараёнлари шиддат билан ривожланиб бораётган бир даврда ўқувчи ёшлар онги ва шуурига таъсир этишга қаратилган маънавий таҳдидларга қарши улар онгида мафкуравий иммунитет ва унинг элементларини ҳосил қилиш,таълим муассасалари қошида ўқувчи ёшларнинг бирон-бир касб-ҳунарни эгаллашлари учун дастлабки пойдевор яратиш,ўқувчи ёшларни мустақил фикрлашга ўргатиш, уларни истиқлол ғоялари ва миллий мафкурага садоқат руҳида тарбиялаш,ўқувчи ёшларнинг спорт тўгаракларига қатнашишлари ва спорт турлари билан шуғулланишларига шарт-шароитлар яратиш, уларнинг бўш вақтларини тўғри ва мазмунли ташкил этиш ва ҳокозолардан иборат бўлиши керак.

Ўқувчи ёшларда салбий ҳолат ва ўзгаришларни келтириб чиқарувчи ташқи муҳит ва таъсирларнинг олдини олишда ва уларнинг онгида ватанпарварлик ҳис-туйғуларини шакиллантиришда оила, маҳалла, таълим муассасалари

ҳамкорлигида қуйидаги тамойиллар ва босқичларга амал қилинганда таълим-тарбия жараёнининг самарадорлиги янада юқори бўлади:Таълим ва тарбия жараёнида ҳамкорлик ҳаракатларининг уйғунлиги.таълим олувчига ҳурмат ва талабнинг уйғунлиги, ҳамкорлик жараёни субьектларининг тенг ҳуқуқлиги ва юксак масъулиятлилиги,фаолият жараёнида миллат ва давлат манфаатлари устуворлиги,ҳамкорлик ишларининг илмийлиги ва ҳокозолар.

Ватанимиз вилоятлардан, вилоятлар туманлардан, туманлар маҳаллалардан, маҳаллаларимиз оилалардан, оилаларимиз ота-она, фарзандлардан иборат. Демак, аввало ҳар бир ота-онанинг дунёқараши, иймон-эътиқоди ва мафкураси мустаҳкам бўлса, оила, маҳалла, туман, шаҳар, вилоятлар, яъни халқимизнинг мафкураси мустаҳкам бўлади. Халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган бугунги мураккаб ва таҳликали замонда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ўқувчи ёшларимизни турли-туман кўринишдаги мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, фуқароларимизнинг, жумладан ўқувчи ёшларимизнинг  ҳаётга онгли муносабатини шакиллантириш, ён-атрофимизда юз бераётган воқеа ва ҳодисаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш асосий вазифамиздир. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти И.Каримов ўз даврида ўзининг “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида жумладан шундай деб айтиб ўтган эди: “Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди"

## Адабиётлар

1.Ўзбек халқ  мақоллари.

2. И.А.Каримов. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин.Т.: “Ўзбекистон”,1998, 17 – бет.

3. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси. Тошкент. 2020 йил 29 декабрь

4. Каримов И.А.Юксак маънавият – енгилмас куч.-тошкент.: “Маънавият”, 2008 йил,52-бет

5. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори,-Тошкент.: “Шарқ”, 1998,-55-бет.

# ЎҚУВЧИ ЁШЛАРДА САЛБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ ТАШҚИ ТАЪСИРЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

*Қулматов Норқобил Эшмаматович*
*Самарқанд давлат ветеринария медицинаси,чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Тошкент филиали. катта ўқитувчи Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш мониторинг сектори мудири.*

**Тадқиқот ишининг тдолзарблиги:**Мустақиллик туфайли биз ўзимизнинг ҳақиқий ватанимизни топдик бу мустақилликнинг бизга берган энг олий неъматидир. Ватани мустақил халқнинг ўзи ҳам мустақил бўлади. Юрти озод ва эркин одамнинг эрки ўз қўлида бўлади. Ана шундай буюк инсоний фазилатлар фақат тинч, барқарор, мустақил юртда шаклланиши мумкин. Бунинг учун ҳар бир ўқувчи ёшни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бугунги янги Ўзбекистон жамиятининг энг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Шундай экан биз танлаган “Ўқувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ислом маданияти ва диний қадриятларнинг ўрни ва роли” мавзуси бугунги кун учун энг долзарб мавзулардан ҳисобланади. **Муаммони ҳал қилиш йўллари:** Юртимиз ўқувчи ёшларига таълим-тарбия беришда, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, ўзбек миллий давлатчилик тарихимизни ўргатишда, тарихий

хотира, маънавий мерос, миллий ва умуминсоний қадриятларимизни, жумладан ислом дини маданияти ва диний қадриятларимизни уларнинг онги ва қалбига сингдиришда миллий-маънавий ривожланишнинг ўрни ва роли беқиёсдир. Ўқувчи ёшларимизга миллий ғоя асосида, ватанпарварлик руҳида таълим-тарбия бериш,ўқитиш бугунги янги Ўзбекистон жамиятининг ўз олдига қўйган асосий ва муҳим вазифаларидан биридир. Ҳеч кимга сир эмаски ҳар бир мустақил ривожланаётган жамиятда "тараққиётнинг тамал тоши ҳам, давлатни кудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам илм-фан ривожи ва таълим ва тарбиянинг тўғри йўлга қўйилганидадир"[1,30.10.2020]. **Таклиф ва тавсиялар:**Халқимизнинг ўтмишига, миллий давлатчилик тарихимизга бир назар ташлайдиган бўлсак, мустамлакачи Чор Россияси ва собиқ совет мафкураси ҳукмронлиги йилларида Ватанимиз тарихининг, жумладан динимизнинг ва диний қадриятларимизнинг нохолисано талқин этилиши натижасида пайдо бўлган муаммоларни бугунги кунда ўқувчи-ёшларимизга тўғри тушунтириш, уларга холисано баҳо бериш, объектив талқин қилиш заруратини хаётнинг ўзи мамлакат тараққиётининг асосий вазифалардан бири қилиб кун тартибига қўйди.

Бу соҳада Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти И.А.Каримовнинг ташаббуслари билан мустақиллик йилларида амалга оширилган катта ишлар ва президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан амалга ошириб келинаётган Ватанимиз тарихини ўрганишнинг янги концепцияси яратилди. Бугунги кунда ҳам миллий давлатчилик тарихимизни ўрганишда ва ўқувчи ёшларга замонавий таълим-тарбия беришда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг "Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги ПФ-5712 сонли фармони" [2,2019.30.04] ҳамда, "Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" 2019 йил 8 октябрдаги 11Ф-5847-сон [3,2019.8.10], фармонларига мувофиқ, халқ таълими тизими ва олий таълим тизимида таълим-тарбия сифатини ошириш, соҳадаги мавжуд норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, халқ таълими ва олий таълим муассасаларининг халқаро нуфузини янада ошириш ва мамлакатда

амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, бўлажак миллий кадрларни тайёрлашда уларнинг фаоллигини таъминлаш янги Ўзбекистон жамиятининг энг долзарб вазифаларидан биридир. **Кутилаётган ижтимоий самара:**Ўқувчи ёшларни ватанпарварлик ҳисларини тарбиялаш механизмларини такомиллаштириш технологияларидан фойдаланишнинг назарий-педагогик асослари ишлаб чиқиш, унинг шакллари ва самарали усулларини аниқлаш ва таълим-тарбияни такомилаштиришда ўқувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мотивларини ишлаб чиқиш, ўқувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда мактаб, оила маҳалла ва диний идора жамоатчилик кенгаши ҳамкорлигини шакиллантиришда, шахсни камол топтиришда ёрдам беради. Мана бугун ўттиз бир йил бўлибдики юртимизда яшаб, фаолият кўрсатаётган 130дан ортиқ миллат ва элат вакилларининг маънавий дунёси виждон ва эътиқод эркинлиги, ҳар бир инсон хохлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга эканлиги, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмаслиги ҳамда миллатлараро муносабатларнинг ривожланиши учун кенг имкониятларнинг яратилиши мустақил янги Ўзбекистон ҳукумати томонидан хуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида олиб борилаётган оқилона ва одилона сиёсатнинг самарасидир. Ўз даврида мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек “Мустакиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий маданий меросни тиклаш ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди.[4, Б-137]

“Агар катта авлоднинг билими ва тажрибасини, узоқни кўра олиш фазилатларини ёшларимиздаги ғайрат-шижоат, мардлик ва фидоийлик билан бирлаштира олсак, кўзлаган марраларга албатта етамиз. Янги Ўзбекистонни ана шундай билимли ва бунёдкор ёшларимиз билан биргаликда барпо этамиз”.[5,29.12.2020] Ўзбекистон азал-азалдан қадимий динлар ривож топган макон сифатида дунё тарихида алоҳида мавқега эга. Бу муборак заминда аждодларимиз бошқа дин вакилларига доимо ҳурмат билан қарагани, мана шу

юрт озодлиги йўлида улар билан бирга кураш олиб боргани, елкадош бўлиб меҳнат қилганини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Ушбу масалага тўхталиб, биринчи Президентимиз И.А.Каримов жумладан шундай деган эди. “Минг йиллар мобайнида Марказий Осиё ғоят хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган ва тинч тотув яшаган марказ бўлиб келди”[6, Б-142]. Диний муносабатларни йўлга қўйишда Ўзбекистон ўзига хос бой тажриба орттирган десак муболаға бўлмайди. Бугунги кунда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари истикомат қилаётган ва 16 диний конфессия фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон асрлар мобайнида турли маданиятлар, миллий ва диний анъаналар, диний эътиқодлар учрашган табаррук замин бўлиб келган, миллий ва диний бағрикенглик ўзбек маданияти ва менталитетининг ажралмас қисмига айланди.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси барча фуқароларнинг виждон эркинлигини кафолатлайди. [7,Б-12].1998 йил май ойида қабул қилинган янги таҳрирдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳам юртимиз фуқароларининг диний бағрикенглик тамойили асосида фаолият юритишига яна бир ижобий имконият яратди.

Давлатимиз мустақиллигимизнинг илк кунлариданок ўзининг динга муносабатини “Дунёвийлик даҳрийлик эмас” тамойили асосида аниқ ва қатъий белгилаб олди. Давлатимизнинг динга муносабати “Инсон эътиқодсиз яшай олмайди” деган аниқ ишонч асосида белгиланди. Бу тамойил мустақиллик йилларида “Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда” сўзларида ўз ифодасини топган. Бугунги кунда юртимизда турли динларга мансуб қадриятларни асраб-авайлаш барча фуқаролар ўз эътиқодини амалга ошириши учун зарур шарт- шароитларни яратиб бериш, динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, улар ўртасидаги қадимий муштарак анъаналарни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Мустақиллик туфайли ўзлигимизни англаш, маънавий қадриятларимизни тиклаш жараёни кечаётган ҳозирги пайтда умуман динга, айникса, ота-боболаримиз дини бўлган ислом динига муносабат тубдан ўзгарди. Мамлакатимиздаги 35 миллиондан зиёд аҳолининг 93 фоиздан кўпроғини мазкур динга эътиқод қиладиган инсонлар ташкил этади. Ислом дини баркамол авлодни

тарбиялаш, маънавий ва ахлоқий юксакликка даъват этиш билан бир қаторда, ёшларда салбий ўзгаришларни келтириб чиқарувчи ташқи таъсирлардан, ёвуз, қабиҳ амаллардан қайтариш хусусиятлари билан ҳам ажралиб туради. Шу сабабли ҳам жамиятимизнинг миллий, диний-маърифий асосларини ташкил этган ислом дини ва диний қадриятларимиз ўқувчи ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳозирги маънавий-ахлоқий юксалишимизнинг манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Миллий ва диний қадриятларнинг ҳаётимизда муҳим ўрин тутиши, тарихий хотирамизни тиклаб, ўзлигимизни англашимиздаги роли, янги жамият қуришда муҳим куч-қудрат манбаи эканини биринчи президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрларида ҳам кўришимиз мумкин. “Биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри холда асло тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз”[8, Б-350]. Ислом дини бошқа динга эътикод қилувчилар билан ҳамкорлик қилишни тақиқламаслиги, унинг таълимоти диний бағрикенглик тамойилларига асосланиши барча манбаларда ўз аксини топган. Жумладан, Қуръони Каримнинг “Мимтаҳана” сураси 8-оятида “Дин тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз юртингизда (ҳайдаб) чикармаган кимсаларга нисбатан яхшилик қилишингиз ва уларга адолатли бўлишингиздан Аллоҳ сизларни кайтармас. Албатта, Аллоҳ адолатли кишиларни севар[9, Б-550]. **Хулоса килиб айтганда**, Катта-катта ўзгаришлар ва туб ислоҳотлар амалга оширалаётган бугунги янги Ўзбекистон шароитда, ҳар томонлама етук мукаммал комил инсонларни тарбиялаб вояга етказиш ва шакллантириш жараёнида дунёвий илмларни эгаллаш, замонавий технологияни бошқариш билан бир қаторда муқаддас ислом динимизни ва диний қадриятларимизни ўқувчи ёшларимизга ўргатиш ва уларнинг онги ва қалбига сингдиришда диний бағрикенглик (толерантлик)ка кенг имкониятлар яратиб берилиши давлат мустақиллигини мустаҳкамлашда ва миллатлараро тотувликни таъминлашда энг муҳим вазифалардан бири саналади.Ўз тарихини, миллатининг бой маънавий меросини, ўзлигини, муқаддас дини ва урф-одатларини яхши билган авлодгина

мустақилликнинг қадрига етади, унинг пойдеворини мустаҳкамлашга бор куч-қуввати ва ақл идрокини бахшида эта олади.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалалари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши” Тошкент, 30.10.2020 йил

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон фармони.

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-11-Ф-5847сон фармони.

4. Каримов.И,А  Ўзбекистон XXI бўсағасида: хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тарракиёт кафолатлари. Т., Ўзбекистон. 1997. Б. 137.

5. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси. Тошкент. 2020 йил 29 декабрь

6.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. Ўзбекистон. 1997 й. Б. 142.

7.Ўзбекистон Республикасининг Конститутцияси. Тошкент “Ўзбекистон” Нашриёт-Матбааа ижодий уйи. 2014, Б.12.

8.Каримов И.А. Оллоҳ  қалбимизда юрагимизда. Каримов И.А. Биз келажагимизни Ўз қўлимиз билан қурамиз. Т. Ўзбекистон, 1999, 7-жилд. Б. 350.

9.Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Т. 2004. Б. 550.

# ХОРИЖИЙ ТИЛНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

*Кенжабаев Шокир Абдулхалилович*
*СДВМЧБУ Тошкент филиали кафедра мудири*

**Аннотация.** Мақолада ўкув жараёнида хорижий тилни ўқитишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш самарадорлиги ёритилган.

**Аннотация.** В статье описывается эффективность использования современных информационных технологий в изучение иностранного языка в учебной процессе.

**Abstract.** The article describes the effectiveness of using modern information technologies in the educational process.

**Калит сўзлар:** Ахборот, технология, жамият, омил, тараққиёт, босқич, хусусият, восита, дидактика, дастур, компьютер, электрон алоқа, жараён, лойиҳа, самара, имконият.

Бугунги кунда ахборот технологиялари жамиятимиз ривожланишига таъсир этувчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Ахборот технологиялари инсоният тараққиётининг турли босқичларида мавжуд бўлиб, ҳозирги замон ахборотлашган жамиятнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ахборот технологиялари барча мавжуд технологиялар, хусусан, замонавий технологиялар орасида етакчи ўрин эгалламоқда.

Ахборот технологияси ва техник воситалар самарасини белгилайдиган дидактик материаллардан кенг фойдаланиш замонавий педагогик технологияларнинг асосий белгиларидан бири Миллий дастурда таълим-тарбия жараёнини бошқаришнинг бу муҳим воситасига алоҳида урғу берилган. Ахборотли воситалар (компьютер, электрон алоқа, радио, телевидение) дан фойдаланиш даражаси икки омил билан аниқланади:

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида: "Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз.

Бунинг учун, аввалambор, ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун хам боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача - таълимнинг барча бўғинларини ислоҳ қилишни бошладик”,-дея таъкидлади. Дарҳақиқат, бугун нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун, аввало, илм-маърифат, юксак маънавият керак. Юртбошимиз бу ҳақидаги сўзларини давом эттирар экан, "Энг катта бойлик бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос - бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик бу билимсизликдир!" дея, Шарқ донишмандларидан иқтибос келтирди ва шу сабабли хаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлюксиз хаётий эхтиёжга айланиши кераклигини таъкидлаб ўтди. [5]. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020-йилни "Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш” йили деб эълон қилиши, 2017-йил 7-февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017-йил 20-апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПК-2909-сонли қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда замонавий талаблар асосида ўқув жараёнининг мазмунини такомиллаштириш хамда таълим муассасаларида ёш кадрларнинг касбий компетентлигини мунтазам ошириб бориш олий таълим тизимининг долзарб вазифаларидан бири хисобланади [1]. XXI  аср ёшларда жисмоний, илмий ва ақлий камолотининг ривожланиб бораётганлиги, уларнинг илм-фан ўрганишга чанқоқлиги, эркин, мустақил, илмий-ижодий изланишлар асосида фикрлаши, янгиликлар ва кашфиётларга нисбатан чексиз қизиқиши ва таълим мазмунига талабчанлиги, профессор-ўқитувчиларнинг ўз устида янада кўпроқ ижодий ёндашган ҳолда фаолият юритишига, малакасини ошириб боришига, илмий ривожланишига, таълим тизимидаги барча янгиликлардан хабардор бўлган ҳолда Янги Ўзбекистон учун хизмат қилишига мотиватция бўлиб хизмат қилади. Сўнгги йилларда, айниқса Пандемия шароити сабабли, педагогика фанига, таълим

тизимига шиддат билан кириб келаётган замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари таълим берувчи томонидан ўзлаштирилиб ва қўлланиб борилиши, таълим мазмунини тубдан ўзгариб кетишига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Таълим жараёнида янги технологияларни киритиш механизмини мутахассислар қуйидагича баён қилишган:

1.Педагогик жамоани янги педагогик технология асослари билан таништириш-маъруза. Адабиётлар тавсия этиш.

2. Янги технология асосида ишлашни хоҳловчи ўқитувчилар жамоасини аниқлаш. Улар орқали ўқитувчиларга педагогик технологияни қўллашдан кўзда тутилган мақсадни, унинг мазмун- моҳиятини етказиш.

3. Янги педагогик технология асосида ишламоқчи бўлган ўқитувчиларни шу жараёнга тайёрлаш юзасидан қуйидаги ташкилий ишларни амалга ошириш

4. Янги технология асосида ишловчиларнинг ишини назорат қилиш, кузатув ва таҳлиллар ўтказиш, методик ёрдамлар кўрсатиш. Уларнинг ҳисоботларини эшитиб бориш.

5. Янги педагогик технология асосида ишловчи ўқитувчиларнинг методика ва педагоглар кенгашларида чиқишларини ташкил этиш.

6. Янги педагогик технология бўйича ишлаш учун зарур дидактик ва тарқатма материаллар, воситалар хонасини ташкил қилиш.

7. Янги технология бўйича ишлашнинг афзалликларини, ўқувчи-талабалар, ота-оналар, педагогик жамоа томонидан қўллаб-қувватланишини ошкор этиб бориш.

8. Илғор, новатор педагоглардан новатор педагогик жамоани шакллантириш.

9. Янгиланиш узлуксизлиги, узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш.

Ҳар бир таълим муассасаси ўз педагогик жамоасининг умумдидактик, умумпедагогик тайёрлиги, истак ва хоҳишларига мувофиқ педагогик технологияни жорий этиш стратегияси ва тактикасини ўзига мослаб режалаштириши мумкин.

Педагогик технологияларни жорий этиш учун ўқитувчилар билан қуйидаги ташкилий тадбирлар ўтказилади:

Якка тартибда (индивидуал) ишлаш (таълим муассасасида, кутубхонада, уйда, маърифий тадбирларда); жуфт бўлиб ишлаш (таълим муассасасида); кичик гуруҳларда ишлаш (таълим-тарбия муассасаларида, ҳудудий ташкилотларда); катта гуруҳларда ишлаш (минтақавий кўламда).

Тажриба алмашиш, илғор педагогик фаолиятни оммалаштириш, анжуманларда қатнашиш, интерфаол машғулотлар ташкил этиш ва шулар каби кўпгина тадбирлар ҳам амалда тез-тез қўлланилади.

Буларда қуйидаги тартиб-қоида ва йўриқларга риоя қилиниши лозим:

Вақт режимига бўйсуниш; вақтдан унумли фойдаланиш; ўзгалар фикри билан ҳисоблашиш; бошқаларнинг тажрибаси ва мулоҳазаларига ҳурмат билдириш, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик; кенг феъллилик ва танқид қилмаслик, танбеҳ бермаслик; мулоҳазалилик; фикрни лўнда баён этиш ва бошқаларнинг фикрига диққат билдириш; эркин мунозара вазиятига бўйсуниш; ўзаро муносабатда самимийлик ҳамда холислик ва бошқалар.

Педагогик технологияларни амалиётга татбиқ этишда айрим психологик ва педагогик тажрибаларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ.

Ўзлаштириш – шахснинг индивидуал хусусиятига боғлиқ бўлганлиги учун ўқув жараёнини табақалаштирилган ёндашув асосида ташкил этиш, диққатни тўплаш, хотирани машқ қилдириш, феъл-атворни тарбиялаш, ахборот олишнинг якка тартибли методини кенг қўллаш зарур.

Шахснинг индивидуал ва психологик диагностикаси маълумотларини амалиётда ҳисобга олиш ва ўқув фаолиятини такомиллаштиришнинг интенсив методларидан кенг фойдаланиш, билим олувчиларнинг ўзлаштириш жараёнини текшириш ва назорат қилиш ҳамда баҳолашда рейтинг тизимига бўйсуниш ижобий натижа беради. Таълим бериш ва тарбиялаш жараёнида шахснинг биологик, физиологик, генетик, социал (ижтимоий) жиҳатларини ўрганиб педагогик тадбирларни ташкил этиш ва ўқитиш механизмини ишга тушириш, аввало, самара, сўнгра сифат кўрсаткичларини яхшилайди.

Машғулотлар турларининг анъанавий кўринишлари билан бир қаторда ноанъанавий ташкилий тадбирларни кенг йўлга қўйиш таълим олувчиларнинг

сезиларли даражадаги ривожланишига олиб боради. Бундай ўзгаришлар миқдор ва сифат кесимларида, вақт бирлиги давомида салмоқли натижа беради. Машқ қилиш туфайли кўриш ва эшитиш сезгилари эвазига бўладиган ўзлаштириш натижаларини ошириш педагогик тажрибада исботланган.

Ўқитишнинг асосий ташкилий шакли-дарс ва унинг узвий ҳамда мазмуний давоми бўлган дарсдан ташқари ишлар хилма-хил вариантларда амалга оширилганда таълим сифати ва самарадорлиги мутаносиб равишда кўтарилади. Бунда мотивациянинг аҳамияти катта. Мотивация-шахсни ўқишга, кўникма ва малака эгаллашга ҳамда ижтимоий-фойдали меҳнатга йўналтирувчи турли сабаблар йиғиндиси. Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг натижаси ўларок, психологик-педагогик ташхис хизматининг кенг кўламда йўлга қўйилиши содир бўлди. Салбий ва ижобий мотивлар, камчилик ва ютуқлар, мақтов ва эътироз, танбеҳ ва рағбат нисбатларининг шахс ўлчамида номувофиқ баҳоланиши яхши натижаларга олиб келмайди. Шу боисфарзанд асосий тарбияни оилада олишини; дастлабки таълим-тарбия элементлари боланинг мурғаклигида шаклланишини; мактабгача таълим турида берилажак маълумотлар ва тарбиявий фикрлар фақат оиланинг шу борадаги фондига ёрдамчи эканлигини; индивидуал ёки табақалаштирилган таълим оммавий ёндашувга нисбатан самаралироқ эканлигини; ўқитувчи ва ўқувчи-талаба муносабатидаги энг яқин ва самимий таъсир функцияси келгуси ютуқларнинг гарови бўлишини; таълим-тарбиядаги муваффақиятларнинг ички (шахсий) ва ташқи (атроф-муҳит) омилларга боғлиқлигини; болалик, ўсмирлик, ўрта ва катта ёшлик ҳамда кексалик даврларидаги ақлий фаолият бир-биридан жиддий фарқ қилишини; балоғат фазасида инсон организмининг физиологик нуқтаи назардан кескин ўзгаришларга учраши, оқибатда таълим- тарбия омилларига бўлган муносабатнинг ижобий ёки салбий тарафларга ўзгариши мумкинлигини; таълимдаги муваффақиятлар шахснинг ўз муаммолари, ақлий ва жисмоний саломатлиги, оилавий аҳволи, жамоатчилик омиллари, моддий таъминоти, қизиқиши ва ўқишга тайёргарлиги, қобилияти, ҳаётда орттирган белгилари, ўқитувчиларнинг касбий маҳорати, мотив ва ҳиссий туйғулари каби

кўпгина ҳолатларга боғлиқлигини педагогик фаолиятда диққат марказида тутган ҳолда ишлаш, ўқитиш ва тарбиялаш лозим.

Педагогик амалиётда педагогик жараённинг моддий, объектив жиҳати доимо руҳий жараёнлар билан қўшилган ҳолда мавжуд бўлиб, бири иккинчисисиз мавжуд бўлмайди. Бу ҳар қандай фаолиятга тегишли, лекин, айниқса, таълим олувчилар, тарбияланувчилар ва тарбиячилар фаолиятига кўпроқ тегишли.

Педагогик жараённи психологик механизмларсиз амалга ошириб бўлмайди.

Одамнинг шахс сифатидаги энг асосий белгиси-унинг ижтимоийлиги. Онг ва психик жараёнлар инсоннинг оламни ва ўз-ўзини англашига хизмат қилади. Бунда биринчи ва иккинчи сигнал тизимлари уйғунликда фаолият юритади. Мулоқот ва фикрни оғзаки ёки ёзма ифодалаш ва масофага узатиш инсон индивидининг энг катта ютуғи. Индивид ижтимоий мавжудот даражасига кўтарилганда шахсий сифатлар мукаммаллашади.

Замонавий таълим технологиялари белгиланган мақсадга мувофиқ йўналиш ва ҳажмга эга бўлган таълим мазмунини Давлат таълим стандартлари, ўқув режаси, ўқув дастури ва дарсликлар асосида етказишга хизмат қилади. Ҳар қандай технология таълим мақсадига мос сабаб билан яратилади.

Педагогик технологияларни қўллаш билан боғлиқ кўпгина ташкилий-методик муаммолар ҳам борки, бугунги кунда уларни, албатта, эътиборга олиш лозим бўлади. Булар-ўқитувчининг касбий салоҳияти ва методик маҳорати, пойиндор билими, ўқув-методик таъминланганлиги, малакасини ошириши ва жаҳон педагогик тажрибасидан хабардорлиги, фуқаролик масъулияти, ахборот оламининг бениҳоя кенгайиб бораётганлиги, таълим муассасаларининг моддий ва маърифий имкониятлари, билим ва касб-ҳунар эгалловчилар контингентнинг дунёқараш кўрсаткичлари билан боғлиқ масалалар. Энг муҳими, замонавий педагогик технологиялардан кенг миқёсда фойдаланиш шиори остидава замонавий технологияларни жорий этиш баҳонасида тарих ва ижтимоий ҳаёт синовидан муваффақиятли ўтиб ва яшаб келаётган анъанавий ўқитиш методикаси, методлардан воз кечиб юбормаслик.

Бироқ ўқитиш жараёни динамик ва барҳаёт жабҳа бўлганлиги туфайли унга янгилик кириши ва янгиланиш амалиётининг давом этиши табиий. Шунинг учун синалган ва самара берадиган педагогик технологияларни қўллаш зарурий ҳол.

Педагогик фаолиятда қўлланиладиган ҳар қандай технологиянинг ишончлилиги, самарадорлиги ва унинг ҳақиқий заруриятини аниқлашда тажриба-синов ишлари муҳим аҳамиятга эга. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий қилиш жараёнида амалга ошириладиган ташкилий ва методик тадбирлар орасида тажриба-синовни ташкил қилиш ва уни ўтказиш муҳим босқич ҳисобланади.

Шунинг учун, ушбу тажриба-синов хусусида қисқача маълумот берилиши мақсадга мувофиқ:

Педагогик тажриба-синов ўтказишнинг асл моҳияти амалдаги педагогик жараёнларни такомиллаштиришга олиб борадиган тадқиқот ишлари ва уларнинг фаразларига мувофиқ, аниқ мақсад сари йўналтирилган янги йўналиш, мазмун, метод, восита ва янги таълим-тарбиявий муҳит яратишдан иборат. Масалани аниқ тасаввур қилиш учун асосий тушунчаларнинг таърифларини аниқлаб олиш лозим. Тажриба-синовларга киришишдан олдин шу соҳага доир мақсадга мувофиқ иш методини белгилаб олиш муҳим. Бу методлар, асосан, юқорида айтилган назарий ҳамда эмпирик тажрибаларга асосланган икки асосий гуруҳга бўлинади.

Тажриба-синовга мавзу қилиб олинган муаммога боғлиқ барча меъёрий ва методик ҳужжатлар, тавсиялар, йўриқномаларни ўрганиб чиқиш зарур ҳисобланади.

Таълим-тарбия муассасалари фаолиятига доир турли ҳужжатларни таҳлил қилиш, педагогик кузатувлар олиб бориш, оғзаки ва ёзма сўровлар ўтказиш, анкета ва тест саволларига жавоблар олиш, турли илғор тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш ишларини амалга ошириш ҳам педагогик тажриба-синовга ёрдам беради.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. "Ўзбекистан Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони, 07.02,2017.

2. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури". -Т.: Ўзбекистон, 1997.

3. Каримов И.А. Ўзбекистонда келажак авлодни маънавий жиҳатдан ривожлантириш ютуқлари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг IX сессиясида сўзлаган нутқи. Ташкент. Ўзбекистон. 998-312 б.

4. Ш.М. Мирзиёев. Биз озод ва обод, демократик давлат Ўзбекистонни бирга қурамиз. - Т: Ўзбекистон" - 2016.

5. Институт Пендидикан Гум Кампус Дато' Разали Исмаил Теачинг Энглиш Граммар ин Малайсиан Примарй Счоолс Мануал фор шорт соурсе, www.энглишфорёунгкидс. сом. 2014.

6. Хошимов Ю., Якубов И. Инглиз тили ўқитиш методикаси. Ташкент, Ўқитувчи. 2003 7. ҳттпс: //уза.уз/оз/политисс/Ўзбекистон-республикаси-президенти-Шавкат Мирзиёевнинг-олий-25-01-2020.

ҳттпс://лех.уз/

# THEORETICAL FOUNDATIONS OF THE FORMATION OF INNOVATIVE EDUCATION IN THE PREVENTION OF SOCIAL ASPECTS OF EXTERNAL INFLUENCES THAT CAUSE NEGATIVE CHANGES IN THE YOUTH OF CENTRAL ASIAN COUNTRIES

*Pulatova Mavluda Sanjar qizi*
*Tashkent State University of Oriental Studies. International relations and world politics specialty 2nd year graduate student*

In the work of the President of the Republic of Uzbekistan Mirziyayev Sh.M. “We will continue our path of national development with value and raise it to a new level” the whole world recognizes that it was one of the cradles of civilization. In order for our country to take a place among the developed countries, the goal of accelerating population education and increasing its efficiency also requires us to use advanced pedagogical measures and technologies.

President Mirziyoyev.Sh.M. In the report of the third session of the second convocation of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, along with showing the tasks that should be performed in the field of spirituality, “... the language, culture, customs and traditions of all nations and peoples living in Uzbekistan is to develop their parents and further expand the conditions. Thus, it is the sacred duty of each of us to preserve the inter-ethnic harmony and stability established in our country, to protect it like the apple of an eye. In the implementation of these tasks, the loyalty of our people to national and universal values is becoming more and more harmonious with the goals and tasks facing society and man. This harmony serves as a basis for strengthening national customs, traditions, and mutual tolerance between peoples.” As a result, respect and faith in national values is growing day by day in human consciousness and thinking, and friendship and cooperation between peoples and nations is developing.

The fifth direction of the “Strategy of Actions on Five Priority Areas of Development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021” developed at the initiative of our country's President Sh.M. Mirziyoyev is aimed at ensuring religious tolerance and inter-ethnic harmony. In addition, President Sh. M. Mirziyoyev's address to the Oliy Majlis dated December 28, 2018 states: “Uzbekistan is always faithful to its traditions in the field of inter-ethnic harmony and religious tolerance, and never deviates from this path. In our country, primary attention is paid to strengthening the environment of mutual respect, friendship and harmony between representatives of different nationalities and religious confessions.” By emphasizing the principles of tolerance in the teaching of subjects such as the national idea and implementing spiritual and moral education based on this, organizing young people's visits to the international cultural center in the republic and thereby expanding friendly communication with representatives of different nationalities, the sense of tolerance can be deeply instilled in the minds of young people.

The great exponents of Eastern pedagogy considered the issue of youth education as a matter of life or death. Studying the history of education and training, we witness that its development and formation over the centuries depend on the activities of teachers and students. Even in the earliest times, mudarris (teachers) searched for

effective methods of education and training and began to implement them. As a result of this, the requirements for the teacher to achieve the effectiveness of education increased even before the era before our era. Various ideas, theories and recommendations for improving the teacher's skills began to appear.

European thinkers in their scientific works have thought about a number of important qualities of a teacher. Among these, it is necessary to note the following points: the teacher must be perfect in all aspects, he is different from people in other professions with his high feelings and emotions, the ability to easily enter the psyche of children, mastering the lessons. Such as conducting individual work with others, the ability to focus students' attention, working independently and improving one's own skills and qualifications, having pedagogical and psychological manners (tact), mastering the art of public speaking . It should be noted that many opinions about the teacher's profession, analyzed by Eastern and Western thinkers, retain their importance to this day, that is, the heritage of ancestors, regardless of nationality and origin. in exchange for improvement, it is now possible to raise education and upbringing to higher standards.

The work of educating a person is an extremely complex process of activity, and mature representatives of society have been involved in this activity since ancient times. This situation means that the content of the education of the young generation and its organization is important in determining not only the development of the individual, but also the development of the society.

It is known that in the regulatory framework of the education sector, the state policy requires further strengthening of the resources, personnel and information bases of today's educational institutions, the educational process with new educational and methodological complexes, advanced pedagogical technologies. the tasks of “full provision” are defined. In order for the countries of Central Asia to become among the developed countries, the goal of accelerating the education of the population and increasing its efficiency requires us to make extensive use of advanced pedagogical measures and technologies.

Logical thinking based on innovative technologies is one of the most important factors in the development of the continuous education system. They are manifested in the integrated system of various initiatives and innovations that lead to certain changes in the educational process, enriching the content, quality and effective organization of education. The rapid development of science, technology and technology, the penetration of new techniques and technologies into all layers of society, the use of information technology tools in all state and non-state institutions require continuous education from teachers.

The field of youth education is one of the first in our country to start an active innovative movement. At a certain stage, at the end of the 20th century, such actions were launched. For example, views on collective teaching of teaching by A.G. Rivin and V.K. Dyachenko, D.B. Elkonin, V.V. Dav`dov, L.V. Zankov on developmental innovative education gained some importance in their time. . At the same time, other innovative educational technologies: dialectical teaching methods (A.I. Goncharuk, V.L. Zarina), individual oriented teaching method (A.A. Yarulov), "Ecology and dialectics" (L.V. Tarasov), heuristic teaching (A.V. Khutorskoy), dialogue culture (V.S. Bibler, S.Yu. Kurganov), project self-reflection (G.P. Shedrovitskaya) and others.

Integration of science and production, cooperation between private entrepreneurs and the state, support of international relations of small and medium-sized innovative business are important conditions for extensive development of innovative activities. It should be noted that almost half of the innovations in the developed countries of the world are carried out by organizations, small and medium-sized business firms.

**List of used literature:**

1. Mirziyoev Sh.M. We will resolutely continue our path of national development and raise it to a new level.-T.: NMIU of Uzbekistan, 2017.-24p.

2. Mirziyoev Sh.M. Address to the Oliy Majlis. T.: NMIU of Uzbekistan, 2019.-40p.

3. Postaluk N. Yu. Designing innovative educational system: regional aspect. (Electronic resource). – Mode dostupa: http: // psychology.narod.ru/121.html.

4. Ellis Arthur, Fouts Jeffrey. Pedagogical innovations / Per. English A.I. Drugova. - M.: ITPIMIO, 1993.

# СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ – ЁШЛАРДА САЛБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ ТАШҚИ ТАЪСИРЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

*Ёрқин Шарапович Туропов*
*Жиззах давалат педагогика университети фалсафа, тарбия ва ҳуқуқ таълими кафедраси катта ўқитувчиси*

Янгиланаётган Ўзбекистонда "инсон – жамият –давлат" қадриятлар парадигмаси асосида олиб борилаётган туб ислоҳотлар натижасида, инсон қадри улуғланиб, жамиятимиз ҳаракатлар стратегиясидан тараққиёт стратегияси сари дадил илгарилаб бормокда.Маълумки, жамият тараққиёти ва инсон манфаатларини таъминлаш таълим ислоҳотларининг натижаларига боғликдир. Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида таълим-тарбия муҳим ва долзарб устувор йўналиш этиб белгиланган.Баркамол авлод тарбиясида оилавий муҳит, жамиятдаги соғлом турмуш тарзининг аҳамияти беқиёс.Шу боис, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аҳоли саломатлигини сақлаш, унинг тиббий маданиятини, ижтимоий соғломлаштириш, соғлом ижтимоий муҳит ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди ва бу борада давлат дастурлари, Президент Фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари асосида катта ишлар амалга оширилиб келинмокда.

Албатта,эл-юртимиз келажаги, Ватанимиз равнақи унинг фарзандлари камолотига боғлиқ.Ҳар қандай инсоннинг мўътабар орзуси, астойдил интилган асосий мақсади — соғлом бола, соғлом насл, баркамол авлод, комил инсонни вояга етказишдан иборат, деган масъулият психологияси жамиятимизда қайта қарор топди. Бугун барча эзгу ишларимиз бошида эл-юрт келажагига бевосита дахлдор ана шу масала турибди.

Жаҳонда турли низо ва зиддиятлар авж олаётгани, терроризм, экстремизм балоси ва бошқа таҳдидлар интернет маконига чуқур кириб, мослашиб олганлиги ёшлар тарбиясида жуда ҳушёр, масъулиятли ва буюк аждодларимиз каби заковатли бўлишни тақозо этади.Мана шундай мураккаб шароитда ёшларимиз сезгир ва огоҳ бўлиши, ҳар бир масалада, аввало Ватан манфаатларини ўйлаб иш

тутиши зарур. Илм-маърифат ва касб-ҳунарга интилиш, оилани муқаддас билиш, маънавий поклик, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат, қадриятларимизга садоқат каби эзгу фазилатлар азалдан халқимиз, миллатимизнинг қонида бўлиб келган. Биз мана шундай бебаҳо меросимизни нафақат асрашимиз, балки уни янада бойитишимиз, келгуси авлодларга безавол етказишимиз керак.[1]

Соғлом турмуш тарзи – шахснинг муайян ижтимоий-ҳуққий, маънавий-ахлоқий, жисмоний-руҳий, маданий шароитларда шаклланган ҳаётий фаолият услуби, уларнинг турмуши, умр мазмуни, жисмоний саломатлиги, ўзаро муносабат маданияти, ҳулқ-атвори, дунёқараши, хатти-ҳаракати тарзида намоён бўлишидир. Шу боис, мамлакатимзда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда баркамол авлод тарбияси катта аҳамият касб этади. Келажагимиз пойдевори бўлган ёшларни тарбиялашда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш орқали миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳини сингдириш ва уларни эъзозлаш ниҳоятда муҳим.

Инсон ҳаётининг фаровонлиги - унинг ижтимоий, жисмоний, интеллектуал, эмоционал, маънавий ва акмеологик ҳолатининг уйғунлашувидан юзага келади. Агар бу жиҳатларнинг бирор соҳасида оқсоқлик юзага келса, самарали натижаларга эришиш мушкул. Инсон учун эса энг қадрлиси - унинг саломатлигидир, Саломатлик - инсон фаолиятида биологик, физиологик ва психологик функциялар, меҳнатга лаёқатлилик ҳамда ижтимоий фаоллигини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш жараёнидир.[2]

Ўзбекистон истиқлолнинг илк кунлариданоқ демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини куришда баркамол инсонни тарбиялашни ўзининг стратегик мақсади деб эълон қилди. Инсон камолоти, энг аввало, сиҳат-саломатлик, тўрт мучали бутлиги билан боғлик. Халқимизда қатор нақл-мақоллар мавжуд: «Соғлом танда - соғлом ақл», «Тани сиҳатлик - туман бойлик», «Тан саломати - жон роҳати», «Кун кўрайин десанг, сиҳатинг сақла». Бир сўз билан айтганда, соғлом турмуш тарзи - ҳаётнинг бош мезони бўлиб қолади.

Жамиятда ахлоқий қадриятлар асосида баркамол инсонни тарбиялаш соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда муҳим омиллардан ҳисобланади. Аммо, инсон соғлом турмуш тарзи масаласи нафақат унингсаломатлиги, руҳий мувозанати ёки истеъмол қиладиган таомига, балки, унинг ахлоқий тарбияси, маънавияти, бир сўз билан айтганда, ижтимоий муҳити билан чамбарчас боғлиқдир.[3] Демак, соғлом турмуш тарзининг асосий мақсади – ахлоқан пок, етук баркамол инсонни тарбиялашдан иборатдир.

Инсон индивидуал соғлиғи - бу организмнинг патологик силжишлардан ҳолилиги, ташқи муҳит билан энг мақбул алоқаси, барча функциялар ҳамжиҳатлиги фонидаги табиий ҳолатидир. Соғлиқ - организмнинг ташқи муҳитга мос бўлган ва организмга энг мақбул ҳаёт фаолиятини ҳамда тўлақонли меҳнат фаолиятини таъминлаб берувчи тузилмавий-функциявий белгиларининг ўзаро уйғунликдаги мажмуи ҳисобланади. Инсон индивидуал соғлиғи - организмдаги барча мавжуд алмашинув жараёнларининг уйғун бирлигидир, бу эса организмнинг барча тизимлари ҳамда қуйи тизимлари энг мақбул равишда фаолият юритиши учун шароит яратади. Саломатлик - фаол ҳаёт максимал давомийлиги шароитида инсоннинг биологик, физиологик ва психологик функцияларини, меҳнатга лаёқатлилик ҳамда ижтимоий фаоллигини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш жараёнидир.

Соғлом турмуш тарзининг тор маъноси остида кўпинча инсон руҳи ва танасининг саломатлиги ҳақидаги типик меъёрлар ва уларга ўтишнинг энг мувофиқ услубларини аниқлаш тушунилади. Агарда саломатликка таъсир қилувчи барча омиллар - ўзаро муносабатлар, иш, турмуш тарзи, уларнинг инсоннинг бутун ҳаёти давомида ўзгариб боришини максимал даражада ҳисоб-китоб қилишни ҳамда улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни баҳолашни мақсад қилиб олсак, соғлом турмуш тарзини янада кенгроқ тушуна бошлаймиз.

Соғлом турмуш тарзининг кенг маъноси - соғлом фикрлаш тарзи, ўзлигини англаш йўли, ривожланиш техникалари бўлиб, уларнинг инсон томонидан тушунилиши ва фойдаланилиши руҳ ва тана саломатлик ҳолатини белгилаб беради. Яъни, соғлом турмуш тарзининг янада аҳамиятлироқ мақсади инсоннинг

заминда яшаш санъатини, жисмонан соғлом танани шакллантириш, тўлиқ ўзлигини англаш, руҳий комиллик ва бахтиёрликка эришишни ўргатиш бўлиши мумкин.

Соғлом турмуш тарзи - шахсий ҳаёт ва атрофдагилар билан ўзаро муносабат масалаларини ҳал қилиш, инсоннинг жисмоний, руҳий ҳолати ва ташқи хулқини белгилаб берувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Соғлом турмуш тарзи инсонни ўз-ўзини ва бошқа одамларни тушуниш асосида хулқ-атвор маданиятига, оила туза олишга, дўстлар танлай олишга, ижобий ўзаро муносабатларни сақлай олишга, келишмовчиликларни ҳал қила олишга ўргатади, бу ҳам инсон ва жамият манфаатларига мос келади.

Бундан ташқари, соғлом турмуш тарзи инсоннинг ҳуқуқий давлат томонидан бериладиган имкониятларни тушунишга асосланадиган турли давлат тузилмалари билан фаол ўзаро муносабатга киришиши ва бунда қобилиятини шакллантириши, шунингдек қонунга ҳурмат, унинг шахслараро ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараёнларни тартибга солишда инсон манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишга йўналтирилгандир.

Инсонга шахс сифатида қарайдиган бўлсак, унинг бу ҳолатини даставвал жамиятда тутган ўрни ва бажарадиган вазифалари ифодалайди. Демак, инсон соғлиғи - давлат мулки бўлиб, оқилона яшашнинг янги йўналиши ҳисобланади. Шунинг учун саломатликни асраш орқали турмуш тарзини мўътадил сақлашга интилиши - давлат аҳамиятига молик вазифалардан бири бўлмоқда.

Соғлом турмуш тарзининг шаклланишига кўплаб табиий-биологик, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-тиббий, экологик-маданий, шахсий-гигеник омиллар таъсир кўрсатади.

Инсонни ўраб турган ижтимоий ва табиий муҳитлар унинг соғлом ва баркамол ривожида асосий ўрин эгаллайди. Уни инсонпарварлаштириш ва соғломлаштириш эса ижтимоий-ахлоқий қадриятларимиз асосида амалга оширилади.

Аҳолининг саломатлиги, оммавий соғлиқ даражасини баҳолаш учун турли кўрсаткичлар қўлланилади:

- демографик (туғилиш, ўлим, ўртача ҳаёт давомийлиги), касалланиш, касалмандлик, ногиронланиш ва ҳоказо. Индивидум саломатлик даражасини аниқлаш, асосан соғлиқнинг баҳоланишига асосланади. Бу эса, биринчи навбатда, организмнинг жисмоний ривожланиши ва функционал ҳолатининг, яъни асосий физиологик захиралар ҳолатининг баҳоланишини ўз ичига олади.

2021 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикасининг ялпи ички маҳсулоти ҳажми 734,6 трлн. сўмни ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан 7,4 фоизга ўсди.[4] Мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатиш тизими тубдан ўзгарди. Ушбу тизимни кейинги тўрт йил ичида соғлиқни сақлаш соҳасини тубдан такомиллаштириш, халқимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлод тарбияси учун зарур шарт-шароитлар яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу йўлда мисли кўрилмаган ишлар қилинди. Президентнинг соҳага оид 50 та фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг 70 дан зиёд қарор ва фармойишлари қабул қилинди. 6 та янги илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этилиб, улар сони 16 тага етди. Аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида ҳудудларда уларнинг 10 та филиали иш бошлади. Туман ва шаҳар шифохоналарида 306 та янги ихтисослашган бўлим, 1 минг 200 та тез тиббий ёрдам шохобчаси очилди.[5]

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг илмий тадқиқотларга асосланган маълумотларига кўра, инсон саломатлиги бир неча омилларга: 19,3% ҳолларда ташқи муҳит; 20,5% ҳолларда ирсият, яъни наслга, 8,6% ҳолларда соғлиқни сақлашни ташкил этишга ва ниҳоят, 51,6% ҳолларда оқилона турмуш тарзига боғлиқ экан. Демак, соғлиғимиз асосан ўзимизга, яъни турмуш тарзимизга боғлиқдир. Шундай экан, соғлом турмуш тарзи - инсон умрини қисқартиришга олиб келувчи касаллик ва сабабларнинг олдини олишга қаратилган ҳаракатлардан иборат бўлган ҳаёт тарзи бўлиб, - меҳнат, турмуш, тўғри овқатланиш, дам олиш гигиенаси, шахслараро муносабатлар маданияти, экологик маданият, ўз организмини физиологик жиҳатдан фаол ҳолатда сақлаш,

бошқаларнинг саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш ва турли зарарли одатлардан сақланиш каби омилларни ўз ичига олади.[6]

Хулоса қилиб айтганда, соғлом турмуш тарзи инсон маънавий камолоти, жисмоний ва бадан тарбиясидан ташқари, унинг ақлий ва гўзаллик тарбияси, шунингдек, ахлоқий ва руҳий тарбиясида ҳам муҳим аҳамиятга эга.Бизнингча, соғлом авлодни тарбиялаш, ёшларни салбий ўзгаришларни келтириб чиқарувчи ташқи таъсирлардан ҳимоя қилишда қуйидаги омиллар муҳим рол ўйнайди:

биринчидан, соғлом бола — аввало, соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир. Шу маънода, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, уларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича шаклланган ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш каби масалалар эътибор марказига қўйилиши зарур;

иккинчидан, соғлом болани вояга етказишда соғлиқни сақлаш тизимининг ўрни ва таъсири, шу билан бирга, масъулияти каттадир. Оналар ва болалар саломатлигини асрашга хизмат қиладиган тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш керак. Аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, санитария-гигена соҳасидаги ишларни янада кучайтириш, тиббиёт ходимларининг бу борадаги масъулиятини янада ошириш даркор. Ҳомиладор аёлларни асраб-авайлаш, ёш оналар ва болаларни талаб даражасида парвариш қилиш, уларнинг овқат рациони, унинг сифати ва калорияси каби масалаларга жиддий эътибор бериш лозим ;

учинчидан, соғлом болани вояга етказишда таълим-тарбия ва спортнинг ўрни ва таъсирини янада кучайтириш лозим. Шу мақсадда янги спорт объектларини қуриш, уларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш;

тўртинчидан, янги авлодни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, ҳеч шубҳасиз, давлат ва жамиятнинг ҳар доим эътибор марказида туриши, давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолиши шарт;

бешинчидан, соғлом бола тарбиясида маҳалла ва ижтимоий тузилмаларнинг катта ўрни ва таъсири бор.Оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини замон талаблари даражасида янада ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Ёшлар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи экан, шубҳасиз, уларнинг бугунги муаммолари ва келажаги билан боғлиқ ҳар қандай вазифа бирламчи аҳамиятга эгадир.Ёшларни ҳар томонлама –жисмоний, интеллектуал ва маънавий баркамол бўлиб вояга етишлари кўп жиҳатдан илмий асосланган тизимли таълим ва тарбиянинг сифати ва самарадорлигига боғлиқдир.замонавий таълим ислоҳотлари таълим-тарбия мазмунига албатта, соғлом турмуш тарзи ғоясини сингдириб юборган бўлиши шарт.Зеро, ёшларнинг онги ва фаолиятида салбий ўзгаришларини келтириб чиқарадиган “оммавий маданият”, истеъмолчилик кайфияти, эскапизм (лоқайдлик, бефарқлик) ижтимоий апатия, гиёҳвандлик, радикализм, терроризм, экстремизм каби турли таҳдидлар ва ташқи таъсирларга қарши кураши маънавий-мафкуравий иммунитет шаклланиши учун ёшларнинг соғлом турмуш тарзи муҳим аҳамиятга эга омилдир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Шавкат Мирзиёев.Ёшлар келажаги билан боғлиқ ҳар қандай вазифа бирламчи аҳамиятга эга. “Янги Ўзбекистон” газетаси, 25 декабрь 2022 йил

2. Халдибекова Ф. Соғлом турмуш тарзи – жамиятимиз тараққиётининг асосий омили. Т.: “Ўзбекистон”. 2013. –Б. 6.

3. Шайхова Х.О., Тиллаева Г.Ҳ. Соғлом турмуш тарзи ва ёшлар камолоти. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2007. –Б. 26.

4. “Янги Ўзбекистон” газетаси, 16 март 2022 йил.

5. Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларнинг янги устувор йўналишлари белгилаб берилди. https://uza.uz/uz/posts/so-li-ni-sa-lash-tizimidagi-islo-otlar-natizhalari-ta-lil-il-09-11-2018

6. Шайхова Х.О., Тиллаева Г.Ҳ. Соғлом турмуш тарзи ва ёшлар камолоти. -Т.: Фалсафа ва хуқуқ институти нашриёти, 2007. –Б. 38.

# КАК РАЗВИВАЕТСЯ РЕЧЬ ДОШКОЛЬНИКА

*Шавкатова Мадина Муротовна*
*ТГПУ им.Низами совместно с БГПУ им.,*
*Максима Танка*
*дошкольное образование 4-курс*

Ключевые слова: социум, развитие детей, онтолингвистика, новые слова, простых и сложных предложений

Для того чтобы успешно существовать в социуме, человеку необходим важнейший навык — умение общаться с другими людьми. Часть информации при общении человек передает собеседнику при помощи жестов, мимики. Но львиная доля ее приходится на то уникальное умение, которое доступно на земле только человеку. Это умение — речь. Нормальное развитие детей непременно включает в себя овладение связной речью. Она не является для людей врожденным умением, и освоить ее малышу придется самостоятельно. Формируясь и непрерывно изменяясь на протяжении многих поколений, речь является одной из самых важных составляющих жизни человека. Перед маленьким ребенком стоит большая, важная задача — овладеть искусством правильно и понятно выражать свои мысли, усвоить все богатство и многообразие русского языка. И ребенок, как правило, успешно справляется с ее выполнением. Основы пользования речью, ее развитие приходится на ранний период детства. То есть в промежутке от года и до 5-6 лет закладывается тот базис, на котором в дальнейшем ребенок будет строить всю свою жизнь в социуме. Развитие речи — уникальное явление, напрямую связанное и с интеллектуальным развитием ребенка, и с его коммуникативными навыками. И, конечно, маленькому человеку в этот период как никогда необходимы помощь и поддержка близких, нужен кто-то, кто сможет направлять его развитие и помогать в освоении богатого и разнообразного языкового материала, научит правильно обращаться с удивительным и сложным инструментом общения — речью.

Развитие связной речи у маленького человека — долгий и сложный процесс. Актуальность этой задачи для дошколенка сложно переоценить. С помощью речи ребенок познает окружающий мир, развивает коммуникативные навыки, ассоциативное мышление. С научной точки зрения этот процесс и его закономерности изучаются даже отдельной лингвистической дисциплиной — онтолингвистикой. Свой первый опыт воспроизведения человеческой речи ребенок черпает из своего ближайшего окружения, слушая и запоминая речь взрослых, которую слышит вокруг себя. Особенности детской психологии предполагают подражательное поведение как одно из основных для маленького ребенка. Психологами и социологами установлено, что дети, проведшие первые несколько лет жизни в социальной изоляции, впоследствии так и не могут окончательно адаптироваться ни к языку, ни к жизни в обществе. Этот факт доказан на примере так называемых диких детей — детей, по каким-то причинам оказавшихся лишенными контакта с людьми в возрасте до 6 лет. Истории о таких детях, повторяющих судьбу героя сказки Киплинга, Маугли, периодически находят документальное подтверждение. Только, в отличие от Маугли, адаптироваться к нормальной жизни ребенок, в раннем возрасте оказавшийся изолированным от человеческого общества, не может. Такие дети с трудом осваивают основы человеческой речи и страдают серьезным отставанием в развитии. Из этого можно сделать вывод, что ранний период развития речи — один из важнейших в общем развитии ребенка, и со стороны родителей этому процессу стоит уделять самое пристальное внимание. Овладение речью является для детей-дошкольников ключевым показателем их общего умственного развития.

Одной из важнейших задач речевого развития детей дошкольного возраста является формирование грамматического строя речи, обучение ребенка правильному и полноценному использованию морфологических и синтаксических средств родного языка. Особенно важно уделять серьезное внимание развитию синтаксиса речи, построению простых и сложных предложений. Развитие речи у детей дошкольного возраста проходит еще один

интересный этап. В возрасте около трех лет или чуть старше ребенок переходит от накопления языкового материала к его активному освоению. Для этого он старается использовать закономерности языка, которые успел проследить для себя на данный момент. У знаменитого детского писателя Корнея Ивановича Чуковского есть вполне взрослая книга «От двух до пяти». Будучи лингвистом, Корней Иванович в этой работе попытался определить, чем же руководствуются маленькие носители языка, ежеминутно создавая новые слова своего особого детского наречия. И что же выяснилось? Оказывается, дети создают эти неологизмы не случайно, а сортируя части слов по смыслу, и составляют их, следуя грамматическому строю русского языка. Так, сухарики превращаются в «кусарики» благодаря смысловому соответствию глаголу «кусать», вентилятор — в «вертилятор», лохматая собака с длинной шерстью емко характеризуется как «мохматая», а прописанный доктором постельный режим тут же становится «постельным лежимом».

Освоение речи ребенком в дошкольном возрасте можно разделить на три этапа, каждый из которых имеет свои особенности. Они тесно взаимосвязаны как с возрастом, так и с общим психоневрологическим развитием малыша.

**Список литература:**

1. Маклаков А. «Общая психология» 2010г.
2. Антонова Л. Г. Развитие речи. Уроки риторики. Ярославль «Академияразвития». Холдинг 2007г.
3. Джежелей О. «Помогайка». М. Просвещение 2004г.
4. Цвынтарный В. В. Играем пальчиками и развиваем речь. Новгород.Флокс 2005г.

# ЖИЗНЕННЫЕ ЦЕННОСТИ СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЕЖИ

*Тўйчиева Саодат Меликўзиевна*
*кандидат психологических наук, доцент,*
*Джумабаева Манзура Багибековна*
*старший преподаватель Ташкентский университет прикладных наук*

**Ключевые понятия:** формирование, молодежь, философия, сознание, ценность, общественная жизнь, преобразование.

**Аннотация.** Данная статья посвящается проблемам формирования жизненной философии, психологических взглядов, ценностных ориентаций современной молодежи. В статье даются пути решения возникающих проблем в формировании мировоззрения и самосознания современной молодежи XXI века.

Быть молодым так же нелегко, как быть взрослым мужчиной или взрослой женщиной. Во всех случаях, молоды вы или нет, главное - дорожить человеческим достоинством. С достоинством не рождаются, оно не достается по наследству, его вырабатывают, лелеют, за него приходиться часто бороться. Молодым не становятся в потоке времени, который, вроде бы, увлекает каждого от детства к юности. Молодым нужно уметь стать.

Молодежь- это особая социальная группа, выделяющаяся не только своей биологией, но и психологией, а так же жизненными ценностями. Эта мысль была выработана в конце 60-х в начале 70х-годов XX века.
